

# ИҚТИСОД

## № 4

### ва ҳисобот

(34)

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг  
Истиқболни белгилаш ва статистика давлат комитетининг  
ойлик ижтимоий-иқтисодий нашри

Бош муҳаррир:  
Исмаи ХУШЕВ

Таҳрир ҳайъати:

**Қаландар АБДУРАҲМОНОВ**

(иқтисод фанлари доктори, профессор)

**Рустам АЗИМОВ**

(иқтисод фанлари номзоди, доцент)

**Лерик АҲМЕТОВ**

(иқтисод фанлари доктори, профессор)

**Абдурафиқ АҲАДОВ**

**Эркин БОҚИБОЕВ**

**Шамил ГАТАУЛИН**

(иқтисод фанлари номзоди)

**Тоҳиржон ИМИНОВ**

(иқтисод фанлари доктори, профессор)

**Иброҳимжон ИСКАНДАРОВ**

(Ўзбекистон Республикаси Фанлар

Академияси академиги)

**Файзулла МУЛЛАЖОНОВ**

**Геннадий МАРА-НОВИК**

(бош муҳаррир ўринбосари)

**Пўлат НОСИРОВ**

(Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги Фанлар

Академияси академиги)

**Шавкат НИЗОМОВ**

(иқтисод фанлари номзоди)

**Леонард ПЕТРЕНКО**

(«Экономика и статистика» ойнмасининг

масъул котиби)

**Фарҳод РЎЗИЕВ**

(иқтисод фанлари номзоди)

**Содиқ САҒОЕВ**

(иқтисод фанлари номзоди, доцент)

**Абдумўмин ТИЛОВОВ**

(«Иқтисод ва ҳисобот» ойнмасининг

масъул котиби)

**Мавлон УМУРЗОҚОВ**

(иқтисод фанлари номзоди)

**Эркин ХЎЖАЕВ**

(иқтисод фанлари номзоди, профес-

сор)

**Мурод ШАРИФХЎЖАЕВ**

(Ўзбекистон Республикаси Фанлар Ака-

демияси муҳбир аъзоси)

**Эркин ШАЙХОВ**

(Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги Фанлар

Академияси академиги)

**Саидахор ҒУЛОМОВ**

(Ўзбекистон Республикаси Фанлар Ака-

демияси муҳбир аъзоси)

**Шухрат ҲОЖИМУРОТОВ**

**Қобилжон ҲАСАНЖОНОВ**

(Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги Фанлар

Академияси муҳбир аъзоси)

## МАЗКУР СОНДА:



**Эргаш АҚРОМОВ:**

Утган 70 йил мобайнида Туркия Республикаси қолақ бир мамлакатдан ривожланган индустриал, аграр мамлакатга айланди. Туркия ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ўз йўлига эга бўлиб, уни «турк йўли», «турк модели» деб аташади. Туркия йўли кўп мамлакатларнинг эътиборига сазовор бўлди.

**Абдумуталиб РИЗОҚУЛОВ:**

Ишбилармонлик—бу янги нарсаларни, гоёларни ўйлаб топиб уларни амалда бажариш ва бошқариш учун тўсиқ бўлаётган қийинчиликлардан қўрқмаслик. Ишбилармонлик бу оқилона иш юритиш билан бирга таваккалчилик ҳамдир.



**Фарида РАҲИМОВА:**

Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида ривожланган мамлакатларда кенг қўлланилиб, катта самара бераётган бошқарув тизимига бўлган қизиқиш кундан-кунга ортиб бормоқда. Чунки ривожланган мамлакатларда иқтисодни самарали бошқаришга оид жўда катта назарий-амалий тажриба орттирилган.



**Анвар АБДУЛЛАЕВ:**

Бизнинг кўз ўнгимизда информацион-компьютер инқилоби амалга ошмоқда. У жамият ҳаётининг ва инсон фаолиятининг барча соҳаларини ахборотлаштириш жараёнидан иборатдир. Унинг пировард натижаси бўлиб янги информацион жамият яратилиш ҳисобланади.



**Одилжон ИМИНОВ:**


Қишлоқ хўжалигининг ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтиши, мулкчиликнинг янги формалари, ишлаб чиқаришнинг ижара ва кооператив асосларининг пайдо бўлиши шароитида ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида хўжалик юритишнинг иқтисодий механизмлари сезиларли даражада кучайиб боради.



ва бошқаларнинг қизиқарли мақолалари билан танишасиз.

# ЯНГИ УЙ ҚУРМАЙ ТУРИБ,

## ЭСКИСИНИ БУЗМАНГ



Ўзбекистон Президенти

шу қондага роя қилмоқда. Қуйида Исло Каримовнинг

«Комсомольская правда» саволларига жавоблари билан танишасиз

— Ўзбекистон тўғрисида гап борганда кўпинча уни яқин ва олис хориждаги воқеаларга катта таъсир қилаётган давлат дейишади...

— Кечирасиз, «яқин ва олис хориж» деган тушунчани мен қабул қила олмайман. Уни собиқ Иттифоқни қўмсаб қийналаётганлар ўйлаб чиқарган бўлса керак. «Яқин» дегани нима-ю, «олис» дегани нима? Ҳар бир давлатни—у хоҳ Россия, хоҳ Украина, хоҳ Беларус бўлсин мустақил деб ҳисоблар эканмиз, уларни худди шундай деб англамоқ керак.

Тўғри, чегараларимиз очиқ, ҳамма нарса қўшниларнинг ўзаро муносабатларига боғлиқ. Чегараларга йўл-йўл чизик тортилган шлагбаум ўрнатишни хаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Лекин бундай шлагбаумларнинг йўқлиги «яқин хориж» тўғрисида гапириш учун асос бўлолмайди. Бу—Иттифоқ бор эди, унда республикалар бор эди, эндиликда улар давлатга айланди деб, эски андазада содда ёндашувдир.

— Яъни сиз учун Украина

яқин хориж, Афғонистон эса олис хориж эмасми!

— Йўқ. Буларнинг ҳаммаси—Ўзбекистон чегарасидан ташқарида, бироқ улар дўст мамлакатлардир. МДХ бизнинг иродамиз билан пайдо бўлгани йўқ, уни бошқалар тузишган. Урта Осиёдаги давлатларнинг унга қўшилишдан бошқа иложи қолмади. Ушанда, башарти биз бу ерда ўзимизнинг яна бир МДХмизни бошқа бирор тусда тузсак, нима бўларди, буни тасаввур қила оласизми! Шунга қарамай мен ҳамиша Ҳамдўстлик тарафдори бўлиб келдим. Ҳамдўстликни мен хўжалик алоқаларини сақлаб қолиш шаклига деб эмас, мулоқот, алоқаларни сақлаб қолишнинг маърифий шакли, деб биламан. Иқтисодий алоқалардан муҳимроқ алоқалар ҳам бор. Бу маънавий алоқалардир.— Бунда жуда катта маъно бор.

— Лекин Минскдаги сўнги учрашувда сиз МДХ низомини баъзи писандалар билан имзолагингиз, уларнинг моҳияти нимада!

— Ҳеч қандай писанда бўлмаган. Мен шунчаки, айрим мамлакатлар

(уларни буюк давлатлар деб атаймиз) эндигина шаклланиб келаётган давлатларга маърифий йўл билан бўлса ҳам тазйиқ ўтказиш воеваларидан воз кечишни сира хоҳламаётганликларини яна бир бор таъкидламоқчи бўлдим. Ҳеч ким юзлаб ёки ўнлаб йил муқаддам бўлганидек, отлиқларни тўплаб ҳужум қилишга шайланмоқчи эмас. Аммо мен таъсир ўтказишнинг ҳозирги усуллари қилич кўтариб, от чоптириб юрилган даврдагидан тажовузкорроқ ва таъсирлироқ бўлиши мумкин десам, фикримга қўшилсангиз керак.

— Сиз иқтисодиётни кўзда тутаясизми!

— Айниқса иқтисодиётни, шу билан бирга сиёсий вазиятни ҳам. Ҳамдўстликнинг биронта ҳужжатида ҳам ички турмушимизга таъсир ўтказишнинг шакли сифатида тазйиқдан фойдаланишга имконият, тирқиш қолдирмаслик керак.

— Исло Абдуғаниевич, Ўзбекистон нисбатан сиз «ўз йўлимиз» деган сўзни тез-тез такрорлайсиз. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобини нашр

**этдингиз. Унинг мазмунини такрорламасдан, асосий қоидалари ҳақида қисқа гапириб бера оласизми?**

— Аввало: иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги ва бунда иқтисодиёт мафкурадан холи бўлиши лозим. Иккинчиси: ҳатто энг доно ва истеъдодли академиклар ва амалиётчилардан иборат бирор гуруҳ эмас, балки давлат бош ислотчи бўлади, деб ҳисоблайман. Бир жамият кетиб, унинг ўрнида бошқа жамият қуриладиган ўтиш даврида айна давлатнинг ўзи бошқарув воситаларини асло қўлдан чиқармаслиги лозим.

Янги уй қурмай туриб, эскисини бузма дейишади бизда. Ҳар қандай ҳолда ҳам биз ўзимизни боқиб, тўйдириб келган нарсаларни вайрон қилишга берилиб кетишга ҳаққимиз йўқ. Биз бирданга эски қонунларни тан олмай қўйдик, янгилари эса ҳали йўқ. Пайдо бўлганлари ҳам мутлақо амал қилмаяпти. Мана энди мен ўз дастуримнинг учинчи бандига яқинлашдим.—Бу банд қонун, аниқроғи қонунга итоаткорликдир. Қонун ҳамма нарсдан устун туриши керак. Бизни узоқ вақт давомида қонунлар бору, лекин уларга риоя қилиш шарт эмас, деган руҳда тарбиялаб келишди. Бизда қонунни ҳурмат қилишдек оддий туйғунинг ўзи йўқ. Шундай экан, биз янги жамиятга қандай қилиб ўтмоқчимиз? Зўравонлик, жиноятчилик пўртанасини қандай қилиб бостиришга умид қиламиз? Инсоннинг ҳуқуқларини ва унинг кадр-қимматини қандай ҳимоя қиламиз? Хусусий мулкни қонун ҳимоя қилмаса, фермерларнинг уйига ўт қўйиш бошланади. Демократик давлат доимий миллатлараро ва ижтимоий можаролар майдонига айланиб кетади. Хуллас, мен учун энг муҳими—қонунийликни ҳурмат қилишдир.

Тўртинчиси, кучли ижтимоий сиёсат. Ўзбекистонда бир киши ўзининг иш ҳақи билан олти-етти кишилиқ оиласини боқади. Россияда бундай эмас. Айтмоқчи, ўтган йили Россия аҳолиси 70 минг кишига камайди. Бизда эса 550 минг киши кўпайди. Шундай экан, айтингчи, Болтиқбўйида, Украинада

ва Ўрта Осиёда бир хил ижтимоий сиёсат ўтказса бўладими?

Менинг назаримда, ҳар бир минтақанинг жамии хусусиятларини, нуфузини, аниқ шароити ва воқеликларини ҳисобга олмай туриб, бозор муносабатларига ўтишнинг бирор модели тўғрисида гапириб бўлмайди.

Башарти биз ўзимизнинг шароитимизда, айтилик, кўп болали оилаларга, қарияларга, бечораҳолларга мадад бермасак,—ҳамма нарса портлаб кетади, ҳеч қандай бозор ёки ишбилармонлик бўлмайди. Айрим газеталарнинг саҳифаларида одамлар ахлатхоналарни титаётгани, болалар садақа сўраб жажжи қўлларини чўзаётгани тасвирланган суратларни кўрган пайтимда бундай инқилобнинг кимга кераги бор?—деб сўрагим келади. Шу сабабли мен, Президент сифатида камбағалларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш йўлини қатъий ва жуда қаттиққўллик билан ўтказмоқдаман.

Ниҳоят, бешинчи қоида. Бозорга босқичма-босқич ўтиш лозимлигига ишончим комил. Сохта инқилобий сакрашларсиз мақсад сари қадамба-қадам ҳаракат қилиш керак. Мен тараққиётнинг эволюцион йўли тарафдориман.

Мисол учун нарх-навонинг оширилишини баъзи мутахассислар нархга эрк бериш дейишади. Монополия шароитида нархга эрк бериш шунга олиб келдики, ҳаётнинг ўзи тўхтаб қолаёзди. Истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳисобга олиб, соғлом рақобат учун шарт-шароит яратмаслик нарх-навони давлат томонидан шунчаки оширишга айланди. Ишлаб чиқариш таназзули давом этмоқда. Менимча, Аркадий Вольский буни аниқ қилиб «домино эффекти» деб атади. Нарх-навонинг ортиши, аввало агар у ҳеч нарса билан чекланмаса ва рақобат бўлмаса ишлаб чиқаришнинг таназзулига олиб боради. Аҳоли даромадлари даражаси камайиб кетади, одамлар ҳеч нарса сотиб ололмайдиган бўлиб қолади ва таажжубки, ишлаб чиқариш камайдиган тақдирда ҳам моллар ўтмай қолади. Ана шуни «домино эффекти» дейишади.

Ўзбекистон бозор иқтисодиётига бошқа давлатлардан яққаланган ҳолда ўта олмайди, албатта. Ўзбекистон илгари халқ хўжалиги деб аталган кўзга кўринмайдиган мажмуанинг бир қисмидир. Биз хоҳлаймизми, хоҳламаймизми барча собиқ СССР республикалари—ҳозирги мустақил давлатлар бир-бирига қарамдир. Агар биз ҳар бир давлатнинг ўз мустақил сиёсатига ҳеч қандай тазйиқ ўтказмай, тўғри тушуниб, ҳурмат билан қарайдиган бўлсак, ана шу қарамликни неъматга айлантириш мумкин.

**— Яқинда сиз банклар пойтахти—Швейцарияга бориб келдингиз. Ўзбекистон ўз пулини жорий этмоқчи эмасми?**

— Пул босиб чиқарадиган станок Россиянинг қўлида, у ерда пулнинг кадрсизланиши қанчалик авж олгани сизга маълум. Шу сабабли, ўртамызда муайян зиддият вужудга келмоқда. Агар бир битта рубль зонасида турган эканмиз, пул босиб чиқарадиган станок ҳам давлатлардан юқори туриши керак. Рубль ҳамма учун ва ҳамманинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда босилиши лозим. Очиғини айтаман, эртага Россия рублни алмаштиришни хоҳлаб қолсачи, деб хавфсираямиз. Унда биз қандай аҳволга тушиб қоламиз?

Россия ўз миллий пулини жорий этмас, экан, Ўзбекистон ҳам бундай қилмайди. Биз битта рубль зонасида эканмиз ўз валютамызни жорий этмаймиз...

**— Россиянинг иштирокисиз Евроосиё иттифоқини тузиш ғоясига сиз қандай қарайсиз?**

— Бу умуман хом хаёл, гапимга ишонаверинг. Евроосиё иттифоқини тузиш, энг аввало, манфаатларнинг муштараклигига асосланиши керак. Турли йўллардан бораётган давлатларни шунчаки тўплаш—бу, агар билсангиз, арзон обрў орттиришни мўлжаллашдан бошқа нарса эмас. Ташаббус ташаббуслигича қолаверади.

**— Ўзбекистон собиқ Иттифоқ республикалари орасида биринчи бўлиб Президенти**

дентликни жорий этди. Сиз Урта Осиёда муқобиллик асосида сайланган бирдан-бир Президентсиз. Шунга қарамай, мухолифларингиз сизни тоталитаризмда айблаб, танқид қилишяпти. Мухолифлар: амалда яширин шароитда ишлаяпмиз, деб ҳисобламоқдалар.

— Энди биз суҳбатимизнинг энг аввалида беришингиз лозим бўлган саволга яқинлашдик, шекилли. Бунда мен москвалик журналистлардан муайян тоифасининг қизиқишини назарда тутаман. Аммо, мен бу ҳақдаги гап бевосита ва менинг иштирокимда бўлишини хоҳлайман.

«Диктаторлик одатлари» ёки усуллари нима дегани? «Тоталитар тузум» ёки яширин шароитда ишлаш, нима дегани? Ҳамма гапнинг исботи бўлиши керак. Бирон-бир қимса давлатда мухолифатни кўрмоқчи бўлса, уни албатта топади.

Биз, жамиятимиз том маънодаги мухолифатга қай даражада тайёр? Мен демократик ва барқарор давлатдаги ижобий мухолифатни тушунаман ва қабул қиламан. Олға томон қилинадиган ҳаракат нуқтаи назаридан ўз дастурига эга, жамиятнинг келажагини англайдиган мухолифларни эътироф қиламан. Бироқ, бозор муносабатлари, демократия сари қийинчилик билан дастлабки қадамлар қўйилаётган шароитда, қалтис асабийлик вазиятида бир гуруҳ кишилар ҳамма нарсани инкор этиб, ўз сиёсатини ҳокимият қилаётган ҳамма ишларга салбий назар билан қараш асосига қураётган экан, уни қандай қилиб жиддий мухолифат деб бўлади, фақат шунинг учунгина улар ўзини қандай қилиб мухолифат, деб ҳисоблайди. Ва энг муҳими—мен сизга ва Ўзбекистондаги асабийлик вазиятини жўрттага кучайтираётган ҳамма кишиларга шундай савол бермоқчиман: бизда шу қадар қисувга олинаятган «ранжиган мухолифат»нинг бирон-бир аниқ ҳаракат дастури ёки программаси борми, шуни айта оласизми?

Яқинда сиз тилга олган «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тарақ-

қиёт йўли» деган китобча босилиб чиқди. Бу рисоланинг номиёқ унинг мазмунини ифодалаб турибди, бироқ бунинг бошқа аҳамияти ҳам бор: барча мухолифларимга бу китобча билан танишишни маслаҳат бераман. Президент қандайдир ҳис-ғаяжонлар, кайфиятлар таъсири остида ғайриихтиёрий иш тутмоқда, деган беҳуда гаплар, Қаримовнинг ҳеч қандай дастури йўқ, деган даъволар бўлмастлиги учун шундай қилиш керак. Айтингчи, мухолифлардан биронтаси бу китобчага қарши чиқдими? Нечундир ҳеч ким уни танқид қилишга, баҳслашишга уринмаяпти. Бунинг сабаби шуки, бу танқидларда кибр-ҳаводан бошқа ҳеч вақо йўқ. Бироқ, ёзилганларнинг ҳаммаси мутлоқ ҳақиқат деб айтмоқчи эмасман...

— Эълон қилинган сиёсат, эҳтимол, ҳаётдан бошқачадир ёки ҳаётга унчалик тўғри келмас!

— У ҳолда савол туғилади, хўш, айнан қайси соҳада шундай? Қайси ишларда қонун бузилган? Такрор айтаман, менинг қоидам—қонунни ҳурмат қилиш, қонунга итоаткорлик. Қаерда ва қайси ўринда қонунларимиз нотўғри ёки демократик халқаро меъёрларга мос келмайди, айта қолсинлар? Бейкер жаноблари Тошкентга келганида: «Келинг, кўзингизни юмиб, «Бирлик» ҳаракатини партия сифатида рўйхатдан ўтказолинг», деб мени кўндиришга узоқ овора бўлди. Мен унга: «Биздаги қонунга мувофиқ, рўйхатга олиш учун мана шу янги партиянинг камиде уч минг аъзоси бўлиши керак», дедим. Аэропортда Бейкерни кутатаётсам, «Бирлик» фаоллари қандайдир қоғозларни узатишмоқда. Келинг, дедим, кўриб чиқайлик: бу ерда бир ярим минг кишининг номи бор. Бейкер яна: «Ҳа, майли, бунга эътибор қилманг», дейди. Мен унга: «Қандай қилиб эътибор бермайман. Мен сизнинг ички ишларингизга аралаша олмайманку. Сиз у ерда давлат котибисиз. Буш жаноблари эса—Президент. У Адлия вазирлигида бирор-бир партияни қонунга хилоф равишда рўйхатга олишни буюра оладими?»—дедим.

«Бирлик» «Йўқолсин руслар!» деган варақалар тарқатганига нима дейсиз. Мен ҳаракат фаоллари билан суҳбат ўтказмоқчи бўлганимда улар: аввал руслар жўнаб кетишсин, дейишди.

Наҳотки, Тожикистон журналистларнинг кўзини очмаган бўлса. Қисқа вақт ичида минглаб, ўн минглаб киши ҳалок бўлди. Бу—даҳшатли рақам. Ваҳшийлик ва ёввойилик. Буларнинг ҳаммаси кимнинг айби билан содир бўлди. Демократик партиялар ниқоби остидаги ақидапараст диндорларнинг қутқуси билан шундай бўлди. Тожикистонда улар учун ижтимоий база мутлақо йўқ. Демократик партиянинг раиси Шодмон Юсупов эса рус кишиларини Тожикистоннинг тутқунлари деб атади. Уша Юсуповни Тожикистоннинг Россиядаги элчиси лавозимига тавсия этишаётган экан, мен буни мутлақо тушунмайман.

Кейинги вақтларда Абдуманно Пўлатов ҳақида кўп ёзишди. Бу ҳақда шуни айта оламаники, суд уни уч йилга ҳукм қилди. Президентнинг авф этиш ҳақидаги Фармонида биноан уни озод қилишди. Менга маълум бўлишича, у уйда, соғ-саломат.

Мухолифларим мени диктатор қилиб кўрсатишни жуда хоҳлайдилар. Тан оламан: эҳтимол, менинг ҳаракатларимда авторитаризм нишонлари бордир. Аммо мен буни фақат бир нарса билан изоҳлайман: тарихнинг муайян даврларида, ҳақиқий давлатчилик қарор топаётган пайтда, айниқса бир тузимдан иккинчисига ўтиш даврида, ҳар ҳолда кучли ижроия ҳокимияти зарур. Қон тўкилишига ва қарама-қаршиликка йўл қўймаслик, минтақада миллатлараро ва фуқаролар тотувлиги, тинчлиги ва барқарорликни сақлаш учун шундай бўлиши зарур, бу йўлда мен жонимни фидо қилишга тайёрман. Таъбир жоиз бўлса демократия сари ҳаракат қилиш учун ҳам шундай бўлиши зарур.

Суҳбатдош: В. ФРОНИН.  
[«Комсомольская правда»  
12 февраль]

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### С. С. САФОЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Сафоев Содиқ Солиҳович Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
1993 йил 2 февраль

## ҚУТЛАЙМИЗ!

Хурматли Содиқ Солиҳович!  
«Иқтисод ва ҳисобот»—«Экономика и статистика» журнали муҳарририяти Сизни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар Вазири лавозимига тайинданганингиз билан чин қалбдан табриклайди. Минглаб журналхонлар Сизни муҳарририятимиз таҳрир ҳайъати аъзоси сифатида яхши танишади. Сиз ишбилармон, ўз соҳасини ва чет тилларини мукамал ўзлаштирган етук мутахассис, халқаро дипломатия қоидаларини, иқтисодиётнинг асосий қонуларини, бозор структурасини, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинаётган қарорлар ва олиб борилаётган ишлар халқимиз турмушини яхшилашга йўналтирилганлигини яхши тушунадиган инсонсиз.

Тошкент Давлат университетини имтиёзли равишда тугатиб, кўп йиллар давомида комсомол ишида меҳнат қилдингиз, сўнгра фаннинг энг мураккаб соҳаларидан бири—иқтисод билан шуғулланидингиз. Кўп вақт партия ишида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси сектор мудири, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг иқтисод институтида фаолият кўрсатгач, Гарвард университетида иш ўрганидингиз. Кейинчалик эса Ўзбекистон Республикаси Президент аппаратида ташқи иқтисодий алоқалар бўлимининг мудири, ташқи иқтисодий алоқалар Вазирининг муовини сифатида юксак иш қобилиятини кўрсатдингиз.

Бугун Сизга давлат аҳамиятига молик муҳим иш топширилди. Янги ҳизмат вазифангизда юксак ижодий кўтаринкилик, ишингизга улкан муваффақиятлар тилаймиз. Ишончимиз комилки, Сиз Ўзбекистон дипломатияси тараққиётига муносиб улуш қўшасиз. Бизнинг нашримиз эса бу соҳадаги ўзгаришларни ҳар томонлама ёритиб боради.

Таҳрир ҳайъати аъзоси сифатида Сиз ҳам бу ишда қатнашиб турасиз деб умид қиламиз.

Хурмат билан  
«Иқтисод ва ҳисобот»—«Экономика и статистика» журнали жамоаси.

## НАРХ-НАВО ВА ОЙЛИК: ЧОРА БОРМИ?

«Правда» рўзномасининг 12 февраль сонида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларда иш ҳақи билан баҳолар ўртасидаги мутаносиблик тўғрисида энг сўнгги маълумотлар қайд этилган. Мамлакатимиз фуқароларининг ўзлари қардош ўлкалардаги аҳвол тўғрисида аниқ бир хулоса чиқариб олиши учун ушбу жадвални тўлиқ келтирамыз.

**РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ:** ойликнинг энг кам миқдори—2250 рубль. 19 хил озиқ-овқат туридан иборат кундалик харид харажатлари, яшаш учун зарур бўлган ашёлар жон бошига 5210 рублни ташкил этади.

**БЕЛАРУСЬ:** республика статистика комитетининг маълумотларига қараганда, энг кам ойлик—3000 рубль. Истеъмол миқдорининг энг паст даражаси—4236 рубль.

**УКРАИНА:** энг кам ойлик 4600 карбованц, истеъмол даражасининг энг кам миқдори январь ойининг бошларида 22000 карбованцни ташкил этган.

**МОЛDOVA:** энг кам ойлик—1700 рубль. Энг кам истеъмол даражасини сақлаб қолиш учун ойига 13000 рубль талаб этилади.

**АРМАНИСТОН:** энг кам ойлик миқдори—2000 рубль. Ойлик истеъмол кўрсаткичи январь охирида 7640 рублда тўхтаган.

**ЎЗБЕКИСТОН:** энг кам ойлик миқдори—2500 рубль. Яшаш учун зарур харажатлар 1993 йилнинг бошларида ойига 2058 рублни ташкил этган.

**КИРҒИЗИСТОН:** яшаш учун зарур харажатларнинг ойлик даражаси 1 январда 3590 рублга тенг бўлган. Мутахассисларнинг фикрича, февраль ойида бу кўрсаткич 8500 рублга чиқади. Республикада энг кам ойлик миқдори 1650 рубль эди. Февраль ойида эса 3200 рублга кўтарилди.

### АЙНИ ЧОҒДА...

Россия Иқтисодиёт вазирлигининг иқтисодий омиллар ва истиқболни белгилаш марказидан хабар қилишларига қараганда, йил бошидан бери озиқ-овқат молларининг нархи 33 фоиз ўсди. Сариеғ, гўшт ва сут маҳсулотларининг баҳоси сўнгги ҳафта давомида энг кўп ортган. Йил бошидан бери гўшт маҳсулотларининг нархи 49 фоиз ўсди, ёғларнинг нархи 45 фоиз ортди, сут маҳсулотлари эса 4 фоиз қимматлашди.

# НЕГА ЎЗБЕКДАН ИШЧИ КАМ?



(ЎКИ МИЛЛИЙ КАДРЛАРГА ЭЪТИБОР ХУСУСИДА)

Мустақил Ўзбекистон давлатига бир томонлама ривожланган иқтисод, маънан ва жисман эскирган, унумсиз саноат ишлаб чиқариши, бошқача айтганда, сифати паст ижтимоий мулк, захар босган далалар, қуриётган Орол мерос қолганлиги ҳақида кейинги йилларда кўп гапирилди ва ёзилди.

Бу вазиятнинг сабаб-оқибатларини, манбалари ва илдишларини аниқлаш тарихий ҳақиқатни тиклаш нуқтаи назаридангина эмас, балки янги давлатнинг имкониятларини, унинг иқтисодий мустақиллиги ва суверенитетини амалга оширишга қай даражада қодирлигини билиш учун ҳам зарурдир. Жумҳуриятнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш эса биринчи навбатда саноат ишчилар синфидаги миллий кадрлар масаласи билан боғлиқ.

Мантиққа қай даражада зид бўлмасин, ҳозир индустриянинг миллий кадрлари шаклланиши жараёнига икки хил қарашни кузатиш мумкин. Биринчисига жамиятшунос олимлар ва сиёсатчилар киради, улар ўзбек халқи ривожланган индустриядан ўз ўрнини топишига, жаҳон тараққиётининг илғор йўналишларини қабул қилишга қодир эмас ва табиатан бу соҳани хуш кўрмайди, дейишади. Уларнинг фикрича, маҳаллий аҳолидан саноат ишлаб чиқаришининг қайта ишлаб соҳасида, маиший хизмат кўрсатишда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Иккинчи томондан,— дейишади улар,— Урта Осиё жумҳуриятларига четдан ишчи кучлари ёлланмаса, икки-уч йилдан кейин бу ердаги замонавий ишлаб чиқаришда малакали мутахассислар ва ишчилар етишмайди. Бундай қарашга амал қилинадиган бўлса, сиёсий ва иқтисодий мустақиллик шароитида жумҳурият эскичасига хом ашё масканлигича қолавериши, иқтисодиётнинг асосий соҳаларини ўзга миллат вакиллари бошқариши керак. Бу билан улар бутун бир халқнинг миллий ғурури, кадр-қимматин ерга урмоқчи, унинг қайта уйғонишига, миллий ютуқларга ва ижтимоий тараққиётга эришишга қодирлигини инкор қилмоқчи бўладилар. Масалан, академик Л. И. Абалкин тўғридан-тўғри шундай деди: «Агар Ўзбекистонда замонавий машинасозлик заводи қуриладиган бўлса, унга хизмат қиладиган кадрларни шакллантириш учун тахминан 25 йил керак бўлади».

Иккинчи гуруҳга, афсуски, жумҳурият назарий мактаби вакиллари киради. Уларнинг «илмий нуқтаи назарлари» гўёки «чуқур илдишларга»— туб аҳолининг ижтимоий ишлаб чиқаришининг миллий-анъанавий соҳаларида, айниқса қишлоқ хўжалигида барқарорлигига асосланади. Улар деҳқон бо-

лаларини фақат ерда ишлаш қаноатлантириши мумкин, дейишади.

Қишлоқ кишисининг бундай қотиб қолган типи таърифи, замонавий қишлоқдаги бугунги деҳқон у ёқда турсин, ҳатто бундан етмиш беш йил аввалги деҳқонга ҳам тўғри келмайди. Бизнингча, бу хилдаги таъриф биринчи навбатда ўзбек халқини эски феодал ва қабилачилик муносабатлари қобилигини ёриб чиқолмаган миллат сифатида тасвирловчиларга қўл келадики, бу тарихий ҳақиқатга батамом зиддир.

Учинчи гуруҳга мансуб олимлар ҳам бор. Улар жумҳурият ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги барча салбий ҳолларни тараққиётнинг нокапиталистик йўли танлаганлиги билан боғлашга уринаптилар. Бу фикрни ҳам у қадар тўғри деб бўлмайди.

Бундай фикр тарафдорлари ўз қарашларини асослаб айтишларида, бу йўл амалда Урта Осиё учун зарур эди, аслида у демократияга, ижтимоий муносабатларни қайта қуришга, шу жумладан, индустриядаги ишчилар синфи миллий отрядларини, фан-техника ва ижодий зиёлиларнинг шаклланишига йўл очувчи буржуа-демократик инқилоби вазифасини бажараётган эди. Ҳамма бало шундаки, бу жараён ниҳоясига етказилмай тўхтатиб қўйилди, иккинчидан, мазкур ғояни амалга ошириш методлари нокапиталистик тараққиёт йўлига мос ва ҳамоҳанг эмас эди.

Шунга қарамайдан, нокапиталистик тараққиётнинг дастлабки босқичини индустриядаги ўзига хос «уйғониш даври» деб аташ мумкин. Айнан шу давр миллий онгнинг ўсишида ва халқнинг мустақил миллий жамоа сифатида шаклланишида бошланиш нуқтаси бўлди. Айнан шу даврда туб аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги фаоллиги, меҳнатнинг замонавий турлари билан шуғулланиши меҳнат кучларининг техник маданияти даражаси ўсиши кучайди.

30-йиллар статистикаси шундан гувоҳлик берадики, Ўзбекистон ССРнинг дастлабки ўн йиллигида саноат ишчилари орасида ўзбекларнинг салмоғи 31,6 фоиздан 42,2 фоизга ўсди. Бу йилларда маҳаллий миллатга мансуб ишчилар сони

Арслон Тўқсонов 1939 йилда туғилган. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг фалсафа ва ҳуқуқ институтида ишлайди. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиёти шароитидаги ривожланиш йўллари, жумладан миллий тикланиш муаммолари билан шуғулланмоқда.

йирик давлат саноатида 50,8 фоизгача етди. Бошқача айтганда, агар минтақада умуман ишчилар сони икки баравар ўсган бўлса, маҳаллий миллат вакиллари орасида 2,5 баравар ўсди. Бу давр учун ўзбекларнинг янги индустрия тармоқларини ўзлаштириши хосдир. Жумладан, 1934 йилда ўзбекларнинг электроника саноатидаги салмоғи 27,5 фоизга, металлни қайта ишлашда—34,9 фоизга, полиграфияда—42,2 фоизга етди. Жамоат ишлаб чиқаришининг миллий-анъанавий соҳалари, жумладан, ипак йиғириш, тўқимачилик, пахта тозалаш саноатида ўзбеклар ишчи жамоаларининг асосий қисмини ташкил этишарди, дейиш мумкин. Маҳаллий миллатга мансуб малакали ишчилар миқдори эса 33,7 фоизга етган эди.

Ўқувчи шундай савол беришга ҳақли: нега жумҳуриятда бугун мутлақо бошқача аҳвол юзага келди? Нега жумҳуриятда маҳаллий миллатга мансуб бир миллиондан ортиқ ишсиз бўлгани ҳолда, саноат корхоналарида 30 мингга яқин бўш иш жойига одам топилмаяпти?

Ушбу саволларга қисқача жавоб бериб айтиш мумкинки, бу ҳодиса урушдан кейинги даврда айниқса яққол сезила бошлади. Бу даврда, биринчидан, собиқ марказнинг буюк давлатчилик сиёсати Бутуниттифоқ меҳнат тақсимотида Ўзбекистонни асосий хом ашё маскани сифатидаги ўрнини сақлашга қаратилди. Бу сиёсатнинг оқибати ҳаммага маълум—Ўзбекистон ҳозир собиқ иттифоқда тайёрланган саноат маҳсулотининг уч фоиздан сал кўпроғини ишлаб чиқаради. Жумҳурият саноатида тайёр маҳсулот салмоғи атиги 50 фоизни ташкил этади. 80 фоиздан ортиқ қишлоқ хўжалик маҳсулоти жумҳурият ташқарисига ҳеч бир ишлов берилмасдан олиб чиқиб кетилмоқда. Иккинчи сабаби шундаки, собиқ Марказ жумҳурият иқтисодиёти тармоқ тизимлари устидан ҳукмронлик қилиб, уни мамлакатнинг индустриалашган минтақаларига тўла тобе қилиб қўйган. Ахир Ўзбекистонга келтирилаётган саноат маҳсулотининг 60 фоизи машиналар, ускуналар, енгил ва озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат-да. Умумий оғирлиги жиҳатидан жумҳуриятга олиб келинаётган нарсалар олиб кетилаётганларидан 2,6 баравар ортиқдир.

Муаммонинг учинчи томони—жамоат ишлаб чиқаришининг миллий-анъанавий тармоқларининг кескин қисқаришидан иборат. Шунинг эслаб ўтиш кифояки, кейинги 50 йилда ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида енгил саноатнинг салмоғи 54 фоиздан 37 фоизга, озиқ-овқат саноати салмоғи эса 30 фоиздан 14 фоизга қисқарди. Машинасозликка келганда, унинг салмоғи 16 фоиздан ортмади.

Бозорни мўл-кўл қилиш учун саноатнинг «Б» группаси (халқ истеъмоли моллари) ҳиссасини кескин ошириш керак. Буни қандай қилиб амалга ошириш мумкин? Аввало ўрта ва майда корхоналарни кўпайтириш лозим. Майда корхоналарнинг йирик корхоналарга нисбатан бир қатор афзалликлари бор. Энг асосийси, бундай корхоналар бозор талабларига тез мослашади. Шунинг учун ҳам капиталистик мамлакатларда майда корхоналар тармоғини кенгайтиришга катта аҳамият берилади. Масалан, АҚШда 1 нафардан 99 нафаргача одам меҳнат қиладиган саноат корхоналарида саноат ишлаб чиқаришидаги жами ишчиларнинг 54,5 фоизи, Японияда эса 77,1 фоизи банд. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич юқори эмас. Масалан, 1988 йилда жумҳуриятимизда юз нафаргача одам меҳнат қиладиган корхоналардаги ишчилар саноатдаги жами ишчиларнинг 3,5 фоизини ташкил этди, холос. Бу корхоналар саноат товар маҳсулотининг атиги 1,5 фоизини беради. 1923 йилда эса майда корхоналар умумий саноат ишлаб чиқаришининг 92 фоизини ташкил этар эди.

Бугунги кунда жумҳурият сифат жиҳатидан янгича давлат-ҳуқуқий статусга эга бўлди, ижтимоий-иқтисодий тараққиётда ўз йўлини яратаяпти. Эндликда унинг елкасидан Марказ ва иттифоқ вазирликлари, маҳкамалари босиб турмайди. Унинг мулки, меҳнат кучлари ва табиий бойликларига ўзидан бўлак ҳеч ким эгалик қилмайди. Иқтисодий сиёсатни белгилаш, у ёки бу тармоқни устун даражада ривожлантириш жумҳуриятнинг ўз ихтиёрида.

Ўз олдига иқтисодий мустакилликка эришишни ва тараққий этган жамоат ишлаб чиқаришини бунёд этишни мақсад қилиб олган давлат учун бугунги кунда ишчи кучларининг шунчаки бандлиги эмас, балки юқори ихтисосни талаб қиладиган иш жойларида ишлаб оладиган, пухта

тайёргарликка эга бўлган ишчилар керак. Бу ишни махсус фармонлар декретлар қабул қилиш ва ёки маҳаллий аҳолига алоҳида имтиёзлар бериш йўли билан ҳал қилиб бўлмайди. Қолаверса, бундай қилиб ҳуқуқий демократик жамият тузишни мақсад қилиб олган давлатнинг асосий принципларига зиддир.

Бугунги кунда индустрия ишчилар синфининг миллий отрядини шакллантириш учун мутлақо янгича услуб ва ёндоршувлар зарур, уларни ишлаб чиқишда ва индустрия миллий кадрларини ривожлантириш жараёнларини бошқаришда бир қатор объектив шароитларни ҳисобга олиш керакки, шулардан бири меҳнат кучларининг ишчанлик даражаси масаласидир. Бизнинг фикримизча, ҳозирги пайтда маҳаллий аҳолига мана шу фазилатлар етишмай турибди. Масалан, саноатда банд бўлган кишиларни олайлик. Уларнинг бир қатор йирик саноат ишлаб чиқаришларида қандай меҳнат билан банд эканликларини таҳлил қилиш шунки кўрсатаётгани, уларнинг 60-70 фоизи асосий эмас, балки ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлинмаларида, яримдан ортиғи эса малака талаб қилмайдиган иш жойларида бандлар. Маҳаллий миллат вакиллари етакчи касб эгалари орасидаги салмоғи ҳам кам. Жумладан, уларнинг токарлар орасидаги салмоғи 42,4 фоизни, силлиқловчилар орасида 37,1 фоизни, фрезерчилар орасида 37,9 фоизни, металл кесадиган станокчилар орасида 34,5 фоизни, слесарь-асбобсозлар орасида 38,6 фоизни, пайвандчилар орасида 42,5 фоизни, ускуналарни соловчилар орасида 50,6 фоизни ташкил этади.

Банд бўлмаган меҳнатга яроқли аҳолининг ишчанлик даражаси ҳам юқори эмас. Жумҳурият Давлат статистика божқармаси ўтказган рўйхат натижаларига биноан, савол-жавоб қилинган 590 минг нафар ишсиздан фақат 19,7 фоизи махсус касб илмига ва тайёргарлигига эга эканликлари маълум бўлди. Қолганлар амалда ўзларининг сифат кўрсаткичлари билан саноат ишлаб чиқаришидаги бўш иш жойлари кўпроқ малакали мутахассислар томонидан эгалланади. Бу кўрсаткич 1987 йилда бу ерда ишчи кучига бўлган талабнинг 78 фоизини ташкил этди.

Ўзбекистон бу кўрсаткичга яқин беш-ўн йилда эришиши қийин. Биринчидан, жумҳуриятда ҳунар-техника билим юртларининг имкониятлари чекланган: уларни битириб чиқаётганлар орасида ҳар учтасидан биттасигина ишчи касбларини эгаллапти; иккинчидан, ҳар бешинчи ҳунар-техника билим юртидагина замонавий касблардаги ишчилар тайёрланади. Масалан, 1989 йилда жумҳуриятдаги ҳунар-техника билим юртларини битирган 142 минг йигит ва қиздан фақат 1.660 нафаригина мураккаб ва юксак малакали касблар бўйича тайёргарликдан ўтдилар.

Ўзбекистон халқ хўжалиги бозор муносабатларига ўта бошлаши ва барча ижтимоий-иқтисодий тизим қайта қурилиши муносабати билан меҳнатга лаёқатли кишиларга касб ўргатишда янги қийинчиликлар юзага келди. Бир қатор билим юртларининг қайта ихтисослаштирилиши умумий вазиятни ўзгартирмади. Ушбу соҳа раҳбарлари ўз-ўзини танқид руҳида айтаётганларидек, жумҳуриятда янги иқтисодий шароитларда ишлаб чиқаришда амалда зарур бўлган касб эгалари билан ҳунар-техника билим юртларида маълум касблар бўйича тайёрланаётган ишчилар ўртасида номуносиблик мавжуд.

Ўзбекистонда ўзбек миллати вакиллари индустриалашган ишлаб чиқаришга ялли жалб қилиш шарт эмас; кўп миллатли аҳоли шароитида ривожланаётган иқтисодиёт талаблари шундай қилишни тақозо этмайди ҳам. Энг муҳими, ишчи кучларининг умумий маданий-техник даражасини кескин ошириш керакки, токи улар тез ўзгараётган ишлаб чиқариш висоталари, технология жараёнлар шароитида ортиқча қийинчиликларсиз янгича техника ва технологияни пухта ўзлаштириб, қайта тақсимлансинлар. Касб малакаси ва маҳорати—аҳолининг ижтимоий ҳаракатчанлиги, сифат даражасини белгилувчи омиллар эканлигини унутмаслик керак.

**Арслон ТЎҚСОНОВ,**  
**Ўзбекистон Фанлар Академияси**  
**И. Мўминов номидаги**  
**фалсафа ва ҳуқуқ институтининг**  
**етакчи илмий ходими,**  
**фалсафа фанлари номзоди.**

# ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ



(ЁКИ УНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИ)

(БИРИНЧИ МАҚОЛА)

Туркия республикасининг XX аср тарихи бу давлатнинг атоқли арбоби Мустафо Камол номи билан боғлиқдир. 1923 йилнинг 23 апрелида Туркия мамлакатининг Олий миллий мажлиси бўлиб ўтди ва бу мажлисда Мустафо Камол (уни турк халқлари Отатурк, яъни туркларнинг отаси деб атаган) қўл остида Туркия буржуа-демократик республикаси деб эълон қилинди.

Утган 70 йил мобайнида Туркия Республикаси қолоқ бир мамлакатдан ривожланган индустриал, аграр мамлакатга айланди. Туркия ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ўз йўлига эга бўлиб, уни «турк йўли», «турк модели» деб аташади. Туркия йўли кўп мамлакатларнинг жумладан, Ўзбекистон Республикасининг ҳам эътиборига сазовор бўлди. Туркия Республикасининг ривожланиш йўлидаги тажрибасини ўқиш, ўрганиш, тушуниш ва ундан фойдаланиш мустақил Ўзбекистон Республикаси учун катта аҳамиятга эга бўлган муаммолардан биридир. Чунки, республикаимиз мустақиллик йўлида бевосита ўз тажрибасидан ҳамда ривожланган мамлакатларнинг охириги даврда бозор иқтисодиёти имкониятларидан кенг фойдаланиш тажрибасидан фойдаланиши лозим.

Маълумки, XX асрда ижтимоий ривожланишни тубдан янги усуллар билан ташкил этиш борасида Америка қўшма штатлари, Ғарбий Германия, Франция, Япония, Жанубий Корея, Сингапур, Таиланд, Туркия мамлакатлари бой тажрибага эга бўлишди. Шу билан бирга Оврўпа, шарқ мамлакатлари ҳам эътиборга сазовор тажрибага эга бўлдилар.

Ўзбекистон республикаси учун Туркия иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ривожланиш йўли алоҳида ўрин тутди. Чунки Ўзбекистон ва Туркия Республикалари табиий, тарихий, маданий, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш шароитлари, мавжуд имкониятлари нуқтан назаридан бир бирларига яқин. Лекин бу гапдан республикаимиз фақатгина Туркия Республикаси йўлидан боради деб хулоса чиқариш керак эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов бу борада тўхталиб ўз чиқишларида фақатгина Туркия Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тажрибасидангина эмас,

балки бошқа мамлакатларнинг тажрибасидан ҳам фойдаланиш лозимлигини бир қанча марта таъкидлаб ўтди. «Ўзбекистон—дейди И. А. Каримов—бошқа давлатлар тараққиёти жараёнида тўпланган ва республика шароитига тадбиқ қилса бўладиган барча ижобий ва мақбул тажрибаларидан шак-шубҳасиз самарали фойдаланади».

Шу муносабат билан Туркия Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тажрибаси, Туркия йўли, Туркия модели нима, унинг мазмуни, тарғиб қилиш усуллари ва унинг асосий ижтимоий-иқтисодий натижалари нималардан иборат деган саволлар туғилади, бу саволларга жавобни республикаимиз мутахассислари, кенг меҳнаткашлар оммаси билиши лозим.

Биз мазкур мақоламизда шу саволларга қисқача жавоб бериш ниятидаимиз.

Турк йўли тўғрисида гап борар экан, аввало шу нарсани таъкидлаш керакки, Турк йўли икки босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқичи Мустафо Камол—Отатурк, иккинчи босқичи Турғут Озал номлари билан боғлиқдир.

Отатурк 1923 йили буржуа демократик республикаси деб эълон қилинган Туркия Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурини қуйидаги принципларда асослади:

1. ижтимоий-иқтисодий ривожланишда юқори ривожланган ғарбий мамлакатларнинг моддий ва маънавий бойликларидан фойдаланиш;
2. Кўп йўналишдаги иқтисодиётни барпо этиш;
3. республиканинг ривожланишида давлат, ҳукуматнинг роли, иштирокини ошира бориш;
4. халқ ҳўжалигининг бошқарилишида режалаштириш принципларидан фойдаланиш;
5. мамлакатда ижтимоий ҳаётни демократиялаш;
6. халқ маориф системасининг ривожланишини замонавий индустриал жамиятни барпо этиш билан мослаш;
7. республика халқ ҳўжалигининг ривожланишини ижтимоий муаммоларни ечишга сафарбар қилиш;



8. мамлакат ижтимоий ишлаб чиқаришдаги ривожланишни импорт сиёсатига асослаш;

9. республикани мусулмон дин мамлакати сифатида сақлаб қолиб, динни давлатдан ажратиш ва давлат тузумини киборлар тузумига айлантириш.

Бу принциплар 1923 йилдан бошлаб амалга оширила бошланди. Уларга асосланиб Туркия давлати, ҳукумати керакли тадбирларни амалга оширди. Мамлакатда араб ёзувидан лотин ёзувига ўттиришди. Бу тадбир ривожланган ғарбий мамлакатларда лотин ёзувида нашр этилган илмий ва адабий бойликлардан фойдаланишда катта ёрдам берди ва Туркия Республикасининг ривожланган давлатлар билан маънавий алоқаси, яқинлигини кучайтирди. Туркияда ғарбга нисбатан ҳурмат-иззатни ифодаловчи эсдаликлар кам эмас. Жумладан, Польша ёзувчиси Мицкевичнинг музейи ташкил қилинган. Натижада ғарбий мамлакатларда Туркия мамлакати халқига нисбатан ҳурмат билан қараш ва ишонч пайдо бўлди.

Кўп йўналишли иқтисодиётни барпо этишда аввало хусусий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан бирга давлат ижтимоий-иқтисодий йўналиш ташкил этилди. Бу борада Туркиянинг ўзига хос хусусияти шундаки, мамлакатда давлат мулки, йўналиши мавжуд хусусий мулкни, йўналишининг бир қисмини кўзғолон йўли билан экспорция қилиш натижасида эмас, уни давлат томонидан сотиб олиш усули билан амалга оширди. Демак, Туркия халқ хўжалигини ривожлантиришда бевосита капиталистик усуллар, йўл билан бир қаторда социалистик йўлнинг бир хил кўринишларидан фойдаланган. Ижтимоий давлат хўжалигини ривожлантиришда миллат миқёсида кенг халқ оммасининг эҳтиёжлари, манфаатлари эътиборга олинган.

Мамлакатда хусусий ишлаб чиқариш, хусусий мулкчилик асосий рол ўйнашига қарамасдан, мамлакат иқтисодиёти йўналишларини аниқлашда давлат иқтисодий сиёсати кенг эътиборга олинган.

Бу муаммони мамлакатда амалга оширилган капитал қўйилмалар—инвестиция сиёсатида кўришимиз мумкин.

Қирқинчи, эллагинчи йилларда давлат иқтисодий сиёсатида асосланиб давлат капитал маблағлари халқ хўжалигининг ижтимоий тармоқларини ривожлантиришга, хусусий капитал қўйилмалари эса савдо тармоғидан моддий ишлаб чиқаришни ривожлантириш суръатларини кўтариш учун сафарбар этилган. Олтмишинчи йилларда эса давлат капитал қўйилмалари асосан ижтимоий ишлаб чиқаришнинг биринчи қисми, яъни ишлаб чиқариш воситаларни барпо этувчи тармоқларни ривожлантириш учун фойдаланишган. Бу тадбир бутун халқ хўжалигини, моддий ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базасини юқори суръатлар билан ривожлантириш имконини беради.

Туркия Республикаси Совет давлатининг тажрибасига асосланиб халқ хўжалигини ривожлантиришда беш йиллик режалар тузиш тажрибасидан фойдаланди. 1964-1969 йилларда биринчи беш йиллик режа республика халқ хўжалигида давлат ва хусусий ижтимоий-иқтисодий укладларни баланслашга бағишланган эди. Иккинчи ва учинчи беш йилликлар мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида хусусий укладни тараққий эттириш суръатларини кўтаришга бағишланди.

Мамлакатда ижтимоий ҳаётни демократиялаш, кўп партиялилик, касаба уюшмалар ҳаракатини ривожлантириш, инсон ҳуқуқини кўтариш, меҳнат-кашларнинг ишлаб чиқаришни бошқаришда иштирок

эттириш йўллари билан олиб боришди. Амалга оширилган бу тадбирлар мамлакатда сиёсий плюрализм, давлат ва хусусий укладларни биргаликда, бир-бирига мослаб ривожланишига имкон берди.

Туркия Республикасининг халқ маориф системаси ислохотида бағишланган тадбирлари қуйидаги вазифаларни бажаришга сафарбар қилинган эди:

мамлакат миқёсида бутун маориф системасининг ҳамма босқичларини бирлаштирган ягона маориф системасини ташкил этиш;

бутун маориф системасини республиканинг янги иқтисодий стратегияси—бозор иқтисодиётига асосланган индустриал жамиятни қурish учун сафарбар этиш;

— маориф системасининг ҳамма босқичларини ижтимоий ишлаб чиқариш билан чамбарчас боғлаш, ўқув жараёнида фан, техника, компьютер системасидан кенг фойдаланиш;

— маориф системаси керакли илм бериш билан бир қаторда яна халқ хўжалиги учун керак бўлган мутахассислар тайёрлаш, уларни қайтадан тайёрлаш вазифасини ҳам юқори даражада бажариш;

— ўқув жараёнида, мутахассислар тайёрлашда чет тилларни ўқитишга, уларни мукамал ўргатишга эътибор бериш.

Кўриниб турибдики, турк халқ маорифи кўп самарали хусусиятларга эга бўлиб, уни амалга оширилиши ишлаб чиқаришни, халқ хўжалигини юқори суръатлар билан ривожлантиришга ёрдам берди.

Юқори мутахассисликга эга бўлган турк ишчилари фақатгина мамлакат корхонасида, ташкилот, муассасаларда эмас, балки чет мамлакатларда ҳам ишлайди. Маълумки, ижтимоий ривожланиш кўп давлатларда характерли йўлди. Лекин Туркия ҳукумати амалга оширган ижтимоий дастур ўз хусусиятларига эга.

Ижтимоий ривожланиш тўғрисида гап кетганда кўпинча Швецияни эсга олишди. Бу борада, албатта, Швеция анча ютуқларни қўлга киритди. Лекин бу мамлакатнинг ижтимоий ривожланиш йўли давлат органларининг халқ хўжалиги ривожланишига аралашуви, бошқарув ролида бўлиш, солиқ сиёсати асосида бўлса, Туркиянинг ижтимоий ривожланиши мамлакатда давлат ижтимоий-иқтисодий укладни барпо этишга халқ хўжалиги ривожланишига давлат томонидан бошқарувчилик қилиш, режалаштириш принципларидан фойдаланиш билан солиқ сиёсати, молия-кредит системасининг имкониятларидан фойдаланишга асосланган.

Туркия Республикаси мусулмонлар дунёсидаги бирдан-бир киборларнинг давлат тузумига асосланган, дин давлатдан ажратилган мамлакатдир. Мамлакатда дин давлат, ҳукумат устидан ҳукмронлик қилмайди. Лекин турк халқи диний, ислом динининг бир йўлланмаси—суннитизмга сифнади ва дин мамлакатнинг ижтимоий ривожланишида, албатта катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам Туркия давлати бошқа мусулмон давлатлар билан кенг ҳамкорликда ва халқаро иқтисодий дин ташкилотлар фаолиятида қатнашади. Туркия Республикаси халқаро иқтисодий дин ташкилотлардан «Ислом анжуманини ташкил қилиш», «Ислом банк системасига аъзодир. Ислом динидан буржуа демократик давлатнинг эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланилади.

Юқорида қайд қилинган принциплар, амалга оширилган тадбирлар мамлакатнинг объектив ва субъектив имконият ва шароитларига мос келиб улар республиканинг ривожланишида катта рол

ўйнайди, иқтисодий ривожланиш суръатларини кўтарди.

Авваломбор мамлакатда халқ ҳўжалигини, моддий ижтимоий ишлаб чиқаришда ялпи миллий маҳсулотнинг таркиби такомиллаштирилди.

Агарда 1962 йили халқ ҳўжалигида банд бўлган меҳнат ресурсларининг қишлоқ ҳўжалигида 77 фоизи, саноат ва қурилишда 7,5 фоизи, хизмат кўрсатиш тармоқларида 14 фоизи банд бўлган бўлса, бу кўрсаткичлар 1983 йили 54,7; 14,5 ва 30 фоизларни ташкил этди. Демак, мамлакатда индустриал ва ижтимоий ривожланиш кучайди. 1950 йили ялпи миллий маҳсулот таркибида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулоти 41 фоизни, саноат ва қурилиш маҳсулоти 13 фоизни, халқ ҳўжалигига ва аҳолига кўрсатилган хизматлар 40 фоизни ташкил қилган бўлса, 1980 йилга бориб бу кўрсаткичлар 22; 26,2 ва 51,8 фоизни ташкил этди.

Мамлакатда кўп укладли иқтисодий барпо этилди. Бу йўлда мамлакат иқтисодий ҳар хил босқичларни босиб ўтди. Агарда 30 йилларда республика асосан либерал капиталистик йўл билан ривожланган бўлса, келгусида республика халқ ҳўжалигининг ривожланишида ижтимоий манфаатларни, ижтимоий эҳтиёжларни эътиборга олиш принциплари кучаяди. Шундай қилиб Туркия Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўли-моделининг асоси республиканинг биринчи Президенти, мамлакатнинг давлат ва ҳарбий арбоби, турк халқининг атоқли ўғли Мустафо Камол—Отатурк ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланиш дастуридан бошланади ва унинг асосий принциплари амалга оширилади.

Лекин Отатурк вафот этгандан сўнг (1938 йил), айниқса иккинчи жаҳон урушидан кейин Туркия Отатурк бошлаган прогрессив буржуа—демократик инқилобий ўзгаришлардан воз кеча бошлади. Туркия 1952 йили НАТОга аъзо бўлди. АҚШ билан кенг иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий алоқаларни боғлади. Давлат бюджети ҳарбийлаштирилди. Давлат бюджетига ҳарбий харажатлар 20 фоиздан кўпни ташкил этди.

1978-80 йилларда Туркия тарихида бўлмаган иқтисодий инқирозга дуч келинди. Юқорида қайд қилинганидек, Туркия Республикасининг иқтисодий ривожланиши импорт сиёсатига асосланган эди. Барпо этилаётган корхоналар учун хом ашё, керакли нарсалар анча бой мамлакатлардан келтирилди. Бу мамлакатлардан келтириладиган хом ашё вақтида олиб келинмаса ёки кам келтирилса мамлакат иқтисодий оғир аҳволда тушиб қоларди. Бу ҳолатни масалан, мамлакат корхоналарини нефть билан таъминлаш борасида кўришимиз мумкин. Дунё миқёсида рўй берган энергетика инқирози натижасида Туркия республикасига импорт қилинадиган нефть камайди. Туркия корхоналари ишлаб чиқаришни камайтиришга, уни батамом тўхтатишга мажбур бўлишди. Натижада Туркия ҳукумати учинчи табақа ишлаб чиқарувчилар химоясидан ажралди. Саноат, қишлоқ ҳўжалиги ривожланишида турғунлик бошланди. Ишсизлар сонини кўпайди. Мамлакат молиявий нуқта назардан оғир аҳволга тушиб қолди. Иш ташлашлар кўпайди. Корхона эгалари иш ташлашга жавобан ўз корхоналарини беркита бошладилар. 1979 йили ялпи миллий маҳсулот 0,3 фоизга, 1980 йили 1,1 фоизга камайди. Бир йиллик инфляция 100 фоиздан ошиб кетди. Туркия давлатининг ташқи қарзи 11,4 миллиард долларга етди.

Бу ҳолат Туркия Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлини қайтадан кўриб чиқишни, янги иқтисодий ривожланиш дастурини ишлаб чиқишни объектив равишда талаб қила бошлади. Шу билан Туркия Республикасининг XX асрда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг биринчи босқичи тамом бўлди.

Туркия Республикаси ижтимоий ривожланишининг иккинчи босқичи, юқорида айтилганидек, Туркия Республикасининг атоқли сиёсий арбоби Турғут Озал номи билан боғлиқ. Турғут Озал Туркия Республикаси Бош Вазирининг маслаҳатчиси, Бош Вазир ва 1989 йилдан ҳозирги давргача республиканинг Президенти бўлиб ишляди.

Турғут Озал 1980 йили, яъни Бош Вазирнинг маслаҳатчиси лавозимида ишлаётган пайтида Халқаро валюта фонди, Халқаро банк билан ҳамкорликда Туркия Республикасининг янги стратегияси дастурини тузиб, уни ҳукуматга топширди. Бу дастур «Озал модели» номи билан республиканинг ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ривожланиш тарихига кирди.

Туркия ҳукумати бу дастур асосида шу йилиёқ «Туркия иқтисодий бошқариш чоралари пакети» қабул қилди. Демак Турғут Озал тузган ва тавсия қилган дастур амалга оширила бошланди.

Дастурда индустриал ривожланиш ва мамлакат табиий бойликларидан оқилона фойдаланиш асосида Туркия Республикасининг иқтисодий потенциалини кўтариш вазифаси қўйилган эди. Лекин тинч ривожланиш узилиб қолди. Чунки 1980 йил 12 сентябрда мамлакатда ҳарбий тўнтарув ўтказилди. Мамлакатда ҳокимият Туркия Республикасининг армияси генерал штабининг бошлиғи К. Эверн қўл остида ҳаракат қилаётган ҳарбийлар қўлига ўтди. Ҳарбий ҳукумат 1961 йилда қабул қилинган республиканинг конституциясини бекор қилди, мамлакат парламентини тарқатиб юборди, сиёсий партияларни таъқиб этди. Лекин ҳарбий ҳукумат Турғут Озалнинг республика иқтисодий барқарорлаш дастурини амалга ошириш ишларини даволат эттирди. Турғут Озал ҳарбий ҳукумат таркибида бош вазирнинг ўринбосари қилиб тайинланди.

1982 йили янги конституция қабул қилинди.

1983 йилнинг охирида армия назорати остида мамлакат парламентида ҳаракатда бўлган 13 партиялардан 3 партия вакиллари иштирокида сайловлар ўтказилди. Бу сайловларда Турғут Озал ташкил қилган «Ватан партияси» ғалаба қозонди, ҳарбий ҳукумат фуқаролар ҳукумати билан алмаштирилди ва Турғут Озал янги ҳукуматнинг Бош Вазирини қилиб тайинланди. Бу вазифани Турғут Озал 1983-1989 йилларда бажарди ва у 1989 йили Туркия Республикасининг Президенти этиб сайланди.

Янги ҳукумат, албатта, 1989 йил 14 январда қабул қилинган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурини амалга оширишни даволат эттирди.

1980 йил 24 январда қабул қилинган мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш моделининг муаллифи Турғут Озал «Бизнинг либерал иқтисодий сиёсатимизга алтернатив йўқ» деган эди.

Савол туғилади, Турғут Озал ишлаб чиққан, амалга ошириш учун ҳукуматга тавсия қилинган Туркия модели—ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурининг мазмуни нимада? Мазкур дастур қандай принципларга асосланган?

Биринчидан, Турғут Озалнинг иқтисодий дастури Туркия ижтимоий-иқтисодий ривожланиш моделини барпо этишда юқорида айтилганидек, иккинчи босқични ифодаляди.

Иккинчидан, Турғут Озал дастури ўз вақтида Отатурк асосланган ғарбий мамлакатларнинг моддий ва маънавий бойликларидан оқилона фойдаланиш, кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида режалаштириш принципларидан фойдаланиш, бу ривожланишда ҳукумат, давлатнинг бошқарув ролини кўтариш, мамлакатда ижтимоий ҳаётни демократиялаш, халқ маорифи системасини индустриал жамиятни барпо этишга мослаш, халқ хўжалигининг ривожланишини таъминлаш, республикада мусулмон динини зодагонлар давлат тузуми билан боғлаш принципларини ҳам ўз ичига олади.

Учинчидан, бу илгари асосланган принциплардан ташқари Турғут Озал иқтисодий дастури қўшимча қуйидаги янги принципларни ўз ичига олади:

мамлакатда импорт сиёсатидан экспорт сиёсатига ўтиш ва бошқа давлатлар билан иқтисодий алоқаларни янги асосда янада кучайтириш;

ташқи рақобатда бардош бериш мақсадида, халқ хўжалиги самарадорлигини ошириш учун ижтимоий ишлаб чиқариш, моддий-техника базасини қайтадани қуриш, уни замонавийлаштириш;

очиқ бозор иқтисодиётига ўтиш;

хусусий ижтимоий-иқтисодий ишлаб чиқариш укладини юқори суръатлар билан ривожланишини таъминлаш;

ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда ғарбий индустриал давлатлар, айниқса АҚШ билан яқин муносабатда бўлиш;

халқ хўжалигини, айниқса қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ҳукуматнинг ёрдамини, ҳамкорлигини таъминлаш;

фан-техникадан тўлиқ фойдаланиш, фан-техникани ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ривожланишини асосий шартига айланттириш;

давлат корхоналарининг бир қисмини хусусийлаштириш;

меҳнат қобилиятига эга бўлган аҳолини иш жойлари билан таъминлаш.

Кўриниб турибдики, Туркия ижтимоий-иқтисодий ривожланиш модели Турғут Озал қўл остида янада бойида, мукаммаллашди.

Туркия моделига оид бўлган ва янги принципларни 1980 йилдан бошлаб Турғут Озал қўл остида янги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш шароитида амалга оширилди ва бу борада ҳукумат томонидан кўп тадбирлар кўрилди.

Туркия иқтисодиётини янги шароитда ривожлантириш борасида импорт сиёсатидан экспорт сиёсатига ўтилиши жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

Илгари ижтимоий ишлаб чиқариш импорт сиёсатига асосланган эди. Туркия корхоналари асосан ташқи мамлакатлардан келтириладиган хом ашё, айниқса нефт ва деталларга асосланган, уларга қарам эди. Натижада халқаро вазиятнинг ўзгариши, ашёларга жаҳон баҳоларининг ўзгариши Туркия иқтисодиётига катта салбий таъсир кўрсатар эди. Бу ҳолатни қуйидаги иккита мисолда кўришимиз мумкин.

Бу жаҳон миқёсида рўй берган энергетика инқирози ва Персия воқеаларидир. Энергетика инқирози натижасида мамлакатда кўп корхоналар ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди. Персия воқеаларидан Туркия Республикаси ҳар хил ҳисобларга қараганда 5 миллиард доллардан 30 миллиард долларгача зиён кўрди. Бу шароитда мамлакат экспортини ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб қолди. Бу вазифани бажариш борасида ҳукумат томонидан керакли тадбирлар кўрилди.

Экспорт учун ишлаётган корхоналарга шарт-

шароит яратилди. Уларнинг баъзилари солиқдан озод қилинди, баъзиларига солиқнинг ҳажми кам миқдорда белгиланди. Бу корхоналар эҳтиёжини қоплаш учун банк кредити биринчи галда берилди ва ҳоказо.

Саксонинчи йилларнинг бошланишидан мамлакат «экспорт қилиш ёки жон бериш» шиори билан ишлаб бошлади. Экспортни ривожлантириш учун керакли чоралар кўрилди. Экспорт қилинаётган маҳсулотлар учун қулайликлар яратилди. Саноатчиларнинг экспортдан оладиган маблағларининг 50 фоизи, агарда улар ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида чет элдан товарлар сотиб олишга сарфланса, бу маблағлар бож олишдан озод қилинди.

Айни пайтда Туркия Турғут Озал қўл остида ўзига хос ташқи иқтисодий сиёсатни амалга оширди. Туркия АҚШ билан икки томонлама «ҳамкорлик стратегияси»ни тузди.

Персия воқеалари даврида Туркия бетарафлик сиёсати олиб борди. Туркия Эрон сингари иттифоқ давлатлар билан иқтисодий ва бошқа алоқада бўлди. Персия воқеаларидан Туркия 10-12 миллиард доллар зарар кўрди. Шунинг учун ҳам АҚШ, Япония, Германия ва Араб мамлакатлари Туркия Республикасини қўллаб-қувватляпти. Уларнинг Туркияга кўрсатган ёрдами 2,8 миллиард долларни ташкил этди.

Халқ хўжалигининг моддий-техника базасини қайтадан қуриш учун давлат ва хусусий ижтимоий-иқтисодий укладларнинг капитал қуйилмалари сафарбар қилинди, мамлакат импортида агарда илгари асосий қисмини хом ашё ва деталлар ташкил қилган бўлса, энди унинг асосий қисмини янги техника ва технология, электрон ҳисоблаш техникаси, компьютерлар ташкил қила бошлади. Натижада Туркия корхоналари чет элларда ривожланган капиталистик давлатлар фирмаларининг рақобатида бардош берадиган бўлиб, улардан бир қанчаси халқаро, миллатлараро ишлаб чиқариш монополистик бирлашмаларга аъзо бўлдилар.

Туркия иқтисодиётини юқори суръатлар билан ривожлантиришда бозор иқтисодиёти имкониятларидан фойдаланиш, очиқ бозор иқтисодиётига ўтиш алоҳида ўрин тутди. Бу борада ҳам Туркия ҳукумати томонидан керакли тадбирлар амалга оширилди.

Аввало мамлакатда эркин иқтисодий зоналар ва бозор иқтисодиётининг самарали ривожланиши учун керакли инфраструктура барпо этилди. Ҳукумат ҳамкорлигида чет эл фирмалари билан биргаликда корхоналар қурилди, ташкил этилди. Туркия ҳукуматининг қарорига асосланиб фойдасиз ёки фойдаси кам бўлган давлат корхоналарини хусусийлаштирилди, молия-кредит органларининг фаолияти такомиллаштирилди.

Банк кредитига тўланадиган фоизлар эркинлаштирилди. Натижада улар 50-60 фоизга кўтарилди ва банк органларининг моддий рағбатлантирилиши оширилди. Шу билан бирга аҳолининг пул жамғармаларига тўланадиган фоизлар ҳам 40-50 фоизни ташкил этди. Бу ҳолат ўз навбатида аҳоли йиққан пул маблағлардан халқ хўжалигини ривожлантириш учун фойдаланиш имкониятини кенгайттирди.

**Эргаш АКРОМОВ**  
Иқтисод фанлари доктори,  
профессор.

# БОЗОР МУНОСАБАТИНИНГ МОҲИЯТИ



(ИККИНЧИ МАҚОЛА)

Бозор иқтисодиётининг категориялари мавжуд бўлиб, улар таъсир этиш механизми вазифасини бажарадилар. Булар аввало, талаб, таклиф, конъюктура, тенглик ва фойда кабилардир. Бозор таъсирида таклиф ва талаб категорияларининг роли катта. Чунки, бозор ишлаб чиқариш орқали инсоннинг турли моллар ва хизматларга бўлган талабини бажаришда ўз ифодасини топади.

Конъюктура бозор ҳолатини ифодалайди. Бозордаги нарх-навонинг ҳаракати, моллар мўл-кўллиги даражаси ва уларнинг хилма-хиллиги унинг конъюктурасини ташкил этади. Шунинг учун ҳам бозор ҳолатини библи туриш ва унга қандайдир таъсир этиш ёки бошқарув конъюктура хизматининг уюштирилишига боғлиқдир. Бусиз бозордаги тенглик, талаб ва таклиф ҳолати, уларнинг мувозанатини тўғри аниқлаб бўлмайди.

Бозор ҳолати аввало таклиф ва талаб ўртасидаги мувозанатдан иборат бўлиб, бу тўхтовсиз ўзгариб туради. Бу мувозанатнинг омиллари жуда кўпдир. Лекин бунинг энг асосийлари моллар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўлса, иккинчиси даромад, харидорлар пул даромадларининг миқдори ва унинг ўзгариб боришидир. Истеъмол пул даромади миқдори орқали таклифга таъсир кўрсатади, таклиф эса сотувчилар орқали ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатади. Умуман, бозорда таклиф билан талаб ўртасидаги маълум тенглик бўлиши зарурки, улар ўртасидаги тафовут катта бўлмаслиги керак.

Фойда категориясини олсак, бу мол ишлаб чиқарувчиларни ҳаракатга келтирувчи омилдир. Чунки, ҳар бир ишловчи кўп мол ишлаб чиқариш ва имкони борича юқори баҳода сотиб, кўп фойда олиш тарафдори ва бозорда рақобат орқали пировардида самарали натижа учун бозор қатнашчилари ўртасида кураш кетади. Албатта, юқори баҳо мол эгасининг интилиши билангина амалга ошадиган нарса эмас. Бу аввало ишлаб чиқаришнинг даражасини ва унинг бозор талабига мос келишига боғлиқли нарсадир. Лекин, товар ишлаб чиқариш жараёнини жонлантирадиган ва рағбатлантирадиган нарса фойда ва унинг даражасидир. Аввало, фойда бозордаги талабга уноткорона шароит-

да кўп мол етказиб бериш ва унинг мўл-кўллигини таъминлашда манфаатдорликни юзага келтирувчи асосий куч вазифасини бажаради.

Бозор иқтисодиёти бундан ташқари молия, кредит, пул муомалаларидан ижодкорона фойдаланишни талаб қилади. Ҳар бир мол ишлаб чиқарувчи молиявий имкониятларга эга бўлмаса ўз мустақиллигини таъминлай олмайди ва бунда у доимо кредит хизматига муҳтож бўлади. Кредит системаси ўзининг ҳақиқий вазифаларини бажарадиган даражада бўлиши керак.

Бозор иқтисодиётига ўтишда пул муомаласининг аҳамияти каттадир. Яъни, бозордаги пул миқдори ва унинг ҳаракат тезлиги моллар миқдори, уларнинг хилма-хиллиги ва баҳолар массасининг ҳаракат тезлиги моллар миқдори, уларнинг хилма-хиллиги ва баҳолар массасининг ҳаракатига мос келиб, булар ўртасида доимий зарурий мувозанат бўлиши талаб қилинади. Бунинг учун аввало моллар тақчиллигига барҳам бериш зарур. Ҳозирги вақтда эса пул муомаласи меъёрида бўлмай, у инфляцияни кучайтирмоқда. Нарх-наво ни ошириб, пул қадрини пасайтирмоқда ва бозор иқтисодиётининг аҳамиятини пасайтирмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтишда таклиф ва талаб ўртасидаги тенгликни ва уларнинг ҳаракатидаги зарур мувозанатни таъминлаш—умуман уларнинг диалектик ривожига боғлиқдир. Ҳозирги шароитимизда таклиф билан талаб ўртасидаги боғлиқлик устунлиги ҳукм суриб келмоқдаки, бунда талабнинг таъсири ҳеч бир сезилмайди. Бу нарса ишлаб чиқаришнинг истеъмолга боғлиқ эмаслиги ва деярли талабсиз ҳаракатда эканлигини кўрсатади.

Шунинг учун ҳам мамлакатимиз улкан имкониятларга эга бўла туриб, жуда йирик ишлаб чиқаришни юзага келтирганига қарамай, барибир на ишлаб чиқариш, на шахсий истеъмолда барака бор. Кундан кунга тақчил моллар сони ва хили ортиб бормоқда. Нарх-наво кўтарилиб борапти. Бундай ҳолат фақат истеъмол буюмлари бозорига тааллуқли бўлмай, ишлаб чиқариш воситаларига ҳам хосдир.

Таклиф ва талабнинг диалектик ривожига таклиф-

нинг устунда туриши, ўсиб бориши катта аҳамият касб этади. Бунинг мазмуни шуки, бозордаги талабга мос пул миқдорига нисбатан уни қондириш учун аталган моллар миқдори кўп бўлиши, яъни миқдори жиҳатдан таклиф талабдан устун равишда ўсиш хусусиятига эга бўлиши керак. Шу тақдирдагина талаб таклифга фаол таъсир кўрсатиб, бозорга итоаткор эта олади. Бу амалда ишлаб чиқаришнинг бозордаги молларга бўлган талабга сифат, миқдор, моллар турлари бўйича тўла мос келишини ва умуман талаб бўйича ривожланиш даражасида бўлишни тақозо этади.

Шунинг учун ҳам халқ хўжалиги, айниқса ижтимоий ишлаб чиқариш тузилишининг тубдан ўзгартирилиши талаб этилади. Саноат ишлаб чиқаришининг таҳлили шуни кўрсатадики, ялпи маҳсулотнинг асосий қисми ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлиб, жуда кам қисмигина шахсий истеъмолга аталгандир. Ҳисобдан шу нарса маълумки, ўртача олганда саноат умумий маҳсулотининг 72-73 фоизи ишлаб чиқариш воситалари бўлиб, қолган 27-28 фоизигина истеъмол буюмларидир. Бу шуни кўрсатадики, истеъмол буюмлари умумий саноат маҳсулотларининг фақат 1/4 қисмини ташкил этади. Агар чакана товар оборотини оладиган бўлсак, ана унда ундан ҳам кам, яъни 23-24 фоизга тенгдир. Демак, ишлаб чиқариш жуда қимматга тушиб, пировардида истеъмол буюмларини етиштириш учун уч баробар кўп харажат қилиш керак. Бу рақамлар шуни таъкидлайдики, ишлаб чиқаришимизнинг самарадорлик даражаси жуда паст ва истеъмол жараёнидан ва унинг талабларидан четланган ҳолдадир. Бу албатта ишлаб чиқаришнинг талабдан ажратилганлиги ва унга нисбатан устун ва ҳукмрон ҳолатда эканлигининг исботидир.

Бозор иқтисодиёти эса истеъмол буюмлари билан боғлиқ соҳа ва тармоқларга имтиёзли шароит яратишни талаб қилади. Айтайлик, аввало қишлоқ хўжалиги, шунингдек енгил саноат ва озиқ-овқат саноати тармоқлари ривожланиш учун энг қулай шароитларга эга бўлиши керак. Бунда энг муҳим муаммолардан ҳисобланган ҳар томонлама таъминот (моддий, меҳнат ва молия соҳаларида) ва ижтимоий муаммолар ҳал қилишини зарур долзарб вазифа бўлиб қолади.

Таклиф ва талабнинг диалектик тараққиёти, бир-бирига боғлиқ ҳаракатлари иқтисодий қонун талабига жавоб беради.

Бозор иқтисодиётига ўтиш билан бу масалага бошқача, яъни ҳақиқий маънода қараб, бу қонунни инobatга олиш билан бирга унинг таъсир шароитлари, механизмларини ўрганишимиз зарур. Чунки, бозор иқтисодиёти аввало талаб ва таклиф қонуни таъсири остида шаклланиши ва ривожланиши мумкин.

Бу қонуннинг талабларини қуйидагича ифодалаш мумкин: таклиф ва талабнинг уйғунлашган ҳолда ривожланиши, талабнинг таклифга нисбатан ҳал қилувчи роли ва таклифнинг устунлик билан ўсиши. Демак, таклиф билан талаб қонуни таъсири уч томонли мазмунга эгадир. 1) таклиф ва талабнинг бир-бирига нисбатан боғлиқлигининг уйғунлашган, пропорционал ҳолда бўлиши; 2) талабнинг таклифга нисбатан устун ҳолатда бўлиши ва ҳал қилувчи аҳамият касб этиши; 3) таклифнинг устунлик билан ўсиши ва бозордаги мол таклифининг ҳажми талабга нисбатан тезроқ ўсиши зарурияти.

Бозор муносабатлари шароитида таклиф ва талаб қонуни таъсирида мавжуд иқтисодий имкониятлар, моддий ва меҳнат ҳамда барча табиий ресурсларни инсон истеъмолига бўйсундириш тезлашади. Ривож топган бозор иқтисодиёти шароитида сон-саноксиз мол

сотувчи ва харидорлар мавжуд бўлиб, монополияга ўрин қолмайди.

Бозорнинг ривожланишидаги энг муҳим ҳулоса шуки, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тўхтовсиз ривожланиши, меҳнат унумдорлигининг ўсиб бориши ва талаб орқали харидорлар манфаатини тўла эътиборга олиш фақат ривож топган бозор шароитида, унинг механизмларини тўла кучга кириши ҳамда муносабатларнинг ривож топиши шароитидагина амалга ошуви мумкин.

## БОЗОР СТРУКТУРАСИ (ТУЗУГИ) ВА ШАҚЛЛАРИ.

Товар ишлаб чиқариши, айрибошлашнинг ривожланиши бозор структурасини такомиллаштириб боради. Ҳозирги давр бозор иқтисодиёти структураси асосан қуйидагиларни ўз ичига олади: меҳнат, пул, товар ва капитал (фонд) бозорлари. Тўлақонли ва ривож топган бозор учун бундай структура зарур шарт бўлиб бир-бирини тўлдириб боради. Структурадаги бозор турлари ўзига хос мазмун ва хусусиятларга эга. Маълумки, иш кучини сотиш ва сотиб олишни йўқ қилганлигимизни йирик муваффақият, деб келганмиз, уни меҳнат озодлигида муҳим босқич, деб тушунганмиз. Лекин унинг ўрнига маъмурий-буйруқбозлик тузуми туфайли давлат томонидан киши кучидан фойдаланишни ўрнатишимизни ҳаққоний ҳолат, деб билганмиз. Аслида эса меҳнатчи учун барибир эксплуатация сақланиб қолганини сезмасликка ҳаракат қилганмиз.

Бозор иқтисодиёти меҳнат бозорисиз мукаммал бўлмайди ва уни ҳаётимизга киритишимиз ҳамда унга йўл очиб беришимиз ҳозирги давр талабидир. Меҳнат бозорининг ҳаётийлиги умуман бозорга ўтиш бошланиши биланок кўзга ташланмоқда. Айтайлик, кооперативларнинг авж олиши ёлланма меҳнатнинг қўлланишини кенгайтормоқда ва бунинг давлат корхона ва ташкилотларида ишлашга нисбатан устунликка эга эканлиги аён бўлмоқда ва кооперативда меҳнат қадрига етиш шароити вужудга келаётганлиги сезиларлидир. Шунинг учун ҳам миллионлаб ишчи-хизматчилар кооперативларга ишлашга ўтмоқдалар.

Меҳнат бозорининг хусусияти аввало меҳнатдан фойдаланишда эркинликка эришишдир. Бу эса иш кучидан самарали фойдаланиш муаммоларини ҳал қилишда қўл келади. Меҳнат бозорида мутахассислик, умуман ишга лаёқатлик даражаси, меҳнат ҳажминини тўғри эътиборга олишлик учун шароит кўпроқ бўлади. Ахир, ишловчининг манфаатига мос келадиган амиллар ҳам шундан иборат-ку. Меҳнат сифатини кўтариб, ундан моҳирлик билан фойдаланиш учун бозор муносабатларининг қўлланиши, меҳнат биржасининг ташкил қилишини талаб қилади.

Меҳнатдан унумли фойдаланишлик учун у эркин шароитда ҳаракат қилиши, энг зарур жойда қўлланиш учун ишчи кучи кенг миқёсдаги ҳаракат доирасига эга бўлиши керак-ки, бу ҳар миқёсда меҳнат бозорининг авж олишини талаб қилиб, унинг чегараларини емириб бориш зарур. Шундагина даромад меҳнат билан боғланган ҳолда ҳақиқий меҳнатнинг миқдори ва сифатига яраша ҳақ тўлаш амалга ошуви мумкин. Демак, меҳнат бозорига зарурий ҳолат, деб баҳо бериб, унинг шаклланишининг кенгайиши учун йўл очиб, унинг қонуният ва талабларига риоя қилишга ўрганиб боришимиз керак.

Мухтор РАСУЛОВ,  
иқтисод фанлари доктори,  
профессор.

Макроиқтисод кенг кўламда иқтисодиётнинг ривожланишини ўрғанади. Айниқса ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми, аҳолининг иш билан бандлиги, баҳо ва ташқи савдони кенг, чуқур тадқиқ этади. Ўз навбатида иқтисоднинг ривожланиши давлатлар ва халқлар сиёсий, ижтимоий, ҳарбий ривожланишига таъсир этади. Сўнги кузатувларга қараганда, сиёсат иқтисодга катта таъсирини кучайтирмакда. Иқтисодни ўрғаниш эса ўз навбатида кенг кўламли макроиқтисод фанини ўрғанишни тақозо этади.

Макроиқтисодни умумлаштириб ифодаловчи кўрсаткичлар қуйидагича:

- ялпи миллий маҳсулот (ЯММ),
- аҳолининг иш билан бандлиги,
- инфляция даражаси,
- экспорт (соф экспорт) ҳажми.

Макроиқтисоднинг самарадорлигини ушбу кўрсаткичлар асосида аниқлаш мумкин.

Ишсизлик деганда биз кимни ва нималарни тушунамиз? Уларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Иш қидираётган ёки яқин вақтлар ичида иш билан таъминланишини кутаётган ишчи кучлари. Бу гуруҳ ишсизларни иқтисодчилар тилида фрикциион ишсизлик ҳам дейилади.

Маълумки, меҳнат бозорида доимо ўзгаришлар бўлиб туради. Баъзан иш жойи камаяди ва баъзан кўпайиши мумкин. Бунинг сабаблари ҳам кўп. Масалан, мавсумий ишлар, автомобиль корхонасидаги эски моделни янгиси билан алмаштирилиши ва ҳоказо сабаблардан фрикциион ишсизлар келиб чиқади. Фрикциион ишсизликнинг бўлиши маълум даражада иқтисодий жиҳатдан зарурат ва табиий ҳолдир. Фрикциион ишсизлик даврида ишчи кучи икки хил меҳнат ораллиғида қолади. Масалан, эски моделдаги автомобиль конвейердан олиб ташланиши оқибатида ишсиз бўлиб қолган ишчи кучи янги, даромадли иш жойига интилади ва натижада ишчи ку-

## ИҚТИСОД ВА ЖАМИЯТ

# МАКРОКЎЛАМДА МЕҲНАТ БОЗОРИ

### (ЁКИ ИШСИЗЛИК ҲАҚИДА)

Макроиқтисоднинг тўртта асосий кўрсаткичи мавжуд бўлиб, улар: 1) ишлаб чиқариш ҳажми, 2) аҳоли иш билан бандлиги, 3) баҳо, 4) чет эл секторидир. Булар макроиқтисодиёт фанининг асосий мақсади ҳисобланади.

Қуйида иш билан бандлик масаласига тўхталсак.

Макроиқтисодиётнинг асосий мақсадларидан бири аҳолини юксак даражада бандлигини таъминлашдир. Ишчи кучи деганда, П. А. Самуэльсон таърифича, иш қидирмаётганлардан ташқари барча ишловчилар ва ишламоқчи бўлганларни тушунамиз. Демак, бу тушунчага иш билан банд бўлганлар ҳам, ишсизлар ҳам киради.

Аҳолининг «тўла иш билан бандлиги» деган тушунча ҳам бор. Лекин бундай натижага ўз-ўзидан эришиб бўлмайди, чунки ишламоқчи бўлган аҳолининг 100 фоизини иш билан банд қилиб бўлмайди. Шунинг учун аҳолининг маълум миқдорда ишсиз бўлиши иқтисодий жиҳатдан нормал ва асослидир.

чи янги жойда даромад яратади. Бу меҳнат ресурсларининг тармоқ ва ҳудудларда самарали тақсимланишини, ялпи миллий маҳсулотнинг кўпроқ яратилиши имконини беради.

2. Структурали ишсизлик. Фрикциион ишсизлик билан структурали ишсизликда маълум ўхшашликлар ва фарқли жиҳатлар мавжуд. Асосий фарқи шундаки, фрикциион ишсизларда маълум малака ва тажриба мавжуд бўлади ва ундан фойдаланиб, қисқа вақтда ишчи кучини сотиши ёки топиши мумкин. Структурали ишсизликда ишчи кучи дарҳол ёки қисқа муддат ичида иш топа олмайди. У малакасини ўзгартириши, қайта малака ошириши, маълумот олиши, янги касб эгаллаши лозим. Ҳатто яшаш жойини ўзгартиришга ҳам тўғри келади. Фрикциион ишсизликда ишчи кучи қисқа вақтда иш билан таъминланиши мумкин бўлса, структуравий ишсизликда узоқ даврда ишчи кучи қайта маълумот олади ва жиддийроқ қайта тайёрланади.

Структурали ишсизлик истеъмол бозорини маълум маҳсулот билан тўлдирганда ва у маҳсулотга эҳтиёж қолмаган тақдирда ташкил топади. Бошқача сўз билан айтганда, маҳсулотга эҳтиёж бўлмаганлиги учун шу маҳсулотни ишлаб чиқарувчилар ҳам ишсиз қолади. Янгидан яратилган маҳсулотларга талаб кўп бўлганлиги учун янги мутахассисликларга эҳтиёж пайдо бўлади. Меҳнат бозоридида тезлик билан ўзгариш яшаш қийин бўлганлиги учун структурали силжишларнинг ўзгаришидан структурали ишсизлар пайдо бўлади. Саноат жойлашувида (географиясида) бўлган ўзгаришлар ҳам структурали ишсизларни келтириб чиқаради. Масалан, АҚШда шиша идишни пуфловчи мослама яратилиши муносабати билан шу касб ишчилари ишсиз қолган. Улар қайтадан жиддий малака оширмай, янги иш жойи билан таъминланиши мумкин бўлмай қолган. Яна бир мисол. АҚШда қишлоқ хўжалигини механизациялаш натижасида кўплаб кишилар ишсиз қолган. Улар янги иш жойи билан таъминланганунича жиддий маълумот олиши, малака ошириши талаб этилган ва ишсизлик узоқ муддатга чўзилган.

3. Циклик ишсизлик. Циклик ишсизлик—ишлаб чиқариш пасайиши натижасида ишчи кучига бўлган талабнинг камайиши оқибатидаги ишсизликдир. Ишлаб чиқариш пасайиши, собиқ СССРда мавжуд бўлган иқтисодий алоқаларнинг кескин бузилиши, жумҳуриятда бозор структурасининг яратилмаганлиги, хом ашёни қайта ишлаш саноатининг паст ривожланганлиги ва шу каби сабаблар билан боғлиқ ҳолда ишсизлар сони кўпайди. Ривожланган мамлакатлардаги ишлаб чиқаришнинг пасайиши истеъмол бозорининг тўлдирилиши ва натижада талабнинг пасайиши билан боғлиқдир. Циклик ишсизликда ишсизлар кескин кўпаяди. Масалан, АҚШда 1933 йилдаги «Буюк депрессия» даврида ишсизлик тахминан 25 фоизга тенг бўлган эди.

Тўла иш билан бандлик ишчи кучларининг 100 фоизи иш билан таъминланганлигини билдирмайди. Фрикцион ва структурали ишсизлик иложсиз ҳол бўлганлигини ҳисобга олсак, биз абсолют тўла иш билан бандликка эришиш мумкин эмаслигини тушунамиз. Агар циклик ишсизлик бўлмаса, у ҳолда тўла иш билан бандликка эришилади. Тўла иш билан бандлик давридаги ишсизлик ишсизликнинг табиий даражаси дейилади. Табиий ишсизлик даражаси билан боғлиқ ҳолдаги реал миллий маҳсулот ҳажми иқтисодиёт меҳнат ишлаб чиқариш потенциали дейилади. Табиий ёки тўла иш билан бандлик деб, иш қидираётганлар билан бўш иш жойи тенг бўлгандаги ҳолга айтилади.

Ишсизликнинг табиий даражасининг икки жиҳатини яққол кўриш мумкин.

Биринчидан «ишсизликнинг табиий даражаси» иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш потенциалидан тўла фойдаланилаётганини кўрсатмайди. Амалда ишсизлик даражаси «ишсизликнинг табиий даражасидан» кўпроқ бўлади. Камдан-кам ҳоллардагина ишсизлик «ишсизликнинг табиий даражаси»дан паст бўлади. Масалан, АҚШда ҳарбий маҳсулотларга эҳтиёж чексиз кўпайган иккинчи жаҳон уруши йилларида

ишсизлик табиий даражаси 3—4 фоизни ташкил этган Бу йилларда иқтисодиёт ўзининг ишлаб чиқариш имкониятидан ошиб кетган.

Иккинчидан, ишсизликнинг табиий даражаси доимий эмас. У қонун ва миллий анъаналар билан боғлиқ ҳолда ўзгариши мумкин. Масалан, 60-йилларда АҚШда «фрикцион» ва «структурали» ишсизликнинг минимум миқдори 4 фоизни ташкил этиши лозим, деб кўп иқтисодчилар ҳисоблашган бўлса, ҳозирда кўп иқтисодчилар 5-6 фоизни ташкил этиши лозим, деб ҳисоблашмоқда.

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш йилларида унинг хусусиятлари билан ишсизликни минимум миқдори 8-10 фоизни ташкил этади. Ҳозирда 10 фоиздан кўп ва бу жараён давом этмоқда.

Учинчидан, қонунда ўзгаришлар бўлди ва бу ўзгаришлар ушбу тоифадаги ишсизларнинг компенсациясини (товон) оширди. Ишсизларга берилган компенсация ва нафақалар уларнинг бемалол иш қидиришларига имкон берди. Демак, улар «фрикцион» ва «структурали» ишсизларга айландилар.

### ИШСИЗЛИК ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ

Ишсизлик даражасини амалиётда аниқлаш, айниқса «тўла иш билан бандлик» даврида мушкул ишдир. Аввало, барча аҳолини уч гуруҳга бўламиз. Биринчи гуруҳга 16 ёшга тўлмаган ҳамда маҳсус муассасалардаги кишилар киради. Бу гуруҳга ишчи кучининг потенциал қисмини ташкил қилмайдиган шахслар киради.

Иккинчи гуруҳга «ишчи кучи таркибидан чиққан», аммо меҳнат қилиш қобилияти бўлган, баъзи сабабларга кўра иш қидирмай юрган шахслар киради. (Масалан, уйда иш қилувчилар, нафақахўрлар).

Учинчи гуруҳни ишчи кучи ташкил қилади. Бу гуруҳга меҳнат қилишни билганлар ва уни хоҳловчилар киради.

Бозор иқтисоди муносабатларининг ривожланиши, бозор структурасининг ташкил этилиши билан меҳнат вазирлиги айниқса ушбу масалага масъул ёндошади. Ишсизларнинг салмоғини доим назорат қилиш ва мос равишда чоралар белгилаш макро-иқтисодиёт самарадорлигини оширишнинг асосий шартига айланади.

АҚШда меҳнат вазирлиги ҳар йили 60 минг оилани танлаб олиб, сўроқ қилади. Сўроқда оилада ким ишлаши, ким ишсиз қолганлиги, ким иш қидириб юрганлиги сўралади.

**Зокир ЙЎЛДОШЕВ,**  
Тошкент давлат иқтисодиёт  
университетининг проректори,  
профессор,

**Мухаммадjon ҚОСИМОВ,**  
«Макроиқтисод» кафедраси доценти,

**Искандар ЕҚУБОВ,**  
шу кафедранинг доценти вазифасини  
бажарувчи.

# МУСТАКИЛЛИКДАН —ФАРОВОНЛИККА

Биз ниҳоятда мураккаб даврни: иқтисодиётимиз моҳиятдан янги бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнини бошдан кечирмоқдамиз. У инқироз ва катта қийинчиликлар орқали содир бўлмоқда. Ундан тезроқ ва кам талофатлар билан ўтиб олиш ҳақида жиддий ва қизгин баҳслар бўлмоқда. Айрим олим у фозиллар ишни сиёсатимизни тубдан ўзгиртиришдан бошлаш лозим десалар, бошқалари бошқариш системамизни ислоҳ қилиш керак деб ўқирадилар, учинчилари эса чет эл инвестициялари барча муаммоларни ечишнинг калити деб биладилар.

Дарҳақиқат, бу ишларнинг ҳаммаси зарур. Лекин бизнинг фикримизча оддий бир ҳақиқат — маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш барча ниятларга эришишнинг асосидир. Биз бу ўринда фақат миллатимиз фаровонлигини назарда тутганимиз йўқ. Биз бу орқали узоқ ва кенг мақсадларни кўзлаштираемиз. Табиатан, жаҳонда ҳар қандай мустақил мамлакатларнинг равнақи, обрў-эътибори, тутган ўрни унинг фақат ҳарбий қудрати билангина эмас, (у ҳам керак) балки унинг ишлаб чиқарган маҳсулотининг жаҳон бозорида қанчалик қадрланиши, сифати ва ҳажми билан белгиланади (чунки ҳарбий техника ҳам энг сердаромад товар ҳисобланади). Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиётига ўтишнинг америкача, японча, туркча ёки бошқа барча моделлари ўз ўтиш даврида бутун куч ва ғайратини маҳсулот чиқаришга, уни жаҳон бозорида сотиш учун мўлжаллаб рақобатбоп, сифатли қилиб чиқаришга йўналтирилган.

Ишлаб чиқариш ҳажминини кенгайтириш ва маҳсулот сифатини оширишнинг кўпгина қирралари газета ва журналларда кенг ёритилган. Бироқ, унинг айрим жабҳалари, аynиқса бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни билан боғлиқ масалаларга етарлича эътибор берилганча йўқ, бу ўринда кичик корхоналар тузиш, давлат мулкани хусусийлаштириш, маркетинг изланишларини ўтказиш, янгича савдо муносабатлари каби муаммоларни ҳам қилишга диққатни жалб қилиш алоҳида аҳамият касб этади.

Бозор иқтисодиёти ҳозирги давр талаби ишлаб чиқаришни, маҳсулот турлари ассортименти, турли-туман ва тез ўзгарувчан бўлишини тақозо этади. Ишлаб чиқариш кун сари истеъмолчининг ҳар қандай эҳтиёж ва буюртмаларини

чаққонлик билан бажара оладиган тезкор, турли шароитга мослашувчан бўлиши керак. Маҳсулот эса бозор талабига жавоб бера оладиган қилиб юксак дид билан ишлаб чиқарилган бўлиши шарт.

Бу талабларни эскича гигант корхоналар бажара олмайди. Улар техника тараққиёти натижаларини тезлик билан ўзлаштириши қийин, маҳсулот турини тезда ўзгартира олмайдилар. Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатларда майда корхоналар пайдо бўла бошлади. Уларнинг сони ҳозирги даврда АҚШда 10 млн., Японияда 9 млн., Хиндистонда 12 млн.дан ортиб кетди.

Кичик корхоналарни ташкил қилиш давлатдан капитал маблағлар, инвестициялар талаб қилмайди, аксинча фақат фойда келтиради, бюджетга ҳар хил тушумлар ва бож тўлаб турадилар, аҳолини ортиқча бўш ётган сандиғидаги пул маблағларини ишлаб чиқаришга жалб қиладилар. Бизнинг республикамиз каби ишсизлар сони кўп бўлган давлат учун эса кичик корхоналарнинг қўшимча иш жой ташкил қилиши ва ортиқча иш кучини фойдали меҳнатга тортиши айниқса диққатга моликдир.

Кичик корхоналарни ниҳоятда тезлик билан шароитга мослашувчан бўлиши, уларнинг техника ва технологиясини тез-тез ўзгартириш энг янгиларини тадбиқ қилиш имконини беради. Бу эса ҳалқ хўжалигини барча соҳаларида, айниқса йирик корхоналарда ҳам илмий-техника прогрессини тезроқ қўллашга мажбур қилади. Улар йирик корхоналарга ярим фабрика, ностандарт ва мосламалар, асбоб-ускуна етказиб беришда ҳам маълум роль ўйнамоқдалар.

Шунинг учун бўлса керак, Токио дорилфунуни профессори Вада Харук «Кичик корхоналарсиз йирик корхоналар йўқ, улар яшай олмайди» дейди.

Қишлоқ хўжалигида майда корхоналар фермер хўжаликлари шаклида катта истиқболга эгадирлар. Майда хўжалик самарадорлигини қуйидаги рақамлар исботлайди. Масалан, Рус давлатининг ижтимоий хўжаликларда 1991 йилда ўртача дон маҳсулотларининг ҳосилдорлиги 17 центнерни ташкил қилган бўлса, шахсий ёрдамчи хўжаликларда 33 центнерни, картошка 97 ва 107, сабзавот 152 ва 170, полиз экинлари 89 ва 185, узум 55 ва



111 центнерни ташкил этган. Жумҳуриятимизнинг деҳқонлари ўз томорқасида жамоа ҳўжалигига нисбатан 2-3 марта кўп маҳсулот олмақдалар.

Уларнинг ривожланишидан мамлакат иқтисодиёти катта манфаатдор. Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатлар халқ ҳўжалигининг бу тармоғини турли йўллар билан қўллаб-қувватламоқдалар. Масалан, Япония ва АҚШда уларга кредитлар ва налоглар бўйича катта имтиёзлар берилган. Фикримизча, биз ҳам шу мамлакатлар каби тадбиркорларга саноат, қишлоқ ҳўжалиги, маданий-маиший ва хизмат кўрсатиш каби барча соҳаларда кенг йўл очиб, шароит яратиб беришимиз фойдадан холи эмас.

Минг афсуски, бу масалаларни ҳал қилиш жумҳуриятимизда чала ҳолда ётибди. Шунинг учун соғлом конкуренцияга асосланган товар ишлаб чиқарувчиларга кенг йўл очиб бериш, кичик корхоналарнинг ривожланиши, равнақи учун тўсиқ бўлган барча қарор ва кўрсатмаларни бекор қилишимиз лозим. Масалан, Президентимизнинг жумҳуриятимизда фермерлик ва ишбилармонлики янада ривожлантиришга қаратилган фармонлари бўлишига қарама-дасдан, уларнинг фаолиятини чекловчи бир қанча қарор ва кўрсатмалар амал қилмоқда. Масалан, 1991 йил 8 октябрдаги № 212 қарори жун, чарм, пахта, пилла, қорақўл тери ва бошқа хом ашёларни тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича хусусий кичик корхоналар ташкил қилишни таъқиқлаб қўйган. Бу хом ашё турларига бутунлай давлат монополияси ўрнатилган ва улар билан боғлиқ барча ишлар учун лицензия олиш талаб қилинади. Шу муносабат билан Англия саноат революциясини эслаш лозимдир. Чунки у жун ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлаш соҳасида хусусий ишбилармонларга кенг йўл очиб беришдан бошланган эди.

Ҳозирги кун талаби маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтирибгина қолмай, унинг сифатини ҳам яхшилашдир. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотимиз эндиликда жаҳон стандартларига жавоб бера оладиган, рақобатга чидамли бўлмас экан, у чет элларда ўз истеъмолчисини топа олмайди. Ички бозор миқёсида ҳам шу мезъерга амал қилинмоғи керак. Сифатни яхшилаш учун ортикча оғир, мустаҳкам детал ва узеллар яратиш ёки бири 20 йилга чидайдиган ва иккинчиси 5 йиллик умрга тенг деталдан тузилган узел ишлаб чиқариш ҳеч қандай наф келтирмайди. Ҳар қандай йиғма маҳсулот қисм ва бўлаклари бир хил хизмат муддатига, чидамлилиқ даражасига эга бўлиши, ҳамоханг бўлиши зарур.

Ҳозир дастлабки босқичда Россия давлатидагидек мудофаа, оғир саноат, машинасозлик каби йирик корхоналар давлат қўлида сақланмоғи лозим. Кейинги босқичларда уларнинг ҳам айримлари сотилмоғи ва оқибатда мулклар улущининг тенглигига эришилмоғи даркор. Ана шундагина халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида яққаҳокимлик монополиялар рақобат билан алмашади.

Яқин-яқинларда ҳам рақобат ҳақида у капитализм яратган иллат, инсон инсонга бўри бўлмиш жамиятда кучлиларнинг кучсизлар устидан ҳўкмронлик қилиш қўроли, иқтисодий қарамлик, мустамакачилик, ишсизлик, очлик ва урушларни келтириб чиқарувчи бир офат, вахшийлик сифатида талқин қилинар эди. Эндиликда иқтисодчиларнинг аксарият қисми рақобатни жамият ривожланишининг асоси, тўкин-сочинликка эришиш йўли, иқтисодий муваффақиятлар, мустақиллик, теранлик гарови деб унга мадҳиялар ўқимоқдалар.

Бизнинг фикримизча, ҳақиқатдан ҳам рақобат капитализмни пайдо бўлишида, барқ уриб ривожланишида асосий омиллардан, ҳаракат ва таянч негизларидан бири бўлиб хизмат қилган. Бироқ у ҳозирги кунда ўзининг асл моҳиятини, характерини ўзгартириб, такомиллашиб ўзгача мазмун касб этиб бормоқда. Ҳаттоки, у капитализмнинг тез ривожланишига бирмунча тўсиқ ҳам бўла бошлади. Агар рақобатнинг дастлабки босқичида ким кимни ен-

гади, ким қимматроқ сотиб арзонроққа олади, қандай бўлмасин бирининг бойиши иккинчисининг инқирози асосида, синдириш ҳисобига амалга ошган бўлса, бу атрибутлар эндиликда замон талабига тўғри келмай қолди. Чунки кимнингдир гўри устига қаср, бахтсизлиги устига тахт куриб бўлмаслиги аёндыр. Ҳақиқий бизнес рақобатни ҳамкорлик, ўзаро ёрдам орқали амалга ошириш рақобатнинг дастлабки кўринишига нисбатан 10 ва 100 ҳисса фойдалироқ эканини исботлади. Афсуски, бунга ҳам энг олдин бизнинг эски рақиблар АҚШ, Германия, Япония каби ривожланган капиталистик мамлакатларда тушуниб етдилар.

Ҳозирги кунда ҳар бир корхона бошқасига рақиб сифатида эмас, ўзига келажакда таянч, ҳамкор бўлиши сифатида қараш қутилмоқда. Улар билан баҳо таллашиб, савдолашиб вақт кетказиш ўрнига ўз маҳсулотига қандайдир янги сифат киритиб, истеъмолчилар сафини кенгайтиришга, ўз рақибига йўл бериб уни ҳам дўстга айлантиришга интилиши диққатга сазовордир. Шундай қилиб, бугунги кунда рақобат олиб боришнинг энг яхши усули — ҳамкорлик ўрнатишдир.

Мустақиллик ва бозор иқтисодиёти бу юзакичилик ва сохта мустақил имзо чекишларга чек қўйиб, ҳаммасини ўз гарданимизга юклади. Энди биз ҳаммасига ўзимиз жавобгар ва савдо қилиш санъатини ўрганишимиз лозим.

Савдони ўрганиш бозорни ўрганишдан бошланади. Бу иш кенг маънода жамиятни ўрганишни, умумий халқаро аҳволни, унда мамлакатни тутган ўрни, халқ ҳўжалигини ривожлантириш тенденцияси, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий аҳволи каби масалалар билан боғлаб ўрганилади.

Шу кундаги сиёсий ва миллий нотинчлик, аҳоли орасидаги давлат ва унинг раҳбарияти ҳақида ҳар хил бўлмағур бўҳтонлар тарқалиши ҳам жумҳуриятимизга чет эл маҳсулотларини, инвестицияларини кириб келишига тўсиқ бўлади. Улар ўз навбатида бизнинг корхоналаримиз учун чет эл бозори эшигини ёпиб қўйиши ҳам мумкин.

Бозор иқтисодиёти доимо хоҳ ички, хоҳ ташқи бозорда бўлмасин, ўз истеъмолчи — харидоримизга ўзимизнинг энг азиз, меҳрибон кишимиздек, бизни боқаётган отадек қарашимизни тақозо этади. Чунки унинг биздан юз ўгириши ишлаб чиқаришни қисқартиришга, фойдамизни йўқотишимизга олиб келади.

Шундай экан, биз доимо харидор — истеъмолчиларнинг барча хоҳиш ва истакларини кузатиб боришимиз, ўрганишимиз харидор ҳақида ғамхўрлик қилишимизни талаб этади. Бу борада шу кунда кенг қўлланилаётган усуллардан бири қўшимча хизмат кўрсатиш, товарнинг ҳолатини кузатиб борувчи ёрдамчи хўжаликлар, марказлар ташкил қилиниши лозим.

Сотишни янги шакл ва усулларини кенг ёйиш, қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Масалан, биринчи ёки 1000 ёки 1000000-харидорни мукофотлаш, тақдирлаш, энг катта буюртма берган харидорни қўллаш, арзонроқ баҳо белгилаш шулар жумласидандир.

Шу кунларда қўлланилаётган тижорат ва воситачи дўконлар орқали савдо бозор иқтисодиётида бўлажак баҳо-лар синови, шу усулнинг ҳаётий кўриниши деб билиш мумкин.

**Дилором ЖАЛОЛОВА,**  
Тошкент молия институти  
«Бухгалтерия ҳисоби ва назорат»  
кафедраси катта ўқитувчиси,

**Жамол ЖАЛОЛОВ,**  
иқтисод фанлари доктори,  
Тошкент давлат иқтисод университети  
профессори, «Маркетинг ва ташқи  
иқтисодий реклама» кафедраси  
мудир.

# ДАВР ТАЛАБИ

## (ЎКИ ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ ДАСТУРЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШ ҲАҚИДА)

Иқтисодиёт фанида ҳўжалик юритиш тизими ишлаб чиқишнинг объектив зарурлиги шундаки, халқ ҳўжалигида бозор шароитига ўтиш амалиёт жиҳатдангина кўпроқ зарур бўлиб қолмасдан, балки ҳозирги кунда иқтисодий назарий муаммоларнинг хилма-хиллиги характерлигидадир. Бу муаммолар ўзида иқтисодий, маънавий, ижтимоий-сиёсий масалалар сифатида уйғунлашади. Ҳозирги кунда ҳар бир мустақил давлатга ва жамиятга яхлит ҳолида етарли ҳар томонлама ишлаб чиқарилган иқтисодий назария (концепция) зарурдир.

Ҳозирги даврдаги иқтисодиётнинг муаммолари масалаларини ҳал қилиш учун олиб борилаётган иқтисодий тадқиқотлар йўналишларидан бири тизим назарияси ҳисобланади. Иқтисодиёт фанининг мустақил бўлими бўлган бу иқтисодий тизим назарияси Европада XX асрнинг 60-йилларида, унинг айрим фикрлари ва концепциялари ундан ҳам олдинроқ ишлаб чиқилган эди.

Маълумки, иқтисодиёт фанининг ҳозирги жаҳондаги мавжуд назариясининг йўналишлари бўлган маржинализм ва ижтимоий-институционализм XIX-XX аср ўртасида вужудга келиб, шу даврдан бошлаб, бу икки йўналишларда иқтисодий тизим назариясига кўплаб янги фикрлар, оқимлар ва назариялар қўшилиб тўлдирилиб келинди.

Бизнинг мамлакатимизда бу муаммо 30-йилларгача муваффақиятли ишлаб чиқилганди, аммо 30-йиллардан кейин у тўхтаб қолди. 70-йиллардан бошлаб мамлакатдаги иқтисодий амалиёт эҳтиёжлари талаби билан янгидан иқтисодий тизим назариясини янгича тадқиқот этишга олиб келди. Бунда Совет иқтисодчи ва философ олимлари Европадаги ва Россиядаги ўзларидан олдинги фикр ва назарияларнинг моҳияти ва иқтисодий назариялар та-

риhini чуқур англаб олмагани туфайли кўпроқ янгиликларни излашга мажбур бўлдилар.

Ҳозирги кунда мафкура пардаси олиб ташланиб жаҳон иқтисодий амалиётига йўл топилганида ҳўжалик юритиш механизми ёки умумий қабул қилинган атамадаги иқтисодий тизим назариясини бошлаб юбориш шубҳасиз кучайтирилмоқда. Лекин иқтисодчи олимлар, жаҳондаги мавжуд тайёр иқтисодий тизим назариясини кўзи юмиқ ҳолда нусхасини олиб қолмасдан, ундан ижодий фойдаланиш давр талаби бўлиб қолди.

Мустақил Ўзбекистон жамияти ва иқтисодиёти кўпгина ўзига хос жуғрофий, демографик ва тарихий характердаги хусусиятларини ва жумладан, 70 йилдан кўпроқ ҳукм сурган социалистик режимнинг таъсирини ҳисобга олиш керак.

Жаҳон иқтисодиёт фанида иқтисодий тизим назариясининг жуда кўп ҳар хил вариантларнинг амал қилаётганлиги ва буларнинг бирини эркин танлаб олиш учун ҳамда ўзимизда амалга оширишимиз учун иқтисодий тизим назариясининг тарихини ва ҳозирги Европа, Америка ва Осиёда вужудга келган янги иқтисодий тизим назарияларининг таркиб топилшини, бу назарияларнинг муайян ижобий ва салбий томонларини ва хатоларини ижодий чуқур таҳлил қилган ҳолда, мамлакатнинг янги иқтисодий тизим назариясини яратиш ва уни Ўзбекистоннинг реал иқтисодий ҳаётида қўллаш зарурдир.

Жаҳон даражасидаги янги иқтисодий тизим назариялари асосида тузилган, таркиб топиб келаётган иқтисодий билим назариясига асосланиб, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиёти даражаси хусусиятларини ҳисобга олган

ҳолда, мавжуд илмий ва маънавий қудратини ҳисобга олиб, янги ўқув дастурларини мактаблар, ўрта махсус ва олий билимгоҳлар учун ишлаб чиқиш давр эҳтиёжига айланмоқда. Олий билимгоҳлар ва университетлар ўз фаолиятини яхшилаш, янги шароитга мослаштириш учун иқтидорли талабаларни тайёрлаш ва тарбиялаш, уларнинг ижодий қобилиятларини ва тафаккурини ривожлантиришга қаратилган илмий дастурларни ва йўлланма-қўлланмаларни излаб топмоқдалар. Бу борада олий билимгоҳ жамоалари умуминсоният томонидан вужудга келтирилган барча тарихий анъаналарни, тажрибаларни энг яхши ижобий томонларини илмий таҳлил қилган ҳолда ва ҳозирги умумбашарият манфаатларига хизмат қиладиган назарий билимларнинг энг мақбулини ишлаб чиқаришга тўғри келмоқда. Бу соҳада Фарғона Давлат Университетининг иқтисодий назария кафедраси муайян тажриба ортириб, иқтисодий назарияни ўқитиш, ўргатиш ва ўрганиш жараёнида таълим-тарбия тизимига баъзи бир туб ўзгаришлар киритди.

Ўзгаришларнинг моҳияти шундаки, инсоният жамияти вужудга келгандан бери мутафаккир ва иқтидорли олимлар ва ақл пешволари томонидан яратилган ва ишлаб чиқарилган иқтисодий назария тизими бир қанча йўналишларда ривожлантирилиб вужудга келтирилган. Энг аввало, қадимги Юнонистон, Яқин ва Урта Осиё мамлакатларидаги олимлар, мутафаккирлар, иқтисодчиларнинг иқтисодий назариялари бўлиб, уларда иқтисодий ҳаёт умуминсоният ҳаётининг ярмини, қолган ярми эса маънавий, соф поклик, виждоний, омилкорлик меҳнатсеварлик каби сифатлар, тарғиб қилинган.

Қадимги иқтисодчилар ва олимлар иқтисодий назарияни ўқитиш ва ўрганишда синфлар, миллат, диний манфаатларга хизмат қилишдан қатъий назар, умуминсонга хизмат қилишни кўрсатганлар, улар умумий инсоний манфаатларни ҳисобга олиб жуда содда ҳолда ифодалаганлар.

Кишилиқ жамияти тараққиётида мулкчиликнинг ривожланиши, давлатнинг вужудга келиши, синфларга ажралиши, минтақалардаги ўзгаришлар ва музофотлардаги ҳамда диний ажралишлардаги хусусиятлар иқтисодий назарияни яратишда синфий манфаатларга хизмат қилишга интилиб келинди. Шундайлардан бири XVIII-XIX асрларда Оврупа олимлари (адам Смит, Давид Рикардо, Уильям Петти қабилар) буржуа синфи манфаатларига хизмат қилувчи классик иқтисодий назария (сиёсий иқтисод)ни яратдилар. Бу назария капиталистик жамиятда XX асрнинг ўрталаригача амал қилиб келди. Утган XIX асрнинг иккинчи ярмида буржуа классик иқтисодий назариясига қарши кураш жараёнида янги иқтисодий назарияни Маркс-Энгельс ва Ленинлар ижодий тарзда ишлаб чиқдилар. Марксизм-ленинизм иқтисодий таълимоти ишчилар синфи манфаатига хизмат қилувчи назария сифатида вужудга келиб, Ок-

тябрь революциясидан сўнг собиқ социалистик давлатларнинг иқтисодий назарияси сифатида майдонга чиқди. Жуда кўп ижобий томонлари бўлишига қарамай, бу назарияни тоталитар давлат амалий қўллашни билмади, ундан маъмурий-буйруқбозлик услубига хизмат қилишга ҳаракат қилдилар. Шу билан бирга марксча иқтисодий назария XX аср ўрталарида доғма-тик ҳолда қолиб, унинг ижодий равишда тарихий тараққиёт хусусиятларини ҳисобга олиб ривожлантирилмади, у янги ижтимоий-иқтисодий тараққиётга тўсқинлик қила бошлади.

Умумбашарият тобора эволюция йўли билан тараққиёт этиб, ўзгариб иқтисодий ҳаётга туб ўзгариш киритди ва янги анъаналарни вужудга келтирди. Янги иқтисодий воқеалар, ҳодисалар ва жараёнларга янгича қарашлар, уларни амалиётга киритиш билан янги иқтисодий назария йўналиши таркиб топди. Бу энг янги иқтисодий тизим назарияси XX асрнинг 30-40 йилларида чет элда, асосан Оврупа ва Америкадаги иқтисодий тадқиқотчилар, социологик ва сиёсатшунослар, тарихчи-ҳуқуқшунослар томонидан буржуа классик иқтисодий назариясининг ва марксча иқтисодий назариянинг синфий шаклини, мафкура пардасини олиб ташлаб, улардаги энг яхши ижобий томонларни сақлаб қолган ҳолда синфларсиз, миллий, ирқий ва диний жиҳатларсиз умуминсоний манфаатларга хизмат қилувчи энг янги иқтисодий тизим назариясини яратдилар. Бу янги иқтисодий назария XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб кўпчилик тараққиёт этган капиталистик мамлакатларда иқтисодий ҳаётга тадбиқ этилиб, ўзининг ижобий самарасини бериб келяпти.

Маъмур энг янги иқтисодий назариянинг моҳияти жаҳондаги ҳамма инсонларнинг қадриятини, манфаатини ҳисобга олиб, инсонларнинг миллатидан, ирқидан, синфидан, диний қарашларидан ва жинсидан қатъий назар шахс тенглиги, ҳуқуқий жиҳатдан баробарлигини ҳисобга олади. Бу янги назарияда инсонлардаги ақлий ва жисмоний қобилиятларнинг ҳар хил даражадалиги, иқтидорлиги, ишбилармонлиги, омилкорлиги, виждони соф поклиги, маънавий жиҳатларининг инсонпарварлиги биринчи ўринга қўйилади. Бу жиҳатлар инсонлар ўртасида ижтимоий адолатни ўрнатиш, давлатнинг олиб бораётган демократик асосдаги иқтисодий сиёсатидан умуминсонийлик, ўзаро ҳамкўрлик, бирдамлик, ўзаро иқтисодий алоқаларни адолатли тарзда олиб бориш ва ўрнатиш, ҳамма инсонларга иқтисодий ва маънавий манфаат келтириб ёрдам бериш, хайрия ва ёрдам кўрсатиш йўли билан бутун башариятни адолатли демократик асосда ривожлантиришдан иборатдир.

**Аҳмадали ҒАФУРОВ,**  
**Фарғона Давлат университети,**  
**иқтисодий назария кафедраси мудири,**  
**иқтисод фанлари доктори,**  
**профессор.**

Яқинда жаҳон иқтисодий ва дипломатия университетиди мазкур дорилфунун билан Амиқо Қўшма Штатларининг ташқи муносабатлар миллий демократик институти ҳамкорлигида «Сиёсий ҳамжиҳатлик — иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг муҳим шарт» мавзuida халқаро семинар ўз ишини бошлади. Унда Урта Осиё ва Қозоғистон Республикаларидан ҳамда хориждан мутахассислар иштирок этмоқда.

Суратда: халқаро семинардан лавҳа.



Яқинда пойтахт «Киночилар уйи»да оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари бўйича очиқ мулоқот бўлиб ўтди. Унда барча вилоят шифокорлари ҳамда тиббиёт ўқув юртлари ходимлари қатнашишди. Мулоқот давомида оналик ва болаликни яхшилаш масала-таклифлари ўртага ташланиб, муҳокама этилди.

Тадбирни республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўтказди. Суратда: давра суҳбатидан лавҳа.



## АРИҚ... ТОҒ УСТИДАН УТАДИ

Бойсунликларнинг кўнглиги қўлоқ тутсангиз, не-не қўли-биёбонларга сув олиб борилди, обод қилинди, лекин бизнинг юртимиз сира сувга ёлчимапти, деб ҳасрат қилиб қолишади.

Начора, табиатнинг иши эканки, Бойсун тоғидаги дарёлар одамларга ноқулай ўзандардан оқади. Бунинг устига, тўғриси, шу пайтга қадар кўзга қўр берадиган биронта дурустроқ ирригация ишооти ҳам қурилмади. Бундан уч-тўрт йил аввал Дарбанд дарёсига тўғон ташлаб, сувини Бойсун шаҳрига олиб келмоқчи бўлганларида, бир сабаб билан иш таққа тўхтади, қолди.

Лекин шаҳарга сув олиб келиш йўлидаги изланиш тўхтамади ва бунинг чораси топилди. Мутахассислар Қайроқ дарёсининг боши — Санжартоғни тешиб, сув йўли қуриб, сувини Бойсунга буриш керак деган хулосани айтдилар. Хулоса маъқул тушди. Санжар тоғининг денгиз сатҳидан икки минг метрча баландлик қисмидан тоғ усти ариғи қазига киришилди.

Ҳозирги ҳисоб-китобларга қараганда тоғ устида қурилаётган ариқ фойдаланишга топширилгандан сўнг шаҳар сувга сероб бўлади. «Бойсун» давлат хўжалигидаги 2000 гектарча лалми ерни суғориши имкони яратилади.

## ТАЪМИНОТДА УЗИЛИШ БЎЛМАЁТИР

Ҳозирги қийинчиликларга қарамасдан Қорақалпоғистон тайёрлов ходимлари бу йилги қиш мавсумига ҳар йилдагидан кўпроқ сабзавот, картошка жамғаришига эришдилар.

«Рескоопзаготторг» базасида 358 тонна картошка, 125 тонна пиёз, 25 тонна сабзи, 31 тонна тузланган карам ва бошқа сабзавотлар сақланди. Аҳолини қиш ойларида ҳам узлуксиз сабзавот, картошка билан таъминлашда барча имкониятлар

дан фойдаланилди. Нукус шахрининг марказий бозорида, шунингдек Саманбой посёлкасида сабзавот, мева, картошка сотадиган дўконлар ишлаб турибди.

Кўшимча даромад топиш борасида ҳам баъзи ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар сменада 7 тонна ун чиқарадиган, 10 тонна шоли оқлайдиган цехлар ишлаб турибди. Икки тандир қуриб битказилди. Ҳадемай аҳолига оби нон тортиқ қилинади.

Омборлар бир вақтлар оддий усулда қурилган бўлиб, эндиликда талабга жавоб бермай қолди. Шу муносабат билан ёширт заводи посёлкасида типовой 3 минг тонналик сабзавот, картошка, мева сақланадиган омбор қурилиши апрель ойида битказилиб, фойдаланишга топширилди.

## НУКУСДАН ПАРИЖГА ҚУНҒИРОҚ

Нукусликлар хонадондаги ёки иш жойидаги телефондан жаҳондаги ҳар қандай катта шаҳарга қўнғироқ қилишлари учун саноқли дақиқалар кифоя қилади. Бу ерда янги телефон станцияси ишлай бошлади. Бу станция Қорақалпоғистон пойтахтида яшовчиларни йўлдош орқали хорижий абонентлар билан боғлайди. Гаплашиш нархи эса бошқа ҳамдўстлик мамлакатларидагига нисбатан анча арзон. Одамларнинг фикрича, олисдаги абонент овози яхши эшитилади.

Халқаро йўлдош алоқасидан асосан ишбилармонлар, саноат корхоналарининг раҳбарлари, бошқа кишилар фойдаланишмоқда. Улар АКШ, Франция, Туркия ва бошқа мамлакатлардаги ҳамкорлар билан гаплашмоқдалар. Халқаро телефонда гаплашганлик учун ўям билан ҳам, эркин алмашириладиган валюта билан ҳам ҳақ тўлаш мумкин.

## ТОВУҚЛАРГА НИМА БЎЛДИ?

Бухоро туманидаги учта жамоа хўжалигининг паррандачилик фермаларида ҳамда «Бройлер» фабрикасида 140 мингта товуқ боқилмоқда.

Лекин вилоят статистика бошқармаси маълумотларига кўра, товуқлар январь ойи давомида битта ҳам тухум қилмаган. Товуқларга нима бўлди экан? Эки донаси 18 сўмга чиққан тухумлар ҳақиқатда бору, лекин маълумотномаларга атайлаб киритилмаётганмикан? Бу бошқотирмага Бухоро вилояти Агроеаноат бирлашмаси раҳбарлари қандай жавоб беришаркан?

## МАЖЛИС ДЕГАН БУНДОҚ



Фарғона вилояти ҳокимлигининг ташаббуси билан водийдаги энг йирик саноат корхоналари «Азот» ва «Фарғонанефтеоргсинтез» ишлаб чиқариш бирлашмалари яқинда ўз даромадлари ҳисобидан Жанубий Кореянинг «ДЭУ» фирмасида ишлаб чиқарилган «ТИКО-ПМ» енгил автомашиналари сотиб олган эди.

Яқинда вилоят ҳокимлиги шундай автомашиналардан 20 тасини Ички ишлар бошқармаси ва Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик хизмати Фарғона вилоят бошқармаси ходимларига топширди.

Ушбу кичик метражли машина жуда қулай, соатига 160 км тезлик билан юради, 3 цилиндрли. Шуниси эътиборлики, у атиги 4 литр ёқилғи сарфлаб 100 км масофани боса олади.

Суратда: Жанубий Кореядан сотиб олинган янги машиналар.

## БЎЛАДИ

Одатда мактабларда ўтказилмиш ота-оналар йиғилишлари ҳисоб-китоб, яхши-ёмон хулқли болаларнинг таърифидан бошланарди. Обдон «икки»чиларнинг ота-оналари «гап» эшитишгач, мақтов навбати аълочиларга келарди. Кейин, ул-бул ҳужжатга имзо чекилиб, хайр-хўшлашилларди. Аммо Тошкентдаги Н. Носиров номидаги 273-мактаб-лицейда унақанги кўникмалардан воз кечилган. Мана, куни кеча бўлиб ўтган навбатдаги ота-оналар мажлисида барча болалар концерт дастури билан уларни қарши олдидлар. Дастурхон ёзилди. Ҳамма баҳамжиҳатликда мактабнинг шу йилги режасини ишлаб чиқдилар. Директор Мавлудахон Исматованинг маърузасини тингладилар. Хуллас, иш ҳам, ҳордиқ ҳам бир йўла бўлди. Кун бўйи хизматдан ҳориб қайтган ота-оналар бу йиғилишдан жуда мамнун бўлдилар.

# КИМ ИШБИЛАРМОН?



**(ЁКИ ҲАҚИҚИЙ ИШБИЛАРМОН  
ҚАНДАЙ БЎЛИШИ ВА ҲИСОБ  
ИШИГА МУНОСАБАТИ ҲАҚИДА)**

Ҳурматли муҳарририят. Кейинги пайтда «ишбилармон» деган атама мазмуни шундай чалкашиб кетдики, баъзи содда кишилар бу сўзни ҳатто салбий маънода тушунмоқдалар. Чунки, баҳорги кўзқориндай кўпайиб кетган ароқпуруш, сигаретпурушу ва яна тагин аллақандай даллол, ҳар хил чайқовчи, олибсотарлар фаолияти «ишбилармонлик» дея хаспўшланмоқда. Истардимки, журнал саҳифаларида ҳақиқий ишбилармонлик, тадбиркорлик ҳақида мақола ёритсаларингиз. Шояд аҳоли ўртасида бу сўзнинг том маъноси англанса.

Ихтиёр ХУЖАНОВ,  
Урта Осиё педиатрия  
институту толиби.

Республикамизда айна пайтда давлат, хусусий, ширкат ва жамоа мулки мавжуддир. Аммо, давлат мулкига нисбатан хусусий мулк ривожланмоқда. Биламизки, бозор иқтисодиётига ўтган мамлакатларда хусусий мулк мулкчиликнинг асосийсини ташкил қилади.

Мулкчиликнинг қайси усулида корхоналар иш юритмасин, бари бир ишбилармонлик ва тадбиркорлик ҳозирги куннинг асосий талаби ҳисобланади. Халқ орасида ишбилармон ва тадбиркор кишилар жуда кўп. Шундай бўлсада, бугун биз тадбиркорлик ва ишбилармонлик ўзи нима, ишбилармон бўлиш учун нима қилиш керак каби саволларга баҳоли қудрат жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Ишбилармонлик — бу энг аввало муҳим ва оғир масалаларни дадиллик билан амалга ошириш, бунинг учун эса тегишли билимга, тажрибага эга бўлиш.

Ишбилармонлик — бу янги нарсаларни, ғояларни ўйлаб топиб уларни амалда бажариш ва бошқариш учун тўсиқ бўлаётган қийинчиликлардан қўрқмаслик. Ишбилармонлик бу оқилона иш юритиш билан бирга таваккалчилик ҳамдир. Ахир қўл қовуштириб ўтиргандан кўра, таваккал қилиб бир натижага эришиш ҳам ишбилармонликни бир томонику. Ишбилармон таваккал қилиб иш бажарганда ҳам тегишли билим ва тажриба орттиради. Шунинг учун ҳам халқимиз, «Уйчининг ўйи битгунча, таваккалчи ишини битиради» деб бежиз айтмаган.

Ишбилармонлик фаолияти ўз ихтиёридаги озми-кўпми мавжуд маблағдан самарали фойдаланиш учун фаоллик ва ташаббускорликни талаб қилади. Бунинг учун корхонадаги ишбилармон иш юритиш учун энг аввало ўз ихтиёридаги маблағ ҳақида тўлиқ ва аниқ маълумотга эга бўлиши керак. Ишбилармон ўз шахсий маблағи ёки давлат маблағи ҳисобига фаолиятини юритишдан қатъи назар маблағлар ҳаракати ва бу маблағларнинг келиб чиқиш манбаларини ҳисобга олиши зарур. Чунки ишбилармон ўз ихтиёрида қанча миқдорда маблағ борлигини, мавжуд маблағларни қандай манбалардан ташкил қилинганлигини билмас экан, у ишбилармон ё тадбиркор эмас. Ишбилармон ўзига зарур бўлган маълумотларни, албатта бухгалтерия учёти ёрдамида олади.

Шунинг учун ҳам бухгалтерия учёти ишбилар-

моннинг зарур қуроли ҳисобланади. Учёт маълумотларини олиш, улардан фойдаланиш учун эса ишбилармоннинг ўзи бухгалтерия учётини мукамал билиши керак.

Ишбилармон бухгалтерия учётини билиш учун эса энг аввало корхонада мавжуд маблағлар гуруҳини, уларни баҳолаш усулларини, қабул қилиш ва сарфлаш тўғрисидаги муомалаларни, ишлаб чиқариш харажатларини, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни қабул қилиш, сақлаш ва сотиш муомалаларини сотишдан келган даромадлар суммасини аниқлашни, даромадларни тақсимлаш усулларини, мавжуд пул маблағлари ва уларнинг ҳаракатларини билиши зарурдир. Ишбилармон ўзининг корхонаси ҳамда бошқа корхоналарнинг учёт ва ҳисобот маълумотларини ўқиб таҳлил қила билиши керак. Чунки у мол етказиб берувчилар билан, мол олувчи ва буюртмачилар билан шартнома тузади.

Шартнома тузишда ҳар иккала томон корхоналарнинг мавжуд маблағлари унинг даромадлилик даражасига ва тўлов қобилиятига эътибор беради. Айниқса давлат банки ва молия ташкилотлари корхонанинг бошқа корхоналардан қарзи ва тўлов қобилиятига алоҳида диққат қилади.

Юқорида айтганимиздек, шартнома тузишда, энг асосий ҳужжат бўлиб бухгалтерия учёти маълумотлари ҳамда шу асосда тузилган молиявий ҳисоботлар ҳисобланади. Молиявий ҳисоботни ўқиш, ундан фойдаланиш ҳар бир ишбилармоннинг ишини енгиллаштириши муқаррардир.

Шундай қилиб бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ишбилармонларни бухгалтерия учёти ва маълумотларидан самарали фойдаланишларини таъминлаш учун жаҳон стандарти талабига жавоб берадиган бухгалтерия учётини қўллаш талаб қилинади.

Ҳозирги кунда Давлат корхоналари, жамоа, хусусий корхоналарнинг тузаётган ҳисоботлари халқаро стандартга тўғри келмайди. Ундан ташқари ҳозирги тузилаётган ҳисоботларнинг тузилиши ўта мураккабдир.

Ишбилармонларнинг ишини енгиллатиш ва ҳаммага тушунарли бўлиши учун ривожланган мамлакатларда қўлланилаётган молия ҳисоботи республикамиздаги корхоналарда қўлланишини тавсия қиламиз. Ишбилармонлар молия ҳисоботидан корхонанинг пул маблағлари ва уларнинг ҳаракати, йил бошидаги қолдиқ суммаси йил давомида зарур бўладиган пул маблағлари тўғрисида режа тузади. Мазкур режа орқали банк ташкилотларидан корхона учун зарур бўлган пул маблағларини олиш мuddати, уларни қайтариш вақтини ва тўлаш қобилияти даражасини аниқлади. Зарур бўлган пул маблағларини номманом кўрсатиб банк ташкилотлари билан шартнома тузади. Ишбилармон банк билан шартнома тузганда энг аввало банк ташкилотининг бераётган қарз суммаси учун устама ҳамда пулнинг

қадрсизланиш даражасига эътибор беради. Республикамизда кўп корхоналар давлат буюртмасини бажаради. Ишлаб чиқарган маҳсулотининг давлат буюртмасидан ортган қисмини эса ўзлари ихтиёрига қолдиради. Корхона ўзи учун зарур бўлган материалларни сотиб олмасдан балки алмаштириб олиши мумкин. Ишбилармон корхона раҳбари ўзининг корхонаси учун зарур бўлган материал учун банкдан қарз олмасдан, балки тўғридан-тўғри мол етказиб берувчи ташкилот билан маҳсулот айирбошлайди. Натижада мол олувчи банкдан қарз олмайди ҳамда қарз учун устама тўламайди.

Ишбилармон корхонанинг фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботни ҳам яхши билиши талаб қилинади. Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда мазкур корхонанинг маҳсулот ва материалларини сотишдан келган тушум баҳосида, сотилган маҳсулотлар учун сарф қилинган харажатларнинг ҳақиқий суммаси, кўрсатилади. Шу билан биргаликда, даромаднинг умумий суммаси, фойдадан тўловлар ҳамда корхона ихтиёрида қолдирилган суммалар аниқ кўрсатилади. Агарда корхона шерикчилик ҳисобига ташкил қилинса, дивидентлар суммаси, фоизлари ҳам алоҳида кўрсатилади. Чунки ишбилармон корхонанинг фойда суммасини аниқлаш ва улардан фойдаланишни билиши корхонанинг кейинги даврида фойда суммасини ошириш учун зарур бўлган ички ва ташқи омилларни қидириб топишига шароит яратиб беради.

Шунингдек, ҳар бир ишбилармон давлат корхонасидами, жамоа ташкилотидами, шахсий корхонадами, ундан қатъи назар энг аввало корхонанинг молиявий ҳисоботини ўқий оладиган, таҳлил қила оладиган, таҳлил натижасига қараб мустақил фикрлай оладиган, ўзининг фикрини асослаб, тезда тегишли хулоса чиқарадиган бўлиши лозим.

Ўз-ўзидан маълумки, ишбилармон ишнинг кўзини биладиган, замон талабига, айниқса бозор талабига тезда мослашадиган, энг асосийси, қийинчиликдан чўчимайдиган, халқ, жамоа мулкига хиёнат қилмайдиган, ўзининг ва халқнинг меҳнатини қадрлайдиган имонли киши бўлиши даркор. Ишбилармонлик қандайдир йўл билан пул топшиш эмас, балки ҳалол меҳнат билан пул топишдир.

Хуллас, ишбилармонлик, уддабуронлик асосан ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ ишларида қўлланилади. Шунинг учун ишбилармонликда ёлғон гапириш, алдаш, республикамизнинг қонунида ҳамман қилинган. Шунингдек, бозорни касод қилмоқ учун атайлаб нарх-навони оширмоқ макруҳдир. (6-боб, 378-бет) «Одамларни авраш Оллоҳ таолони ҳам аврашдир», (7-боб, 378 бет) деб ҳадисда ёзилган. Бундан келиб чиқадики, ишбилармон пок, имонли киши бўлиши керак.

**Абдумуталиб РИЗОҚУЛОВ,**  
иқтисод фанлари номзоди.

# МИЛЛИЙ ҲИСОБЧИЛИК

## (ЕКИ ЎЗБЕКИСТОНДА МАЗКУР СИСТЕМАНИ ТУЗИШ ҲАҚИДА)

Ўзбекистон республикаси иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтказишда давлат статистика органларининг роли алоҳида ўрин тутди.

Ҳозирда амал қилаётган статистика ва ҳисобот системаси иқтисодиётни маъмурий буйруқ билан бошқариш шароитида вужудга келган бўлиб, марказлаштирилган режалаштириш методологиясига ва ялли статистик кузатишга асослангандир. Кўрсаткичлар системаси таркиби вазирликлар ва маъмуриятларни бошқариш заруриятидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, бозор муносабатлари талабларига жавоб бера олмайди. Ушбу системада давлатнинг молиявий аҳволи, пул муомаласи, кредит, тадбиркорликнинг янги структурасига оид кўпгина кўрсаткичларнинг йўқлиги иқтисодиётда, сиёсатда ва маънавий ҳаётда юз бераётган жараёнларни тўлалигича ҳисобга олиш, таҳлил қилишда қийинчиликлар туғдирмоқда. Шунингдек, амалдаги ҳисобот ва статистика системаси жаҳон талаблари даражасида эмас. У Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришда ҳамда халқаро ҳамжамиятлар билан бирикишида тўсқинлик қилмоқда. Юқоридаги муаммолар ечимини топишнинг энг муқобил йўли халқаро амалиётда қабул қилинган ҳисоб ва статистика системасига ўтишдир.

Ушбу система миллатлараро ҳисобот ва статистика тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ҳозирги замон иқтисодий ривожланишини, унинг қонуниятлари, йўналишларини реал тасвирлашга асослангандир. Жумҳуриятимиз ҳисоб ва статистикасини халқаро стандартлар даражасига чиқариш учун қуйидаги йўналишларда иш олиб бориш лозим.

1. Давлат статистикасида туб ўзгартиришларни амалга ошириш учун:

— халқаро талабларга жавоб бера оладиган миллий ҳисоблар системасидаги кўрсаткичларни жорий қилиш;

— янги статистик кузатиш методларини қўллаш;

— давлат статистика органлари билан корхона, ташкилот, вазирликлар, тижорат структуралари ўртасидаги алоқаларнинг янги омилларини ўрнатиш.

2. Миллий ҳисоблар системасини (МҲС) жорий қилиш учун:

— МҲС кўрсаткичларни аниқлаш усулларини яратиш;

— ҳисобот системасини тузиш услубиятини ишлаб чиқиш;

— амалда синаб кўриш ва бир қанча бошқа ишлар қилиниши керак.

3. Молия, бюджет ҳамда банк статистикасида пул статистикаси ва банк ҳисоботини такомиллаштиришга қаратилган туб ўзгартиришларни амалга ошириш зарур.

4. Бухгалтерия ва банк ҳисоботида халқаро талабларга жавоб берадиган янги ҳисоб режаларини ишлаб чиқиш, уни жорий қилиш, шунингдек Марказий банк структурасини қайта кўриб чиқиш керак.

5. Яна бир долзарб масалалардан бири статистикани ишончли ва доимий ахборот билан таъминлаш мақсадида корхона-ташкilotларнинг регистрларини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

6. Халқаро ҳисоб ва статистика системасига ўтишдаги асосий масалалардан бири ҳозиргача мавжуд бўлган умумиттифоқ классификаторларини қайта кўриб чиқиш, шу билан биргаликда Ўзбекистоннинг ўз классификаторларини яратиш ишларидир. Бу борада МҲС талабларидан келиб чиққан ҳолда:

— секторлар ва қуйи секторлар;

— иқтисодий операциялар ва шунга ўхшаш бир қанча классификаторларни тузиш зарур бўлади.

7. Навбатдаги масалалардан бири халқаро талабларга жавоб бера оладиган ҳисобот ва статистикани жорий қилишда иштирок этадиган мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ишларидир. Бу борада олий таълим вазирлиги, ЎзФА ва малака ошириш илмгоҳ-





лари янги ўқув-мавзу режаларини ишлаб чиқишлари, илмий-тадқиқот ишларини олиб боришлари керак бўлади. Юқорида айтиб ўтилган вазифаларнинг ичида алоҳида ўрин тутадиган, халқаро ҳисобот ва статистика системасига ўтиш муаммосининг ядросини ташкил қиладиган иш бу МҲСга ўтишдир.

Миллий ҳисоблар системаси — жамлама иқтисодий-статистик кўрсаткичлар тўплами бўлиб, тайёр маҳсулот ва миллий даромадларни яратиш (ишлаб чиқариш), тақсимлаш, қайта тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнларини Ғарбий Европа ва АҚШ концепциялари асосида тавсифлайди. Ёки бўлмаса бу системани статистик макромодель сифатида қараш мумкин. Агар ушбу система кўрсаткичлари тартиб билан бир қанча жадвалларда акс эттирилса, улар ёрдамида такрор ишлаб чиқариш жараёнининг ҳар бир боسقичини бирма-бир тавсифлаш имконияти туғилади.

Макроиқтисодий кўрсаткичларни аниқлаш жараёни XVII асрдан бошланган бўлиб, англиялик сиёсий-арифметиклар Вильям Петти ва Грегори Кинглар билан статистикасининг кашфиётчилари ҳисобланади. Лекин улар тузган кўрсаткичлар узоқ вақт бир-бири билан боғланмаган, тасодифий тавсифга эга бўлиб келди. Бунинг сабабларидан бири ғарбий иқтисод фанида давлатнинг мамлакат иқтисодиётига таъсир кўрсатишини инкор этиш ва эркин рақобатга асосланган капиталистик системанинг идеаллигини тасдиқлашдир. Аммо 1929—1993 йиллардаги «Буюк бўҳрон» ва ундан кейин давом этган «Буюк депрессия» ушбу тасдиқларнинг асоссизлигини кўрсатди. Ҳосил бўлган вазият тезлик билан буржуа статистикасида жамлама баланс ишларини ривожлантиришни талаб қилиб қолди. Чет мамлакатлар статистикасида биринчи баланс тизимлари тажрибаси В. Леонтьев томонидан АҚШнинг 1929—1938 йил маълумотлари асосида тузилди. Бу баланс «харажатлар — ишлаб чиқариш» жадвали шаклида бўлиб, унинг асосида икки ёқлама кириш йўли бўлган шахмат жадвали методи ётади.

Ҳозирда БМТ махсус комиссияси томонидан МҲС қайта кўриб чиқилмоқда. БМТ МҲС нинг янги варианты, ҳисоблар структураси ва кўрсаткичлар мазмунига нисбатан Евростат МҲСга, бошқача қилиб айтганда «Европа бириккан иқтисодий ҳисоблар системаси» га яқин бўлиши кутилмоқда.

Евростат МҲС ва БМТ МҲС ўртасида айрим тафовутлар мавжуд. Евростат МҲСда солиқ олиш, даромаднинг тақсимланиши ва тармоқлараро баланс масалалари кенгроқ ва мукамалроқ ёритилган. Шунингдек ҳисоблар структурасида ҳам тафовутлар мавжуд. Евростат МҲСда тушунча ва категориялар аниқ, муфассал ёритилган.

Айтилганлардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон МҲСни жорий қилишда Евростат МҲС методологик принциплари ва ёндошувларига таяниш бизнингча мақсадга мувофиқдир.

МҲС бухгалтерия ҳисоботи принциплари асосида тузилган.

Жадваллар бухгалтерия ҳисоби шаклида бўлиб, ресурслар ва харажатлар қисмидан иборат. «Икки ёқлама ёзув» принципи асосида кўрсаткичлар ҳисоб-

ларда икки мартаба ёзилади, бир марта бир ҳисобнинг харажат қисмида, сўнгра иккинчи ҳисобнинг ресурс қисмида.

МҲСда шундай категория ва тушунчалар борки, улар ХХБда учрамайди. Бундан ташқари айрим ХХБ кўрсаткичлари МҲС кўрсаткичлари билан бир хил номлансада, лекин мазмун жиҳатдан фарқ қилади.

МҲСда ички ва миллий иқтисодиёт категориялари мавжуд бўлиб, уларни бир-бирдан ажратишда иқтисодий ҳудуд, резидент ва иқтисодий манфаатдорлик маркази каби тушунчаларни аниқлаб олиш зарур.

Иқтисодий ҳудуд тушунчаси шахс, товар ва пул бирликлари эркин ҳаракат қила оладиган географик ҳудуд, миллий фазо, ҳудудий сувлар ва халқаро сувларда мавжуд, мамлакатнинг эгалик қилишга ҳуқуқи бўлган континентал шельфлардан иборат. Бундан ташқари иқтисодий ҳудудга ҳудудий анклавлар (яъни давлатлараро шартномалар асосида дипломатик, ҳарбий, илмий ва бошқа мақсадларда ишлатиладиган чет эллардаги жуғрофий ҳудуд) ва эркин зоналар ҳам кирради, мамлакат ҳудудида жойлашган бошқа давлат анклавлари иқтисодий ҳудудга кирмайди.

Резидент деб иқтисодий манфаатдорлик маркази мамлакат иқтисодий ҳудуди билан боғланган хўжалик бирликларига (уй хўжалиги, корхона, ташкилот) айтилади.

Иқтисодий манфаатдорлик тушунчаси шундан иборатки, иқтисодий ҳудудда амалга ошириладиган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган операциялар бир йил ва ундан ортиқроқ вақт мобайнида давом этиши керак.

Ўзбекистон статистика амалиётида МҲСни жорий қилишда қуйидаги ишлар амалга оширилиши зарур бўлади.

1. Ўзбекистон иқтисодий системасининг турли қисмлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни тўлалигича акс эттириш мақсадида институцион бирликлар аниқланиши ва уларни секторлар, тармоқлар бўйича группалаш.

2. МҲС ҳисоб бирлигини аниқлаш мақсадида иқтисодий операцияларнинг барча турларини аниқлаш ва группалаш.

3. Иқтисод секторлари ўртасидаги муносабатларни кўрсатувчи восита сифатида ҳисоблар системасини ва уларни баланслаштирувчи моддасини аниқлаш.

4. Миллий иқтисодиётнинг аҳволини таҳлил қилиш ва истиқболларини белгилаш мақсадида жамлама кўрсаткичлар жадвалини тузиш.

Энди юқорида келтирилган ҳар бир масала устида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Институцион бирликларни аниқлаш ва уларни сектор ҳамда тармоқлар бўйича группалаштириш асосан секторлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни кўрсатиш, Республика иқтисодий аҳволини тўлиқ тасвирлаш мақсадида амалга оширилади.

Институцион бирликка тўлиқ ҳисоблар тўпламини тузиб борадиган ва хўжалик юритишда мустақилликка эга бўлган хўжалик бирликлари кирради.

Институцион бирликларни секторлар бўйича группалашдан мақсад даромад ва харажатлар оқими, шу-



нингдек молия-кредит актив ва пассивларини ўрганишдир. Чет давлатлар тажрибасини умумлаштириш ва иқтисодий фаолият турларини таҳлил қилган ҳолда Ўзбекистон Республикасидаги институцион бирликларни иқтисодиётнинг қуйидаги секторлари бўйича группалаштириш мумкин:

товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари (номолиявий корхоналар); молия ташкилотлари; давлат ташкилотлари; уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи ижтимоий ташкилотлар; уй хўжалиги; ташқи иқтисодий алоқалар («ташқи дунё»).

«Товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари» секторининг асосий функцияси товар ишлаб чиқариш ва молиявий бўлмаган хизмат кўрсатишдан иборат. Ушбу институцион бирликларнинг ресурслари асосан маҳсулот айирбошлаш эвазига вужудга келади.

«Молиявий ташкилотлари сектори» тижоратга асосланган молия операциялари билан шуғулланувчи институцион бирликларни ўз ичига олади. Шунингдек унинг таркибига суғурта ташкилотлари ҳам киради.

«Давлат корхоналари» секторига жамоа истеъмоли учун бозорга мувофиқ бўлмаган хизмат кўрсатиш, миллий даромад ва бойликни қайта тақсимлашда иштирок этадиган ташкилотлар киради.

«Уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи ижтимоий ташкилотлар» секторига аҳолининг якка ва жамоа талабини қондиришда банд бўлган ташкилотлар киради.

«Уй хўжалиги» сектори ишлаб чиқарувчи ёки истеъмоли бўлган ягона ва группа шахсларни, мустақил юридик статусга эга бўлмаган, лекин ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи давлат корхоналарини ўз ичига олади.

«Ташқи иқтисодий алоқалар («Ташқи дунё»)» сектори асосан чет давлатлар ва мамлакат институцион бирликлари (резидентлари) ўртасидаги операцияларни ҳисобга олишда қаралади. Бу сектор ҳисоблари ёрдамида миллий иқтисодиёт билан ташқи дунё ўртасидаги муносабатни умумлашган ҳолда кўриш мумкин.

Ишлаб чиқариш жараёни, товар ресурслари, хизмат кўрсатишда ишлаб чиқариш ва истеъмоли ўртасидаги мутаносибликни тавсифлаш мақсадида МҲС да институцион бирликлар тармоқлар бўйича ҳам группаланadi. Тармоқлар бўйича товар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва улардан фойдаланиш жараёнидаги оқимларни таҳлил қилишда қўл келади.

Иқтисодий операцияларни аниқлаш ва уларни группалаштириш МҲС да ҳисоб бирлигини аниқлаш жараёнидан иборат. Операциялар миллий ҳисоблар ва иқтисодий фаолиятни ҳисобга олувчи бирликдир. Иқтисодий операциялар амалга оширилишига қараб бир томонли ва икки томонли бўлади. Икки томонли операцияларга мисол қилиб деярли барча маҳсулот етказиш ва хизмат кўрсатиш операцияларини келтириш мумкин. Маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар ўз истеъмоли учун фойдаланиши бир томонли операцияларга киради.

Иқтисодий операциялар қуйидаги группаларга бўлинади:

- а) товар ва хизматлар операциялари;
- б) айирбошлаш операциялари;
- в) молиявий операциялар.

Товар ва хизматлар операцияси тармоқ ҳамда секторларда ишлаб чиқариш, алмашиш, истеъмоли қилиш жараёниларини ўз ичига олади. Айирбошлаш операциялари даромад ва мулкларни тақсимлаш, қайта тақсимлаш жараёнига тааллуқлидир.

Молиявий операциялар иқтисодиётнинг турли секторларида молиявий активлар, пассивлар ва фондларнинг ўзгаришини тавсифлайди.

Трансфертлар — операция бўлиб, даромадлар қайта тақсимлаш оқимидан иборат. Операциялар пул ва натурал шаклларда текинга қайта тақсимлаш жараёнини акс эттиради.

Ҳар бир сектор ва қуйи секторларни таҳлил қилиш, шунингдек миллий иқтисодиётни макроиқтисодий таҳлил қилиш МҲС да операцияларни ҳисоблар кўринишида тасвирлашни талаб этади. Системадаги ҳисоблар «ресурс» ва «фойдаланиш» қисмларидан иборат бўлиб, молиявий ёки моддий оқимлар ҳисобларда икки мартаба ёзилади. Бир мартаба — ресурс қисмида, иккинчи мартаба — фойдаланиш қисмида.

Ўзбекистон республикасида қуйидаги ҳисоблар системасини жорий қилиш мақсадга мувофиқдир:

1. Ишлаб чиқариш ҳисоби-бевосита ишлаб чиқариш жараёнига тааллуқли операцияларни ўз ичига олади. Ҳисобнинг ресурс қисми ялпи маҳсулот ва хизматлар, маҳсулотларга соф солиқ, импортга соф солиқдан иборат.

Фойдаланиш қисми эса оралиқ, истеъмоли ва ҳисобнинг баланслаштирувчи моддаси — ялпи ички маҳсулотдан иборат. Оралиқ истеъмоли қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) моддий маҳсулот ва хизматлар;

б) корхона ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш мақсадидаги харажатлари (командировка харажатлари, медпункт харажатлари, кутубхона, дам олиш хоналари ва ҳ. к.);

в) номатериал хизматлар (Илмий-тадқиқот ва тажриба-лойиҳа ишлари, диспансеризация, вакцинация ва ҳ. к.).

2. Даромад таркиб топиши ҳисоби — ишлаб чиқариш жараёнида бевосита тақсимлаш операцияларидан иборат. Ресурсда:

— ялпи ички маҳсулот (бозор нархларида);

— ишлаб чиқариш ва импортга берилadиган субсидиялар.

Фойдаланишда:

— иш ҳақи

— ишлаб чиқариш ва импортга солиқлар;

— асосий фондлар истеъмоли;

— иқтисодий фойда.

3. Даромадлар айирбошлаш ҳисоби — иқтисодиёт миқёсида мамлакатнинг даромадини бошқа давлатлар билан муносабатини ҳисобга олган ҳолда тақсимлаш ва қайта тақсимлаш операцияларини ўз ичига олади. Ресурсда:

— ялпи фойда;

— ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи;  
— ишлаб чиқариш ва импортга солиқ;  
— «Ташқи дунё»дан, мулкдан олинган фойда ва жорий трансфертлар.

Фойдаланишда:

— ишлаб чиқариш ва импортга бериладиган субсидиялар;  
— мулкдан ва тадбиркорликдан «Ташқи дунё» оладиган даромад;

— «Ташқи дунё»га бериладиган трансфертлар.

Бу ҳисобнинг баланслаштирувчи моддаси — ялпи миллий соф даромад.

4. Даромадлардан фойдаланиш ҳисоби — ялпи миллий соф даромаднинг истеъмол ва миллий жамғармага ишлатилишини кўрсатади.

Ресурсда:

— ялпи соф даромад.

Фойдаланишда:

— уй хўжалиқларининг, давлат ва ижтимоий ташкилотларнинг истеъмол қисми;

— ялпи миллий жамғарма.

Ялпи миллий жамғарма ушбу ҳисобнинг баланслаштирувчи моддаси ҳисобланади.

5. Капитал харажатлар ҳисоби — асосий ва оборот фондларининг, номатериал ва молиявий активлар, шунингдек уларнинг молиявий таъминот манбаларининг жамланиш жараёнини ёритади.

Ресурсда:

— ялпи миллий жамғарма;

— бошқа давлатлардан олинган капитал трансфертлар.

Фойдаланишда:

— асосий фондларнинг ялпи жамланиши;

— материал оборот воситалари запасининг ўзгариши;

— сотиб олинган ер ва номатериал активлар;

— бошқа давлатларга берилган капитал трансфертлар;

— соф кредит ёки соф қарзлар (ҳисобнинг баланслаштирувчи моддаси).

6. Молия ҳисоби — молиявий актив ва пасивларнинг ўзгаришини кўрсатади.

Ресурсда:

— қабул қилинган молиявий мажбуриятлар;

— соф кредит ёки қарзлар.

Фойдаланишда:

— молиявий активларга эга бўлиш.

7. Товар ва хизматлар ҳисоби — иқтисодиёт миқёсида товар ҳамда хизматларнинг умумий ресурслари, бу ресурслардан фойдаланиш йўналишларини тавсифлайди.

Ресурсда:

— ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар;

— маҳсулотларга солиқ;

— маҳсулот ва хизматлар импорти;

— импортга соф солиқ.

Фойдаланишда:

— оралиқ истеъмол;

— якуний истеъмол;

— асосий фондлар ялпи жамғармаси;

— материал оборот воситалар запасининг ўзгариши;

— маҳсулот ва хизмат экспорти.

Ушбу ҳисоб аниқланиши бўйича баланслаштирилади.

Ташқи иқтисодий алоқалар куйидаги учта ҳисобда ўз аксини топади:

1. Жорий операциялар ҳисоби — давлатлар ўртасида товар ва хизматлар олди-сотди жараёнини ифодалайди.

Ресурсда:

— резидент бўлмаганларнинг жорий даромади;

— резидент бўлмаганларнинг иш ҳақи;

— ишлаб чиқариш ва импорт солиғи;

— резидент бўлмаганларнинг мулкдан оладиган даромади;

— жорий операциялар қолдиғи (баланслаштирувчи).

Фойдаланишда:

Бошқа давлатлардан экспорт эвазига олинадиган даромад;

— резидент бўлмаган уй хўжалиқларининг сотиб олган товар ва хизматлари;

— резидентларнинг резидент бўлмаганларни ёллаши эвазига олган иш ҳақи;

— бошқа давлатлардан олинадиган мулк, тадбиркорлик ва трансферт даромади.

2. Капитал харажатлар ҳисоби асосий ва оборот фонди, номатериал активларга тегишли ташқи иқтисодий операцияларни тавсирлайди.

Ресурсда:

— бошқа давлатларга бериладиган капитал трансфертлар;

— соф кредит ёки қарзлар (балансловчи).

Фойдаланишда:

— бошқа давлатлар билан жорий операциялар қолдиғи;

— соф сотиб олинган ер ва номатериал активлар;

— бошқа давлатлардан олинган капитал трансфертлар.

3. Молиявий ҳисоб-мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларда бошқа давлатлар муносабатидаги молиявий актив ва пасивларнинг ўзгаришини кўрсатади.

Шундай қилиб МҲС ишлаб чиқариш жараёнининг барча томонларини босқичма-босқич тўлалигича тавсифлайди.

Юқоридагиларидан ташқари МҲС турли хил таҳлил жадваллари, тармоқлар учун қўшимча ҳисоблар тузиш ва кўрсаткичларни янада таркибий қисмларга бўлиш эвазига бойитилиши мумкин.

**Бахтиёр МАҲМУДОВ,**  
Ўзбекистон истиқболни белгилаш ва  
статистика давлат комитетининг бўлим бошлиғи,  
иқтисод фанлари номзоди.

**Шарофиддин НАЗАРОВ,**  
Шу комитетнинг «Иқтисод ва статистика»  
илмий-тадқиқот институти бўлим мудирини,  
иқтисод фанлари номзоди.

# ФЕРМЕРЧИЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

(ёки деҳқон (фермер) хўжалиklarини  
ривожлантириш ва мустақамлаш  
йўллари хусусида)

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бозор муносабатларига ўтказишда қатор ташкилий, ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий омилларнинг яратилиши катта аҳамиятга эга.

Ташкилий омиллар деганда биз Президент Фармони ва ҳукумат қарорларини тушунамиз, буларда тегишли вазирликлар ва идораларнинг ердан фойдаланишига, молия ва кредит ёрдами бериш тизимини ўзгартиришга, моддий техника таъминоти масалаларини ҳал қилишга оид вазифаларни белгилаб беради.

Иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитлар тегишли идоралар томонидан яратилиши керак, уларга нарх-навои белгилаш, инвестиция йўли билан ёрдам бериш, солиқлар белгилаш, шунингдек ижтимоий ҳимоя қилиш каби масалалар киради. Шундай ёндошишлар тўғрисида республикада кўп босқичли иқтисодиёт шаклланимоқда.

Кўп босқичли иқтисодиётни шакллантиришда юқорида қайд қилганимиздек ёндошилмаса ривожланиш жараёнида бошбошдоқлик рўй беради, ҳамда ишлаб чиқаришнинг юксалишида қарама-қаршиликлар юзага келади. Мисол учун деҳқон (фермер) хўжаликларини Бухоро вилояти ҳамда Қорақалпоғистонда жамоа ва давлат хўжаликларини томонидан вақтинча ижарага берилган ерларда 1989 йилдан бошлаб ҳеч бир ҳуқуқий асосиз ташкил этила бошланди.

Деҳқон хўжаликларини асосан жамоа, давлат хўжаликларини маблағлари, банк кредитлари ҳамда шахсий жамғарма маблағлари ҳисобига ташкил этилган бўлиб, кўпчилигининг ўз жорий счётлари бор, улар жамоа, давлат хўжаликларининг ишлаб чиқариш воситаларини (қишлоқ хўжалик машиналари, тракторлар, молхоналарни) ҳамда қора моллар, қўй-эчкиларни хусусий мулк қилиб сотиб олганлар.

Фермер хўжаликларига ажратилган ерлар асосан ема-хашак етиштириш мақсадида фойдаланилиб, улар одатда фермадан унчалик узоқ эмас.

Қорақалпоғистон жумҳурияти ва Бухоро вилояти деҳқон хўжаликларини сутнинг қарийб тўртдан бир қисмини етиштиришяпти, шунингдек гўшт ишлаб чиқаришни кўпайтиришга муҳим улуш қўшмоқдалар.

Аммо бу жойларда деҳқон хўжаликларини барпо

этиш юзасидан катта ишлар олиб борилаётганига қарамай, уларни янада ривожлантириш ва мустақамлаш соҳасида кўпгина муаммолар, ечилмаган масалалар мавжудлиги аниқланди.

Деҳқон хўжаликларига фойдаланиш учун берилган ерлар ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилган бўлиб жамоа ва давлат хўжаликларининг балансларида турибди, бу ҳол эса фермерларни иккилантириб, хўжалик раҳбарларига ипсиз боғлаб қўймоқда.

Масалан, Беруний районининг «Октябрь 50 йиллиги» жамоа хўжалиги раҳбарлари фермер З. Машариповдан ўзлари берган ерни тортиб олганлиги фикримизнинг яққол мисоли бўла олади. Шунга ўхшаш ҳолатлар республикамизнинг бир қанча хўжаликлариди ҳам такрорланмоқда.

Бундан ташқари фермерларда кўпгина сўғориш ва дренаж шаҳобчалари йўқ, унумсиз ерлар ажратиб берилмоқда.

Жойларда умумий аҳволларни атрофлича таҳлил қилганимизда шў нарса аён бўлдики, кўпгина деҳқон хўжаликларига ўзлари етиштирган маҳсулотларни тайёрлов идораларига давлат харид нархида сотаётган бўлсалар, моддий-техник ресурсларини эса савдо ташкилотларидан чакана нархларда сотиб олаётдилар.

Ҳолбуки, жамоа ва давлат хўжаликларини бу ресурсларни улгуржи нархда сотиб олмоқдалар. Бундай ҳолатлар фермер хўжаликларини жамоа ва давлат хўжаликларига нисбатан ноқулай шароитга солиб қўймоқда.

Аксарият деҳқон хўжаликларини чорвани ҳеч қандай санитария ва ёнғиндан сақланиш талабларига жавоб бермайдиган, махсус мосланмаган молхоналарда боқишга мажбур бўлмоқда.

Деҳқон хўжаликларини моддий-техник таъминотининг жамоа ва давлат хўжаликларига қарамлиги уларнинг ҳуқуқий мустақиллигини чеклаб қўймоқда. Бундай муаммолар «Ўзбексельхозснабремонт» тизимининг районлардаги корхоналари қошида деҳқонлар ишлаб чиқариш воситаларини ремонт қилиш, моддий-техник таъминоти соҳаларида хизмат кўрсатадиган, район агросаноат идоралари қошида эса зооветеринария хизмати кўрсатадиган махсус хизматлар ташкил этишни тақозо этади.

Товар ишлаб чиқараётган мавжуд деҳқон хўжаликлари ердан фойдаланиш ҳуқуқларининг чекланганлиги сабабли хўжалик юриштининг бошқа шакллари билан бемалол рақобат қила олмайдилар. Уларга ижарага олган ерларни район ҳокимиятларининг тегишли қарорлари билан бериш зарур деб биламиз.

Жойларда олиб борилган кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, деҳқон хўжаликлари камида 15-20 бош (шартли ҳисобда) қорамол ушлаган чоғларидаги ва ҳар бир бош ҳисобига 0,4 гектар сўғориладиган ер ажратилган ҳолдагина уларнинг хўжаликлари самара бера бошлайди.

Энди, ҳозирги ривожланиш босқичидан, бизнингча, Қорақалпоғистон жумҳурияти ва Бухоро вилоятларида асос солинган фермер хўжаликлари негизда республиканинг ҳамма вилоятларида кичик қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқариш шохобчалари янада ривожланади, устаҳкамланади ва улар фақат чорвачилик билан чекланмасдан бошқа қишлоқ хўжалик тармоқларининг қарийб ҳаммасини қамраб оладилар.

Келажақда деҳқон хўжаликлари, вужудга келаётган бозор инфраструктурасининг шаклларидан бири бўлиб қолади ва қишлоқ хўжалик ишларини биргаликда амалга оширадиган ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг товар сифатида ишлаб чиқаришни таъминлайдиган шахсларнинг оилавий меҳнат бирлашмаси асосида ташкил топади. Бундай хўжаликларнинг фаолияти асосан деҳқон хўжалиги аъзоларининг шахсий меҳнати, ишлаб чиқариш воситалари ва бошқа мулкларнинг умумийлигига асослангандир.

Деҳқон хўжаликлари давлат, жамоа, кооперация негиздаги ва бошқа негиздаги корхоналар ҳамда ташкилотлар қатори мустақил, тенг ҳуқуқли ишлаб чиқариш бирлиги, ҳуқуқий шахс бўлиб, банк муассасаларида ўз ҳисоб рақамларини ва бошқа ҳисоб ҳужжатларини очадилар, уларнинг ўз муҳрлари ва номлари бўлади.


Эр-хотинлар, фарзандлар, асраб олинган фарзандлар, ота-оналар, бошқа қариндош-уруғлар, шунингдек балоғатга етган ва деҳқон хўжалиги асосий меҳнат жойи ҳисобланган бошқа шахслар фермер хўжаликларининг аъзолари ҳисобланиши керак.

Бизнинг фикримизча, деҳқон хўжаликлари район ҳокимиятларидан рўйхатдан ўтгандан сўнг ҳуқуқий шахс сифатида тан олинishi лозим.

Район ҳокимиятлари ҳар бир ташкил топган деҳқон хўжалигига рўйхатга олинганлик ҳақида махсус гувоҳнома бериши, қишлоқ, посёлка кенгашлари эса уларни хўжалик дафтарларида қайт этиб, ҳисоботини олиб боришлари мумкин.

Деҳқон хўжаликлари фаолиятининг ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асослари механизмни яратиш учун махсус қонун қабул қилинди. Бу қонун деҳқон хўжаликларнинг шаклланиши, ривожланиши учун муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

**Ҳошимжон ҲАЙДАРОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар**  
**маҳкамаси деҳқончилик комплекси**  
**бўлимининг қишлоқ хўжалик сектори**  
**мудир, иқтисод фанлар номзоди.**



## Таҳрирсиз хатлар

*вимли хонандаси Ортиқ Ота-  
жонов ҳақида ҳам суҳбат эълон  
қилинса. Сизларга шарафли меҳ-  
натингиз йўлида ижодий муваффа-  
қиятлар тилаб:*

**Мухтабар ЗОИТОВА,**  
Тошкент шахри, Гуруч-арик  
кўчаси, 31-уй  
уй бекаси.



*Салом таҳририят ходимлари!*

Мен «Ҳаёт ва иқтисод» журна-  
лининг 12-сонини тасодифан ўқиб  
қолдим. Илгари бундай журнал  
борлигини эшитган, лекин ўзини  
кўрмаган эдим. Журнал жуда қи-  
зиқарли экан. Ундаги менга ёққан  
нарсалар айниқса шу бўлдики, жур-  
налист Меҳри Алимқулова билан  
халқ ардоқлаган Мунोजон Йўлчие-  
ванинг суҳбати. Дарҳақиқат, ҳозир  
иқтисод масаласи биринчи ўринга  
чиққан. Лекин шу билан бирга  
санъат, маънавият тушунчалари  
эсдан чиқмаслиги лозим. Шу са-  
бабли мен ойномага 1993 йил учун  
обуна бўлдим. Ниятим ойнома са-  
ҳифаларидан «Сиз кутган учра-  
шув» рўқни остида бериладиган  
мақолаларни, суҳбатларни мунта-  
зам ўқиб бориш. Яна истардимки,  
шу рўқни остида халқимизнинг се-



Ун йилдан буён бухгалтер бў-  
либ ишлайман. Шу йиллар мобай-  
нида мазкур касбнинг аччиқ чучу-  
гини тотдим ва шу нарсага иқрор  
бўлдимки, бухгалтерлик ишида  
кўпгина тўлдирилмаган ўринлар,  
кўзга кўринмас «тешик»лар бор

экан. Бухгалтерлик касбини суи-  
стеъмол қиладиган, меҳнатсиз мў-  
май фойдани ўйлайдиган кишилар-  
га бу нарса 70 йилдан бери  
қўл келган экан. Бозор иқтисоди-  
ётига ўтиш жараёнида «тешик»лар  
панд бераётир, ривожланишни  
орқага сураётир. Таклифим «Иқ-  
тисод ва ҳисобот» журналида хал-  
қаро бухгалтерлик ишига, талабига  
жавоб берадиган йўналишлар чоп  
этилса. Зеро, бу касбнинг ҳалол  
нонини еб юрган кишилар уни  
ўзлаштириб олсалар ва Ўзбекист-  
тон тараққиётига муносиб илчи-  
ларини қўйсалар.

**Наргиза НЕЪМАТОВА**  
Андижон вилояти,  
Баликчи тумани.

# ТИББИЁТ СУҒУРТАСИ ЗАРУРМИ?

(ёки тиббиёт соҳасида суғурта системасини ташкил қилишнинг иқтисодий асослари ҳақида)

Соғлиқни сақлаш соҳасида бозор иқтисодиёти муносабатлари деганда тиббий хизмат кўрсатувчилар билан бу хизмат истеъмолчилари бўлган беморлар ўртасида муҳассамланадиган иқтисодий муносабатларни тушунмоқ лозимдир. Бу ерда тиббиёт ёрдами кўрсатиш учун зарурий миқдорда сарфланган меҳнатни қиймат қонуни асосида тўғри баҳоламоқ муҳим бўлади.

Шифокорлар меҳнатини тўғри баҳоламоқлик учун давлат томонидан етарли миқдорда пул маблағи ажратиш заруриятини туғдирса, беморларга сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш эса шифохоналарни замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлаш, керакли бўлган дори-дармонлар таъминоти ва сервис хизматларини яхшилаш учун яна ҳам кўпроқ маблағ талаб қилинади. Иқтисодий ислохот даврида жамият ривожланиши шуни яққол кўрсатиб турибдики давлат бюджетни томонидан ажратилаётган пул маблағлари беморларга кўрсатилиши лозим бўлган сифатли тиббий хизмат харажатларининг бир қисминигина қоплай олади холос.

Ривожланган мамлакатларнинг ҳеч бирида аҳоли учун кўрсатиладиган тиббий хизмат харажатларининг миқдори фақатгина давлат бюджети ҳисобига ташкил қилинган эмас. Энг йирик ривожланган мамлакатларда ҳам тиббий хизмат ва соғлиқни сақлаш учун харжланадиган маблағларнинг ярмидан кўпроғи, суғурта тиббиёт тизимида яратилган фондлар ҳисобига тўғри келади. Қолган қисми эса давлат бюджети томонидан таъминланади.

Ана шундай шароитда мустақил Ўзбекистоннинг келгусида соғлиқни сақлаш йўллари энг аввало иқтисодий ислохот асослари билан чамбарчас боғлиқ бўлган равишда, ҳамда аралаш мулкчилик, яъни давлат бюджети ва тиббиёт суғуртаси маблағлари асосларида ташкил қилиниши керакдир. Биз таклиф қилаётган янги модель халқ табобат ишларини ташкил қилиш учун давлат бюджети маблағларига қўшимча тарзда миллий даромад яратадиган ишлаб чиқариш корхоналарининг хўжалик даромадлари ҳисобига ўз ишчи ва ходимлари учун кўрсатиладиган тиббий хизмат харжларини ўз зиммаларига олмағи лозим демакдир.

Соғлиқни сақлаш молиялаштиришнинг муҳим ва самарадор томони — бу аста-секин суғурта тиббиёти тизимида пухта тайёргарлик кўра туриб ўтишдан иборатдир. Суғурта тиббиётига ўтиш учун аввало бу тизимнинг тузилиш тартибларини ҳамда унинг келгусидаги фаолиятининг иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини аниқлаб олиш муҳим бир вазифадир.

Суғурта тиббиёти учун яратиладиган маблағ фондлари қуйидаги долзарб муаммоларни ҳал қилишда фаол қатнашмоғи мумкин. Булар асосан тиббиёт иншоотларини қуришда, уларни тиббий жиҳозлар билан таъминлашда, дори-дармонлар билан шифохоналар ва беморлар эҳтиёжини қондиришда, ижтимоий, хўжалик ва экологик ша-

роитларни эътиборга олган ҳолда энг муҳим жойлардаги аҳоли соғлиғини мустаҳкамлаш ва ҳоказолардан иборатдир.

Жойлардаги маъмурий-худудий ва маҳаллий ҳокимият қарорларига асосан суғурта тиббиёт фондларининг алоҳида муҳим моҳиятларидан яна бир томони — бу фуқароларнинг хасталиги сабабли вақтинча иш қобилиятларини йўқотган даврида уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдан иборат бўлмоғи мумкин. Бундай шароитда суғурта тиббиёт системаси касаба уюшмалари томонидан сарфланадиган пул маблағларни ўз ихтиёрида муҳассамлаштирган ҳолда аҳоли хасталигини камайтириш борасидаги муҳим тадбирларни рағбатлантириш имкониятига эга бўлади.

Бу муаммоларнинг ечими, яъни меҳнаткашларнинг хасталаниш кўрсаткичларини сезиларли равишда камайтириш, биринчидан, тиббий хизмат кўрсатиш учун сарфланадиган давлат бюджети харжларини иқтисод қилиш имконини яратса, иккинчидан, касаллик варақалари учун ижтимоий суғурта томонидан тўланадиган нафақа пулларини иқтисод қилади, учинчидан, беморлар учун шароит тақозосида мажбурий харажатланадиган оила бюджетини иқтисод қилади, бу омил бозор иқтисоди шароитида фуқароларнинг ижтимоий аҳволларини яхшилашга олиб келади, туртинчидан эса ишлаб чиқариш корхоналари касаллик сабабли ярата олмайдиган миллий даромадни сақлаб қолиш имкониятига эга бўладилар. Бундан давлат ҳам, корхона ҳам, ишчиларнинг ўзи ҳам моддий манфаатдордирлар.

Бизнинг фикримизча, мажбурий суғурта тиббиёти системаси жумҳуриятимиз вилоятлари, шаҳарлари ва районларида ҳам давлат бюджет маблағи ҳамда бюджетдан ташқари соҳа маблағлари ҳисобига ташкил қилиниши мумкин. Республикаимиз бўйича давлат бюджети томонидан соғлиқни сақлаш мақсадига ажратиладиган маблағлар 18 ёшгача бўлган болалар, нафақа олувчи ногиронлар, балким ҳарбий хизматдагилар, ўрта махсус ўқув юрти ўқувчилари ва олий билимгоҳ талабалари, кўп болалик оила аъзолари, бюджет ҳисобида фаолият кўрсатувчи муассаса ходимлари ва шунга ўхшаш бошқа шахсларни тиббий суғурталаш учун ҳамда давлат томонидан муҳофаза қилиниши лозим бўлган ижтимоий хасталиклар ва бошқа турдаги бепул тиббий хизматлар учун сарфланиши мақсадга мувофиқ келади.

Бюджетдан ташқари соҳалар маблағлари эвазига моддий неъмат ишлаб чиқарувчи жамоалар ва уларнинг оила аъзоларини мажбурий равишда тиббиёт соҳасида суғурталаш тадбирлари амалга оширилмоғи лозим.

Шу нарса алоҳида таъкидлаб ўтиш ўта муҳимдирки, ҳозирги даврда мавжуд бўлган давлат солиқ солиш системасида тиббиёт суғуртаси сиёсати ўз аксини топмаган. Демак, суғурта тиббиёти учун тайёрланиши лозим бўлган давлат қонунида солиқ сиёсати тааллуқли бўлган қатъий

ўзгартиришлар киритилиши ўта муҳим вазифа бўлиб қолмоғи муқаррардир.

Ундан ташқари бу солиқ сиёсати системасидаги суғурта тиббиётининг иқтисодий асослари ва унинг молиявий фондлари фақатгина қўшимча молиявий манбалар топиш эмас, балки ўша алоҳида таъкидланаётган тиббиёт соҳасини ривожлантириш мақсадида харажат қилинадиган молиявий манбалардан самарали ва тежамкорлик билан сарф қилинишига кенг ташкилий ва иқтисодий муҳит яратилиши ҳам керакдир.

Шундай қилиб ҳам давлат бюджети маблағи ҳисобига, ҳамда бюджетдан ташқари соҳалар маблағлари ҳисобига ташкил қилиниши мумкин бўлган тиббиёт суғуртаси фондлари бизнинг фикримизча ихтисослаштирилган хўжалик ҳисобида фаолият кўрсатадиган молия ташкилоти ҳисобида бўлмоғи лозимдир. Бундай ихтисослашган ҳамда хўжалик ҳисобида фаолият кўрсатадиган молия ташкилоти суғурталанган фуқаролар ва меҳнат жамоалари билан даволаш-профилактика ташкилотлари, яъни тиббий хизмат кўрсатувчи муассасалар ўртасида воситачилик ролининга ўйнаши лозимдир.

Бундай воситачиликдан мақсад бозор иқтисодиёти муносабатларининг ривожланиб бориши даврида беморларга кўрсатилган тиббий хизмат қийматини тўлаш ва бу қийматларнинг кўрсатилган тиббий хизмат сифатларига мос келишини назорат қилмоқликдан иборатдир.

Суғурта тиббиёти тизими муносабатларини шакллантиришда асосий фигура — суғурталанувчи бўлиб, бу ҳар қандай ҳуқуқий шахс, яъни корхона, муассаса ва ташкилотлари бўлиши мумкин ва улар ўз меҳнат жамоалари манфаатдорлигидан келиб чиқадиган шартномалар тузиш имкониятига эга бўладилар. Бундай шароитда корхона, ташкилот ва муассасалар хўжалик даромади ҳисобидан, ундан ташқари маҳаллий ҳокимият маблағлари фуқароларни ва ишчи-хизматчиларни суғурталаб, бундан улар иқтисодий манфаатдор бўладилар. Бу усулда суғурталаш мажбурий бўлмоғи ва қабул қилинадиган суғурта тиббиёти борасидаги давлат қонундаги солиқ сиёсатида жуда ҳам аниқ кўрсатиб ўтилмоғи лозимдир.

Хорижий давлатлар фуқаролари эса доимий ёки вақтинча ўз ҳисобларидан тиббий ёрдам олишлари мақсадида ихтиёрий равишда суғурталанишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Эндиги масала — бу суғурта тиббиёти системасини ташкил қилишда таъаббат муассасалари, даволаш-профилактика ташкилотлари, ҳудудий тиббиёт бирлашмалари, ҳақимлар уюшмаси ва шахсий тиббий хизмат кўрсатувчиларнинг роли ва ўрни ҳақида бўлмоғи керак.

Ҳар қандай тиббий муассасалар ўз фаолиятини шакллантиришда ва унинг молиявий томонини мустақкамлаш мақсадида тиббиёт суғуртаси фондалри билан шартномавий асосда иш олиб боришлари керак. Ана шундай шароитда фаолият кўрсатиш хўжалик ҳисобида тиббий ёрдам кўрсатишнинг яна бир асосий принципларидан бири бўлган ўз-ўзини молиявий маблағ билан таъминлаш тартибини ҳаётга тадбиқ қилишдан иборат бўлади.

Бундай тартиб асосидагина меҳнат фаолиятини ташкил

қила олган тиббиёт муассасалари энди мустақил хўжалик ҳисобидаги муассасага айланади ва шу ҳолатдагина «Корхоналар ҳақида Қонун»дан келиб чиқадиган ҳуқуқлардан тўла фойдаланишга асос яратади. Мустақил фаолият кўрсата олган соғлиқни сақлаш муассасалари эндиликда тўлиқ равишда ўз фаолиятининг тиббий ва иқтисодий натижалари учун ўзлари жавобгар бўлиб қоладилар.

Демак, бозор муносабатлари ривожланиб бораётган бир даврда беморларга кўрсатиладиган сифатли тиббий хизмат учун эндиликда давлат ҳам эмас, соғлиқни сақлашни ташкил қилувчи ташкилотлар ҳам эмас, балки тиббий ёрдам кўрсатувчи таъаббат муассасаларининг ўзлари иқтисодий асосда жавобгар бўлиб қоладилар. Чунки, эндиликда таъаббат муассасаларининг иқтисодий соҳадаги пировард натижалари уларнинг сифатли тиббий ёрдам кўрсатишлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб қолади.

Қайд қилинган фикримизни мужассамланган ҳолда хулоса қилиб шуни алоҳида таъкидламоғимиз лозимки, тиббиёт, суғурта сиёсати билан чамбарчас боғлиқ бўлмоғи лозимдир. Чунки ҳозирги давримизда мавжуд бўлган ижтимоий суғурта сиёсатининг ҳам асосий тартибларидан бири — бу инсониятни соғлом турмушга чорлашдир. Ривожланган мамлакатларда фаолият кўрсатаётган суғурта тиббиёти системасининг асосий иш тартиби ана шу мақсадга йўналтирилгандир.

Суғурта тиббиёти фондлари агарда тиббиёт муассасалари билан контракт (шартнома) тузишни айрим объектив ва субъектив омиллар асосида тўхтатиб қўйсалар, улар учун оғир бир шароит юзага келади, яъни шартнома қайтадан тузилмай қолади ва бу ҳол таъаббат муассасаларини молиялаштириш тўхтатилади демакдир. Бундай шароитда фаолият кўрсатаётган таъаббат муассасалари ва тиббиёт ходимлари инқирозга учрашлари аниқдир. Албатта улар ўз-ўзидан ўз фаолиятларини тўхтатишга мажбур бўладилар, бу ерда тиббиёт масканлари ўртасида пайдо бўладиган рақобат ҳам кучли аҳамиятга эгадир. Шунинг асосида беморларнинг эҳтиёжини қондира оладиган ва сифатли тиббий ёрдамни ташкил қиладиган, замонавий тиббиёт жиҳозлари ва етарли даражада дори-дармонлар билан таъминланган тиббий муассасаларгина ўз фаолиятини давом эттира оладилар.

Хулоса қилиб айтганда биз ўзимизнинг суғурта тиббиётининг ташкилий ва иқтисодий асосларига бағишланган баҳсли мақоламизнинг биринчи қисмида юқорида таъкидлаб ўтилган муаммоларнинг бир қисмигагина тўхталиб ўтдик холос. Олдинда бу янги система ечимининг жуда ҳам кўп муаммолари мавжуд.

**Баҳодир УМУРЗОҚОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси ижтимоий  
таъминот вазири

**Эркин РАҲИМОВ,**  
Республика врачлар малакасини ошириш  
институтининг «Соғлиқни сақлашни бошқариш  
ва иқтисодиёт» кафедраси мудири.

*Редакциямиз:*

**Хўрматли муштарий!** Мақолани ўқиб чиққан бўлсангиз, ҳақиқатан ҳам ундаги кўтарилган масала кишини баҳсга чорлайди. Юртимизда бозор иқтисодиёти даври кечмоқда. Бу жараён халқ хўжалигимизнинг барча соҳалари каби, тиббиёт соҳасига ҳам яхшими-ёмонми ўз таъсирини ўтказмай қолмапти, албатта. Бас шундай экан, ушбу соҳани янада яхшилаш борасида олимларимиз, мутахассисларимиз ўз

таклифларини, баҳсалаб ғояларини илгари суришлари тиббийдир. Юқоридаги мақола ҳам илмий, иқтисодий нуқтаназардан келиб чиққан ҳолда ёзилган. Уйлаймизки, унда кўтарилаётган масала Сиз азиз муштарийларимизни ҳам қизиқтиради.

Агар шундай бўлса, марҳамат, фикр-мулоҳазаларингизни бизга ёзиб юборинг. Мақтубларингизни кутамиз.

# СИНИШДАН САҚЛАНИШ СУГУРТАСИ

Собиқ Совет Иттифоқи ҳудудида бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан «рубль» курси кескин равишда ўсиб кетмоқда. Оқибатда хом ашё етказувчи, маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни истеъмолга чиқармай «рубль» курсини қай даражага етиб боришини кутганча, оմборларда товарларни сақлаб туришипти. Натижада хом ашё, қурилиш материаллари, ёқилғи билан иш бажарадиган корхоналар фаолияти сусайиб кетмоқда. Хом ашё, материаллар нархи эркин баҳода чиқиши сабабли таклиф рақобати кучайди. Айрим корхоналарнинг ўз ҳисобидаги маблағлари ишлаб чиқариш оборотига нисбатан тўртдан бир қисмига етмай қолди. Корхоналарнинг банкдан қарзи ошиб кетди, ссуда олиш кўпайди. Эндиликда айрим корхоналарнинг синиш эҳтимоли пайдо бўла бошлади. Корхоналар банкдан қарз олиш учун ўзларининг қарзини тўлай олиш қобилиятини исботлаши, пулни қаерга ишлатишини тушунтириши қачон ва қайси йўл билан қарзни қайтаришини исботлаши лозим.

Ана шу тартибдаги таҳлилдан сўнг синиш эҳтимоли пайдо бўлган корхонага қарз берувчилар қарз бермай кўяётир. Корхонанинг раҳбарлари эса уни тарқатиб юборишга ёки бошқа бир корхонага кўшишга мажбур бўлаёпти.

Хўш, ким унга бундай вазиятдан чиқишга кўмаклашади? Мана шу муаммони ечиш учун қандайдир чора излашга тўғри келаётир. Тўғри синишнинг олдини олиш учун корхоналарнинг фонд запасларидан фойдаланилади. Чунки турли фондлар устав, заҳира фонди, тақсимланмаган фойда, махсус мақсадлар фонди, келгуси харажатлар ва тўловлар заҳираси ҳамда амортизация фонди қабилад мавжуд. Лекин булар синишнинг олдини тўла ололмайдди. Мана шу фондлар қаторига қафолатли суғурта фонди қўшиб, суғурта фаолиятида ҳар бир ҳодисадан суғурта қилинганидек «банкротдан сақланиш суғуртаси» жорий этилиб тартиб қондалари белгиланса. Бунда асосан суғурта қилинган мол-мулкнинг, иншоотларнинг, экинларнинг фавқулодда ҳодиса натижасида қийматини йўқотган миқдор аниқланиб суғурта идораси томонидан тўланади. Мазкур суғурта турининг мавжуд суғурта турларидан фарқи шундаки, банкротга учраган корхонага бериладиган маблағ қайтариб бериш шarti билан берилади, албатта корхонанинг молиявий фаолиятига қараб қўшимча имтиёзлар ажратилади. «Банкротдан сақланиш суғуртаси»га аъзо бўлиш учун эса табиийки, бадал белгиланади.

Аъзолик бадалини ҳисоблашда корхона мулкнинг қиймати миқдорининг 15-20 фоизига белгиланади, банкротга учраган ҳолда, унинг мол-мулки қиймати миқдорига маблағ билан таъминланади.

«Банкротдан сақланиш суғуртаси»нинг қуйидагича афзаллик томонларини ҳам белгилаш керакки, уни ҳар бир корхона қизиқиш ва ишонч билан қабул қилсин. Афзалликнинг биринчи томони, жорий этилаётган суғурталар бир йил муддатга тузилаётган бўлса, «банкротдан сақланиш суғуртаси»нинг икки йил кучга эғалигини белгилаш, чунки корхона аъзо бўлгандан сўнг икки йил қафолатли ҳомийси борлигига ишонч ҳосил қилган ҳолда фаолият юритсин. Иккинчи афзаллик томони, берилган маблағни қайтаришни белгилашда корхона иш фаолиятини изга солиб ўзини тиклагунча маълум бир муддат берилади, сўнг ҳар чорак мобайнида ишлаб чиқариш оборотига нисбатан маълум бир фоиз миқдорда тўлаб бориши белгиланадими, у корхонага иқтисодий қийинчилик туғдирмаслиги керак.

Суғурта шартномасини тузиш тартибида суғурта шартномаси суғуртачининг ёзма равишдаги аризасига асосан икки нусхада тузилиб, бир нусхаси суғурта идорасига, иккинчи нусхаси аъзо бўлган корхонага юридик ҳужжат тариқасида берилади.

Суғурта қилинадиган мол-мулкни ҳисоблашда эса Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат Солиқ бош бошқармасининг 1992 йил 25 мартдаги қарорига асосан мол-мулкни солинадиган солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги қўлланманинг 11 бандига кўра корхонанинг ҳисобот давридаги бухгалтерлик балансининг фаол якунидан, пассив томонидаги қуйидаги манбалар чегирилади:

- асосий воситалар эскириши;
- кам баҳоли ва тез эскирувчи воситаларнинг эскириши;
- капитал қўйилмалар ва бадаллар;
- кредит ва бошқа қарзга олинган воситалар ҳамда ҳисоб-китоб ва бошқа пассивлар;
- фойдаланган даромадлар.

Мана шу муомалалар амалга оширилгандан сўнг корхона мол-мулкнинг миқдори ҳосил бўлиб суғурта қилишга қабул қилинади. Аъзолик бадалини белгилашда ҳозирги кунда қарз берувчилар кредитдан фойдаланиш учун фоиз ставкасини 21-50 фоизгача белгиланганлигини ҳисобга олган ҳолда корхонанинг мол-мулкни ҳисоблаб, топилган қийматининг 15-20 фоиз миқдорига аъзолик бадали чегирилиши мумкин. Тўлаш тартиби эса жорий этилаётган суғурта бўйича амалга оширилади.

Банкротга учраган корхона суғурта муассасасига ёзма равишда ариза ёзиб иш фаолияти тўғрисида маълумот беради. Суғурта томонидан молия ҳамкорлигида фаолияти таҳлил қилиниб, иш фаолиятини яна юргизиш учун қанча маблағ кераклиги аниқланиб, корхонага маблағ ажратилади. Ажратилган маблағ корхона мол-мулкни қийматидан ошмаслиги керак.

Корхонага маблағ ажратилгандан сўнг унга ўз фаолиятини тиклагунча маълум бир муддат берилади. Белгиланган муддат тугагандан сўнг эса суғурта томонидан унинг молиявий фаолияти таҳлил қилиниб, ишлаб чиқариш оборотига нисбатан маълум фоиз ставка белгиланади.

Ўйлайманки, суғуртанинг ушбу тури журнал саҳифасида ёритилади ва муштарийлар муҳокамасига ҳавола қилинади.

**И. АСАДОВ,**  
Навий вилояти Қизилтепа райони  
Давлат Суғурта назорати идораси бошлиғи.



# «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ»



Республикаимизнинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни, маданий ривожланиши, табиий-иқлимий шароити ва бошқа қирралари ҳақидаги маълумотлар хорижий мамлакатларнинг олимларию тадбиркорларини ҳам қизиқтирмақда. Мазкур эҳтиёжни кўзда тутиб, яқинда «Ўзбекистон» нашриёти иқтисод фанлари доктори Э. Аҳмедов ва З. Саидаминоваларнинг муаллифлигида ёзилган «Ўзбекистон республикаси (Қисқача маълумотнома)» китобини нашр қилди. Узбек, рус, инглиз тилларида чоп этилган бу маълумотнома ҳозиргача мавжуд луғат-баённомалардан сифат жиҳатидан фарқ қилади. У аънанавий статистик тўплamlардан фарқли ўлароқ илмий-оммабоп асардир.

Китобни қўлга олар эканмиз, унинг хаворанг ва яшил ранглар билан безатилган муқовасиёқ диққатимизни ўзига тортади. Унда тасвирланган миллий герб ва байроқларимиз республикаимиз мустақиллигининг рамзий ифодасидир. Китобнинг биринчи саҳифасида 447,4 кв. км майдонга эга бўлган ҳудудимиз, ундаги қазилма бойликларининг истиқомат жойлари харитада шартли белгилар билан ифодаланган. Республикаимиздаги қазилма бойликлари ҳақида гап борар экан, китобда кўпчиликини қизиқтирган олтин захиралари ҳақида маълумотлар бор. Бундан ташқари фойдали қазилмалар орасида катта ўрин тутган газ, кўмир, нефть ва рангли металл захиралари ҳақида ҳам умумлаштирилган маълумотлар бор. Эндиликда бу захиралардан келади дарамадлар республикаимиз хазинасини бойитади.

1992 йил бошидаги маълумотларга кўра республикаимиз аҳолисининг сони 21,2 миллион ҳисобланади. Аҳолининг юқори суръатлар билан ўсиши Ўзбекистонга хос хусусиятдир. Сўнгги ўттиз йил ичида Ўзбекистон аҳолиси қарийб 12 млн. кишига кўпайди: ундан олдинги ўттиз йиллик давр мобайнида эса 3,5 млн. кишига кўпайган эди, холос. Ўзбекистон аҳолисининг ўсиш истиқболлари ўрганиб чиқилиб, 2015 йилга бориб унинг сони 36333 минг кишини ташкил қилиши ёзилган. Шу давр мобайнида меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони қарийб икки баробар ортади.

Биз бозор иқтисодиётига ўтиш тадбирларини белгилар эканмиз, келажакда меҳнатга лаёқатли ёшларни иш жойи билан таъминлаш масалаларига алоҳида аҳамият беришимиз керак. Шу муносабат билан республикаимиз ҳудудий-ишлаб чиқариш комплексини янада ривожлантириш, унинг янги тармоқ ва қирраларини шакллантириш айниқса муҳимдир. Шу маънода маълумотноманинг ҳозирги иқтисодий тараққиёт даражасига бағишланган қисми айниқса қизиқарлидир. Маълумотномада Ўзбекистоннинг Урта Осиё республикалари орасида катта иқтисодий куч-қувватга эга эканлиги, sanoати, қишлоқ хўжалиги бошқа республикалардан кўпгина кўрсаткичлари билан ажралиб туриши қайд қилинади. Шу билан бирга иқтисодий вазиятнинг кескинлашуви натижасида иқтисодий аҳолининг бир оз заифлашгани кўрсатилади. Китобхон электр-энергетика, ёқилги, рангли металлургия, химия, машинасозлик,

нефть, қурилиш материаллари, тўқимачилик, озиқ-овқат ва бошқа тармоқлар ҳақидаги маълумотномалар билан танишар экан, sanoатнинг қишлоқ хўжалиги билан узвий боғланиши, ўзаро таъсирига алоҳида аҳамият бериши мумкин. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ҳудудида 1821 sanoат корхонаси ишлаб турибди, шундан қарийб 45 фоизи оғир sanoат ва 35 фоизи энгил sanoат тармоқлари бўлиб, қолганлари агросanoат комплексига кирадиган қайта ишловчи корхоналардир. Китобда кейинги йилларда амалга оширилаётган пахта ҳосилини ошириб, унинг сифат кўрсаткичларини яхшилашга оид сабзавот, полиз ва бошқа экинлар етиштириладиган ерларнинг кўпайиб бораётгани кўрсатилади, шунингдек чорвачилик, пиллачилик, тамаки етиштириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар ҳам тилга олинган. Китобнинг навбатдаги ижтимоий ривожланишга бағишланган бобида маориф, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, маданият, маиший хизмат, савдо каби масалалар ёритилган.

Китобнинг сўнгги боби ташқи иқтисодий алоқаларга бағишланган. Бу бобда республикаимиз мустақилликка эришгандан кейин хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларда сифат ўзгариши содир бўлаётгани, Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат тақсиротида қатнашиш имкониятлари кучайиб бораётгани, бирлашма ва фирмаларнинг жаҳон бозорига ўзи мустақил равишда қатнашиш доираси кенгайиб бораётгани, шунингдек қўшма корхона ташкил қилиниши ҳақида қизиқарли рақамлар ва мисоллар келтирилади. Бундан ташқари китобга муҳим иқтисодий жадваллар ва рангли расмлар илова қилинган.

Лекин китобда айрим кўзга ташланадиган камчиликлар ҳам бор. Масалан республикаимиз халқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан ҳисобланган қурилиш индустрияси ва транспорт тизими ҳақида маълумотлар берилмаган. Бадий адабиёт, кино ва театр санъати, телевидение ривожланиши ҳақида маълумотлар кўринмайди.

Шунга қарамадан китобхоналар маълумотлардан кўп нарсаларни ўрганишлари, айниқса Ўзбекистон иқтисодий географияси билан шуғулланувчи ўқувчилар ва толиблар тартибга солинган янги маълумотларга эга бўлишлари мумкин.

Қисқача маълумотномага биз қомусий талабларни қўйишимиз ўринли бўлмаса керак. Шундай бўлса ҳам унинг хотима қисмида республикаимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғланган тадбирлар ёритилса китобхоналарга қулайлик туғдирилган бўлар эди. Бу ўринда президентимиз И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобида келажак режаларимиз асосли равишда тушунтириб берилганлигини қайд қилишимиз лозим.

Китоб 10.000 нусхада нашр қилинган бўлиб, унинг тўлдирилган 2 нашрини кўп сонли китобхонлар кутмоқда.

**Ҳикмат СОБИРОВ,**  
Тошкент молия институтининг профессори,  
иқтисод фанлари доктори.

# БЕКОБОДДА НИМА ГАП?

Махсус мухбирларимиз Баҳодир Раҳимов, Валентин Кавелин ва Анвар Холматовлар Бекобод районида ижодий сафарда бўлиб қайтдилар.

Улар уч кун мобайнида районда иш бошлаган хусусий, қўшма, кичик корхоналар ва

фермерлар хўжаликларида бўлиб, улар эришаётган ютуқ ва муаммолар билан яқиндан танишдилар.

Қуйида ходимларимизнинг Бекобод таасуротлари билан танишасиз.

## «ҲАММАНИНГ ҚЎЛИДАН КЕЛАДИ...»

(ОДДИЙ ШОФЁРНИНГ ХУСУСИЙ ТЕГИРМОНИ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА)

...Кўпинча ҳозирги турмушимиздан нолиган, келгуси ҳаётимизга тушкунлик туйнугидан боққан кишилар билан баҳслашиб қоламиз. Улар айни пайтдаги бозор иқтисодиётининг бўсағасида ҳалол рақобатнинг умуман йўқлиги, кичик корхона эгаларининг аксарияти таниш-билиш орқасидан бу мавқега эришганлиги ҳақида кўйиниб гапириб қоладилар. Ва ўз кучи, қобилияти, тиришқоқлиги орқасидан бирни икки қилиб иш юргизаётган тадбиркорларни айтсак, ишонишмайди. Ҳа, кўринишидан оддийгина, сиз билан биздан фарқи йўқ кишилар истеъдодини ҳам инкор қиладилар. «Э,—дейишади қўл силтаб,—сув сойга оқар, бой бойга боқар, сени-мени тиргагичимиз бўлмаганидан ҳеч нарса қила олмаймиз. Бирор корхона очиш учун юқори мансабли қариндош-у қопда пул керак бўлади. Қамбағалнинг бойиганини умримда эшитмаганман. Ҳаётимиз бундан кейин нима бўлади, билмайман». Хуллас, шундоқ. Биз бу дўстларимизга одам қилган ишни одам қилишини, бунинг учун фақат ўта кучли хоҳишу етарли билим, малака, ғайрат-шижоат талаб қилинишини айтиб ўтишни истаймиз.

Бекобод-Хўжанд йўлининг шундоқ чеккасида қанор ортилган турнақатор машиналар тирбанд бўлиб турганига кўзингиз тушади. Ҳойнаҳой, бу ерда арзонроқ бензин сотаяпти шекилли, деб ўйлайсиз. Йўқ, булар ёқилғи кутаётганлар эмас. Булар бирлари дон янчиштиш учун Янгиердан, яна бирлари маккажўхори уқалатиш учун Гулистондан ва яна бирлари шоли тортиш учун қўшни жумҳурият — Тожикистоннинг Нов районидан ташриф буюрган, тегирмонга навбат кутаётган деҳқонлардир.

Илгари бу тегирмон Бекобод райони маиший хизмат кўрсатиш тармоғига қарашли бўлиб, тузукроқ ишламас, ишлаган тақдирда ҳам ярим, чорак қувват

билан ишлар, мижозларнинг обрўсини қозонмаган эди. Раҳбарлар иккиланиб қолишди. Нима қилиш керак? Кичик корхона қилиб беришсинми? Беришса ким журъат этиб юргизади?

Ишни дадил бошлайдиган кимса топилди. Бу киши Йўлчивой Маърупов эди.

Йўлчи аканинг асли касби шофёрлик. У ўн йиллар давомида юк машинаси миниб, ҳайдовчилик нонини еган, «қора ишчи»лар тоифасидан. 1989 йили тегирмонни ижарага олар экан, нималар қилиш зарурлигини олдиндан пишиқпухта ўйлаб қўйганди. Кейинчалик ишни дангал, давлатдан икки юз минг сўм





сий корхоналарнинг йириклаштирилган давлат корхоналаридан фарқи, ижобий томони кўп экан. Айтайлик, давлат корхоналарида ўғирлик, ташмачилик каби негатив ҳолатлар юз бериб туради. Шунинг учун ҳам давлат корхоналари ғалланинг 63-65 фоизини ун қилиб чиқарса, биз айтаётган хусусий тегирмондан эса 68-70 фоизи ун бўлиб чиқади. Қолаверса, йирик давлат тегирмонлари аҳоли хизматини қилмайди.

Мақтабда ўқиб юрган пайтимизда маккажўхори сўталаридан донини айирар эдик. Бунда бир қоп дон олиш учун икки-уч кунлаб вақт сарфлар эдик. Қўлларимиз қавариб кетарди. Нима ҳам қилардик, ахир товуққа маккажўхорини сўтаси билан бериб бўлмайдик. Келида шולי туйганимизни айтмай-сизми, уч кило гуруч олиш учун соатлаб терлаб-пишимизга тўғри келарди. Бу гаплар билан нима демоқчиман? Айтмоқчиманки, фан-техника ривожланган давр бўла туриб, давлат корхоналари аҳолининг машаққатли қўл меҳнатини энгиллатмас эди. Ҳозир эса

«Йўлчи» хусусий корхонаси каби тегирмонлар бир дақиқанинг ўзидан неча деҳқонларнинг ҳожатини чиқармоқда.

Айни пайтда «Йўлчи» хусусий корхонасида ун тўрт нафар киши меҳнат қилмоқда. Буларнинг ҳаммалари ака-ука қариндош-уруғ бўлиб, Маъруповлар сулоласидандир: Ғафур, Иброҳим, Юнусжон... Даромадлари ҳам чакки эмас, ойига ўртача ўн минг сўмлаб атрофида иш ҳақи олишяпти. Шу йилнинг ўзида давлатдан олган қарзларини узиш билан бир қаторда янги қурилишлар бошлашмоқчи. Қўли текканининг — оғзи тегади, дейилганидек баъзан хизматлари эвазига пул ўрнига ун ёки гуруч олиб қолишади. Ҳарнада, ўзбекнинг уйда энг кўп ишлатиладиган озиқ-овқат шулар-ку. Тегирмондан чиқадиган чиқитни ем — тўйимли озуқа сифатида хўжаликларга сотишарди, албатта ўзларининг мол-қўйларини ҳам шу ем билан боқишади, ишлагандан кейин баҳраманд бўлиш керак-да. Шунингдек, тегирмондаги тушликлари бепул, корхона ҳисобидан қурилган

судда олишдан бошлади. Бу маблағни Қўқон шаҳри ун комбинатининг яроқсиз деб топилган, ҳисобдан чиқарилган тегирмон анжомларини сотиб келтириб таъмирлашга, корхона вазифаларини, ҳудудини кенгайтиришга сарфлади. Тегирмон эски биноси ўрнига янгисини қуришди, ишчилар учун меҳнат шароити ташкил қилишга киришилди. Корхонада бира тўла учта — шולי тозалайдиган, маккажўхори ва дон янчадиган, электр тегирмони ишга туширилди. Ҳар бир винт учун, имзо қўйилмаган ҳар бир варақ қоғоз учун елиб-югуришлар орқада қолди. Интилганга толе ёр деганларича бор экан. Бугунги кунда хусусий корхонага айланган тегирмон икки сменада тўла қувват билан ишляпти. Ҳар сменада камида ўн тоннадан ортиқ гуруч тортиб чиқаришяпти.

— Янги янчилган бугдойнинг ундан қилинган нонни еганмисизлар? — сўради «Йўлчи» хусусий тегирмони бошлиғи Йўлчи ака Маърупов. — Бу ноннинг таъми бошқа, мазали ҳамда тўйимли бўлади. Зоғора нонни-чи, маккажўхорининг ундан тайёрланган зоғора нон бизни қадамимизни ўйлаб босишга, тўкин-сочин ҳаётимизга шукроналар айтиб яшашимизга чорлагандек бўлади. Негаки, зоғора нон Улуғ Ватан уруши даврини, очарчилигу қимматчиликни ёдимизга солиб туради.

Эсимда, Қозоғистоннинг Целиноград шаҳрида пиширилган нонни еганмизда таъми оғзимизда қолган, еган сари егимиз келар, биздаги ёпилган нонлардан мазаси билан кескин фарқ қилар эди. Кейинчалик билсак, бунинг сабаби бугдойнинг эски ёки янгилигида экан. Улкан комбинатлардаги ун тегирмонлари бир неча йил сақланган ғаллани янчар, шунинг учун ҳам бу ун маҳсулоти таъми унчалик мазали бўлмас экан. Бу йилги бугдойнинг таъми эса ўзгача. Яна худойим, «ол қулим» дегандек сарқуёш республикамиз ҳудудиде бошоқли экинлар жуда яхши пишиб етилади.

Энди кўзимиз очилиб, қарасак хусу-



ошхонада овқатланишади. Келган мижозлар ҳам таомларнинг арзон, хушхўрлигидан мамнун эканликларини айтишади.

Мижозларни гапга тутамиз. Ким Наталья:— Тўйтепаданмиз. Учинчи бор келишимиз. Ушбу тегирмонда шולי тортирсак гуручи сифатли чиқади. Хурсандмиз.

Навоий жамоа хўжалигидан Акбарали ака Иноғомов — Макка уқалатиб тураман, ишлари «беш», мамнунмиз. Йўлчи акалар доим кўнглимизга қарашади.

Ҳа, халқнинг оғирини енгил қилишнинг ўзи савоб. Буюртмачиларнинг кўнглига қараб иш тутиш эса ҳам тадбиркорлик, ҳам юксак одамийликдир.

— Хизматимизга аниқ нарх белги-

ламаганмиз, бу ҳам асли бозордагидек гап,— дейди Фафур ака тожикча ёқимли талаффузда,— Аҳай, харидорлар кўп бўлса, юқорироқ баҳо айтамиз, кам бўлса текинга ҳам ҳожатларини чиқараверамиз. Хуллас, халқ биздан миннатдор бўлса, бўлди. Мана, бир ҳафтадан буён кечаси ўн икки яримларда уйга қайтаяпмиз.

Фафур акадан яна муаммолари, келгуси ишлари ҳақида сўраймиз.

— Муаммолар кўриб турганимиздек, бир тегирмон ишлаётганда иккинчисини тўхтатиб қўйяпмиз, сабаби 380 вольтли двигателлар бўлгани учун ҳам электр қуввати етмаётир. Шунинг учун яна битта катта трансформатор керак. Келгусида ишларни яна ҳам йўлга қўямиз. Мижозлар учун машина қўядиган ёпиқ майдон, дам олиш хоналари

бунёд этамиз. Дарвоқе, мухбир ука, биласиз, аҳоли ҳар киловатт соат ишлатган электр энергия учун 40 тийиндан тўлайди. Биз эса ҳатто давлат ташкилотларидан ҳам анча кўп тўлаётимиз. Шунинг тенглаштиришнинг иложи йўқмикан?

Фафур акани, ҳаммаси аста-секин изга тушиб кетади, дея ишонтирамиз ва ҳокимиятда суянчиғи бўлмасида, иш юритаётганига баъзилар ҳайрон бўлишини айтамиз.

— Ҳай,— давом этади отахон,— ҳаммининг ҳам қўлидан бундай иш келади. Фақат ҳаракат қилинса бас...

**Баҳодир РАҲИМОВ,**  
«Иқтисод ва ҳисобот»нинг  
махсус муҳбири.

**СУРАТЛАРДА:**

Тегирмон фаолиятдан лавҳалар.

В. КАВЕЛИН тасвирлари.

# «ЎЗИМИЗНИНГ АБДУСАТТОР»

Абдусаттор ака Соибназаровни болалигимдан яхши биламан. Уни қишлоқда етти ёшдан етмиш ёшгача ҳурмат билан тилга олишади. Бунинг боиси бор албатта, аввало у инсон сифатида камтарин, олийжаноб. Қишлоқда бирор-бир тўй-маърака бўлса, Абдусаттор ака «лаббай» деб жавоб беради ва қўли кўксидеда елиб-югуриб хизмат этади. Каттани ҳурмат, кичикни иззат қилади. Шунинг учун ҳам уни тилга олишаётганда «Ўзимизнинг Абдусаттор» деб айтишади. Эсимда, биз мактабнинг юқори синфида ўқиб юрган кезларимиз, Абдусаттор ака ҳарбий хизматдан қайтган, қишлоғимизда монтерлик қиларди. У нафақат монтер, балки радио, телевизор, магнитофон ва бошқа электр буюмларини тузатувчи уста ҳам эди. Бу ишлардан вақт орттириб томорқасида баракали меҳнати эвазига етиштирилган ҳандалакларни «Ява» мотоциклида Тошкентга олиб бориб сотар, буни кўрган ҳамқишлоқлари «эринмаганига балли-ей» дейишарди. Уша йиллари пухта тайёргарлик кўрган Абдусаттор Тошкент халқ хўжалиги институтига кириб,

сиртдан ўқий бошлади. Лекин отаси барвақт қазо қилиб кетганлиги туфайли оилавий шароити қийин эди. Турмушнинг бутун юки унинг бўйнида бўлиб, ўқишни ташлашга мажбур бўлди. Унинг кўнглида ҳозир бўлмаса, кейин барибир ўқийман, деган ният бор эди.

Абдусаттор аканинг ишбилармонлик фаолияти ўша «Ява»га орқалаб ҳандалак сотишдан бошланди, десак ёлғон бўлмайди. У бозор ва бозор муносабатларини ўша пайтларидаёқ тушуниб етганди. Абдусаттор ака икки дўсти билан маслаҳатлашиб давлат хўжалигидан шартнома асосида олган майдонга ерёнғоқ экади. Тинимсиз меҳнатлар эвазига яхши ҳосил кўтаради. Қишлоқда кўпчилик қатори улар етиштирилган ҳосилни пайкалдан кўтарасига сотмасдан, балки ерёнғоқни суйиб истеъмол қиладиган ва фойда кўпроқ қоладиган жойларга олиб бориб сотишди. Шундай қилиб, Абдусаттор аканинг ишлари юришиб кетди. Бу орада у халққа тўй бериб ўйланди, фарзандли бўлди. Ортиқча пулига эса «Волга» ен-

гил автомашинаси сотиб олди.

Бугунги кунга келиб Абдусаттор ака ўз фаолиятини кенгайтди. «Сарюз» номи кичик корхона очиб бирмунча ишларни амалга ошириб ҳам қўйди. Умуман бу кичик корхонани очиш учун у қанча елиб-югурмади, дейсиз. Бормаган эшиги, кирмаган тешиги қолмади, деярли. Барибир унинг характеридаги бир сўзлиги унга қўл келди, мақсадларига эриша бошлади. Лекин хазиналарида керакли маблағ мавжуд эмас эди. Нима қилиш керак! У ўзининг бирга ўқиган синфдошлари ва 5-6 нафар ёшларни йиғиб, корхонада ишлашга таклиф қилди. Ишга жалб қилинган дўстларига корхонани оёққа турғазиб оғунларича анча қийинчилик бўлишини, бундан чўчимай дадил ишланса, кейинчалик ҳаммаси изга тушиб кетишини уқтирди. Кичик корхона эгалари қўшни жамоа хўжалигидан бўш турган омборларни ижарага олдилар ва ерёнғоқ чақадиган қурилма ўрнатдилар. Ўзлари етиштирган ерёнғоқ камлик қилиб, давлат хўжалиги ва аҳолидан келишилган нархларда сотиб ола бошладилар.



Ишчилар қурилма ёнида кези келганда кечалари ҳам қолиб ишлашар, чақилган ерёнғоқларни саралаб, қопларга солишга улгурар эдилар. Кейинроқ КамАЗ машинаси ижарага олиб тайёр маҳсулотни харидоргир бўлган жойларга сотиб кела бошладди.

Халқда «Кўпдан кўп қолади» деган бир нақл бор. Абдусаттор ака ҳам, фақат ерёнғоқ билан чекланиб қолмасдан, қўшни «Шоликор» давлат хўжалигидан 18 гектар ерни ижарага олиб шоли етиштирди ва гектаридан 6 тоннадан ҳосил олди. Бу шолларни Абдусаттор акадан нима қилишини сўраганимда, у энг аввало корхонада ишлаётган ишчиларнинг оилалари учун бўлиб беришини, қолганини эса гуруч қилиб сотиш ва бошқа маҳсулотларга айирбошлашини айтди.

Чўчқани кўпчилик, жудаям ифлос ҳайвон, уни республикада боқишни камайтириш керак, деган фикрларни олға суради. Лекин бу ҳайвон ҳам одамига тушса унчалик зарarli эмас, аксинча фойдали эканлигини Абдусаттор ака шартнома билан «Шоликор» давлат хўжалигидан олган 3

та бинода боқиладиган чўчқаларни кўриб ишондим. Ҳозир у ерда 40 та чўчқа кичик корхонадан чиқаётган чикиндилар эвазига боқилаяпти.

Корхона учун ажратилган ерда ҳозир минг тонна маҳсулотга мўлжалланган омборхона қуриб битказилди. Яна 500 тонна юк сиғадиган омборхона қуриляпти. Айтилишича, биргина 1000 тоннага мўлжалланган омборхона қурилишининг ўзигагина 2 млн. сўм маблағ кетибди.

Ҳа, ажаб замонларда

яшаяпмиз. Авваллари 2 миллион сўмга ҳашаматли саройлар курса бўларди...

Россияда қандолат маҳсулотлари учун ерёнғоқ мағизи жуда кераклигини ва анча-мунча даромад олиш мумкинлигини Абдусаттор ака аниқлади. Лекин у маҳсулот олиб бориб Россиянинг ҳозирда кундан кун қадри тушиб бораётган рублини олишдан кўра халқ учун жудаям керак бўлган, аммо танқис ёғоч билан айрибошлашни афзал кўрди.

Мен яна бир нарсага хурсанд бўлдимки, Абдусаттор ака Пермь шаҳри этагидagi ўрмон хўжалиги раҳбарияти билан келишиб, ўша жойда ёғоч қирқадиган бир бригада тузиб, уларни ойлик ва озик-овқат билан таъминлаб турар экан. Албатта, II кварталдан бошлаб Пермдан олиб келинадиган ёғочлар бекорга эмас. Бунинг эвазига уларнинг қанд фабрикаларига эҳтиёжимиздан ортиқча ерёнғоқ мағизи ва қуруқ мевалар айирбошланади. Во ажабо! «Сарюз» қайда-ю, қалин қорлар билан қопланган «Пермь» ўрмонлари қайда!

Бир нарсани айтиб қўйишимиз жоиз, ўша олиб келинадиган ёғоч маҳсулотлари фақат корхона ва ишчилар учун эмас, уйларининг деворлари кўтарилиб, ёғоч йўқлигидан битиролмай турган қишлоқ, қолаверса, район халқи учундир.

Кичик корхона қурилиши кетаётган майдонга борганимда, ерёнғоқ чақадиган қурилма олдида 10 киши берилиб ишлаётган эди. Мен



улар билан озроқ камчиликлар ва ютуқлар ҳақида суҳбатлашдим. Улардан қанча маош олишаётганлигини сўраганимда ҳозир 10 мингдан ошириб олишаётганини, бу кўрсаткич корхона буткул оёққа туриб олса, янада кўтарилишини айтишди. Улардан яна Абдусаттор ака корхона директори сифатида

ма олдига келиб унга жудаям қизиқиш қолдим. У мен бермоқчи бўлган саволни илғаб олди шекилли,— Бу қурилмани ўзимиз ўртада ўйлаб топиб ясаганмиз,— деб жавоб берди.

Қурилмада бир кунда 10 тонна ерэнғоқ чақиш мумкин экан. У ерда турган яна бир қурилмани сўраганимда, у

Яқинда корхона ўз пулига янги «ЗИЛ 138» маркали автомобил ва электр кўтаргич сотиб олди.

Мана шунча ишлар амалга оширилибди, лекин халққа қандай фойда бўлаяпти, деган ҳақли бир савол туғилиши табиий.

Абдусаттор ака корхона учун қурилган сув қудуқдан ён-атрофида яшайдиган аҳолига ичимлик суви етказиб бериш ниятида. Яқинда қишлоқ масжиди учун 200 дона шифер совға қилиб одамларнинг дуосини олди. Район масжиди учун эса 100 минг сўм пул ўтказди. Ва ниҳоят шунча йиллардан буён давлат томонидан ваъдалар бериб қурилмаган чойхона, ҳаммом ва стадион қуриб бериш ниятлари ҳам йўқ эмас.

Хулоса қилиб шунга айтиш кераки, Абдусаттор ака бу «Сарюз» кичик корхонасини қуриш учун ҳеч кимдан маблағ олмади, тўғрироғи унга ҳеч қандай ташкилот ёки корхона ёрдам кўлини чўзмади. Фақатгина, янги 1993 йилнинг бошида Тошкент вилояти ишбилармонлар ассоциацияси томонидан 2 миллион сўм рағбат пули берилди.

Мен «Сарюз» кичик корхонаси ва унинг ишбилармон раҳбари Абдусаттор ака Соибназаров ҳақидаги ушбу мақоламини тугатар эканман, Республикамиз мустақил бўлиб, янги иқтисодий ўзгаришлар беғубор болалигим ўтган қишлоқда ҳам буй кўрсатаётганлигини кўриб жудаям қувондим. «Сарюз» кичик корхонаси тўла қувват билан ишга тушгандан сўнг халқимнинг турмуши фаровон, қишлоғим обод бўлишини ўйлаб анча хотиржам тортдим. Яхшиям, Абдусаттор ака каби инсонлар бор...

Илова: Юқорида таъкидлаганимиздек Абдусаттор ака айтганини қиладиганлардан. У ҳозир Тошкент давлат иқтисодиёт университетида сиртдан таҳсил олмоқда.

Анвар ХОЛМАТОВ,  
«Иқтисод ва ҳисобот»нинг  
махсус мухбири.

Суратларда: кичик корхонада иш жараёни. В. Кавелин тасвирлари.



ўзини қандай тутишини сўраганимда кулишиб, ахир улар синфдош эканликларини унинг устига бир-бирларини тушунишиб, бир ёқадан бош чиқариб ишлашларини мамнуният билан айтишди.

Ҳа, бундай иноқ, ҳамфикр бўлиб ишлашга нима етсин! Билсангиз, ишнинг унуми ва ривожига ҳам шунда-да.

Абдусаттор ака ҳамроҳлигида омборхона томон йўл оламан. Тартиб билан тахлаб қўйилган қопларни кўриб санамоқчи бўламан, адашиб кетаман.


— Бу қопларда, ҳойнаҳой, ерэнғоқ бўлса керак,— савол бераман мен.

— Ҳа, бу ерэнғоқ мағзи, 400 тонна. Бу бизнинг дўстларимнинг меҳнати меваси. Ерэнғоқ чақадиган қурил-

чигитдан ёғ чиқарадиган «Пресс» ПШМ 450 қурилмаси бўлиб, фақат ёғни фильтрлайдиган қозон йўқлиги учун ишга туширилмаётганлигини, лекин буюртма берилганлигини, бир ойлар чамаси ўтгач ишга тушишини гапириб берди. Яна гуруч тегирмонини ҳам нари борса февраль ойининг охирида ишга туширишмоқчи.

Халқимизда нима кўп, тўймаърака. Ҳаммамизга маълумки, ҳозир қандолат маҳсулотлари тақчил, борлари ҳам «ота»сининг нархида. Бу ерда ишга туширишга мўлжалланаётган «бодроқ» қанд ва «пахтали» қанд қурилмалари ишга туширилса халқнинг тўймаъракалари арзон қанд маҳсулотлари билан ўтади.

# НИМА ДЕРДИНГИЗ?



Бугунги ҳамсуҳбатимиз Тошкент вилояти Бекобод райони истиқболни белгилаш ва статистика бўлими бошлиғи **Аъзамжон Абдурашидовдир**. Аъзам ака баланд бўйли, қотмадан келган, истараси иссиқ, камтарин йигит. Биринчи марта гурунг қилаётган одам билан ҳам худди қирқ йиллик оғайнидек гаплашиб кетаверадиганлар тоифасидан. У Тошкент халқ хўжалиғи институтининг «Саноатни режалаштириш» факультетида кечки бўлимида таҳсил кўрган. Уқиш билан баробар УзЛКСМда ишлаган. Узининг ташкилотчилик, нотиклик хусусиятларини намоён қилган. Аъзам акадан матбуотда билдирадиган қандай фикр-мулоҳазаларингиз бўлса, тортинмай айтаверинг, ахир барча муаммо, камчиликлар даставвал сизларга — қўйи бўғиндаги район иқтисодчиларига кўринади-ку, дея мурожаат қилдик. У киши таклифимизга бажонидил рози бўлиб, қўйидаги фикрларни билдирди.

— Энг аввало шунини айтишни истардимки, ўрта мактабларда бозор иқтисодиёти ғоялари, йўналишлари ҳақида «Ҳаёт ва иқтисод» журналининг ўтган йилги 12-сонига эълон қилинган «Иқтисодий назария сабоқлари» дастури асосида дарслар ўқитилса, бунда юқори синф ўқувчилари ҳечқурса умумий тушунчага эга бўлар эдилар. Ахир, иқтисодчи ўқитувчилар йўқку, деб кўл қовуштириб ўтиргандан кўра, бор мутахассисларни жалб қилиб ёки ижтимоий фанлар педагогларини саралаб, тайёрлаб, мақсадга эришилса бўладику. Илгари корхона, хўжалик иқтисодчиларига ҳар йили қиш пайти семинарлар ўтказиларди. Негадир, кейинги пайтда бу нарса тўхтаб қўйилди. Ахир, янгича иқтисодий билим олдинги пайтга қараганда ҳам ҳозирга зарурку. Маълумки, илгари иқтисодиётимиз олий ўқув юртида қандай ўрганган бўлсак, шундай эди. Шунда ҳам бот-бот ўқиб, эслаб, ўрганиб турардик. Аини пайтда иқтисодиёт соҳасида қаторма-қатор ўзгаришлар бўлсада, семинар-машғулотлардан дарак йўқ.

Кейинги айтмоқчи бўлган гапим шундайки, жонажон Ўзбекистонимиз ўз йўлини, ўз моделини яратиши керак. Туркия Республикаси билан тилимиз яқин бўлгани билан тараққиёт тарзимиз, фуқароларимизнинг дунёқараши бўлакча. Қолаверса, мамлакатнинг қудрати халқ фаровонлиғи билан ўлчанади. Аҳолининг 5-10 фоизи шоҳона яшагани давлат бадавлат дегани эмас. Биз Хитой йўлини кўпроқ ўзлаштиришимиз лозим, деб ўйлайман. Чунки Хитой жамаи майдонининг катталиғи собиқ Иттифоқ катталиғидан 2-2,5 марта кичик. Бунинг устига мавжуд майдоннинг ярмига яқини суғориладиган ер холос. Шундаям собиқ СССР аҳолисига 4-5 баробар кўп бўлган 1 миллиард 100 миллиондан зиёд халқини боқмоқда, боқибгина қолмай ташқи мамлакатларга экспорт ҳам қилляпти. Мен хитойликлар йўлини шундоғича жорий қилайлик деган фикрдан йироқман. Фақат уларнинг услубини танқидий нуқтаи назардан ўрганиб чиқиб, ижобий томонларини, ўзимизга мос хусусиятларини тадбиқ қилишимиз керак.

Шу ўринда «режалаштиришдан воз кечайлик» деб даъват қилаётган айрим олимларнинг гапини инкор қиламан. Уларнинг бу ғоясини 1917 йилдаги пролеткультчиларнинг хатти-ҳаракатини эслатмоқда. Уларниқу, Владимир Ильич Ленин «Биз қайси меросдан воз кечамиз?» номли асарига танқид қилиб, тўғри йўлни кўрсатганди. Лекин биздагилар қайсарона иқтисодиётнинг муҳим бўғини бўлган режалаштиришдан воз кечиш фикрини тиш-тирноқлари билан ҳимоя қилмоқдалар. Биламиз, ҳозирги энг ривожланган капиталистик мамлакатлар 50-йилларда биздан социалистик иқтисодиётнинг режалаштириш принципларини қабул қилиб, ҳаётга жорий этдилар ва шунинг учун ҳам улкан муваффақиятларга эришаётирлар.

**Сиз айтмоқчисизки, илгаридек маъмурий йўл билан хўжаликларга фалон фонз ҳосил берасизлар, деб белгилаб бериш ва яна олдингидек кўл етмас довонга ўхшаш режаларни йилдан-йилга ошириб боравериш керак, шундайми?**

— Йўқ, режалаштириш илгариги маъмурий усулдангидек бўлмайди. Реал имкониятлар, шарт-шароитларга қараб, қўйи бўғиндаги хўжаликларнинг раҳбарлари билан келишиб режа белгиланади. Биласизми, район хўжаликларига ихтиёрий режа берсак, улар шундай режа белгилашадики, у бажарилган тақдирда ҳам шу хўжалик аъзолари қозон қайнатишга ҳам етмайдиган, арзимаган даромадга эга бўладилар. Бундан ташқари нима экиш режада кўрсатилмаса ҳамма ўзини мўмай пул бўладиган нарсаларга, айтилик, ерэнгоққа ёки қовун-тарвузга уриши мумкин. Ҳокимият бемалол тўлдирса бўладиган режа тузиб беради. Режаларни удалашса ёмон бўлмайди. Президентимизнинг фармонида биноан режадаги 20 фоиз маҳсулотни, режадан ортган жамаи ҳосилни эгаси истаган баҳода хоҳлаган ерига сотиши мумкин. Бу дегани давлат тўлаган ҳаққа нисбатан ҳам, ҳатто бир-икки баравар кўп фойда кўриш имкони бор экани.

— **Янглишмасам, сиз корхона ва хўжаликларга иқтисодий мустақиллик бериш билан бирга вазиятга қараб тепадан ҳам жиловлаб туриш керак демоқчисиз-да?**

— Шунга яқин, жиловлаб десак хато бўлади. Бошқариб туриш лозим. Бошқарилмаса корхоналарнинг яккаҳокимлиги авж олиб кетиши ҳеч гап эмас. Мана масалан, Республикада ягона бўлган иқтисодий мустақил Бекобод металлургия заводини оладиган бўлсак, улар шундай сибсат юргизяптиларки, агросаноатга ихтисослашган Ўзбекистонда бунга мурося қилиб бўлмайди. Чунки, металлургиялар ўзлари чиқараётган маҳсулотнинг ҳар тоннасини 28-30 минг сўмдан сотишяпти ва унинг учун ҳам уларнинг ўртача маоши 22-25 минг сўмни ташкил қилляпти. Бироқ, фермер хўжаликларидан қорамолни бир килограмм семиртириш учун озуканинг ўзига 140 сўмдан зиёд маблағ кетаётган бир пайтда давлат ҳар килограмм гўшти белгиланган қатъий нарх — 150 сўмдан олаётти. Бу нарса пахта, сут, сабзавот етиштирадиган хўжаликларга ҳам тегишлидир. Ваҳоланки, зиёли бўла туриб 7-8 минг сўм маош оладиган иқтисодчи ҳам бозордан бир хил нарҳда маҳсулот харид қилишади. 25 минг сўмлаб ойлик олаётган металлургиялар ҳам шу нарҳда. Кўрдингизми, улкан корхоналар қандай қилиб яккаҳоким бўлиб қолаёттир. Бу нарса аҳолининг ҳозирча қўлидан келмайдиган соҳалар, дейлик, тракторсозлик, радио-техника ишлаб чиқариш соҳаларига ҳам тегишли. Уртадаги тафовутни йўқотиш учун ҳам тартибга олинadиган бозор иқтисодиётдан бора турганимиз маъқул.

— Раҳмат...

Сўхбатдош: Баҳодир МУХТОРОВ.



*БИЗ ШУНДАЙ ЯШАЯПМИ*  
**ТАБАССУМГА**

Ибрагим БОТИРБОВ, Анатолий ВАНШТЕЙН, Алекс  
тасвирлари.







# ТҮЛАДИР...

РФОЛОМАЕВ, Андрей КАРАЕВ, Валентин КАВЕЛИН



# ИҚТИСОДИЙ АХБОРОТ

(ёки талабаларнинг компьютер саводхонлиги ҳақида)



XX аср охири — XXI аср боши тарихда индустриал жамиятдан ахборот жамиятига ўтиш даври сифатида из қолдиражак. Ахборот жамиятида информация ишлаб чиқариш энг асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги кунда Шимолий Америка, Ғарбий Европа ва Жанубий — Шарқий Осиёнинг ривожланган мамлакатлари ахборот жамияти қуришнинг биринчи поғонасига кўтарилдилар.

Бизнинг кўз ўнгимизда инфор­мацион-компьютер инқилоби амалга ошмоқда. У жамият ҳаёти­нинг ва инсон ҳаёт фаолиятининг барча соҳаларини ахборотлашти­риш жараёнидан иборатдир. Унинг пировард натижаси бўлиб янги ин­формацион жамият яратилиши ҳисобланади. Бунда ишлаб чиқа­ришда, дунёқарашда, маиший со­ҳада, таълим соҳаси, муомала ва санъатда туб ўзгаришлар рўй бе­ради. Жаҳоннинг тараққий этган давлатларида ахборотни яратиш, тўплаш, қайта ишлаш, сақлаш, тар­қатиш, шарҳлаш билан банд бўл­ган ходимлар сонининг ошиши ку­затиляпти.

Ахборот жамияти яратилиши­нинг негизи бўлмиш компьютер инқилоби ахборот технологияси­нинг янги босқичига йўл очди. Та­рихда ахборот технологияларининг тараққиёти бир неча босқичдан иборат: қўл меҳнатига асосланган ахборот технологияси (қалам, сиеҳдон, чўт, қоғоз асосидаги ах­борот ташувчилар) — XIX аср ик­кинчи ярмига қадар; механик ах­борот технологияси (ёзув машин­каси, телефон, арифмометр) — XIX аср охири; электр ахборот тех­нологияси (электр ёзув машинкаси, диктофон, нусха олиш машинка­лари) — XX асрнинг 40—60-йилла­ри; компьютер асосидаги ахборот технологияси (шахсий ЭХМ, маъ­лумотлар электрон банклари, маг­нит асосида ахборот ташувчилар,

автоматлаштирилган бошқарув ти­зимлари) — XX асрнинг 70-йилла­ридан бошлаб. Ҳеч шубҳа йўқки, компьютер асосидаги технология­ларининг тарқалиш жараёни ва ах­борот индустриясининг тараққиёти жаҳоннинг жуда кўп мамлакатла­рида амалга ошади. Чунки ахборот индустрияси замонавий бозор ти­зимининг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Бу ҳол республика­мизнинг бозор иқтисодига ўтиш жараёнида катта аҳамиятга эга ва олий мактаб олди­га катта вазифа­ларни қўяди.

Иқтисодчиларни тайёрлаш жа­раёни шуни кўрсатадики, олийгоҳ­лардаги бўлажак иқтисодчилар­нинг компьютер саводхонлигини шакллантириш борасидаги қили­наётган ишлар билан бир қаторда, ўз ечимини кутаётган баъзи маса­лалар ҳам бор.

1. Информатика ва ҳисоблаш тех­никаси бўйича иқтисодий мутахас­сисликлар учун мўлжалланган дарслик ва ўқув қўлланмаларида иқтисодий информатика хусусият­ларини тўла акс эттириш. Шубҳа­сиз, бу фан асосий алгоритмик тиллар, программалаштириш тех­нологияси бўйича асосий маълу­мотларни ўз ичига олиши керак. Бизнинг фикримизча, ундан таш­қари улар иқтисодий ахборотларни сақлаш ва қайта ишлаш, маълу­мотлар базасини бошқариш система­лари, бошқа дастурий таъминот бўйича билимларни талабаларга етказиши керак. I—III курс талаба­лари учун информатика ва ҳи­соблаш техникаси бўйича ўқув соатларини кўпайтириб, бунда иқ­тисод соҳасида ишлатиладиган ом­мавий амалий дастурлар ва ком­пьютер тизимларининг асосий хил­лари ва кўринишларини кўриб чи­қиш керак.

Бунинг сабаби шундаки, бити­рувчиларнинг жуда кам қисми ал­горитмик тилларда дастурлар ту­

зади, кўпчилиги — фойдаланувчи­лар бўлиб, ўз иш жараёнларида тайёр дастурлар ва автоматлашти­рилган тизимлардан фойдаланади­лар. Шунинг учун бу курсларнинг мақсади — нафақат талабаларни тиллар ва программалаш техноло­гияси билан таништириш, балки иқ­тисодий ҳисоб-китоб ва таҳлиллар учун ҳар хил оммавий дастурий воситаларнинг имкониятларини кў­риб чиқиш. Агар баъзи пакетлар ички программалаш тилларига эга эканлигини ҳисобга олсак, бу воси­талар иқтисодий масалаларни ечиш учун қулай бўлганлиги туфайли уларни ҳам информатика курсла­рида ўзлаштириш мақсадга муво­фиқдир.

Анъанавий «Информатика ва ҳи­соблаш техникаси» фани билан бир қаторда мутахассисларни тайёр­лаш ўқув режаларига «Маълумот­лар базасини бошқариш тизимла­ри», «Эксперт тизимлар» каби кў­шимча фанларни киритиш тала­балар компьютер саводхонлиги даражасини кўтариш имконини бе­рар эди.

2. Иқтисодий бўлинмаларни ом­мавий компьютерлаштириш бозор иқтисодига ўтиш даврида корхона­лар, фирмалар ва ташкилотларни ҳисоблаш техникаси воситалари билан таъминлаш орқали чегара­ланиб қолмайди. Компьютерлаш­тиришнинг реал самараси бўлажак мутахассислар иқтисодий масала­ларни ЭХМда ечиш усул ва модел­

Анвар Абдуллаев 1964 йилда Бухорода туғилган. 1985 йили Бухоро озик­овқат ва энгил саноати технологияси институтини битирган. Собиқ СССР Фанлар Академияси Марказий иқти­сод-математика институтининг аспи­рантурасида ўқиди. Иқтисод фанлари номзо­ди.

лари билан қуролланган тақдирда, ҳамда бу билимларни ишлаб чиқаришга жорий этганда рўёбга чиқарилади. Оммавий компьютерлаштириш вазифаси «Иқтисодий кибернетика», «Иқтисодий-математик усуллар ва моделлар», «Автоматлаштирилган бошқарув системалари», «Иқтисодий прогнозлаш асослари» фанларини умумиқтисодий ва иқтисод-муҳандислик йўналишидаги мутахассислар тайёрлаш барча ўқув режаларига киритишни, бу фанлар бўйича соатларни кўпайтиришни тақозо этади. Фақат шу йўл билан корхоналардаги ахборот технологиясини ҳозирги кун талаблари даражасига кўтариш мумкин. Ҳозирча бухгалтерлик операцияларини ва оддий иқтисодий ҳисобларни бажараётган ҳисоблаш техникаси парки янги, мураккаб иқтисодий масалаларни ечишга йўналтирилганда ўзининг юқори самарадорлигини кўрсатади.

3. Компьютерни янги методик восита сифатида махсус иқтисодий фанларни ўқитишда ишлатишни йўлга қўйиш. Бизнингча, III—V курс талабаларини тайёрлашда компьютерлаштирилган фаол ўргатиш усулларини: амалий ўйинлар, иқтисодий тренинглар, тестлар ва бошқа программаларни жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноати технологияси олий билимгоҳида иқтисодчи талабаларни тайёрлаш тажрибаси бу усулларнинг юқори самара беришини кўрсатди. ЭХМни курс ва диплом лойиҳаларини бажаришда ишлатиш талабаларнинг аналитик қобилиятларини оширишга катта имконият туғдириб, ҳисоблаш операциялари учун кетадиган вақтни камайтиради.

Иқтисодчилар компьютер, таълимни интенсификаштиришнинг юқорида кўрсатилган йўналишларини амалга ошириш битирувчиларга иш фаолиятининг биринчи кунлариданоқ корхонадаги автоматлаштирилган бошқарув технологиясига мослашувларига имкон беради. Бозор иқтисодига ўтиш даврида иқтисодчиларнинг компьютер саводхонлигини ошириш келажакдаги ахборот жамияти учун қўйиладиган қадамлардан бири бўлади.

**Анвар АБДУЛЛАЕВ,**  
Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноати технологияси олий билимгоҳи «Иқтисод, ишлаб чиқаришни юштириш ва режалаштириш» кафедраси катта ўқитувчиси, иқтисод фанлари номзоди.

## МУАММОЛАР КЎП, АММО...

Наманган вилоятининг кўпгина жамоа хўжаликлари кейинги йилларда иқтисодий-ижтимоий ривожланиб бораётган бўлса-да, айрим муаммолар кинилоқ хўжалигининг ривожланишига салбий таъсир эта бошлади. Бундай ҳолат Уйчи районининг Абдували Мўминов номли жамоасида ҳам кўзга ташланиб қолди. Сабабини билиш учун хўжаликнинг бозор иқтисодиётига ўтувчи қадар бўлган ва ҳозирги кундаги фаолияти билан танишиб чиқадиган бўлсак, бундан бир неча йил илгари жамоанинг 100 гектардан ортиқ ери бўлиб, кўп қисмига пахта экилар эди. Лекин бошқа экинлар экиладиган майдон оз бўлган.

Ўзбекистон салкам бир аср давомида орзу қилиб келган мустақилликка эришди. Шу кунларда қишлоқ меҳнаткашларининг севинчи чексиз. Чунки, жамоа ерининг 500 гектари уй қуриш учун колхозчиларга бўлиб берилди. Бу ишлар Президент қарорига биноан амалга оширилди. Ҳозирги мустақиллик шарофати туфайли жамоа хўжалиги қишлоқ халқининг иқтисодий ва ижтимоий шароитини яхшилашга интилмоқда. Жамоа хўжалигининг 10 гектардан ошмиқ боғи мавжуд. Меваларни қайта ишловчи цех қурилган. Бундан ташқари, жамоа хўжалигининг яна бир асосий ёрдамчи тармоқларидан бири атлас тўқичи цехидир. Цехлар сонини кўпайтириш мақсадида 12 гектар ер ажратилди. Шундан 3 гектарига цех учун қурилаётган бино шу йил ишга тушириш мўлжалланган. Бундан ташқари жамоа хўжалигида аёлларни иш билан таъминлаш мақсадида ҳар бир хонадонда яқка тартибда тикувчилик цехи ташкил этилган.

Қишлоғимизда 16300 нафар киши истиқомат қилади. Шулардан 885 нафари ишсизлардир. Буларнинг ҳаммаси ишга лаёқатли кишилар ҳисобланади. Шуларнинг 90 фоизи аёлларни ташкил қилса, қолгани мактабни битирганлар, жамоа ҳарбий хизматдан қайтганлар.

Бу ишсизликни бартараф этиш учун кўплаб кичик корхоналарни ташкил этиш зарур. Ҳозирда бизда шахсий кичик корхоналар ишлаб турибди. Тандирчилик, кулолчилик, дурадзорлик, тикувчилик каби цехлар фаолият кўрсатмоқда. Унда ишловчилар 5-6 кишини ташкил этади. Лекин бу билан ишсизликнинг олди олинди, деб бўлмайди. Шунини ҳисобга олган ҳолда, ишбилармонлик билан иш юритиб чора-тадбирларни кўриш кендиктириб бўлмайдиган муаммолардан биридир. Айниқса, мевани қайта ишлаш цехидаги асосий муаммолардан бири — шакар танқислиги туфайли цех тез-тез ишламай қолаяпти.

Ҳозир олма пии, оғзимга туши, деб ўтирадиган замон эмас. Эндиги ҳаётимиз янгича фикр юритиш, ишнинг кўзини ҳам, ўзини ҳам билишни тақозо этади. Халма долзарб муаммоларни ечиш йўллариини излаб топиш керак бўлади. Бунинг учун ёрдамчи тармоқларнинг маблағи ҳисобига кичик корхоналарни барпо қилиш мумкин. Масалан, қоғоз ишлаб чиқариш корхонасини колхоз ҳудудидан қуриш имконияти мавжуд, чунки ёғоч чиқиндилари, гўзапоядан фойдаланиш билан маҳсулот ишлаб чиқаришнинг иложи бор, албатта. Яна оёқ кийим ишлаб чиқарувчи кичик корхона ёки қўшма корхона қуриш мумкин. Бунинг учун ташаббускорлик талаб қилинади.

Ҳозирда қишлоғимизда ёғ ишлаб чиқарувчи цех фаолият кўрсатмоқда. Буни янада кенгайтириш мумкин. Мана шундай кичик корхоналарни кўплаб қуриш ва ишга тушириш мумкин, бироқ солиқларнинг кўпчилиги, қўшимча қийматдан олинмадиган 30 фоизлик солиқнинг жорий этилиши хўжалик ходимларининг қўлини ишдан совулмоқда.

Яна шуни айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистон Президентининг қароридан айтилишича, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан етарли таъминлаш тегишли раҳбарлар зиммасига юкланган эди. Лекин бу каби қонунлар айрим боқибегам раҳбарлар сабаб бажарилмасдан, қоғозда қолиб кетмоқда. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Машод қишлоғида яшаётган колхозчиларнинг ҳовлисида тоза ичимлик суви йўқ. Водопровод сувини олиб келиш учун келтирилган трубалар бир-бирига уланган, уланмаган ҳолатда занг босиб кўчаларда турибди.

Ўйлайманки, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш борасида қишлоқ аҳолисининг ролини ҳисобга олиб, уларнинг аҳолини яхшилаш учун янада муҳимроқ ҳаракатлар қилинади.

**Ёқубжон АКБАРОВ.**  
Наманган вилояти, Уйчи райони, ўқитувчи.

# БОШ МАҚСАД— ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ

(ЕКИ БОЗОР ИҚТИСОДИЕТИ  
ШАРОИТИДА БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАҚИДА)



Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида ривожланган мамлакатларда кенг қўлланилиб, катта самара бераётган бошқарув тизимига бўлган қизиқиш кундан кунга ортиб бормоқда. Чунки ривожланган мамлакатларда иқтисодни самарали бошқаришга оид жуда катта назарий, амалий тажриба орттирилган. Совет ҳоқимияти даврида эса яратилган бошқариш системаси ягона бўлиб, бу маъмурий буйруқбозлик асосига қурилган эди. Бу усул марказлашган бошқарув системасини яратди, маъмурий буйруқбозликнинг асосий механизми бу бошқарув органларининг босқичма босқич пастдан юқорига қараб қатъий равишда бир-бирига бўйсундирилиши ва ҳамма масалаларни фақат марказдан туриб ҳал қилиш, пастдаги бошқарув идоралари эса марказнинг буйруқларини юқоридан пастга етказиб, буйруқларнинг бажарилиши тўғрисидаги хабарларни эса пастдан юқорига етказиб туришга асосланган эди.

Қаддини ростлаётган давлатимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий мустақиллигини амалда таъминлаш учун жумҳурият давлат органлари ва ҳоқимият бошқаруви тизимларида сезиларли ўзгаришлар қилинмоқда. Мана энди район, вилоят ҳоқимлари сайланди, уларнинг бошқарув органлари таркиб топди. Давлат ва ҳоқимият тизими давр тақозосига кўра янгиланмоқда, халқ манфаати йўлида хизмат қилиши мўлжалланган бирмунча тизимлар юзага келди. Республикамиз тарихида илк бор ташкил топган мудофаа ишлари вазирлиги, фан ва техника давлат қўмитаси, божхона хизмати ва бошқа девонлар шулар жумласидандир.

Тарих шуни кўрсатадики, дунёда бошқариш илми қайси мамлакатда ривожланган бўлса, ўша ер илғор бошқариш марказига айланиб, шу мамлакатнинг иқтисоди энг юқори суръат-

лар билан ўсган. Масалан, 1880 йилларда Париж бошқариш илмининг маркази бўлган. 1930 йилларда бошқариш маркази Германияга, 1950 йилларда Америкага, 1980 йилларда эса Японияга кўчди. 1950-80 йилларда Америкада бошқариш илми ҳаддан зиёд ривожланди. Ҳозирги кунда Америкада 2 та ассоциация, 10 мингдан зиёд бизнес мактаблари мавжуд. Фақат бошқаришга бағишланган 200 га яқин журналлар чоп этилади. 1980 йилларга келиб эса Япония энг такомиллашган бошқариш системаси яратилди. Бу бошқариш усулини японлар «КАНБАН» яъни «АЙНИ ВАҚТДА» деб аташди. Бу бошқариш усули билан Японияда 1970-91 йилларда жуда яхши иқтисодий кўрсаткичларга эришилди. Аммо шуни айтиш керакки, барибир, Япониянинг бошқариш усули тизими замирида Американинг менежменти ётади (инглизчадан менежмент сўзи ўзбек тилига бошқариш деб таржима қилинади).

Кейинги пайтларда халқ хўжалигини бошқариш «Туркия модели»га ҳам қизиқиш ортиб бормоқда. Чунки 80 йиллар ичида Туркияда ҳам иқтисодий юксалиш юз берди. Ҳаммасининг замирида биргина инсон, унинг бахт-саодати туради. Республикамизнинг Президентидан тортиб, оддийгина жамоа бошлиғи — бригадиргача мақсад ягона — халқ фаровонлигини ошириш, унинг устини бут, осмонини мусаффо қилишга қаратилмоғи керак ва бу шундай бўлмақда ҳам.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ўзининг ҳақиқий сиёсий мустақиллигини таъминлаш учун тегишли иқтисодий базисни яратиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Булар жумласига республика халқ хўжалиғи балансида асосий ишлаб чиқариш иқтисодий системаси ҳисобланган ривож-

ланган агросаноат мажмуини шакллантириш киради.

Ўзбекистон Республикаси бой агросаноат имкониятларига эга бўла туриб, агросаноат мажмуининг бир томонлама ривожланиши натижасида асосий озиқ-овқат турлари билан таъминлаш пассив балансга эга, булар жумласига ғалла, гўшт, сўт маҳсулотлари киради.

Шундай қилиб, узоқ келажакда мўлжалланган вазибаларни ҳал қилиш, жамият аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий талабларини қондириш республиканинг аста-секинлик билан озиқ-овқат, хом ашё мустақиллигига тўлиқ эришиши орқали ҳал қилиниши мумкин. Лекин баъзи бир маҳсулотларни келажакда яқин ва узоқ чет мамлакатлардан келтириш ҳам мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин, муҳими бундан ҳеч қандай зарар кўрмаслиги лозим.

Қишлоқда ўтказилаётган иқтисодий реформа ўзининг мазмуни ва мақсади бўйича бири-бирига боғлиқ бўлган бир нечта йўналишлардан ва бир нечта структуралардан ташкил топгандир. Улардан бири агросаноат мажмуида кўп шаклли иқтисодиётнинг таркиб топиши ҳисобланади. Шу билан бир вақтда аграр секторда ҳамма камчиликларни хўжалик юритиш усулининг қолоқлигига боғлаш хато фикрдир. Баъзан жамоа ва давлат хўжаликлари ҳозирги замон шароитида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни амалга оширишга қодир эмаслар, улар ўз имкониятларини ишлатиб бўлдилар, уларнинг ўрнига бошқа типдаги корхоналар ташкил қилиниши керак деб таъкидлашлар ҳам унчалик тўғри фикр эмас. Бизнингча, ҳозирги пайтда айрим шаклдаги хўжаликларни тугатиш эмас, балки ҳар хил хўжалик юритиш шакллари бири-бирига қўшиб олиб бориш ҳақида гапириш ўринлидир. Маълумки, йирик ишлаб чиқариш маълум даражада устунликка эга, шунга қарамадан бу чегаралар ҳар хил қишлоқ хўжалик тармоқлари учун бир хил эмас. Шунинг учун ҳам ҳозирги аграр сиёсат йирик, ўрта ва кичик ишлаб чиқаришни мўтадил равишда мазкур шароитни ҳисобга олган ҳолда қўшиб олиб боришга қаратилмоғи зарур.

Жамоа ва давлат хўжаликларини етарли даражада техника билан таъминлаган, ўзининг ишлаб чиқариш ва ижтимоий структурасига эга бўлган йирик ишлаб чиқаришдан кўп шаклли иқтисодиётга қараб юриши биз учун оддий воқеа эмас. Бунда бирон бир давлатнинг модели механик равишда кўчириб олинмаслиги керак, моделга йжодий ёндошиш керак. Шу билан бирга регионлар бўйича ер билан таъминлашда кескин фарқлар, ҳар бир оиланинг юқори коэффициентлиги ва қишлоқда халқнинг кўплиги, республика ички иқтисослашининг хусусиятлари, ишлаб чиқаришнинг жойлашиши ва агросаноат мажмуидаги бошқа мавжуд нарсалар шунга тақозо қиладики, худди шу иқтисодиётнинг кўп шаклли характерга эга бўлиши, мулк шакллари билан хўжалик юритиш усулининг хилма-хиллиги меҳнатнинг юқори манфаатдорлигига, эркин иқтисодий

рақобатнинг амалга ошишига шарт-шароит яратади, қишлоқда иқтисодий ривожланиш шароитида маҳаллий шароитларни ва агросекторда меҳнат қилаётганларнинг хоҳишларини юқори даражада ҳисобга олиш имконини беради.

Иқтисодий муносабатларни, моддий манфаатдорликни ва моддий жавобгарликни шундай йўлга қўйиш керакки, токи ҳар бир қишлоқ меҳнаткаши ўзини ерга, машиналарга, молларга, ўзи яратган маҳсулот ва даромадларга эга эканлигини сезсин.

Агросаноат мажмуига қарашли ҳамма тармоқларда жамоа хўжалиги, давлат хўжалиги, корхона ва ташкилотларда давлат мулки биринчи ўринда турган бир вақтда кўп шаклли иқтисодиёт ана шу ишлаб чиқариш структураларини иқтисодий янгилаш йўли билан шаклланиши керак. Шу билан бир вақтда ҳар қандай ҳолатда ҳам учта асосий талабга риоя қилиниши керак бўлади:

— ҳар бир алоҳида хўжаликнинг ишлаб чиқариш ва иқтисодиёт соҳасида эришган ютуқларини иложи борица ҳисобга олиш;

— янгилаш жараёнида халқ хўжалигининг аграр секторига тўпланган бойликни емирилишига бутунлай йўл қўймаслик;

— ўз хўжаликларини янгилашишга олиб боришда қайси йўлни танлашни, қайси моделни асос қилиб олишларини, қандай муддатда ва қандай тезликда боришни, унинг кўламини аниқлашни, ишлаб чиқарадиган маҳсулотини режалаштиришни меҳнат жамоаси аъзоларининг ихтиёрига қўйиб бериши керак. Шунинг учун ҳам агросаноат мажмуида кўп шаклли иқтисодиётни шакллантиришда ҳар бир хўжаликнинг ўзи учун иқтисодий ислоҳот дастурини ишлаб чиқиши зарур бўлади.

Ҳар бир хўжалик аъзоси ҳар бир бўлажак ижарачи, акционер деҳқон ўз ҳаракатининг тўғри йўналишини билмоғи керак. Бу дастурнинг асосий марказида инсонни ижтимоий ҳимоя қилишнинг кўлами, унинг моддий ва иқтисодий фаровонлигини таъминлаш кўлами ва даражаси каби масалалар турмоғи керак.

Бозор иқтисоди шароитида жамоа хўжалиги, давлат хўжалиги, корхона ва бирлашмалар мустақилликка эришадилар. Ишлаб чиқариш талабга мос равишда олиб борилиши керак бўлади. Чунки бу шароитда иш натижасига бўлган масъулият жиддий ортиб боради, чунки даромад билан иш ҳақи узвий боғланади. Ҳозирги кунда раҳбарлар учун бутунлай янги шароит вужудга келмоқда. Раҳбарнинг мустақиллиги ҳам ортиб бормоқда. Энди раҳбарлар режа бажарилишини ташкил қилмасдан ишлаб чиқариш жамоаси меҳнат аҳлининг фаолиятини самарали бошқаришлари лозим. Ҳозирги кундаги бошқарув бошқарувчидан катта билим, юксак маданият ва илғор тажрибани талаб қилади.

**Фарида РАҲИМОВА,**  
**Агросаноат комплекси ходимлари**  
**малакасини ошириш, қайта**  
**тайёрлаш Андижон олий**  
**мактабининг директори.**

# МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ

## ВА АУДИТ



### (ЕКИ УНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ)

Аста-секин қарор топаётган бозор иқтисоди хўжалик юритишни, молиявий назоратни қайта қуришни тақозо этмоқда. Бу масала иқтисодни кўтариш борасида энг асосий ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

Маълумки, ҳозир жуда кўплаб янги, давлат мулкига асосланмаган ва юқори бошқарув ташкилотларига эга бўлмаган акционерлик, ижара, кооператив ва қўшма корхоналар, тижорат банклари ташкил бўляпти. Бу ўзидан молиявий назорат ва хўжалик фаолиятини тафтиш соҳасига қатор ўзгаришларни олиб киради. Бу иш асосан молиявий назорат тармоғини қайта ташкил қилиш, яъни назоратнинг аудиторлик турларини ривожлантириш орқали амалга оширилмоғи керак.

Бизнингча, назорат муносабатларини ўзгартиришда қуйидаги нуқтаи назарлар асос бўлиши мумкин:

Биринчидан, назорат объектларини мулкига ва модиялаштириш манбаига қараб ажратиб олиш, яъни давлат ёки бошқа мулк турларига асосланган объектлар ва хўжалик ҳисобидаги, бюджетдаги объектлар.

Иккинчидан, назорат субъектларини ажратиб олиш, яъни давлат ташкилотлари, жамоат, мустақил аудиторлик ташкилотлари ва корхоналар ичидаги аудиторлик ташкилотлари.

Учинчидан, назоратнинг вазифаларини ажратиб олиш — бюджет тушумлари ва харажатлари, ҳисоботлардаги молиявий ҳамда ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ҳаққонийлиги, молиявий натижалар устидан назорат, зарур ҳолларда мулкнинг сақланиши назорати ва ҳоказолар.

Тўртинчидан, жумҳурият ва маҳаллий назорат органларининг таъсир доираларини чегаралаш.

Умуман бу нуқтаи назарлар мулк муносабатларига ва шу муносабатларнинг ўзгаришидан келиб чиқаётган бозор иқтисодига тўла жавоб беради.

Маълумки, бозор иқтисоди юқори даражада ривожланган мамлакатларда молиявий назорат қуйидагича ташкил қилинган:

1. Давлат бюджети харажатларини умумий назорат

қилиш вазифаси юклатилган, Парламент ёки Президентга бўйсунадиган давлат молиявий назоратининг олий органи (Ҳисоб Палатаси ёки мамлакат Бош аудиторининг бошқармаси).

2. Давлат бюджети тушумларини назорат қилувчи, ҳукуматга ёки молия вазирлигига бўйсунувчи солиқ бошқармаси.

3. Давлат бюджети харажатларини тўла ва аниқ назорати юклатилган, давлат молиявий назоратининг Олий органига ва ўша тармоқ вазирига бўйсунадиган, вазирлик ҳамда бошқармалардаги назорат-тафтиш бўлимлари.

4. Иқтисоднинг давлат тасарруфидан чиқарилган корхона ва бирлашмаларига келишув асосида, уларнинг ҳисобот кўрсаткичларини ҳаққонийлиги, амалга оширилаётган хўжалик ишларини қонунийлиги назоратини олиб борувчи молиявий ишларда маслаҳатлар берувчи мустақил аудиторлик молиявий назорати.

Молиявий назоратни юқорида келтирилган тартиб асосида тузиш мақсадга мувофиқ бўлиб, у асосан мавжуд назорат тармоғини қайта қуриш асосида амалга оширилмоғи керак. Бунинг учун биринчидан, давлат назорат органларини мустақамлаш зарур, яъни давлат назоратини ижро органлари тасарруфидан чиқариб, давлат молиявий назоратининг олий органини тузиш талаб қилинади ва унинг фаолияти Конституцияга асосланган давлат назорати тўғрисидаги қонун билан мустақамланиш шарт. Иккинчидан, давлат бюджети харажатлари назоратини олиб борувчи молия вазирлиги қошидаги назорат ва тафтиш бошқармаси ролини оши-

Баҳром Ҳамдамов 1965 йилда туғилган. 1988 йилда Тошкент халқ хўжалиги институтини имтиёзли диплом билан битирган. Бугунги кунда Тошкент молия институтининг бухгалтерия ҳисоби ва назорат кафедрасида ўқитувчи. Иқтисод фанлари номзоди.

риш, учинчидан, давлат бюджети даромадларини назорат қилишни мустақкамлаш, яъни солиқ инспекциялари фаолиятини кучайтириш. Тўртинчидан, давлат бюджетига асосланган корхона ва ташкилотлардаги ички назорат бўлиmlари фаолиятини кенгайтириш.

Давлат назоратини бозор иқтисоди талабларига жавоб берадиган қилиб тузиш учун асос мавжуд, аммо мулкнинг турли формалари ташкил бўлаётган бир пайтда мустақил молиявий назорат тармоқлари, яъни аудитни ривожлантириш асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги пайтда бу соҳани ривожлантириш учун кўпгина ишлар амалга оширилмоқда, аммо албатта ҳали аудиторлик хизмати бозори ривожланмаган ва бунга қуйидаги сабаблар тўсқинлик қилмоқда.

Биринчидан, аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун нафақат аудиторлик масалаларини, балки очиқ молиявий ҳисобот тақдим этиш масалаларини ҳам ўз ичига олмоғи лозим.

Иккинчидан, аудиторлар юқори малакага эга бўлиши учун етарли шарт-шароитлар яратилмаган ва бу фаолият билан шуғулланиш учун рухсатномалар бериш йўлга қўйилмаган.

Шуни айтиб ўтиш керакки, бозор иқтисодига асосланган кўпгина мамлакатларда аудиторлик фаолияти лицензиялаштирилади, яъни рухсатнома берилди. Масалан, айрим мамлакатларда лицензиялашни аудиторлик бирлашмаларининг ўзлари амалга оширади. Улар аудиторлар мавқени сақлаб қолишга интилган ҳолда мутахассислар жавоб бериши шарт бўлган малака талабларини ишлаб чиқади ва бу фаолият билан шуғулланишга рухсат берувчи гувоҳномалар топширишади.

Лицензия беришни давлат органлари ҳам амалга ошириши мумкин. Масалан Францияда худди шундай қилинади ва шу билан бирга аудиторлик фирмалари ўз фаолиятида мустақил ҳисобланади.

Учинчидан, аудит ўлчамлари (стандартлари) ва текшириш методикаларини ишлаб чиқадиغان методологик базалар яратилмаган. Бу ишлар тартибсиз ҳолда амалга ошяпти. Халқаро аудит стандартлари ўзбек ва рус тилларига тўла таржима қилинмаган.

Юқорида келтирилган камчилик ва тўсиқлар тез орада ҳал қилиниши керак бўлган масалалар бўлиб, бундан ташқари келажакда ечилиши керак бўлган муаммоларни белгилаб олиш мақсадга мувофиқ бўларди. Булар қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон келажакда албатта халқаро иқтисодий муносабатларнинг фаол иштирокчиларидан бирига айланади. Шундай экан, жумҳурият аудиторларининг бирлашмасини ташкил қилиш ва у албатта халқаро аудиторлар ассоциациясига аъзо бўлиши керак;

Аудиторлик бирлашмаси мақомини белгилаш зарур. У аудиторларнинг жамоат бирлашмаси шаклида ёки давлат органлари қошида ҳам ташкил қилиниши мумкин.

Умуман аудит муносабатларини ривожлантиришда унинг йўналишларини ўрганиб чиқиш зарур. Маълумки, аудитнинг ички ва ташқи кўринишлари мавжуд бўлиб, ташқи аудитдан асосан корхонанинг акционерлари, шу корхонага капитал сарфловчилар, қарз берувчи банклар мол етказиб берувчи корхоналар манфаатдордирлар. Бундан ташқари аудиторларнинг хулосасидан давлат органлари ҳам фойдаланиши мумкин. Масалан, солиқ инспекциялари ва бошқалар.

Ички аудит фирма бўлинмалари фаолиятини назорат қилиш фирма бошқарувчиси томонидан ташкил қилинади. Шунинг учун аудиторлик хизмати фирманинг

ташкилий бўлинмаларидан ҳисобланади. Бундай бўлинмани сақлашдан манфаатдор бўлмаган ҳажми кичик фирмалар эса ташқи аудит хизматидан фойдаланиши мумкин.

Айрим мутахассислар аудит муносабатларида ички қарама-қаршиликлар мавжуд деб ҳисоблайдилар, улар буни аудиторлик хизмати текширилаётган корхона томонидан тўланишида кўришади ва 80-йиллардаги АҚШдаги молиявий тақчилликнинг асосий сабабларидан бирини ҳам мана шундай деб ҳисоблайдилар.

Шуни айтиб ўтиш керакки, аудиторларни танлаш ва тафтишни корхона акционерлари белгилайди, бошқарувчилар бунга таъсир ўтказишдан маҳрумдирлар. Мулкдорлар эса бундай текшириш юқори даражада бўлишига интилишади албатта. Бундан ташқари ҳисоботни тасдиқлаш текширувчига маълум мажбуриятларни юклайди, яъни у ўз бўйнига жавобгарликни олади.

Халқаро аудиторлик ассоциациясининг маълумотларига қараганда, АҚШда тахминан 18 фоиз аудиторлик хулосалари суд орқали қайта кўриб чиқилади. Шундай экан, аудиторлар бераётган маълумот етарли даражада ишончли бўлади.

Бундан ташқари текшириш натижалари бузиб кўрсатилса, текширувчи аудиторлик фаолиятини олиб боришдан маҳрум қилиниши мумкин. Аудиторлик фирмасидан махсус текшириш фаолиятини олиб бориш учун берилган гувоҳномаси бўлмаган шахслар ҳам ишлаши мумкин, лекин улар текшириш хулосасини имзолаш ҳуқуқига эга эмаслар.

Ўзбекистонда аудит муносабатлари энди-энди биринчи қадамларни қўймаёпти. Шундай экан, аудит назоратининг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш, унинг методологик базасини яратиш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга аудит фойдаланадиган маълумот асосини, яъни бухгалтерия ҳисобини қайта қуриш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Тан олишимиз керакки, жумҳуриятда ҳозирги кундаги бухгалтерия ҳисоби бозор иқтисоди шартларига жавоб бермайди. Бирданга халқаро бухгалтерия ўлчамларини жорий этиш ҳам мақсадга мувофиқ эмас, чунки ишлаб чиқаришдаги мустақил баланс олиб бораётган бухгалтерларнинг ҳаммаси эски ҳисоб режасида ўқитилган ва иш олиб боради. Шу сабабли ҳисобни қайта қуришни босқичма-босқич ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади, яъни янги ҳисоб режасини ўзлаштириш, уни жорий этиш ва ҳоказо.

Ўз ўрнида ҳисобнинг методологик муаммоларини ҳам ҳал қилиш керак. Масалан инфляция даврида корхона мулкнинг қийматини баҳолаш муаммолари. Маълумки, мулк қайта баҳоланганда корхона активлари ошади ва шу суммага пассивлар ҳам кўпаяди, лекин пассивнинг қайси моддасини ошириш керак деган савол муаммоли саволлардан биридир.

Бозор муносабатларига ўтиш харажатларни белгилаш ва таннархини аниқлашни, ҳисобот формаларини қайта кўриб чиқишни ҳам тақозо этадики, бу муаммоларни ҳал қилиш аудит муносабатларини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, аудит ва аудиторлик фаолияти бозор иқтисодининг асосий бўғинларидан бири ҳисобланиб, у ўзини кўпгина мамлакатларда оқлади. Ўзбекистонда ҳам бундай текшириш тез орада қарор топишига умидвормиз.

**Баҳром ҲАМДАМОВ,**  
иқтисод фанлари номзоди,  
Тошкент молия институтини  
ўқитувчиси.

МИТТИ СУҲБАТ

## ОЛИМНИНГ

ОДДИЙ

ҚУНИ



Абдусалом Усанов 1957 йилда Қўшработ районининг Қувкалла қишлоғида туғилган. Тошкент халқ хўжалиги институти (ҳозирги Тошкент давлат иқтисодиёт университети)ни тугатгач, шу илм даргоҳига ишга олиб қолинди. 1990 йили Москва давлат до-рилфунунида кундузги аспирантурани муваффақият-ли тугатиб, иқтисод фанлари номзоди бўлди. Ҳо-зирда Тошкент молия институтида талабаларга са-боқ бермоқда.

— Абдусалом ака, нега қишлоғингизни Қувкалла дейишади!

— Қадимда ёмон ниятли кишилар бир яхши инсоннинг ортидан қувиб қир устига етганда бошига қилич солган экан. Шунда узилган калла пастга думалабди. Қотиллар «ушла, қув каллани» деб қичқиришиб, уни қувлашибди. Чунки, у замонларда узилган бошни олиб бормаса, ҳукми ижро этилгани-га ҳукмдор ишонмас экан-да. Калла эса сойга думалаб тушиб ғойиб бўлибди. Урнида чинор ўсиб чиқибди. Бу жой ҳозир муқаддас саналади, мас-жид қурилган, чинор ўрни турибди. Қишлоғимиз номи ўшандан қолган.

— Қишлоғингиздан қачон учирма бўлганингиз эсингиздами!

— Ҳа, 1971 йил. Уша йили 8-синфни тугатиб, кўшни





қишлоқдаги ўрта мактабга қатнаб ўқий бошладик. Қўпинча уйга ҳафтасига бир келардик. Езда умримиз йўлда ўтарди. Унинг синфни битиргач эса Мирзачўлга ишга кетдик. Сўнг армия, тайёрлов курси, институт, аспирантура — уясидан безган қуш мисол юрибмизда...

— Ваҳоланки, қушлар йилнинг маълум фаслидагина ўз гўшасини тарк этади, аммо одамзот эса...

— Қушлар ҳам, инсон ҳам табиат фарзанди — табиий шароитга мослашиб яшашга масъул. Бироқ, барибир одамзотнинг йўриғи бошқа — у қушларга қараганда шарт-шароитлар билан кўпроқ ҳисоблашишга мажбур. Қиш ўтгач ўз гўшасига қайтаётган қушни тўхтатаман, деб кўринг-чи?! Одамзот эса қандайдир мақсадлар ортидан қувиб юраверади, дўппи тор келиб қолгандагина ўз гўшасини эслайди. Менинг ҳам армоним шу — тез-тез жуда бўлмаганда икки ойда бир марта Нурота тоғлари қўйнида жойлашган жаннатмакон қишлоғимга боришга имкон тополмайман, фарзандларим ҳам меҳмондай бориб меҳмондай келади.

— Барибир, одамзот одамзотда, қушга ўхшаб яшашга рози бўлмайди.

— Тўғри айтасиз, рози бўлмайди. Лекин, улар табиатнинг бизга нисбатан суюклироқ, инсоф-диёнатли фарзанди — гоҳ инқилоб, гоҳ қайта қуриш, дамбадам ислохотлар қилавермайди.

— Фарзандларингиз, турмуш ўртоғингиз ҳам иқтисодга қизиқишадими?

— Фарзандларимиз ҳали кичкина — Жамшид 3-синфда, Хуршид 1-синфда ўқишади. Шохруҳ боғчада. Уларники кўпроқ қориннинг қайғуси — мазалигина овқат, чиройликигина кийим ва зўр ўйинчоқ бўлса бас, илоҳи бошлари омон бўлсин. Барчиной мактабда немис тилидан сабоқ беради. Шу боис немисча иқтисодий адабиётларни ҳам бемалол «ўқий» оламан. Умуман мен ўзимни ҳар томонлама омади юришган одам деб ҳисоблайман.

— «Омадли одам» қачон уйини кенгайтириб олади, машинали бўлади!

— Машинага унча қизиқмайман. Бўйим узун — пиёда ҳам тез юраман. Уйнинг торлигига келсак, бу кўпга келган тўй — кенгайиб қолар. Ҳозирги қийин замонда шу икки хонали уйга етолмай юрганлар ҳам кўп.

— Нима дердим, ҳар кунингиз омадли бўлсин.

Сухбатдош Абдул МҮМИН.



# ИҚТИСОДИЙ ТАФАККУРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ



(ЕКИ КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШ КЕЛАЖАГИ ХУСУСИДА)

Илмий техника инқилоби даврида фан-техника муваффақиятларидан самарали фойдаланиш халқ хўжалиги ва маданияти, ишлаб чиқарувчи кучларни тинмай ривожлантира боришни талаб этади. Бу соҳада асримизнинг катта ютуқларидан бўлмиш электрон ҳисоблаш машиналари шубҳасиз беқиёс роль ўйнамоқда. Электрон ҳисоблаш машиналари ҳозирги кунда фан-техника тараққиётида чинакам инқилоб ясади. Ҳозирги кунда бу машиналар секундига миллионлаб ҳисоб ишларини бажармоқда.

Кундалик ҳаётимизнинг ҳар бир кунда рўзнома-ю ойномада, ойнаи жаҳону овознигорда информатика, кибернетика, автоматик бошқариш жараёни, ҳисоблаш техникаси компьютер каби сўзларни тез-тез учратамиз. Бу сўзларнинг кундалик ҳаётимизга кириб келганига анча йиллар бўлишига қарамасдан, баъзан маъноларини англашимиз қийин кечмоқда. Бунинг асосий сабаблари нималардан иборат? Асосий сабабларидан бири шундаки, биз бу сўзларга етарлича эътибор билан қарамаймиз, етарлича қизиқмаймиз. Кундалик ўқиш ва ишларимизни бу сўзлар билан етарлича боғлиқ ҳолда олиб бормаймиз.

Кейинги сабабларидан бири шундаки, кутубхоналаримизда, китоб савдо дўконларимизда айнан шу соҳага тааллуқли бўлган адабиётларнинг жуда ҳам камлиги, борларининг ҳам асосий қисми рус тилида эканлигидир.

Мана ўзбек тилимизга давлат мақоми берилганига уч йилдан (1989 й.) ошганлигига қарамасдан нима учундир ўз тилимиздаги адабиётлар сони кўпаймаяпти. Менинг фикримча ўз тилимизда иш юритишимиз учун, ўқишимиз ва бошқа бир қанча кўплаб муаммоларни ечишимиз учун барча шарт-шароитлар бор. Биз шу берилган шароитлардан ўзимиз учун ва биздан кейинги ўз тилимизда гаплашувчи авлодларимиз учун ўз вақтида оқилона фойдаланишимиз лозим. Акс ҳолда биздан кейинги авлодларимиз ўз миллий тилимизни, миллий қахрамонларимизни, миллий урф-одатларимизни, миллатимизнинг келиб чиқиш тарихини вақт ўта бориши билан унутиб юборишмайди деб кафолат бера олмаймиз. Шу хусусда фан ва техника ривожига ҳақидаги барча маълумотларни, дунёдаги бўлиб ўтаётган барча янгиликларни, воқеаларни

ўз тилимизда ўқисак, эшитсак мақсадга мувофиқ бўлар эди, деб ўйлайман. Юқориде айтиб ўтилган муаммоларни сиз билан биз амалга оширмасак, табиийки кўшимиз келиб бизга тайёрлаб бермайди.

Ўтган йиллар мобайнида зукко олимларимиз ёрдамида электрон ҳисоблаш машиналарининг ўнлаб хили яратилдики, улар ҳозирги кунда халқ хўжалигимизнинг барча соҳаларида ҳисоблаш ишларининг оғирини енгил қилмоқдалар. Аммо погонанинг чеки йўқ, олимларимиз ўз изланишларини тўхтовсиз давом эттириб, янги-янги электрон ҳисоблаш машиналари яратиш устида изланаяптилар.

Ҳозирги кунда биз учун энг замонавий сўзлардан бири бўлган халқ хўжалигини компьютерлаштириш масалалари бўйича мен ўз фикримни билдирмоқчиман. Ҳукуматимизнинг кейинги бир қатор анжуманларида, қурултой аҳли ўртасида «компьютер саводхонлигини ошириш тўғрисида» бир неча бор уқтирилганди. Шу ўринда бу масалага жумҳуриятимизда, вилоятимизда, ноҳияларимизда қандай эътибор берилмаётганлиги тўғрисида тўхталиб ўтмоқчи эдим.

Кейинги йилларда жумҳуриятимизнинг барча вилоятларида электрон ҳисоблаш машиналаридан фойдаланишга бўлган эътибор кучаймоқда. Бундан ташқари жумҳуриятимизда ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга катта эътибор берилаяпти. Чет эллик дўстларимизнинг илғор тажрибаларидан фойдаланиш биз учун ҳам ниҳоятда кўл келмоқда. Айниқса, илғор техника ва самарали технологиядан фойдаланиш ўзининг жумҳуриятимиз аҳли учун ижобий натижаларини бераяпти. Шундай корхоналардан

**Давир Тўраев Самарқанд вилоятининг Жом қишлоғида туғилган. У 1978 йилда Тошкент халқ хўжалиги институтининг иқтисодий кибернетика куллийетини тамомлади. Бугунги кунда ишлаб чиқаришда бухгалтерия ҳисоби ҳамда иқтисодий компютерлаштириш масалалари хусусида изланмоқда.**

бири пойтахтимиз Тошкент шаҳридаги «Вариант» деб номланган Совет-Болгария ҳамкорлик корхонасидир. Унинг дастлабки маҳсулотлари 1988 йилнинг октябры ойида хариддорларга етказилди, қисқа вақт ичида бу корхона маҳсулотлари кўпчилик дўстларимизнинг оғирини енгил қилди.

Халқ хўжалиги тармоқларини компьютерлаштириш бўйича жумҳуриятимизда яна бир қўшма корхона Тошкентнинг «Волна», Москванинг «Лидер» муҳандислик марказлари ҳамда Болгариянинг «Правец» микро процесслар комбинатларининг ташаббуси билан ташкил этилди. Корхона аҳли конвейерларда йиғилган дастлабки маҳсулотни Марғилон шаҳридаги болалар уйига тақдим қилдилар. «Вариант» аҳли эса жумҳуриятимизнинг мактаблари, хўна-техника билим юртлири, олий ўқув юртлири, техникумлари ва бошқа муассасалар учун ҳисоблаш техникаси етказиб беришда анчагина жонбозлик кўрсатишмоқдалар. Корхона ҳисоб-китобларига кўра (1991 йил январгача) 2500 дан ортиқ комплект ана шу билим даргоҳларига етказилибди. Бугунги кунда жумҳуриятимизда 2250 дан ортиқроқ компьютер синфлари мавжуд. Шуларнинг 400 таси Тошкент шаҳридадир. Корхона Фарғона ва Тошкентда компьютерларга хизмат қилувчи сервис-марказини ҳам ишга туширишда, бошқа шаҳарларда ҳам кўзда тутилмоқда. Корхонада ишлаб чиқарилаётган компьютерлардан ўқувчилар яхши қизиқиш билан фойдаланаяптилар. Лекин шунга қарамай кўплаб қишлоқ мактабларига ҳали бу маҳсулотлар етарлича етиб боргани йўқ. Келгусида ҳар бир ўқув масканида чет эллардаги сингари компьютер синфхоналари бўлишига ишончимиз комил. Қолаверса, бу фақатгина илмий савияни оширишга эмас, балки иқтисодий қудратни мустаҳкамлашда ҳам аҳамият касб этади. Чунончи, шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керакки, АҚШ мактабларида таълим олаётган мактаб ўқувчиларининг компьютер бўйича саводхонлиги бизнинг жумҳуриятимиз олийгоҳлари, ўрта махсус ўқув юртлирида таълим олаётган талабаларимизнинг компьютер бўйича саводхонлигидан қолишмайди.

Тўғри, агар биз компьютер билан тил топиша олмас эканмиз, яъни уни ишлатишни билмас эканмиз, керакли дастурни тузиб унинг миясига киритмас эканмиз, юқорида айтилган фикрга қисман қўшилишимиз мумкин. Инсоннинг ҳаёт кечириши учун унга соғлиқ қанчалик зарур бўлса, компьютерга ҳам шунчалик тўғри муомала ва дастур зарур. Акс ҳолда уни оддий темир деб тушунишимиз мумкин. Оддий бир мисол, одамнинг нерв тўқималари бўйича сигналлар тарқалиш тезлиги секундига бир неча ўн, юз метрни ташкил этади. Оилада тарқалаётган электр токининг тезлиги эса 300 минг км/секунд, яъни қарийб миллион марта кўп. Агар нейрон тезлиги секунднинг юздан бир бўлагига тенг бўлса, ҳисоблаш машиналарида бу кўрсаткич микросекунднинг юздан бир бўлагига тўғри келади, яъни миллион марта кўпдир. Бу эса ҳисоблаш машиналарида бир секунд ичида инсон миясида ишлаб чиқилганига қараганда жуда кўп микроддаги ахборотни ишлаб чиқишга имкон беради. Қандай фойдаланиш ҳамда қандай имконияларга эга бўлиш мумкин бўлган йўллари ўргатишмоқдалар. Ҳозирги кунда шуъбамиз ўқитувчилари талабалардан имтиҳон, синовлар олиш системасини ҳам аста-секинлик билан компьютерга юклашмоқдалар. Илк натижалар ёмон эмас. Мисол учун «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш корхоналарида иқтисодий математик усулларни қўллаш» фани бўйича ўқитувчиларимиз учун жуда қўл келмоқда. Бундан ташқари талабаларимиз орасида ўз билимини компьютер орқали мустаҳкамлашни, компьютер саводхонлигини оширишни хоҳловчилар учун ўқитувчиларимиз қўшимча машғулот уюштирилганлар. Ҳозирги кунда талабаларимиз ўз лаборатория ишларини,

уз курс ишларини, диплом ишларини тайёрлашда бўладиган барча ҳисоб-китоб ишларини бажариш учун компьютердан унумли фойдаланмоқдалар. Бу қилинаётган ишларнинг барчасида олим-ўқитувчиларимиздан доцент А. К. Қозоқов, А. И. Алиқулов, Ж. Омонов, М. Е. Екубов, К. И. Шодимонов, Х. Сатторовларнинг ҳиссаси катта. ЭХМ лабораториямизда профессор-ўқитувчилар, аспирантлар, илмий ходимларнинг ҳисоблаш машиналаримиздан кенг қўламда фойдаланиши учун алоҳида ўқувхона ташкил этилган. Бу ўқувхонадан ҳар бир киши ўз олдига қўйган мураккаб масалани ечишда, керакли маълумотларни йиғишда, компьютерлар дунёси билан танишишда ва бошқа бир қанча мақсадларда фойдаланишлари мумкин.

Шу хусусда сеvimли «Хаёт ва иқтисод» ойнамаимизнинг 1992 йил ноябрь сонида Тошкент шаҳридаги 138-мактабнинг ўқитувчиси Бахтиёр Каримов ўз вақтида жуда ҳам тўғри керакли муаммоларни кўтариб чиққан. (Мақола—«Компьютер—тараққиёт калити»). Мен ҳам Б. Каримов фикрига тўлиқ қўшилган ҳолда ўз фикрларимни ёритмоқчиман.

1. Иложи бўлса жумҳуриятимиз иқтисодий имкониятларига таянган ҳолда дастурчилар тайёрловчи олийгоҳларда, ўрта махсус билим юртлирида ўқув ва амалий машғулотлар соатини кўпайтириш.

2. Юқорида ҳайд этилган билимгоҳларда ҳозирги кунда жохон миқёсида компьютерларни ишлатиш учун ягона бўлган системачилар дастурчилар мутахассисликлари бўйича маҳаллий кадрларни кўпроқ сифатли ҳолда тайёрлаш.

3. Ўзбек тили давлат тиллиги муносабати билан ўзбек тилида иш юритувчи ҳар бир киши компьютердан бемалол фойдалана олиши учун ўзбек тилида барча соҳаларда соф дастурлар тузиш, уларнинг турларини, имкониятларини кўпайтириш, ўзбекча ҳарфларни ёза оладиган (Қ, Ғ, Х, У ва бошқалар) имкониятларни қидириб топиш ва уларни ишлаб чиқишга қўллаш.

4. Иложи бўлса ўрта мактаб таълимотида информатика бўйича дарсларни кўпайтириш, уларни амалиёт билан кўпроқ боғлаш, ЭХМ бўйича муҳандислар, дастурчилар тайёрлайдиган билим юртлирига ҳисоблаш машиналарини сотиб олиш учун ва махсус синфхоналарни жиҳозлаш учун яқинроқ иқтисодий ёрдам бериш.

5. Барча корхоналарда, муассасаларда, олийгоҳларда, ўрта махсус билим юртлирида, мактабларда компьютернинг ишлаш фаолияти билан боғлиқ бўлган инглиз тили бўйича ўқитиш дарсини очиш ва қўллаш.

Биз юқорида айтиб ўтилган масалаларга етарлича эътибор бермас эканмиз, бошқа барча соҳалар каби компьютерлар билан ишлаш, улар билан бўлган муомаламиз кўнгилдагидек давом этади деб айтишимиз қийинроқ бўлиб қолади.

Ўзбекистон жумҳуриятимизнинг ҳозирги кунда барча соҳаларидаги мустақиллигидан тўғри хулоса чиқарган ҳолда, биз ҳам халқ хўжалигимизнинг барча тармоқларидаги иш ва ўқиш жараёнинида электрон ҳисоблаш машиналарини қўллашимизда бир-биримиз билан ўзаро фикрлашиб, маслаҳатлашиб, мустақил дадил қадам билан олдинга интилсак дейман.

Ҳукуматимизнинг бизга қилаётган барча ғамхўрликларини ҳисобга олган ҳолда жамиятимиз учун қанчалик яхши ишлар қилсак ҳам кам деб ўйлайман. Бу ишда биз толмай меҳнат қилишимиз, барча имкониятларимизни қўлашимиз зарур.

**Давир ТУРАЕВ,**

**Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти  
«Бухгалтерия ҳисоби ва корхоналар хўжалик  
фаолияти таҳлили кафедраси ассистенти.**

# САБОҚЛАР



**[ЎТГАН МУТЕЛИК ДАВРИНИНГ ДОҒЛАРИ ВА УНИНГ**

**САБОҚЛАРИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР]**

Миллатлараро муносабатлар ижтимоий ҳаётимизнинг жуда мураккаб ва энг нозик масалаларидан бири бўлиб, жаҳон миқёсидаги ҳодисадир. Бу муаммо миллат ва элатларнинг миллий тиллари, маданиятлари, иқтисодий ва сиёсий муносабатлари, ўтмиши, маънавий ва маданий меросга муносабатлари, миллий урф-одатлари, миллий қадриятлари, диний қарашлари, ҳудуди, демографик, экологик ҳолатлари ва бошқа мураккаб муаммоларни ўз ичига олади. Бу масалаларни тўғри ҳал қилишнинг калити бир миллатнинг иккинчи миллатга нисбатан ҳеч қандай зўравонлик қилишига йўл қўймаслигини таъминлайдиган тўла ишончга, қардошларча ҳамкорликка, тўла ихтиёрий келишувга ва ниҳоят, инсоний қадриятларни ҳимоя қила оладиган, ижтимоий адолат қонунларига суянадиган миллий демократик, ҳуқуқий давлатни барпо этишдан иборатдир.

Маълумки, шахсга сиғиниш ва турғунлик йилларида миллий сиёсатнинг асосларига пур етди. Шахсга сиғиниш дав-

рида ҳам, турғунлик мафкураси ҳукмронлиги даврида ҳам, хуллас бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик услублари ўрнатилган шароитда турли миллатларнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига панжа орасидан қаралди, жумҳуриятларнинг ҳуқуқлари, мустақиллигига катта зарар етказилди.

Қолаверса, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши, мустақил иқтисодий сиёсат юргизиши, умуман ихтиёрий равишда сиёсий жиҳатдан ажралиб чиқиши ҳуқуқи тўғрисидаги ғоя ва назариялар қоғозда қолиб кетди, амалда эса сиёсий жиҳатдан камситиш, иқтисодий ва маданий тенгсизлик, маънавий инқирозни авж олдириш, миллий тилларни камситиш ва турмушда ижтимоий адолатсизликларнинг илдиз отишига йўл қўйилди.

Миллий муносабатлардаги адолатсизлик иқтисодий ва маданий ҳамкорликдаги тенгсизликлар: экология, соғлиқни сақлаш, пахта яккаҳоқимлиги, уй-жой билан таъминлаш, газлаштириш, меҳнат ҳақи, етиштирилган маҳсулотларга нарх

қўйиш, болалар касаллигининг авж олиб бориши, миллий кадрларни ўстириш, хотин-қизларнинг меҳнат шароитини яхшилаш билан боғлиқ долзарб муаммоларни ҳал қилиш ўрнига йиллар давомида қулларча итотатқўйлик мафкурасини шакллантирди.

Эски Иттифоқ таркибида Ўзбекистон ҳудудида 1700 дан ортиқ хилма-хил корхоналар бўлиб, улар асосан қишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш, кимё саноати каби тармоқлардан иборат эди. Бундай саноат тармоқлари Иттифоқ вазирлик-

Эркин Абдуллаев 1965 йилда Фарғона вилояти, Риштон районидаги Зоҳидон қишлоғида туғилган. 1989 йили Фарғона давлат педагогика институтининг тарих факультетини имтиёзли диплом билан тугатган. Ҳозирги пайтда Фарғона политехника институтининг «Сиёсатшunosлик» кафедрасида ассистент бўлиб ишлаб келмоқда.

«Миллатлараро муносабатлардаги зиддиятлар ва уни бартараф этиш йўллари» мавзуда илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

ларига қарашли бўлиб, табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари ва юз бераётган экологик ҳолатларни яхшилаш учун етарли маблағ ажратилмади.

Халқ хўжалигини бошқаришнинг юзага келган тармоқ ва ҳудудий қоидалари «қизил империя» манфаатларига мос бўлиб, амалда эски чор Россияси колониал сиёсатини давом эттириш эди. Эски марказий вазирлик ва идоралар умумхалқ, умумдавлат ва байналмилал манфаатларнинг устунлиги ва уйғунлиги ҳақидаги шиорларни қалқон қилиб олиб, миллий жумҳуриятлар ва вилоятлар иқтисодий тараққиётини жуда мушкул аҳволга солиб қўйганлиги бугун ҳеч кимга сир эмас.

Кейинги ўн йилликлар давомида Ўзбекистонга ажратиб келинган пул маблағи Россия Федерациясига нисбатан 2-2,5 баробар кам эканлиги фикрининг далилидир.

Биргина 1991 йилнинг ўзида собиқ Иттифоқ чет мамлакатларидан 1 миллиард 200 миллион сўмлик дори сотиб олган бўлса, шундан Ўзбекистон учун атиги 27,4 миллион сўмлик берилди, холос. Бошқача айтганда, Иттифоқ бўйича аҳоли жон бошига 4 сўм 14 тийинлик дори ажратилгани ҳолда, жумҳуриятимиз аҳолиси учун бу кўрсаткич 1 сўм 40 тийинни ташкил этди.

Юқоридагилар шуни кўрсатадики, саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда илғор жумҳуриятлардан бири бўлган Ўзбекистон 74 йил давомида марказ учун хом ашё етиштириб берадиган колония бўлиб қолаверди.

Миллий сиёсат соҳасида йўл қўйилган қўпол хатоликлар ва камчиликлар миллатларни ижтимоий қаноатлантирмасликка олиб келди, баъзан мижозаро ва зиддиятларни келти-

риб чиқарди. Жумладан, 1989 йил Фарғона фожеаси бунга ёрқин мисолдир.

Фикримизча, Фарғона фожеасининг сабабларини йиллар давомида миллий сиёсат соҳасида йўл қўйилган хатоликлардан, ҳамда вилоятдаги ижтимоий-иқтисодий ва экологик муаммолардан изламоқ лозим.

Фикримизча, миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш, миллатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни яхшилаш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

Биринчидан, миллатларнинг кўп ёки оз сонлигидан, фуқароларнинг қайси миллатга мансублигидан қатъи назар, уларнинг амалдаги (қоғозда эмас) тенг ҳуқуқлигини таъминлаш;

иккинчидан, ҳар бир миллатнинг маданияти, тили, урф-одатлари ва миллий қадриятларини ҳар томонлама ривожлантириш учун шароитлар яратиш;

учинчидан, республикаларнинг мустақиллиги ва суверенлигини тан олган ҳолда, уларнинг ички ишларига аралашмаслик;

тўртинчидан, миллатлар ўртасида байналмилал ва ўзаро ҳамкорлик муносабатларни мужассамлаштириш;

бешинчидан, миллатлараро муносабатларда ижтимоий адолат қоидаларини оғишмай ҳаётга тадбиқ этиш лозим.

Миллий иқтисодий тизим соҳасида ўн йиллаб йиғилиб қолган салбий ҳодисалар, аввало, «қизил империя» ҳукмронлиги инқирозини авж олдириб юборди, иккинчидан, империя ҳукмронлигида яшаб келган миллат ва элатларнинг миллий ўзлигини англаши, миллий уйғониши юз беришини тезлаштирди, миллий ҳаракатлар даври, миллий-демократик мустақил давлатлар пайдо бўлиши учун шароит яратди.

1991 йилнинг август ойидаги бўлиб ўтган фитнадан кейин мамлакатда ижтимоий-сиёсий вазият тубдан ўзгарди. Ўзбекистон ва бошқа жумҳуриятлар ўз мустақиллигини эълон қилиши давлатлараро, миллатлараро муносабатларда янгича иқлимни вужудга келтирди.

Ўзбек халқининг ажралмас ҳуқуқи — ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи рўёбга чиқарилди. 1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон республикасининг мустақиллиги эълон қилинди. Муқаддас орзу ушалди. — Ўзбекистон тинч, парламент йўли билан ўзининг ҳақиқий давлатчилигига эришди. Бу — халқимизнинг кўп асрлик тарихида буюк воқеадир.

Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритганлиги ва у халқаро миқёсда тан олинганлиги шуни билдирадики, бундан буён республика мустақил ички ва ташқи сиёсатни олиб боради, ҳеч кимнинг воситачилигисиз ўзаро манфаатли муносабатларни ўрнатади.

Республикани ҳақиқатдан ҳам, унинг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, халқнинг амалий турмуш тарзи, анъаналари, урф-одатлари ва кўникмаларини, мавжуд беқиёс табиий бойликларини ҳар томонлама ҳисобга олиб, юксалтириш амалда мумкин бўлиб қолди.

Миллатлараро муносабатларда янги мазмун ва янгидан-янги шакллар келиб чиқмоқдаки, буларни тўғри ва муваффақиятли ҳал қилиш давлат сифатида қўшни ва жаҳон ҳамжамияти давлатлари билан сиёсий, иқтисодий, маданий ҳамкорликни қай даражада самарали ва тўғри йўлга қўйишга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

**Эркин АБДУЛЛАЕВ,**  
**Фарғона политехника**  
**институту**

# ЗАМОН ТАЛАБИ



(ЕКИ ДЕҲҚОНЧИЛИКДА МОДДИЙ-ТЕХНИКА

БАЗАСИНИНГ ЯРАТИЛИШИ ХУСУСИДА)

Деҳқончилик саноати комплексининг асосини қишлоқ хўжалиги ташкил этиши ҳеч кимга сир эмас. Шундай экан, ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг янгича формаларини қишлоқ хўжалигига жорий қилиш бугунги куннинг энг муҳим заруриятидир. Айниқса, кичик хўжаликлар барпо этиш ва уни қўллаб-қувватлаш ўзининг юксак самарадорлиги, меҳнат унумдорлигининг юқорилиги, меҳнаткашларнинг ер участкаларидан салмоқли даромад ва фойда олиши билан ажралиб туради. Мамлакат экин майдонининг яқин 2 фоиздан фойдаланаётган шахсий хўжалик томорқаларининг эгалари мамлакатда тайёрланадиган сабзавотнинг 30 фоиздан ортинини, картошканинг 60 фоизини етиштирадилар. Ёки жамоа ва давлат хўжаликлари ҳозирги даврда 1 гектар ердан йилига 1.700 сўм ялпи даромад олган бир даврда шахсий томорқа эгаларининг бу кўрсаткичи 12.000 сўмдан ортиқни ташкил қилади.

Қишлоқ хўжалигининг ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтиши, мулкчиликнинг янги формалари, ишлаб чиқаришнинг ижара ва кооператив асосларининг пайдо бўлиши, яқка деҳқон хўжаликларининг юзага келиши, шахсий томорқаларнинг кенгайтирилиши шароитида ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида хўжалик юритишнинг иқтисодий механизмлари сезиларли даражада кучайиб боради. Ана шулар муносабати билан қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланишнинг янгича формаларига мос келадиган шакллари ишлаб чиқиш ва ташкил қилиш зарурияти туғилмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармониغا кўра шахсий томорқа

хўжаликлари учун 500 минг гектардан ортиқ ер ажратиб берилди. Бундан ташқари, йилдан-йилга ердан фойдаланувчиларнинг ижара ва кооператив формалари, яқка деҳқон хўжаликларининг сони ортиб бормоқда. Бу эса майда хўжаликлар учун машиналар комплексини ташкил қилишни тақозо қилади.

Бу машиналар комплекси қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур:

— энг кам материал харажатларини талаб этувчи, яъни арзон нархдаги, ернинг машина деграциясини пасайтириш, техникани сақлашда оз ер майдони эгаллаш;

— машиналарнинг универсаллигини ўстириш ва бу орқали уларни майда контур ҳамда техника учун ноқулай ерларда фойдаланиш имкониятини орттириш;

— эксплуатация ва ремонт учун қулай бўлиши, яъни агрегатлаштиришда кам меҳнат харажатлари талаб этувчи, агрегатни машинист ёрдамисиз бир киши бошқара олиши, турли қимматбаҳо махсус ускуналар бўлмаган ҳолда ҳам бу техникани таъмирлаш имкониятининг мавжудлиги ва бошқалар.

Ҳар қандай қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш технологияси бутун бир операциялар системасини бажаришни тақозо этади. Ҳар бир операция эса ўзи учун махсус меҳнат воситаларини талаб этади. Кўпчилик операцияларни бажариш учун унумдор машиналар яратилган, бошқалари эса ҳалигача қўлда бажарилмоқда. Бизнинг қишлоқ хўжалигимизда ҳозирча жуда кўп маҳсулотларни етиштириш учун машиналар системаси яратилмаган. Масалан,



350 дан ортиқ оғир ишлар қўлда бажарилмоқда. Қишлоқ хўжалигида 16 млн. дан ортиқ одам қўл меҳнати билан банддир.

Бундан ташқари, саноатимиз шу пайтгача бутун эътиборни йирик хўжаликлар учун техника ишлаб чиқаришга қаратди. Кичик хўжаликлар учун эса машиналар системаси ҳам, илғор технология ҳам ишлаб чиқарилмади. Натижада техника ишлаб чиқариш сие-сатидеги бу нуқсон бугунги кунда майда хўжаликларни оғир қўл меҳнати билан шуғулланишга мажбур этмоқда. Бундай оғир меҳнат кўпчиликини кичик хўжаликларга бўлган муносабатини совитиб юбориши мумкин. Шунинг учун кичик хўжаликлар учун бир неча турдаги машиналар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш жуда ҳам муҳимдир.

Техникадан самарали фойдаланиш учун хўжалик тўла машиналар тўпламига эга бўлиши керак. Бу машиналар тўплами энг юқори меҳнат унумдорлигини таъминлаши лозим. Уларни иложи борица самаралироқ ишлатиб, нимагаки қодир бўлса, ҳаммасини «суғуриб» олиш зарур.

Қишлоқ хўжалигига катта ва кичик қувватга эга бўлган кўп турдаги вазифаларни бажара олувчи, содда техника зарур. Бу ҳолда техникалар сонига бўлган эҳтиёж камаяди, ҳар бир машинага тўғри келадиган иш сарфи ортади. Натижада машинанинг бекор туриб қолиши камаяди.

Коллектив (оилавий), кооператив ёки шахсий хўжаликлар катта бўлмаганлиги сабабли, улар техникага махсус талаблар қўяди. Бу хўжаликларда машина фойдали бўлиши учун у кичик, ҳам кам қувватли, бир сўз билан айтганда мини-техника бўлиши керак. Деҳқон хўжаликлари кичик ҳажмли тракторлар, мотоблоклар, моторли ўт ўчиргичлар, энгил кўтаргичлар, пичан майдалагичлар катта роль ўйнайди.

Бундан ташқари, кичик-техника йирик хўжаликларда ҳам катта роль ўйнаган бўларди. Жамоа ва давлат хўжаликларида бақувват машина талаб этмайдиган иш доимо топилиб туради ва бу ишларга кичик техника бўлмаганлиги сабабли бақувват техника ишлатилади. Масалан, 50-100 кг. юкни ташиш учун албатта оғир юк машинаси юргизилади. Иш бажаришдаги бундай номутаносиблик натижасида бажарилган оз ишга хўжалик катта сарф-харажат қилади.

Ҳозирча кичик-техника кам ишлаб чиқарилмоқда, унинг турлари ҳам жуда оз. Уйлаймизки, кейинги пайтларда кичик хўжаликларга нисбатан бўлаётган эътибор кичик машина ва механизмлар ишлаб чиқаришга ҳам қаттиқ туртки беради.

Бунинг натижасида жамоа хўжаликлари билан майда деҳқон хўжаликлари ўртасида техникадан фойдаланишда юзага келадиган муносабатлар турларини ишлаб чиқариш зарурияти туғилмоқда.

Юзага келган бу шароитда хўжаликнинг имкониятларига қараб қуйидаги техникадан фойдаланиш турларини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади:

1) Машина ва механизмлардан бир ёки бир неча майда хўжаликларга унинг бутун амортизация муддатига бириктириб қўйиш:

2) Кичик хўжаликларни техника билан (асосан қиммат ва бақувват машиналар билан) таъминловчи прокат пунктларини ташкил этиш;

3) Кичик хўжалик эгаси техниканинг нарҳини бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан ёки бутунлай сотиб олиш;

4) Хўжаликларнинг техникани арендага олиши;

5) Ишлатилган машиналар савдосини ташкил этиш.

Янги хўжалик юритиш шароитида қишлоқ хўжалиги машиналаридан фойдаланишнинг юқорида баён этилган турларининг қисқача мазмуни ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Хўжалик ҳисоби шароитида қишлоқ хўжалик техникасининг коллективга ёки бир неча кичик хўжаликларга унинг бутун амортизация муддатига бириктириб қўйиш натижасида коллектив машинани иложи борица узлуксиз ишлатишга, ундан кўпроқ фойда олишга тиришади.

Кичик хўжаликларга ва умуман қишлоқ хўжалигида қиммат ва бақувват техникани прокатга беришни йўлга қўйиш келгусида жуда ҳам катта вазифани ўтайди. Ҳозирча бизда бу соҳада прокат ишларини йўлга қўйишда ўқув ҳам, анаъаналар ҳам, тажриба ҳам йўқ. Аста-секин буларни тўплашимиз керак.

Қишлоқ хўжалиги техникасини сотиб олиб, ўзиники қилиб олиш бир мунча афзалликларга эга. Бу ҳолда машина эгаси уни истаган пайтда, хоҳлаганича ишлатиши мумкин. Агар техника узок ремонт талаб этса, уни бемалол эгасининг ўзи бажара олади. Бундан ташқари, машина эгаси шартномаси асосида бошқа хўжаликларга ҳам техника хизмати кўрсатиши мумкин.

Техникани арендага бериш усули уни прокатга бериш усулидан тубдан фарқ қилади. Арендага берилгандан ундан фойдаланувчи машинанинг ремонт, техник ҳолати, суғуртаси учун ўзи жавоб беради. Бундан ташқари унинг ўзи эҳтиёт қисмлари ва бошқа материаллар топиб келиши керак. Агар техника ишдан чиқса унга бошқа техника беркитилмайди.

Техникани 2-3 йилга арендага бериш, кейинчалик эса уни фойдаланувчи томонидан сотиб олиниши ҳуқуқини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Аренданинг энг катта афзаллиги шундаки, бунда техникани олиш учун йирик пул маблағига эга бўлинмаса ҳам бўлаверади. Шунинг учун бу усул энди тикланаётган кичик хўжаликлар учун жуда ҳам қўлай.

Ҳозирги кунда хўжаликлар жуда катта техник потенциалга эга. Бу потенциалнинг ичида ошиқча бўлиб бекор ётган техника ҳам жуда кўп. Шунинг учун ҳозирда ишлатилаётган техниканинг савдосини ташкил этиш жуда ҳам катта аҳамиятга эга бўларди.

Шундай қилиб, ҳозирда қишлоқ ишлаб чиқаришига хўжалик юритишнинг турли формалари жорий этилаётган бир шароитда, уларга мос келадиган қишлоқ хўжалик машиналаридан фойдаланиш усулларини ишлаб чиқиш жуда муҳим аҳамият касб этади.

Одилжон ИМИНОВ  
иқтисод фанлари номзоди



# ЎТМИШГА ХОЛИС НАЗАР

(ЕКИ АСРИМИЗ БОШИДА ЯНГИЧА  
ИҚТИСОДИЕТ)

Сўнги пайтларда В. И. Ленинга муносабат ўзгариб қолди. Унинг баъзи буюк ишлари ҳатто сохталаштирилмоқда. Лекин шуни тан олиш керакки, В. И. Ленин нафақат сиёсат бобида, иқтисодиёт доирасида ҳам чуқур билимга эга бўлган. Унинг «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари», «Пролетарият диктатураси даврида иқтисод ва сиёсат», «Озиқ-овқат солиғи» асарлари иқтисодиётни кўтаришда муҳим аҳамият касб этади. Аср бошида шўро жамоаларининг барча табақалари иқтисодий сиёсатда туб ўзгаришлар зарурлигини талаб қила бошлади. Тараққиёт тўсиқлари бартараф этилиб, моддий фаровонликка йўл очилиши керак эди. 1921 йил мартда бўлиб ўтган РКП/б/нинг X қурултойи озиқ-овқат разверткасидан озиқ-овқат солиғига ўтиш ҳақида қарор қабул қилди. Янги иқтисодий сиёсат деб аталувчи сифат жиҳатдан янги ҳаракат дастури ишлаб чиқилди. Туркистон мухтор жумҳуриятида янги давлат иқтисодий сиёсат йўналиши маҳаллий шарт-шароитни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиб, ўлкамиз мослаштирилди. Янги иқтисодий сиёсатнинг асосий ва бош мезони ҳаракатлана бошлади. Маҳсулот разверткаси вақтида деҳқоннинг 35-40 фоиз соф маҳсулоти натурал ҳолида олиб қўйиларди. Маҳсулотнинг қолганини деҳқон уруғликка, бола-чақасини боқишга ажратарди.

Бу ердан сезиладики, меҳнатга қизиқиш синдирилган. Нагижада манфаатдорлик бўғилган. Янги иқтисодий сиёсатнинг дастлабки пайтларида деҳқоннинг 20 фоиз соф маҳсулоти солиқ эвазига олинган бўлса, кейинчалик бу рақам 10 фоизга туширилди. Кейинроқ натурал солиқ ўрнига солиқнинг пул формасига ўтилди. Қолган ҳосилни эса деҳқон ўз хошига кўра бозорда ёки давлатга сотиши мумкин эди. Саноатда туб ўзгаришлар рўй берди. Бошқармалар тугатилиб, ўрнига бир-бирига яқин турган корхоналарни бирлаштирувчи трестлар вужудга келтирилди. Уларга тўла ҳўжалик ва молиявий мустақиллик берилди. Янги иқтисодий сиёсат меҳнат армияларини тугатди, ишсизликни бартараф этди. Саноат ва савдода хусусий соҳа вужудга келди. Дастлаб 20 киши ишлайдиган корхоналар ўрнида 200-300 кишилик корхоналар барпо этилди. Ижара пудрати кенг қўлоқ ёйди. Қатор чет эл корхоналари ва ширкатлари юзага келиб, кооператив ҳаракати кучайди. 1921 йилга келиб, давлат банки тикланди. Кредит системаси йўлга қўйилди. Акционерлик, қишлоқ ҳўжалиги ўзаро ёрдам тижорат

банклари, омонат кассалар пайдо бўлди. Банклар ўртасида рақобат бўлгани учун қарз олиш қийин бўлмади. 1922 йил пул ислоҳоти ўтказилди. Эндиликда 10 сўмлик пулга 100 сўм мос келарди. Бюджетнинг даромадлар ва харажатлар қисми бараварлашди. 1 доллар 1,94 сўмга тенг келди. Кишилар 10 сўмликни олтидан афзал деб билдилар. Янги иқтисодий сиёсат бозор муносабатларига асосланган бўлиб, у қисқа вақт ичида иқтисодиётни тараққиёт йўлига олиб чиқди. 1928 йилга келиб аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқариш 1913 йилга нисбатан 10 фоиз кўлайди. Ривожланган мамлакатлар ортида қолдирилди. Саноат ишлаб чиқарилиши 1926 йилга келиб 2-3 марта, қишлоқ ҳўжалиги 3 баравар ўсди. Аммо... Бошқаришда маъмурий-буйруқбозлик услубининг кириб келиши, режалаштиришнинг кенг миқёсда қўлланилиши бозор муносабатларини барбод қилди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш инсон манфаатларидан келиб чиқади. Унинг мақсади, бутун ишлаб чиқаришни истеъмолчи талаблари томон йўналтириш, тақчилликни, қимматчиликни енгиш, амалда кишиларнинг иқтисодий эркинлигини таъминлаш, талант ва қобилиятларнинг имкониятларини очишдир.

Бозор иқтисодиётига ўтишда мамлакат иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятлари юзага келади. Булар қуйидагилардир:

— ишлаб чиқариш воситаларининг 85-90 фоизи давлат мулкчилигига тегишли эканлиги ва уни давлат томонидан монополлашганлиги;

— озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат моллари, давлат бюджети камомадининг ақл бовар қилмайдиган даражада барқарорлиги;

— мамлакатда вужудга келган улкан «пирамида» шаклидаги қиммат турувчи бошқарув аппарати мавжудлиги;

— иш ҳақининг жуда ҳам пастлиги, сўмнинг харид қобилияти ёмонлашуви, бозор шароитида аҳолининг паст табақаларини ҳимоя қилишнинг ёмон ташкил этилганлиги;

— мамлакатда мафкурага жуда катта сиёсий руҳ бериш ва унинг таъсирида эркин меҳнатга эҳтиёжнинг бўғилиши ва бошқалар.

Бозор иқтисодиётига ўтиш учун биринчидан, корхо-



## КИРГАНДА

наларга эркин товар ишлаб чиқариш учун реал мустақиллик ва иқтисодий жавобгарликни таъминлашимиз керак. Иккинчидан, талаб ва таклифнинг ўсишини кузатиб турувчи аниқ нархлар системаси зарур. Учинчидан, ишлаб чиқаришни монополлаштирмайдиган рақобат механизми керак. Тўртинчидан, ишлаб чиқариш структураси талаб билан тез ўзгариб туриши шарт. Бешинчидан, бозорни моддий-молиявий баланслаштирувчи ишончли пул системаси бўлиши даркор.

Бозор муносабатларини шакллантиришда асосан хусусий мулкчиликка кенг ўрин берилиши ва уларни мустаҳкамлашда давлатнинг роли сезилиб туриши керак. Давлат мулкчининг хусусийлаштирилиши ва унинг давлат тасарруфидан чиқарилиши тезда амалга оширилиши лозим. Бунда ишлаб чиқариш воситаларининг сотилиши, кредитга берилиши, ижарага олинишини таъмин этувчи давлат қонунлари эга бўлмоқ керак.

Бозор инфраструктурасини такомиллаштиришда тижоратчиларга, уддабурон, ишбилармонларга кенг йўл очилиши керак. Улар чегаралардан эркин ўтиб, бозор кўтарадиган молларни олиб кетсин ва олиб келсинлар. Бундан ҳеч қўрқиб ва сесканиш керак эмас. Агар давлат корхонаси тижоратчиларга ўз молини сотса, демак улар бундан манфаатдор. Бозорни ўрганишда бу йўлнинг нимаси ёмон? Аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилинишини давлат бўйнига олиши, бюджетнинг шаклланишига солиқ ажратмаларини белгилаб қўйиши керак. Давлат корхоналари бозорга таъсир ўтказсин. Рақобат механизмига асосланиб иш тутсин.

Ишлаб чиқаришдаги хўжалик алоқаларининг бузилиши, албатта, бозорни мол билан тўлдиришга салбий таъсир ўтказаяпти. Лекин жумҳурият ичидаги ишлаб чиқариш корхоналари маҳсулотлари нима учун танқис бўлмоқда? Белгиланган режалар уддаланмоқда, шунингдек ишлаб чиқариш ширкатлари, янгидан тузилаётган қўшма корхоналар маҳсулотлари қаерга кетаяпти?

Назаримда, бўладиган ишни дангал, очикчисига амалга оширмасак, келгуси авлодни алдаган ва халқимизни ярим оч қолдириб, бир биримизни алдаб юраверамиз. Мен қуйидаги таклифларни киритган бўлардим:

1. Савдо нуқталари хусусийлаштирилиши ва хусусий савдога йўл очиш керак. Бу билан биргаликда табиийки, маркетинг фаолияти ҳам кенг ёйилади.

2. Бюджет камонида мавжудлиги эътиборга олиниб, тиббиёт ва олий таълим пуллик системага ўтиши керак деб ўйлайман. Юқорида қайд этилган хизматлар пуллик бўлса, унинг сифати ҳам яхшиланади. Бозор муносабатларини такомиллаштириб, ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришда камбағал, етим болаларни қандай ижтимоий ҳимоя қилиш керак бўлади? Уларни давлат ҳимояга олиши керак. Бу ҳимоя ҳам молиявий ўзаро манфаатдорлик асосида вужудга келтирилади. Давлат банкидан узоқ муддатли кредит ажратилиб берилади ва вақти келиб қайтарилиб олинади. Бу таклифлар билан орзуистакларни амалга ошириш қийин. Лекин, чора қидирмасдан қараб туриш ҳам яхши эмас.

Хулоса қилиб айтиш лозимки, янги иқтисодий сиёсат назарияси ижобий тарафларини, ўзига хос натижаларини бозор иқтисодиётда қўллаш учун маъқул тажриба эканлиги қисман бўлса-да ойдинлашди. Шунингдек, бозор иқтисодиётига қадам қўйиш, унинг муаммолари устида тўхтадик. Бу билан ўтмишга ҳам бир назар солдик, келажакни ҳам тасаввур қилишга ҳаракат қилиб кўрдик.

**Норқобил НОРҚУЛОВ,**  
Тошкент давлат иқтисодиёт  
дорилфунуни тадқиқотчиси.

*Ўзбекистон таркибида 12 та вилоят, 156 та район, 123 та шаҳар ва 104 та шаҳар типидagi посёлкалар мавжуд.*

\* \* \*

*Республикамиз ҳудудининг узунлиги Фарбдан Шарққа қадар 1425 километр, Шимолдан то Жанубгача эса 930 километрни ташкил қилади. Ҳудудининг жами катталиги 447,4 минг кв. километрdir. Бу дегани Европадаги Буюк Британия, Бельгия, Дания, Швейцария ҳамда Австрия давлатлари катталигини қўшиб ҳисоблаганда, бундан ҳам каттаdir.*

\* \* \*

*Ўзбекистон тоғларининг энг баланд чўққиси 4643 метрdir.*

\* \* \*

*Бир йилда қуёшли кунлар республикамизнинг шимолий қисмида 2700—2980 соатдан, жанубий қисмида 2800—3130 соатга етади.*

\* \* \*

*Ўзбекистонда куннинг узунлиги ёзда тахминан 15 соат, қишда камида 9 соатни ташкил этади.*

\* \* \*

*Орол денгизи сувининг сатҳи кейинги ўттиз йил мобайнида 12—14 метрга пасайиб кетди, қиргоғи эса ўнлаб километрга қисқарди.*

\* \* \*

*Республикада йилига 70 тоннадан зиёд олтин қазиб олинади. МДХ мамлакатлари орасида иккинчи ўринда, аҳоли жон бошига қазиб чиқариш бўйича эса биринчи ўринда туради.*

\* \* \*

*Ўзбекистонда 1970 йили 1805,3 минг тонна нефть, 32094 миллион куб метр газ, 3747 минг тонна кўмир қазиб олинган бўлса, 1990 йилга келиб бу кўрсаткичлар 2810,3 минг тонна, 40761 миллион куб метр, 6477 минг тоннани ташкил этди.*

*Юқорида эълон қилинган маълумотлар «Ўзбекистон Республикаси қисқача маълумотнома» китобидан олинди.*

# ТАРИХИЙ САБОҚЛАР

(ЎКИ СОЛИҚЛАРНИНГ ЎТМИШДАГИ ТУРЛАРИ)

Маълумки, давлатнинг фаолият кўрсатиши учун айрим чиқимлар, сарф-харажатлар тақозо этилади. Бу харажатлар учун албатта, маблағ керак. Маблағ эса асосан корхона ва фуқаролардан солиқ йиғиш йўли билан тўпланиб, давлат бюджети вужудга келади.

Давлат бу маблағни нима мақсадда тўплайди? Мақсад аҳолининг кам таъминланган қисмига (болалар, кексалар, соғлиқни сақлаш, маориф муассасалари ва ҳоказо) сарфлайди.

Солиқ жараёни шундай муҳим нарсаки, агар у тўғри ташкил қилинган бўлса, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга хизмат қилади ва аксинча нотўғри ташкил қилинган бўлса ишлаб чиқаришни инқирозга олиб келади. Ҳозирги солиқ системасининг хусусиятларини таҳлил қилиш учун солиқлар тарихига назар солишимиз керак.

Хусусий мулк ва давлат пайдо бўлибдики, солиқ солиш мавжуддир. Ҳар қандай даврда ўзига хос солиқ системаси бор бўлиб, шу даврнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Туркистонда олдин амал қилган солиқ системасининг жуда пухта ва яхши

томонлари бор. Масалан, араблар ҳукмронлик қилган даврдаги солиқ системасини олайлик.

Араблар Мовароуннаҳрни истило қилгач, ўзларининг солиқ сиёсатини юргиздилар. Бу сиёсатга кўра халқдан «жузья», «хирож», «вазифа», «закот» деган солиқлар олинар эди.

Жузья — жон бошига, хирож — ҳосилга олинган солиқ эди. Бунда олинган ҳосилнинг 1/5 қисми давлатга тўланган. Вазифа бож тўловчилардан олинарди. Закот солиғи бизга маълумки, молнинг 1/40 ҳисоби билан олинар эди. Агар юқоридаги рақамларга назар ташласак, солиқ сиёсати қанчалик инсоф билан юритилганлигининг, пухта ўйланиб, ишлаб чиқарувчиларнинг ўз меҳнатлари натижасидан рағбатланиши мумкин бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Яъни, меҳнаткаш ҳосилнинг кўпайишидан манфаатдор бўлган.

Ҳўш, мўғуллар давридаги солиқ сиёсати қандай бўлган? Бизга маълумки, ўша даврда мўғуллар чорвачилик билан шуғулланишган. Шунинг учун бўлса керак, мўғуллар давлати «закот» ўрнига «қонгур» солиғини жорий этганлар. Бунга кўра ҳар 100 бош чорвадан 1 чор-

ва солиқ олинган. Бу закотга нисбатан енгилроқ бўлиб, чорвачиликнинг ривожланишига йўл очиб берарди. Бундан ташқари ҳосилнинг атига 1/10 қисми солиқ сифатида олинар эди. Бу деҳқончиликнинг ривожланишига олиб келди.

Мўғулларнинг «Есоқ китоби»да давлат хазинасига кирадиган солиқ «шулең» ҳар бир подадан 2 ёш қўй миқдоридан ва ҳар минг отдан 1 бия миқдоридан солиқ солинарди.

Ердан асосан хирож солиғи (бу солиқ мол солиғи деб ҳам аталган) олинди, бу солиқ VII—VIII асрлардан бошлаб феодализмнинг сўнгги кунларига қадар давом этган. Бунга кўра ҳосилнинг 1/3 қисми солиқ сифатида тўланар эди. Бу гоҳо буюм, гоҳо пул ҳолида олинган. Ер солиғи асосан ҳосил тайёр бўлгандан сўнг олинган.

Шу ўринда бир нарсага ойдинлик киритиб ўтмоқчи эдим. Вақф сўзини кўпчилик эшитган. Вақф нима? Баъзилар солиқ ва вақф ўртасидаги фарқни ажратолмайдилар. «Вақф» — сўзи арабча сўздан келиб чиққан бўлиб, «сақламоқлик», «ас-

рамоқлик» деган маънони билдиради. Яъни кишилар ўзларидаги ортиқча мулкни мадраса, мачитларга, хонақоҳларга берганлар ва ушбу мулкдан келган фойдадан бева-бечораларга хайр-эхсон улашилган. Ҳар қандай киши ўзининг мулкани вақф қилиб бериши мумкин. Мулк вақф қилиб берилгандан кейин мулк унинг ихтиёридан чиққан. Вақф бериш саҳийлик, камсуқумликдан ҳам далолат беради. бу усулнинг кенг жорий қилиш ҳозир ҳам ёмонликка олиб бормайди.

Темурийлар ва шайбонийлар даврида юритилган солиқ сиёсатига ишлаб чиқаришнинг ривожланишига тўсқинлик қилмаган, яъни деҳқон қанчалик кўп маҳсулот етиштирса, яшаш учун шунча яхши шароит яратилган. Бу даврда баъзи солиқлар доим ҳам олиnaverмаган. Мири ҳазора, мадад, лашкар, ҳашар ва бечори қалъа каби солиқлар фақат фавқулодда вақтлардагина йиғилган холос. Хирож ва закот асосий солиқ бўлиб қолаверган. Чор Россияси ҳукмронлигида жорий этилган солиқлар халқ учун оғирлик қилган. Негаки, бунда солиқлар сони ва уларнинг салмоғи жуда кўпайиб кетган эди. Солиқлар пала-партиш, тартибсиз олиб борилган ҳамда солиқ олувчилар назорат қилинмаган. Халқнинг аҳволи эса янада оғирлашган. Халқ қанчалик оч бўлса, давлат шунча кучсиз бўлади. Шу сабабдан чор Россияси ўлкамизни жуда осонлик билан босиб олган эди.

Тарихий манбаларга қараганда, Бухорода закот хазинага солинадиган мажбурий тўлов бўлмасдан, ҳатто бир молнинг ўзи бир шаҳардан иккинчисига неча марта олиб борилса, шунча марта солиқ олинган. Закот бора-бора божнинг бир турига айланиб кетди ва шу тариқа истеъмолчидан олинadиган йиғим бўлиб қолди. Давлат фақат бу солиқлар билан қаноат-

ланмади. Буюрилмаган янги закотлар — ҳокимлар, амирлар ва беклар фойдасига олинadиган чакана закотлар ўйлаб топилди.

Октябрь инқилоби бу солиқларнинг ҳаммасини бекор қилди. Давлат ўз солиқ системасини жорий этди.

Маълумки, бу даврдаги корхоналарнинг жуда катта қисмини давлат мулкига асосланган корхоналар ташкил қилар эди. Шунинг учун ҳам давлат ўз мулкидан солиқ олмаслиги керак, деган фикрлар мавжуд бўлган. Шу сабабли бўлса керак, моҳияти жиҳатидан солиқ тушунчасидан фарқ қилмайдиган тўлов ва ажратмалар деган тушунчалар киритилди. Энди давлат корхонаси билан давлат бюджети ўртасидаги муносабат ана шу тушунчалар орқали амалга оширила бошлади.

Ҳозирги кунда ҳам бундай тўловлар, яъни корхона фойдасидан олинadиган тўловлар мавжуд бўлиб, булар корхона фойдасининг 40 фоизигача бўлган миқдорни ташкил қилади. Бундан ташқари оборот солиғи, жамоат ва кооператив ташкилотлардан даромад солиғи, аҳолидан олинadиган турли хил солиқлар бўлиб, буларнинг ичида даромад солиғи 93 фоизни ташкил этади.

Агар солиқлар миқдорига қарайдиган бўлсак, корхоналардан олинаётган солиқлар миқдори кўп. Бу ишлаб чиқаришнинг ривожланишига тўсқинлик қилади ва олинган фойдани камайтириб кўрсатилишига олиб келади. Фикримизча, булар бирмунча пасайтирилиши ҳамда табақалантирилиши лозим. Ёки корхонанинг турига қараб белгиланиши керак. Мисол учун, оз меҳнат сарфлаб, кўп даромад оладиган корхоналардан кўпроқ кенг истеъмол буюмлари ва болалар учун маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналардан озроқ миқдорда солиқ олинса, мақсадга муво-

фиқ бўлади.

Бундан ташқари янги тузилаётган корхоналардан биринчи йил солиқ олинмаса, иккинчи йилида рамзий маънода, яъни оз миқдорда олинса маъқул бўлар эди.

Агар рақамларга мурожаат этсак, аҳолидан олинadиган солиқлар 1984 йилда давлат бюджети даромадининг 12,3 фоизини ташкил қилган бўлса, 1990 йилга келиб 5,5 фоизни ташкил этади. Бундан кўринаяптики, аҳолидан олинadиган солиқ анча камайган. Бу яхши ҳол, аммо бунинг эвазига бошқа солиқлар салмоғи оширилди.

Масалан, корхонанинг фойдасидан кўпроқ солиқ олинadиган бўлади ва ишчиларни рағбатлантириш камайди.

Яна бир солиқ ҳақида тўхталиб ўтишни лозим деб топдик. Яъни қўшилган қийматдан олинadиган солиқ. Ушбу солиқ ишлаб чиқаришга бўлган қизиқишнинг, маҳсулотни кўпайтиришга бўлган эҳтиёжнинг сўндиради. Негаки, йил давомида қилинган меҳнатдан олинган фойданинг 30 фоизини давлат олиб қўйса, ишлаб чиқарувчида қизиқиш қоладими? Шунинг учун бўлса керак, қишлоқ хўжалиги, матбаачилик нашриёт ва яна бошқа бирмунча тармоқ корхоналари бу солиқдан бутунлай озод этилди. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ота-боболаримиз юритиб келган солиқ сиёсатини ўрганиб, ўтмишдаги солиқларнинг яхши томонларини олсак фойдадан ҳоли бўлмайди. Негаки, ҳозирги солиқ сиёсатимизда нуқсонлар мавжуд. Солиқ сиёсатининг пухта ишланмаганлиги ишлаб чиқаришни рағбатлантирмайди. Бу эса ўз навбатида аҳоли турмуш даражасининг пасайишига олиб келади.

**Шоназар ЭРМАМАТОВ,**  
Тошкент давлат иқтисодиёт  
университетининг  
IV-курс толиби.



Ушбу тасвирни кўрган кишининг бадани жимирлаб кетишига таян. Лекин Ҳиндистоннинг Тамилнад штати фуқароси Н. Партхасарати учун бу «юмуш» жуда оддий ва фойдали ҳамдир. Чунки, «чайнлар подшоҳи» саналмиш бу инсон ана шу ғайриодатий томошаси орқали ўзини боқади.

## МАҲАЛЛИЙ ҚИЗЛАРГА УЙЛАНИНГ, ЁРДАМ ПУЛИ ОЛАСИЗ

Бирлашган Араб Амирликлари Вазирлар Кенгаши мамлакатнинг туб аҳолиси ўртасидаги никоҳларни рағбатлантириш мақсадида давлат «Никоҳ жамғармаси» тузиши тўғрисида қарор қабул қилди. Маҳаллий матбуотнинг хабар қилишига қараганда, меҳнат ва жамоат ишлари вазири Сайф ал-Жарвон раҳбарлик қиладиган ушбу жамғарма 13 миллион доллардан ортиқ хазинага эгадир.

18 ёшдан ўтиб биринчи марта ўйланаётган барча камдаромад маҳаллий йигитлар янги маҳкамадан кўмак пули олиш ҳуқуқига ноил саналдилар. 16—19 минг доллар кўмак пули олиш учун эса фақат маҳаллий миллатга мансуб қизларгагина ўйланиш керак. Жамғармани тузишдан асосий мақсад амирлик фуқароларининг ажнабийларга камроқ ўйланишига эришидир. Четдан бориб амирлик қизларига ўйланган йигитларга қандай ёрдам бериш масаласи эса ҳал қилинмаган. Афсус!

er's photo  
he week



— Вой-бу, тишларинг на-  
мунча катта!

Ушбу сурат ҳафтанинг энг кучли ҳаваскор сураткаши туширган тасвир, деб «Нэшнл инкуайрер» журнали хабар берган.


## ҚУРОЛ- ЯРОҒ СОТИЛАДИ

Россия Президентининг ҳарбий саноат масалалари бўйича маслаҳатчиси Михаил Малей Амиқода чиқадиган «Крисчен сайенс монитор» газетаси муҳбири билан суҳбатда, ҳозирги қийин иқтисодий шароитда Россиянинг хоризжа қурол-яроғ сотмасдан иложи йўқ, деди.

Президент маслаҳатчисининг фикрича, собиқ СССР 1990 йилда хоризжага 14 миллиард долларлик қурол сотган. Гарчи Россия кўпгина «эски» харидорларидан қуруқ қолган бўлса-да, Москва бу соҳада тўпланган тажрибани елга совурмоқчи эмас.

— Бу йилги қиш қаттиқ келди, — деди М. Малей, — баҳорда нима бўлишини ҳеч ким билмайди. Борди-ю битта боланинг ҳаётини қутқариш учун, ҳатто Ливия саркори Муаммар Каддофийга тўп сотишга тўғри келса, биз буни қилган бўлардик.

Яқиндан бошлаб Туркманистонда ҳам озиқ-овқатларнинг нарх-навоси ошди. Эндиликда давлат дўконидида бир кило ғўшт 120 сўм, сариёғ 150 сўм, пахта ёғи 20 сўм туради. Бу мустақил давлатлари орасидаги энг арзон кўрсаткичлардан биридир.



Польша. Қадимий қасрлардан бўлмиш Голуб-Добржин рицарлар кўриги ўтказиладиган жой, деб тан олингандир. Яқинда бу ерда жуда катта тангана бўлиб ўтди. Конкуре ҳатначилари ўзларининг неларга қодирлигини кўпнинг кишилик томошабинлар олдида намойиш этдилар. Айниқса қадимий ўқ отиш қуроли — арбалетдан мўлжалга олиш кўпчиликни қувонтирди.

## ЮЛИАН СЕМЁНОВ ҚАЕРДА?

Таниқли рус адиби Юлиан Семёновни яхши биласиз. Унинг замонавий, сиёсий жиҳатдан ўзига хос, мазмундор асарлари асосида тайёрланган кинофильмларни қизиқиш билан томоша қилгансиз. Аммо у кейинги икки-уч йил ичида кўринмай қолганлиги кўпчиликни ташвишга солди. «Аргументъ и фактъ» рўзномасининг хабарига қараганда, Ю. Семёнов икки йил муқаддам икки марта инсультни бошидан кечирган. Шу сабабларга кўра яқинлари уни ҳар хил шовқинлардан ва сиёсатдан узоқроққа, яъни Москва яқинидаги дала ҳовлисига кўчириб ўтказишган. Мана, икки йилдан ошдики, у Москвага келмаган. Езувчини Бурденко номли олий илмгоҳ шифокорлари даволашмоқда. Аммо энди унинг бирор-бир китоб ёзишига шубҳа билдиришмоқда.




Ўтган йили Мюнхендаги «Хеллабруни» ҳайвонот боғи учун ниҳоятда қувончли бўлди. Ҳозиргача бу ерда тўрт нафар фламинго — қизил гознинг жўжалари пайдо бўлди. Келгусида уларнинг сафи кўпайиши кутилмоқда.



Ушбу «шармисорлик қафаси» (маҳаллий халқ уни шундай деб атайд) Словакиянинг шарқдаги XV асрда қад кўтарган Левача шаҳри марказида жойлаштирилгандир. Унга халқни алдовчи қаллоб савдогарлар, қайтмдан уриб қолувчи сотувчилар қамалган ва уларни одамлар лавнатлаганлар. Айтишларича, кўпдан бери бу ерга ҳеч ким қамалмаган. Шунай бўлса-да, баъзи қўли эгри сотувчилар учун сақланиб турибди.

## ҲАЙВОН ВА ҚУШЛАР УЧУН «ТЕЗ ЁРДАМ»

Грецияда ҳайвонларга ва қушларга дастлабки «тез ёрдам» станцияси пайдо бўлди. «Атенз ньюс» рўзномасининг хабар қилишича, мамлакат шимоли-шарқдаги Эврос шаҳарчаси маъмурияти шу тўғрида кўрсатма берган. Станцияда ярадор ва бемор жониворларга шошилч ёрдам берувчи биологлар, молдўхтирлар, паррандашunosлар ва бошқа касбдаги мутахассислар ишлайдиган бўлди. Маълумки, Эврос Оврупо қитъасида табиати бузилмаган ҳудудлардан саналади. Бу маконда аллақачон қирилиб кетган ва камайиб қолган ҳайвонлар ва қушларнинг нодир турлари ҳам учрайди. Рўзноманинг шаҳодат беришича, эшакни мина-мина белини яғир қилиб ташлаган шўх грек болалари янги касалхонага мурожаат қилган илк шикоятчи бўлдилар. Яқин кунлар ичида яғиршunosлик ҳам шаклланса ажаб эмас.



Бу тасвирга қараб, кулишга ҳам, куйишга ҳам ҳайрон бўласан киши. Англиялик икки ёш йигит ўзларига алоҳида, янги «соч қўйиш»ни ўйлаб топдилар.

Уларнинг бу қилиғини нима билан изоҳлашни билмайсан. Ҳозирча ушбу модага ном қўйилмаган. Балки, «Бароқвой» бўлар, балки...

## САБАБ- МОЛИЯВИЙ ҚИЙИНЧИЛИК

Бишкек—Москва поездидаги йўловчилар битларга ем бўлмоқдалар. Бу жониворларнинг пайдо бўлишига сабаб шуки, поездлардаги чойшабларнинг

тутилавериб увадаси чиқиб кетганлигидадир. «Мегаполис экспресс» газетасининг хабар беришича, маҳаллий темир йўл бошқармаси молиявий жиҳатдан шу қадар ночор бўлиб қолибдики, ҳатто янги чойшаб-ёстиқжилд сотиб олишга ҳам қўрби етмас экан. Энди бу масала билан шахсан Қирғизистон ҳукумати шугулланмоқчи эмиш...

# БУХГАЛТЕРИЯ

## ҲИСОБИДАГИ

## ЯНГИЛИКЛАР

### (ЕКИ ЯНГИ СЧЕТЛАР ДАРАЖАСИГА ЎТИШ ЗАРУРИЯТИ)

Бугунги кундалик ҳаётимизда бозор иқтисодиёти сўзини камида 2—3 марта эшитамиз ёки бевосита ўзимиз бу сўзни ишлатмоқдамиз. Шу нарса маълумки, бозор муносабатларига ўтишимиз ҳар бир жабҳага янгилик ва ўзгаришлар олиб киради. Қуйида биз бозор иқтисодиётининг фақат бухгалтерия соҳасига киритган ўзгаришлари тўғрисида фикр юритмоқчимиз.

Ҳозирги кунда корхона ва ташкилотлар хўжалик фаолиятида бухгалтерия ҳисобини юритиш янги мазмун касб этмоқда. Аниқроғи бухгалтерия соҳасида 3 хил йўналишда ўзгаришлар содир бўляпти:

бухгалтерия ҳисобини юритишда янги счетлар режасини қўллаш жорий этилмоқда;

хўжалик фаолиятини таҳлил этишда ҳисоботнинг янги шакллари қўлланилмоқда;

назорат ва тафтиш соҳасида улар ўрнида мустақил аудиторлик фирмалари ташкил этиляпти.

Маълумки, эски счетлар режаси 1985 йилдан амал қилиниб келинаётган эди. Янги счетлар режасига ўтиш бухгалтерия ҳисобининг асосий муаммоси бўлиб турибди. Хўш, нима сабабдан янги счетлар режасига ўтиш биз учун шарт бўлиб қолди? Бунинг биринчи сабаби халқ хўжалигининг бозор муносабатларига ўтишидир. Ундан кейинги сабаб ҳар хил мулк шаклларининг вужудга келиши ва ривожланиб бориши ҳисобланади. Ниҳоят учинчи сабаби жаҳон хўжалик алоқаларида фаол иштирок этишнинг тақозо этилаётганлигидир.

Бу счетлар режаси 1989 йилдан Россиянинг айрим ташкилотларида тажриба тариқасида қўлланила бошланди. Бунда чет эллик мутахассислар ҳам фаол иштирок этишди. Бу счетлар режаси Халқаро бухгалтерия стандартларига мослаштирилган бўлиб, бизнинг

республикамизда 1993 йил 1 январдан бошлаб кучга киритиш кўзда тутилган эди. Лекин бу ишни дарров амалга ошириш қийин, шу сабабли бу счетлар режасини амалда қўллаш учун пухта замин зарур.

Хўжалик фаолиятини таҳлил этишда асосий манба бўлиб бухгалтерия ҳисоби кўрсаткичлари ҳисобланади. Ҳозирги бухгалтерия ҳисоботи олдингисидан ихчам ва адолатлироқ. У 4 та бухгалтерия ҳисоботи шаклидан иборат:

1. Бухгалтерия баланси.

2. Молиявий натижалар ва уларнинг ишлатилиши ҳақида ҳисобот.

3. Корхона мулки ҳақида ҳисобот.

4. Корхонанинг мавжуд маблағлари ва уларнинг ҳаракати ҳақида ҳисобот.

Юқоридаги ҳисобот шаклларини, мулк муносабатларидан қатъи назар, барча корхона ва ташкилотлар 1991 йилдан тузган эдилар.

Ҳозирги пайтда мустақил аудитор назоратини амалга ошириш кўзда тутиляпти. Мустақил аудитор назорати аудиторлик фирмалари томонидан олиб борилади. Бу аудиторлик фирмалари шартномалар асосида мулкчилик шаклларида қатъи назар, барча корхона ва ташкилотлар фаолиятларини назорат қилиб боради. Улар фақатгина камчиликларни кўрсатиб қолмасдан, балки бу камчиликларни бартараф этишда ва келгусида қайтарилмаслик чора-тадбирларини белгилашда маслаҳатлар беради.

Бухгалтерия соҳасидаги яна бир муҳим масала, солиқ солиш билан боғлиқ жараёнларни ҳисобда акс эттиришдир. Ҳозирги кунда солиқлар тез-тез ўзгариб турибди. Солиқларнинг айна вақтдаги турлари қуйидагилардир:

а) Даромад солиғи.

- б) Қўшилган қийматдан солиқ.
- в) Акциз солиғи.
- г) Корхона мулкига солиқ.
- д) Иш ҳақидан олинадиган даромад солиғи.
- е) Экспорт-импорт солиғи.

Шулардан энг муҳимларига тўхталиб ўтсак. Даромад солиғи корхоналар оладиган даромадининг 18 фоизи миқдориди белгиланган. Корхоналар даромадини аниқлаш учун барча сотилган маҳсулотларга келиб тушган тушумдан, иш ҳақи харажатларидан ташқари барча харажатлари айириб ташланади. Солиқ ҳисобланганда бухгалтерия ёзувида дебет 81, кредит 68 билан акс эттирилади. Бу солиқ суммалари ҳар ойда давлат бюджетига ўтказилиб бухгалтерия ёзувида дебет 68, кредит 51 билан расмийлаштирилади.

Қўшилган қийматдан солиқ сотилган маҳсулотларнинг шартномасига нисбатан 30 фоиз миқдориди белгиланган. Бу солиқни ҳисоблаш ва давлат бюджетига ўтказиб бериш қуйидаги бухгалтерия ёзувларида акс эттирилади: дебет 46, кредит 68 ҳамда дебет 68, кредит 51.

Акциз солиғи спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари, заргарлик буюмлари, нефть маҳсулотлари ҳамда гилам ва шунга ўхшаш маҳсулот турларига белгиланган.

Солиқ миқдори сотилган маҳсулотлар ҳажмига нисбатан аниқланади. Бухгалтерия ёзувлари қуйидагича ифодаланади: дебет 46, кредит 68 ва дебет 68, кредит 51.

Корхона мулкига солиқ мулкнинг 0,5 фоизи миқдориди белгиланган. Солиқ корхона фойдаси ҳисобидан тўланади. Бухгалтерия ёзувида дебет 81, кредит 68.

Иш ҳақидан ушлаб қолинадиган даромад солиғи Республика Президентининг 1992 йил 25 августдаги Фармонида кўра, энг паст даражаси ойига 1250 сўм миқдориди белгиланди. Ойига 5250 сўмгача бўлган иш ҳақидан олинадиган даромад солиғининг энг кам миқдори 12 фоиз қилиб белгиланди. Аҳоли даромадлари ўсиб бориши билан солиқлар ҳам шунга мос тарзда ўзгариб бормоқда. Шу билан бирга нафақа ва ижтимоий суғурта жамғармаларига ажратмалар ҳам ўзгартирилган. Ҳар ойда бу ажратмаларнинг умумий миқдори иш ҳақиға нисбатан 37 фоизга тўғри келади. Нафақа фондига иш ҳақидан 1 фоизи тўғридан-тўғри ўтказилади. Ижтимоий суғурта ва нафақа фондларига ажратмалар қуйидаги бухгалтерия ёзувларида акс эттирилади. 37 фоиз таннарх ҳисобидан, иш ҳақиға нисбатан дебет 20, 25, 26, 43, кредит 69.

1 фоиз иш ҳақи ҳисобидан дебет 70, кредит 69 дебет белгиланади. Бу ажратмалар ўтказилганда эса дебет 69, кредит 51 бухгалтерия ёзувлари расмийлаштирилади.

**Аҳмаджон ТУРДИЕВ**  
Тошкент Давлат иқтисодий  
дорилфунуни, ҳисоб-иқтисод  
факультетининг 5 курс толиби.

## БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА ОИД МОНОГРАФИЯ

Кейинги пайтларда иқтисодчи олимларимиз томонидан бозор муносабатларини ифодаловчи илмий мақолалар, монографиялар ва рисоалар кўпроқ тайёрланиб чоп этилмоқда. Иқтисод фанлари номзоди, доцент Ҳасан Мусаевнинг «Умумий овқатланишда ижара пудрати ва бухгалтерия ҳисоби: тажриба ва муаммолар» монографияси шулар жумласидандир.

Тақриз қилинаётган ушбу китоб уч бобдан иборат. «Умумий овқатланиш хўжалик механизми системасида ҳисоб» бобиди бу тармоқнинг бозор хўжалиги механизми хусусиятлари, янги мулк шакллариининг вужудга келиши ва ривожланиши истиқболлари, ҳисобнинг тўтган ўрни ифодаланган. Янги шароитда муҳосиблик ҳисобининг хусусиятини очиб бериш мақсадида «хўжалик механизми», «ҳисоб» категорияларига илмий ёндошилган, уларнинг ўзаро боғлиқлиги баён қилинган.

Муаллифнинг фикрича, муҳосиблик ҳисоби бу биргина бошқариш вазифаси, ахборот манбаи бўлибгина қолмасдан, корхоналар, тармоқлар хўжалик механизмининг ҳам муҳим таркибий қисмидир.

«Умумий овқатланиш корхоналарини ижара аудитига ўтказишнинг социал-иқтисодий аҳамияти» бобиди ушбу тармоқда ижара муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари, афзалликлари, ижара шакллари ифодаланган. Ижара корхоналари молиявий — хўжалик кўрсаткичлари, уларни такомиллаштириш йўналишларига алоҳида аҳамият берилган. Муаллиф ҳар бир фикр — мулоҳазасини тасдиқлаш мақсадида амалиёт маълумотларидан кенг фойдаланган.

Монографиянинг «Ижара пудратидаги умумий овқатланиш корхоналарида муҳосиблик ҳисобини ташкил қилиш» бобиди эса ижара корхоналарида муҳосиблик ҳисобини ташкил қилиш принциплари, бу масалани ҳал этишда мутахассисларнинг фикрлари, норматив ҳужжатлар талқин қилиниб муаллифнинг аниқ тақлифлари берилган. Бирок, китоб фақат ижара шаклларида бири — ижара пудрати масалаларини ифодалаш билан чекланган. Ижаранинг бошқа хиллари нисбатан четда қолган. Муаллиф бозор шароитига ўтиш билан халқаро ҳисоб принциплари жорий қилинади, деган фикрни билдиради. Лекин бу муаммо умумий овқатланиш корхоналарида қайси жараёнлар орқали амалга оширилади китобда етарлича, чуқур ифодаланмаган. Шунга қарамасдан, ушбу монография юқори илмий — назарий даражада тайёрланган. Унинг мазмунини кун талабларига тўла жавоб беради.

Китоб илмий ходимлар, амалиёт мутахассислари, аспирант ва олий ўқув юрти талабаларига мўлжалланган.

**Олимбек ЖУМАНОВ.**  
Тошкент давлат иқтисодий университети  
«Ижтимоий соҳада муҳосиблик ҳисоби, таҳлили  
ва назорати» кафедрасининг доценти,  
иқтисод фанлари номзоли

# ХОРАЗМ ЙЎЛЛАРИДА



## (ИККИНЧИ МАҚОЛА)

Лекин, рангин нақшлар каби нозик ва иболи, минорлар каби вазмин ва мағрур бу юртнинг бешигида улғайгандек сездим ўзимни. Йўқ! Фарғона боғларидан эсган каби бир эпкин адашаётганимни қулоғимга пичирлаб ўтди.

Аслида, бу кўҳна юрт менинг юрагимда яшаётган, кўнглимнинг



(Давоми, аввали муқованинг  
2,3-бетларида)






римларининг номлари келтириб ўтилса жуда яхши бўларди. Мана улар:

Зубайда Ҳожиева — технолог;  
Муҳаббат Матёқубова ва Ҳосиятхон Асқарова — буларнинг касби нафис ва нозик — гул солувчи;

Зубайда Салаева эса пардоз бериш билан шуғулланади. Очиғи, бу ерда ишловчиларнинг аксарияти қизлар, уларнинг ҳаммаси ҳам илғор ва ўз ишига моҳир. У хоҳ Зулҳумор, хоҳ Гўзал бўлсин, меҳнатлари таҳсинга сазовор.

Чинни маҳсулотлар ўн кундан ортиқ жараёнда дунёга келади. Бир ойда 18—20 минг дона атрофида чойнак-пиёла тайёрланади.

Қиссадан ҳисса шуки, азиз муштарий, чинни чойнаклардан фой-



соғинч исмли беланчагида улғаяётган эди. Чунки, мен келажак кунни яхши кўраман! Чунки, бу юрт кўҳна эди, бор вужуди тарих эди. Тарих ойнасида эса мен яхши кўрган кунлар аксланарди.

Мен келажак кунни яхши кўраман. Негаки, у менга ноаён. Яширин нарса эса ҳамisha сирли ва қизиқарли. Аслида, биз эртаמידан чиндан ҳам беҳабармизми? Балки, хабардор бўлишга уриниб кўрармиз, Хива мисолида. Демак, бундай: иқтисод, моддий ҳаёт кўп нарсани белгилайди, шу жумладан, келажакни ҳам. Яъни, иқтисод — янги қурилажак уйнинг синчи кабидир. Хиванинг ана шу синчи бақувватми, йўқми эканини билиш учун асосий корхоналарининг айримлари билан танишсак. Масалан, сопол буюмлар фабрикасини олайлик. Шаҳар ҳокими Эркин ака Раҳмонов бизга ўз ўринбосарини ҳамроҳ қилиб берди. Йўл-йўлакай танишдик. Комилжон Шарипов ҳокимнинг умулқитисодий масалалар бўйича муовини экан.

Фабриканинг тарихи унча узоқ-

қа бориб тақалмайди. У 1974 йилдан буён фаолият кўрсатиб келади. Йигирма йиллик қисқа фурсатда нималарга эришиш мумкин? Қаерда қандай билмадим-у, дастлаб 350 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарадиган бу корхонанинг ҳозирги қуввати йилига 16-17 миллион сўмни ташкил этмоқда. Маҳсулот турлари эса 250 турдан ошиб кетган. Етти хилдаги чинни нафис буюмларга эга бўлишни эса ҳар бир уй бекаси ҳавас қилса керак. Жами 340 нафар одам ишлайди. Бу ерда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар асосан ўзбек халқи учун ва қисман алоҳида рухсат билан кўшни Туркменистонга берилади.

Албатта, ҳар бир корхонанинг ўз илғорлари бор. Улардан ай-

даланиб, жонон пиёлаларда чой ичаётганингизда мана шу касб эгаларини «кўлингиз дард кўрмасин» деб дуо қилиб қўйсангиз, бас...

...Хива гиламлари! Уни таърифлашнинг ҳожати бўлмаса керак. Бу гиламлар нафақат Хива ёки Хоразмнинг, балки бутун ўзбек юртининг фахри, ғурури. Мана шундай гўзал маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхонани кўриш, оддий инсон сифатида, орзуим эди. Орзунинг ушалишига эса касбим ёрдам берди.

Мана, Хива гилам ишлаб чиқа-





риш бирлашмасидамиз. Бирлашма иш бошқарувчиси Қадамбой ака Назаров бизни иш жараёни билан таништириб бормоқда. Йигирув дастгоҳи олдида турган ишчи билан суҳбатлашамиз — Муқаддас Саидова экан. У йигирган ип маҳсулоти сифатини ўзимизча синаб кўрган бўламиз: зўр, жуда бақувват. Иш унуми ҳам ёмон эмас. Айтишича, белгиланган 800 ўрнига 900 килограммдан ошириб ип тайёрламоқда. Кейин тўкув цехига ўтамиз. Бу ерда ҳам иш қизгин, айниқса, Отабой Бобожонов бошлиқ участкада. Ким билан суҳбатлашмайлик, улар ойликлари бошқа жойларга нисбатан бирмунча юқорилигини таъкидлаб ўтишарди. Демак, бундан хулоса қилиш мумкин-ки, бирлашма раҳбарияти оқил йўл тутган — инсон ўз меҳнатининг фойдасини кўриши керак, ана шунда ишда унум бўлади. Бу корхонада 13, 14, 15, ҳатто 16-маошлар бериб борилади. Ишга бориб келиш учун алоҳида транспорт ажратилган. Корхона Хиванинг гиламчилар шаҳарчасида шифобахш суви бўлган ўз даволаш муассасасига эга. Катта бирлашма катта савоблардан ҳам бебаҳра эмас — болалар уйи, руҳий касаллар интернатига ҳамда иккита мактабга юз минг сўмлаб маблағ ўтказмоқда.

Хива гиламларига боқиб бир ёруғлик, тафт сезаман уларда. Гўё, уларни етим-у хасталарнинг,

эртамыз бўлмиш болаларнинг қайноқ нигоҳи илитаётгандек...

...Хивага бормоқ осон — соғинчининг ўзи етаклаб келади. Хивадан кетмоқ қийин — соғинч қўйиб юбормайди. Бутун умр СОГИНЧдан иборатдек.

### ШОВОТЛИКЛАР

Ҳар бир халқ ўзининг нимаси биландир фахрланади. Шу жумладан Шовотликлар ҳам. Суҳбатларда айниқса, машҳур ҳофиз, марҳум Комилжон Отаниевнинг исми шарифини бениҳоя

хурмат ва фахр билан тилга оладилар. Тақдирга шукр-ки, бизга ҳам ана шу буюк санъаткорнинг юртида бўлиш, шу юрт тупроғида унинг руҳини ёд этиш бахти насиб этди.

Шовот ҳақида кичикроқ бир таъриф берсам, Юз минг кишилик аҳолиси бор. Шовот Ўзбекистонда неки нозу неъмат бўлса ҳаммасини яратадиган заминга эга. Асосий экини пахта ва шоли. Қишлоқ хўжалиги бўйича алоҳида таъкидлайдиган жойи шундаки, Хоразм районлари ичида фақат шу ердагина картошкачилик хў-



жалиги мавжуд. Ўз-ўзидан бизда бу хўжаликка бориш истаги туғилди. Дарвоқе, ҳамроҳимизни таништириб ўтсак. Юсуф ака Саъдуллаев район ҳокимининг иқтисодий масалалар бўйича муовини бўлиб ишлайди. Ишбилармонлиги билан анча-мунча танилган одам. Колхозда раис бўлиб ишлаган кезларида республика қишлоқларида биринчи бўлиб гилам тўқиш цехини очган.

«Соҳибкор» давлат хўжалиги асосан картошкачилик билан шуғулланса-да, бу ерда аҳоли эҳтиёжини қондириш учун сабзавот, шоли, буғдой, гўшт-сут, тухум, балиқ маҳсулотлари ҳам етиштирилади. Консерва тайёрлаш заводи ҳам ишлаб турибди. Хўжалик директори Равшанбек Яхшимуродов инсон омили — ютуқлар гарови эканини яхши билади. Одамнинг қорни тўқ бўлгандагина унумли меҳнат қила олади. Шунинг назарда тутиб, директор, режада бўлмаса-да, 100 гектар ерга буғдой экиб, 300 тонна ҳосил олди.

— Энди, — дейди Р. Яхшимуродов, — ун тақчил ёки бўлмайд қолганда ҳам халқимни қишдан эсон омон олиб чиқа оламан. Шунингдек, 300 тонна картошкани ҳам шу мақсадда омборларда сақлаб қўйибмиз.

Хўжалик омборхонасини биз ҳам кўрдик. 4 минг тоннадан ошиқ маҳсулотни бемалол сақласа бўлар экан бу ерда. Директорнинг қилган фойдали ишларидан яна бири шуки, у ўз худудидан «Радуга» тикувчилик ишлаб чиқа-



риш бирлашмаси учун жой ажратди. Натижада, 30 га яқин қизлар ишга жойланди, қолаверса, тайёр маҳсулотлар шу ернинг ўзида сотилиши ҳам аҳоли учун фойда бўлди.

Районнинг мақтовга сазовор хўжаликларидан яна бири Қўчқор ака Қуронбоев етакчилигидаги «Дўстлик» колхози ҳисобланади. Ҳозир бу ерда республика хўжаликларида биринчи бўлиб йилига 80 млн. дона банка-шиша ва хрустал идишлар ишлаб чиқарадиган шиша заводи қурилиши битиш арафасида. Бу тadbирнинг иқтисодий фойдаси жуда катта. Биринчидан, республикадаги йирик

шиша заводлари ҳамма хўжаликларни идиш билан тўлиқ таъминлай олмайди. Бу нарса хўжалик ихтиёридаги консерва заводининг тўла қувват билан ишлашига имкон бермайди. Йилига 5 млн. банка маҳсулот ишлаб чиқарадиган бу завод шиша тайёрлаш корхонаси ишга тушган ўз қувватини икки баравар оширади. Иккинчидан, бу иккала завод ёнма-ён жойлашган. Бу ҳолат ортиқча йўл харажатларига барҳам беради ва идишларнинг шикаст топишини камайтиради ва ҳоказо.


Шовот кўчаларида одам кам. Ҳамма ўз иши билан банд — нимадир қилмоқда, яратмоқда.

Хоразмда йўллар кўп, уларнинг ҳаммаси ҳам марказга — Урганчга олиб боради. Йўл юрмоқ, айниқса автобус ойнасидан атрофга қараб хаёл сурмоқ яхши нарса. Замин, одамлар, дарахтлар, сув тўла ариқлар... Буларнинг ҳаммаси тириклик нишонлари. Кета-кетгунча шу манзара мужассам — яшашга, меҳнатга иштиёқ.

Бу йўллар — Хоразм йўллари, бу йўллар — ЎЗБЕКИСТОН.

**Шуҳрат ИБРОҲИМОВ,**  
«Иқтисод ва ҳисобот»нинг  
махсус муҳбири.  
Тошкент-Хоразм.  
**В. КАВЕЛИН** суратлари.

Суратларда: 1) Хива сопол буюмлар заводи ҳамда гилам ишлаб чиқариш бирлашмасидан лавҳалар;  
2) Шовот районидаги «Соҳибкор» ва «Дўстлик» хўжаликлари ҳаётдан.



# БАЙРАМНИ

Мустақиллик байрами арафасида атрафдаги бинолар, кўчалар ранг-баранг қилиб безатила бошланган эди. Енимдаги шеригим сўз қотди:

— Тавба, битта байрам деб қанча маблағ, қанча кишилар овора. Шунча сарф-харажатни бошқа бирор фойдалироқ нарсаларга ишлатилса бўлмасмикан?

Сирtdан қараган кишига унинг фикрларида жон бордек кўринади. Ҳақиқатан ҳам бир кунда ўтиб кетадиган байрам учун шунча оврагарчилик шартмикан? Бу фикр бир қанча вақт менга тинчлик бермай юрди.

Лекин... кунлардан бир куни 1960 йилда чоп этилган «XIX аср Хива давлат ҳужжатлари» китоби қўлимга тушиб, уни ўқиб кўргач, юқоридаги фикрларнинг ўта тор эканлигини англаб етдим. Ушбу китобда ёзилишича, ҳижрий 1228 (мелодий 1871-72) йилда биргина Хива хонлиги саройида Қурбон ҳайити зиёфати учун куйидагича харажат сарфланган:

«Олти пуд қанд олинди, пули ўттиз тўрт ярим тилло.

Уч пуд печак олинди, пули ўн етти тилло.

Икки ботмон узум олинди, пули тўрт тилло.

Икки ярим ботмон ўрик олинди, пули икки ярим тилло.

Ўн олти чинни тобоқ олинди, пули беш тилло уч танга.

Уч тилло(га) ёғоч хўн олинди.

Тўрт коса олинди — ўн олти танга.



# ҚАНДАЙ

Файрат Соатов 1949 йилда туғилган. Тошкент давлат санъат институтини 1974 йилда тугаллаган. Узбек халқ анъанавий байрамларининг этно-фольклор хусусиятлари бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

# НИШОНЛАЙМИЗ?

Чоҳаряк чой олинди — уч танга.

Ошхонанинг харожати — беш тилло...»

Хуллас, хон саройидаги байрам дастурхонига сарф бўлган харажат бу. Бундан ташқари, хонликка астойдил хизмат қилаётган ҳар бир кишига ҳайит-байрам мукофоти тилло ҳисобида берилган.

Биргина қурбон ҳайитида қанча сарф-харажат. Тағин, ҳозирги кадрлар йўқ ўрис сўми билан эмас, балки олтин ҳисобида сарф қилинган.

Агар ҳозирги пайтда ўзимизда ўтказиладиган байрамларнинг ташкилий томонларига чуқурроқ кириб борилса, уни ташкил этиш билан кўп одамлар шуғулланишини, катта маблағ сарф бўлишини англаб олиш мумкин. Ахир, бутун жумҳурият аҳолиси катта шоду хуррамлик билан ўтказадиган кунни ташкил этишнинг ўзи бўладими?!

Ҳўш, шунчалар катта маблағ сарфланиб нишонланади-

ган байрамларнинг ўзи нима?

У инсониятнинг моддий ва маънавий бойликлар яратишда юзага келадиган, турмушни иқтисодий жиҳатдан яхшилаш учун амалга ошириладиган хатти-ҳаракатларнинг бошланма қисмидир.

Байрамлар вақтинчалик кундалик ташвишлардан қутилиб, тасаввурдаги ҳаётда яшашдир. Шу боисдан инсон байрам куни барча кундалик ташвишларни йиғиштириб қўйиб, олдиндан белгиланган ҳам моддий, ҳам руҳий тайёргарлик кўрадиган дамларда яшайди.

Байрам ижтимоий ҳаётни барқарорлаштиришнинг воситаси ҳисобланади. Иқтисодий ҳамда маданий ҳаётни жадаллаштиришга туртки беради.

У шундай бир даврки, унга ойлаб, ҳатто йиллаб тайёргарлик кўрилади. Янги кийимлар тикдирилиб, хилма-хил

ноз-неъматлар жамғарилади. Бошқалар олдида ўқиниб қолмаслик учун байрам куни сарфлайдиган маблағни йиллик харажатдан чегириб қоладилар.

Қадимдан байрам арафасида ва байрам кунларида бевабечораларга, етим-есирларга байрамлик ёки ҳайитлик берилган. Ҳар бир хонадонда ис чиқарилиб бошқаларга улашилади. Байрам — бу ҳамманинг, ёшу қарининг, мансабдору оддий фуқаронинг тенглик куни ҳисобланган. Юрт эгалари маҳаллаларда, қишлоқларда жонлик сўйишиб, ош дамлашиб ўз фуқароларига едирган, ночорларнинг ҳолидан хабар олганлар. Қишлоқ ва маҳаллалар марказларида барчани хурсанд қилиш учун ҳар хил томошалар ташкил этилган. Хуллас, байрам барчанинг орзу қиладиган, бетоқатлик билан кутадиган энг улуғ куни ҳисобланган.

Кўпинча кўз олдимизга байрамга сарфланадиган маблағ келади-ю, лекин у олиб келадиган фойда, иқтисодий тараққиётга кўрсатиладиган омил диққат-эътиборимиздан четда қолади. Аслида, байрамлар иқтисодий ҳаётиимизнинг ривожланишига туртки беради ва кишиларни унумли меҳнат қилишга чорлайди.

Байрамни иқтисодий тараққиётнинг мезони, деб ҳисоблаш мумкин. Масалан, маълум бир жамият аъзоларининг тўқ ва фаровон яшашини улар томонидан ўтказиладиган байрамларнинг сифати ва сонига қараб аниқласа бўлади. Чунки, ишлаб чиқариш муносабатлари ривожланган жамиятда кишиларнинг бўш ва дам олиш вақти ҳамда байрам-базмлар уюштириши кўпроқ бўлади. Сабаби, тўқ ва фаровон ҳаётда яшаётган кишиларда хурсандчилик қилиш ва кўнгил очишга мойиллик кўпроқ бўлади.

Байрамларни ва кишиларнинг турмушини бир-бирдан ажратиб бўлмайди. Кишиларнинг турмуши байрамларнинг мавжудлигини белгилаб берганидек, байрамлар ҳам кишилар турмушининг ривожланишига, мукамаллашувига ўзининг таъсирини ўтказиши.

Агар инсоннинг ҳаёти байрамларсиз фақат ташвишлар билан тўла оддий кунлардан иборат бўлса, менимча, ҳаётнинг ҳеч бир қизиги қолмаса керак. Инсоннинг инсон сифатида мавжуд бўлишига, бошқаларга меҳрибон, очик кўнгил, сахий ва самимий, меҳр-оқибатли бўлишида ана шу байрам ва тўй-томошаларимизни ҳам ўрни бор. Шунингдек, йиғим-теримга киришишдан олдин ўз аъзоларига катта байрам, тантана, тўй-томоша қилиб берган хўжалик кишиларининг кайфияти қанчалик кўтарилишини кўринг! Ишга кўтаринки руҳ билан киришадилар. Кўтаринки руҳ ва ақил кайфият иш унумининг гаровидир.

Байрамларнинг иқтисодий ҳаётга таъсирини гапирмасдан ўтиб бўлмайди. Чунки, байрам кишиларга янги куч-қувват бериб, уларни унумли меҳнатга олантиради. Агар биргина «Наврўз»ни мисол тариқасида оладиган бўлсак, байрам олдида маҳаллаларда, қишлоқларда турли-туман ҳашарлар уюштирилади. Кўча-кўйлар супурилиб, ариқлар тозаланади, кўчатлар ўтказилади. Байрам кунлари экилган кўчатларнинг беҳато ривожланишига ҳам алоҳида эътибор берганлар. Ота-боболаримиз ҳам байрамни муқаддас кунлардан бири, деб ҳисоблашган. Шу сабабли кўпгина удумларга амал қилганлар. Чунки, уларнинг тасаввурича, байрам арафаси ва байрам куни амалга оширилган хатти-ҳаракатлар бутун йилдаги фаолиятга таъсир қилади.

Байрам арафасида «Охирги чоршанба», «Шох мойлар» маросимларини ўтказганлар: бир йиллик гуноҳлардан фориғ бўлиш учун оловдан хатлаганлар: идишлар тўлиб турса йил бўйи хонадондан барака аримас эмиш, ариқлар тўлиб, ҳосил мўл бўлиб, ризқ-рўз сероб бўлар эмиш, деган ақидага амал қилишиб, «Наврўз» арафасидаги кечада барча идишларга сув тўлдириб қўйганлар, шу сабабли бу кеча «Қозон тўлди» кечаси ҳисобланган. Байрам куни эрта-лаб туришиб, асал ялаганлар, йил давомида кўнгилсиз ҳодисалар ва уруш-жанжаллар бўлиб турмасин, деган мақсадда байрам куни бирор ноҳўя ҳаракат қилиш ва сўз айтиб қўйишдан ўзларини тийганлар. Эски йилнинг ризқ-рўзи янги йилга улашиб кетсин, деб байрам дастурхонига эътибор берганлар: етти хил дон — буғдой, арпа, нўхат, ловия, кун-

жуг, ясиқ ва мошдан ҳамда ана шу донларнинг унидан тайёрланган нонларни қўйишган.

«Наврўз»га 25 кун қолганда байрам нишонланадиган кўп юртларда пишиқ гишдан ўн иккита устун қуришиб, ҳар бирининг тепасига буғдой, арпа, шоли, ясиқ, тарик, оқ жўхори, ловия, нўхат, кунжут, зигир, мош ва соя эқкалар. «Наврўз»нинг олтинчи куни, яъни «Рўзи Хурдо» куни устун тепасидаги майсаларни ашула айтишиб, уйинкулги қилишиб ўриб олганлар.

Бу донларни экишдан асосий мақсад—бу йилнинг ҳосилини чамалаш, йилнинг қандай келишини олдиндан билишга интилиш эди. Қайси дон бошқаларга нисбатан яхшироқ унса, ўша донни экишга ҳаракат қилишган.

Арпанинг ўсишига кўпроқ эътибор берганлар — у яхшилик аломати ҳисобланган. Ҳақиқатан ҳам, арпанинг жуда кўп хосиятлари тўғрисида Умар Хайёр ҳам ўзининг «Наврўзнома» асарида тўхталиб ўтади: «Арпа дориликка ҳам, емакка ҳам ярайди. Донолар ва дарвешлар арпа билан кун кўрадилар. Айтишларича, уни еганда қон ҳеч қачон бузилмайди ва томирдан қон олишга ҳожат қолмайди. Яна у қон ва сафро касалликларининг олдини олади. Йилнинг яхши ёки ёмон келиши арпага қараб аниқланади. Агар арпа тик ва қалин ўсса, бу йил серҳосил, агар қийшиқ ва яккам-дуккам ўсса, демек йил кам ҳосил бўлади».

Агар, биргина «Наврўз» байрамининг келтирадиган иқтисодий томонларини ҳисоблаб кўрсак:

1. «Наврўз» кишиларни табиатни эъзозлашга, сақлашга ундайди ва ўргатади. Масалан, байрам арафасида дарахтлар буталиб, янги кўчатлар экилади. Буталган дарахт кўпроқ ҳосил беришини ҳаммамиз ҳам жуда яхши биламиз. Янги кўчатлар эса келажақда мўл-ҳосил берадиган янги боғлар демакдир.

2. Байрам арафасида далалар, ариқлар, зовурлар, коризлар, боғ-роғлар, қир-адирлар ҳашар йўли билан тартибга келтирилади ва тозаланади.

3. Ҳар хил таъмирлаш ишлари олиб борилади, яъни мачитлар, қабристонлар, мадрасалар, савдо-сотик шохобчалари таъмирланади. Натижада яна маблағлар тежаллади.

4. Меҳнат қуролларини созлаш ва тобига келтириш ишлари амалга оширилади.

5. Кўк ўт ва ҳар хил гиёҳлардан турли-туман овқатлар тайёрланади. Натижада биринчидан, инсон организми бутун қиш давомида йўқотган витаминларни қабул қилади, иккинчидан, рўзғордаги озиқ-овқат жамғармаси озгина бўлсада тежаллади.

6. Утмишда баҳорги экинлар учун уруғлар сараланган. Ҳозирда ҳам экин экишга киришишдан аввал омборхонадаги уруғларни саралаш ишлари олиб борилади. Бу эса мўл ҳосилнинг гарови ҳисобланади.

7. Ҳайрия ишлари олиб борилади. Байрам арафасида ва байрам кунларида етим-есирлар, бевабечоралар, муҳтожлар ва ноғиронлар ҳолидан хабар олинади. Уларга моддий ёрдамлар кўрсатилади.

8. Байрам баҳонасида сумалак, ҳалим, гўжа, ун ва кўк ошлари тайёрланиб, биргаликда баҳам кўрадилар. Натижада, кишилар ўртасидаги ҳамкорлик, ҳамдардлик, узаро ёрдам муносабатлари мустаҳкамланади. Кишилар бир-бирларидан хабардор бўладилар.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир байрамни ўтказиш ва нишонлаш иқтисодий ҳамкорлик, тежамкорлик, бир-бирига ёрдам ва мадад бериш руҳини вужудга келтиради.

Демак, байрамлар кишилар ҳаётининг, меҳнат ва турмушининг бир бўлаги сифатида асрлар бўйи авлод-аждодлардан мерос тарзида ўтиб келмоқда. Биз авлодлар ҳам унинг ривожланиши ва мазмунан бойишига ўз ҳиссамизни, фақирлар, бевабечоралар, етим-есирларга кўрсатиладиган маънавий ва моддий ёрдамларимизни аямаслигимиз зарур.

Ғайрат СОАТОВ.  
Наманган давлат университети  
ўқитувчиси.

# МАРКСНИНГ ХАТОСИ ФОЖИАМИЗМИ?

- МАРКСНИНГ ХАТОСИ НИМАДА ЭДИ!
- ПРОЛЕТАРИАТ КАПИТАЛИЗМНИНГ ГУРКОВИ ЭМАС!
- СПАРТАКДАН ПУГАЧЕВГА ҚОЛГАН МЕРОС.
- «ЎТА МАХФИЙ, НУСХА КЎЧИРИЛМАСИН».

(В. И. Ленин)

Ўрта мактабданоқ болаларга табиат ҳақида таълим берилганда, табиат ўз ривожланиши давомида эскини инкор қилиб ҳамда уни энг яхшилари асосида такомиллаштириб, янги тур ва навларга ўтказди, дейилади. Демак, бу жараёнда инкор мутлоқ бўлаолмайди. Яъни, эскиси такомиллашган ҳолда янгидан бунёд этилиб, ўзини ўзи қайтарар экан қандай қилиб инкор мутлоқ бўлсин.

Барча соҳаларда тараққиёт табиат диалектикасига таянган ҳолда спираль шаклда: оддийдан — мураккабга, қуйидан — олийга изма-из ўтиб бораверади, деб талқин қилинади. Бу қандай содир бўлади? Ривожланишнинг бири-бирига алоқадорлиги, пиллапоялиги ва йўналиши диалектиканинг объектив қонуни бўлмиш инкорни инкор қонуни асосида содир бўлиши қадимдан маълум. Ҳаммага маълум бўлган бу оддий ҳақиқатни шунинг учун келтирдимки, буюк диалектик Маркс жамиятнинг барча фор-

мацияларини объектив тарзда ҳар томонлама чуқур ўрганиб ва таҳлил қилгани ҳолда, инкорни инкор қонунига нисбатан, жамиятнинг ривожланиши, бир формациядан иккинчи формацияга ўтишида хатога йўл қўйган ва бу хато улкан Россия империяси ва Совет жамиятининг таназзулига асос бўлди. Мен ҳам инсонман, хато қилишим мумкин. Бироқ, мана шундай баҳслар оқибатида ҳақиқат юзага келади.

Бу аналитик мақолани Марксни қоралаш, деб тушунмасликларини сўрардим. Марксизм догма яъни қотиб қолган эмас. Уни социалист большевиклар қотириб қўйишган.

Буюк Маркс «Капитализм тузумининг емирилишини ишчилар синфи амалга оширади. Бу синф янги олий формация — коммунизм қуради», деб таъмир берган. Шиор ҳам тайёр: «Бутун дунё пролетарлари бирлашингиз!».

Тузум ичида ўзаро бир-бирига алоқадор зиддиятларнинг вужудга келиши, эскининг ўрнини янги эгаллашини била туриб инкорни инкор қонунини четлаб ўтиб, юқорида баён этилган хулосага келиш кишини ҳайратга солади.

Ижтимоий тузумларнинг ривожланиб, бири-бири билан алмашиши тарихига бир назар ташлайлик-чи, уни Маркс қандай талқин қилди-ю, амалиётда қандай тасдиқланади. Маркс

тузумларнинг алмашилини антагонистик синфлар курашидан иборат деб, яъни қулдор ва кул, патрицей ва пелегей, заминдор ва крепостной, буржуа ва пролетариат, яъни эзувчи ва эзилувчиларнинг қарама-қарши кураши янги тузумни вужудга келтиради, деб исбот қилади. Бу исбот «Курашда эзилувчилар тузумнинг гўркови бўлиб, улар ғалабасининг натижаси эса янги тузумни барпо қилади», — деган ақидага асосланади. Агар биз мантиқ илмига асосланган ҳолда таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак-чи? Унда ҳақиқат бирмунча ойдинлашади. Ҳақиқатдан ҳам пролетариат капитализмнинг гўркови бўла олармикан? Синфлар кураши тарихига назар соладиган бўлсак, пролетариат капитализмнинг гўркови бўлиши диалектиканинг объектив қонуни бўлмиш инкорни инкор қонунига ўта зиддир.

Қулдорлик жамиятининг ривожлантирувчи кучи қамчи бўлиб, у беш минг йил давомида қўлланавериб эскирди. Қамчи эндиликда жамиятнинг ўсиб борувчи истеъмолини қондира олмай қолди. Натижада тузум негизида янги услублар, яъни феодал муносабатлар механизми вужудга кела бошлаган. Тузумнинг алмашилишида қулдорнинг қулга нисбатан зулми ошиб кетиши сабаб бўлгани йўқ ва қулнинг қулдорга қарши кураши тузумнинг гўркови бўлгани йўқ, албатта. Тузум ичида вужудга келаётган феодал муносабатлар механизмига н гўрковликни бажо келтирган. Яъни, илмнинг ривожланиши янги унумлироқ меҳнат қуролларини вужудга келтирди. Қулдор эса уни жуда секинлик билан қабул қила бошлаган.

Уйлаб кўринг, қулликка қарши курашган қуллар ғалаба қилишганда у қандай тузум билан алмашган бўлур эди? Айтайлик, Спартак ғалаба қилди. У қандай тузумга асос солган бўларди? Унинг тузган давлати эҳсосига нисбатан бир неча баробар шайқатсизроқ, зўравонроқ, қулдорликка асосланган давлат бўлиб чиқар, ўзи эса энг йирик қулдор бўлиб қолар эди.

Таҳлилни давом эттирар эканмиз, феодализмнинг емирилишида гўрковликни ижро этган крепостной ҳам эмас, уста-ю-устачалар ҳам эмас, балки феодализм тузуми ичида вужудга келаётган капиталистик муносабатлар механизмидир, деган хулосага келамиз. Фан-техника бирин-кетин янгиларнинг вужудга келиши феодал муносабатларни эскиртди ва бу ҳол ишлаб чиқариш кучлари билан ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасида тафовутни вужудга келтирди. Бунга асосланган ҳолда унинг ичида капиталистик муносабат механизми ривожланиб, унинг гўрковига айланганлигини кўраемиз. Агарда шу даврда Россияда Пугачёв кўзғолони

ғалабасидан сўнг қандай тузумга асос солинган бўлур эди? Феодализм ўрнига капитализм вужудга келар эдими? Ёки социализм ёхуд коммунизм қуриб юборишар эдими? Ахир бундай «мантиққа» Маркснинг ўзи ҳам ишонмайди-ку! Ахир, Пугачёв энг эзилган, жоҳил, саводсиз ёввойи оломонга бошчилик қилган-ку? Ғалабага эришилган тақдирда ҳам натижа қуйидагича бўлиб, илгариги подшога нисбатан ҳам шайқатсизроқ, қонхўрроқ, сохта подшо — Пётр III тахтга келиб, Россия тараққиётини бир неча ўн йилларга орқага итқитиб юборган бўлар эди. Бу айни ҳақиқат. Пугачёв курашган даврда феодализм ичида фан-техника тараққиёти билан (Уйғониш даврини эсланг) капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари вужудга кела бошлаган эди. Ана шу муносабат механизми феодализмни ичидан емира бошлади ва секин-аста янги тузум эҳсосининг энг яхши белгиларини олиб, унинг асосида янгиларни вужудга кела бошлади. Ҳозиргача талқин қилиниб келаётган Пугачёв кўзғолони, Гофур ва Йўлчиларга ўхшаганларнинг кураши натижасида янги тузумга асос солинган эмас, албатта. Чунки, улар шунчаки люмпен пролетарлари бўлган, холос.

Капитализм ўрнига социализм тузумини вужудга келтиришда капитализмнинг гўркови қилиб пролетариат танланди. Шундай қилиб, Маркснинг диалектикада қилган хатосини амалда Россияда қўллашга жазм этишди. Дастлаб, Ленин бошчилигидаги большевиклар Маркснинг сохта, исботсиз ссоризм назарияси билан қуролланиб, қулай шароитдан фойдаланиб, сиёсий ҳокимиятни эгалладилар ва ишчилар синфини жамиятда гегемон, деб эълон қилдилар. Маркснинг ҳалокатга олиб борадиган назарий хатоси бизда амалиётда қўлланиб, пролетариат диктатурасини вужудга келтирди. Диалектиканинг объектив қонуни — инкорни инкор қонуни амалда бузилди. Мана шу бузилиш қандай оқибатларга сабабчи бўлди?

Дастлаб «инқилобгача» ўзига «иттифоқ» қилиб олган (ўша даврда Россияда 13 фойиз пролетар, 2 фойиз люмпен пролетари ва 85 фойиз деҳқонлар бўлган) деҳқонлар устида ўзининг ҳукмронлигини ўрната бошлади. Қаршилиқ кўрсатган ва кўзғолон қилганлар аёвсиз жазоландилар. Сўнгра фуқаролар уруши бошланиб, ундан кейин эса мутлоқ амалий тарзда асрлар мобайнида яратилган жамики нарсаларни «социализмга ёт» деб инкор қилдилар.

Инқилобдан сўнги даврлар инсоният учун қанчалик даҳшатли бўлганлигини, Лениннинг «Ўта махфий, нухса кўчирилмасин», деб Молотовга ёзган хатидан билса бўлади: «... Шунинг

учун ҳам шундай хулосага келдимки, биз ҳеч кечиктирмай қора гуруҳ руҳонийларининг қаршиликларини сундириш учун кескин, шафқатсиз жанг қилишимиз керакки, токи улар бир неча ўн йиллар буни эсларидан чиқармасинлар... Қанча кўпроқ реакция буржуазия ташламансалар, шунча яхши. Ҳозир худди шу оммага шундай таълим бериш керакки, бир неча ўн йиллар қаршилик кўрсатиш ҳақида юрак ютиб ўйлаб ҳам кўрмайдиган бўлсинлар».<sup>1</sup>

Бу билан жаҳон пролетариатининг доҳийси шундай ғамхўрлик қиладики, бу компания тепасида ким турганлигини ва ким уни руҳлантираётганини, худо сақласин, халқ билмаслиги керак. Шунинг учун юқорида «ўта маҳфий, нусха кўчирилмасин», деб қўйилган.

Зўравонлик билан оммавий кўчириш, қувғин остига олиш, ҳибсхоналарда сақлаш кучайди. Пролетариат диктатурасига қаршилик қилганлар, ишонмаганлар, ҳатто иккиланганлар ҳам беаёв жабр-зулмга маҳкум қилинди. Фуқаролар урушидан сўнг концлагерларга тушмаганлардан 2 миллион киши ватанини тарк этган. Бунинг исботи учун келажакда маломат тошларини отувчи, «бахтли ҳаёт» кечираётган пролетариат ва люмпен пролетариат вакиллари бўлмиш бригадир, тракторчи, ҳар хил касбдаги ишчиларга Ленин асарларининг ўзидан парча келтиришни лозим топиб, уларнинг мулоҳазасига таъсир этишни мақсадга мувофиқ, деб билдим:

«Тезликда инқилобга қаршилик қилаётганларга, оқ гвардияга ён босганларга ва инқилоб ғояларига иккиланаётганларга нисбатан шафқатсиз кураш очинг. Шаҳар четида концлагерлар ташкил қилинг». (В. Улянов (Ленин) 50-том, 48-бет). Шу асосда ўнлаб миллион кишилар жисмонан йўқ қилинган. Қочиб қутилганлари эса чет элларга кетиб қолдилар. Зиёли авлодининг қирғин-барот бўлганлиги ҳам партия тарихидан маълум. Ахир, улар миллатнинг ғурури, жамият тараққиётини амалга оширувчи куч эдилар-ку. Демак, «Пугачёв» ғалаба қилди. Оммавий террор, геноцид давлат сиёсатининг олий рингига кўтарилди.

Унда, қани ўша Маркс назарияси билан ваъда қилинган инсонпарвар жамият (Ҳаттоки, болаларга ёруғ келажакни ваъда қилиб, 80 та колония қуриб берилди.)

Лекин, инсонпарвар, адолатли жамият ваҳшийликка асосланган ҳолда қурилмайди-ку! Унда Маркснинг диалектикадаги хатоси асосида қандай тузум қурдик. Менимча, биз қонли курашлар орқали феодал-монархияга асосланган давлат капитализмини қурган бўлиб чиқамиз.

Кимки, фожиаларни сабабчиси Сталин ва сталинизм деб билар экан, унда катта хатога йўл қўйиб, унинг илдизига чуқур назар ташламаган бўлади. Бу ҳол сабабнинг ўрнига оқибатни қидиришга уриниш бўлиб, бундан кишилар қайта қуришнинг туб моҳиятини тушуниб етмаган бўлиб чиқадилар.

Эндиликда кўриниб турибдики, биз Маркс давридаги классик капитализмдан янада узоқдаги социализм қурдик, холос. Ишлаб чиқариш воситаларига ижтимоий мулкчилик, ишсизликнинг бўлмаслиги, тенг тақсимот, «текин» тиббий хизмат — булар социализм дегани эмас экан. Сохта социализм қурилишини янада чуқурроқ таҳлил қилсак, «ғалаба»га эришган ишчи жамиятнинг боқувчиси — деҳқонларни ҳам қишлоқлардан қувиб чиқариб, уларни пролетарларга айлантирганини кўрамиз. Агарда чуқурроқ мушоҳада қиладиган бўлсак, қишлоқдагиларнинг крепостной бўлиб қолаверганини кўрамиз. Янги бу тузумни янги монархия бошқариб борди. Собиқ бош котиблар шунақанги ҳокимиятга эга бўлдиларки, бундай ҳокимият жаҳондаги биронта подшонинг тушига ҳам кирмаган бўлса керак. Кишини киши томонидан эксплуатация қилиш қандай бўлган бўлса, шундайлигича қолиб кетмасдан, илгарига нисбатан янада кенгроқ шаклда давом этди. Масалан, ишчилардан меҳнат ҳақининг 80 фоизини, деҳқонлардан эса 90 фоизини тортиб олиш бу эксплуатация даражасининг энг юқори чўққиси эмасми? Ваҳоланки, Маркс давридаги классик капитализмда ҳам бу даражада адолатсизлик бўлмаган эди.

1950 йиллардан кейинроқ АҚШлик социолог олим Сорокин бизнинг ҳозирги кунимизни билганидек: «Социалистик жамият оралик жамиятга кириб қолади, бунда меҳнатнинг қадрқиммати йўқолиб, оқ ёқаликлар кўк ёқаликларни сиқиб чиқаради», деб талқин қилган эди. Бизнинг сиёсий иқтисодчи олимларимиз томонидан бу назария танқидга учраган эди. У ҳақ эмасмиди?

**(Давоми бор)**  
**Расулжон АБДУМАЖИДОВ,**  
**иқтисод фанлари номзоди.**

<sup>1</sup> В. И. Ленин. Архивлар. «Собеседник». — таржима муаллифники.



# ЖУМБОҚҚА

# АЙЛАНГАН

# ХАЗИНА

(ЯНА БУХОРО АМИРИНИНГ ОЛТИНЛАРИ ҲАҚИДА)

1920 йил 31 мартда, яъни Бухоро инқилобидан олдин Туркистон фронтининг қўмондони И. Фрунзе ва Ш. Элиавалар раҳбар бўлган Шўро делегацияси ўзига хос найранг асосида Бухорода амир «Саид Олимхон билан тинч йўл» билан бирлашиш ҳусусида музокара-лар олиб боришади. Амир бирлашиш ва қўшилишга рози бўлмади. У Бухоро мустақил жумҳурият бўлиб қо-лажаги ҳақида бир сўз билан турди. Сулҳга келиш-маслик энг биринчи навбатда кўҳна Бухоро обидала-рининг вайрон бўлишига, қолаверса, амирнинг бутун мулк-хазинани ташлаб қочишига, иккинчидан, узоқ йил-лар тўпланган хазинанинг ўғирланиши ва талон-тарож бўлишига — ҳокимиятни йўқотилишига олиб келди.

Обида нима, ёдгорлик нима эканлигига беписанд қараган ваҳший Фрунзе ва Элиава кутиб ўтирмади-лар. Улар амирга қарши, кўҳна Бухорога қарши қирғин-барот, даҳшатли жанг бошлади. Жаҳон маданиятида алоҳида товланувчи, тенгсиз миллий меъморчилик мажмуига эга бўлган эски Бухоро ваҳшийларча ўққа тутилди, вайронгарчилик бошланди. Бундай безорилик ва аҳмоқгарчиликлар тўғрисида Амир Саид Олимхон ёзади: «Улар (большевиклар — муаллифлар) ўзлари-нинг броневик ва бронепоездларида олдинга ҳаракат-ланиб, бир пайтнинг ўзида замбараклардан ўқ узишди, 7 аэроплан Бухорони бомбардимон қила бошлади. Яратганинг иродасига бўйсуниб, шаҳарни ҳимоя қилиб, ўз қўшинларим билан жангга кирдим. Кетма-кет тўрт кечаю кундуз жангу жадалда бўлдим. Бу жанглар пай-тида душман замбарак, пулемёт, аэропланлар ёрдами-да Бухоронинг ярмини ёндириб, кулини кўкка сову-ришга ва кўп халқни ҳалок этишга мувофақ бўлди. Чо-расиз қолган мусулмонлар, аёллар ва болалар шахид бўлган яқинларига кўз ёш тўкишарди. Ваҳимага тушган аҳоли шаҳарни тарк этарди.

(Давоми, аввали ўтган сонда)

«Замбараклардан ўққа тутиш кучаяётганини, қурбон-лар сони ортаётгани, уй-жойлар вайрон бўлаётганини кўриб, бундан кейинги вайрончилик ва одамлар ҳалок бўлишининг олдини олиш учун шаҳарни тарк этишга қарор қилдим». Биз Амирнинг куёви — Асатулло Гуванар Урганжининг амакиваччаси Сафарбек Урганжи билан суҳбат қилишга муяссар бўлдик. Унинг оғзаки ва ёзма гувоҳлик беришича, Амир Саид Олимхон Бухоро тари-хий обидаларини, муқаддас жойларини сақлаб қолиш, катта вайронагарчиликнинг олдини олиш мақсадида шаҳарни ташлаб чиқишдан олдин Фрунзегга ва Ф. Хў-жаев ҳузурига амир Насрулло Қушбеги билан Урган-жини элчи қилиб юбориб, ундан бомбардимонни тўх-татиш ва шафқат қилишни талаб қилган. Шунда бош қў-мондон амир тахтини ва бутун бойликларни топши-риб шаҳардан чиқиб кетишини айтган. Иложсиз қолган амир эса бунга 18 моддадан иборат шарт қўйиш билан рози бўлган ва шу тартибда хазина бойликлари-нинг жуда катта рўйхатини топширган. Мана ўша 1920 йил 1 майдаги шартларнинг энг муҳимлари: Бухоро мустақил давлат бўлиб қолиши; Бухородан Фрунзе лашкарлари чиқиб кетиши; бутун бойликлар Бухоро-нинг янги давлат раҳбарларига топширилиши; Бухоро ҳукуматига маҳаллий миллат вакиллари раҳбар бўлиши ва бошқалар амалга оширилиши керак эди.

Бу маълумотлар шу вақтгача бирорта китоб ва мақо-лаларда ёзилмаган. Бироқ, эл оғзига элак тутиб бўлмас, деганларидек, бу амир авлодларининг ўзига хос тал-қинидир. Бу вақтда Фрунзе амирга нисбатан ўта қутур-ди: амирни қочирмаслик ва уни ўрис Николайнинг кунига солиш нияти қатъий эди. Амир тўрт хотини, икки ўғли ва бошқа навкарлари ҳамда чет эллик кишилар билан ватани тарк этади. Унинг «Бухоро ша-рифдан жўнаб кетишим урушга чек қўйиши мумкин деб ўйладим. Чоршанба кuni тушдан кейин, соат тўртда машинага ўтириб, Аллоҳнинг марҳамати ёғилган пай-ғамбар алайҳиссалом ибратига мувофиқ, шаҳарни тарк

этдим. Ситораи Моҳи Хосадаги саройимдан чиқиб, Гиждудон сари жўнадим. Менга Афғон элчиси, қўшин бошлиқлардан бири Абдушукрхон ва Афғоннинг Тошкентдаги вакили Муҳаммад Асломхон, Афғон ҳарбий қозиси, шунингдек олий мартабали шахслар, мансабдорлар, ишчилар бухоролик ва Афғон аскарларидан 25 минг киши ҳамроҳлик қилиб боришди», деган ёзувлари сақланиб қолган.

Ана шундан сўнг, тақдир ва ҳаёт тақозоси—Урусиядан чиққан коммунистик тажовузкор кучлар томонидан қадимий Бухоро шахрининг олтин ва зарларга бой аҳолиси ҳамда салкам икки аср давомида таҳига таҳ қўшилиб, ошиб келаётган, амирлар сулоласига тегишли тилло ва бошқа бебаҳо асори-атиқа — бойликлар заҳираси бир неча кун, ҳатто ойлаб таланди ва топталди. Бу бойликнинг аксарияти, жуда катта қисми Фрунзе томонидан Урусия марказига босиб олиб кетилганлиги, ундан қолганлари эса Бухоро Шўро ҳукумати-нинг янги раҳбарлари ва бошқалар томонидан ўғирланганлиги, шунингдек, маълум катта мақсад йўлида қўлдан-қўлга ўтганлиги хусусидаги маълумотлар учрайди. Шуларга суяниб фикр юритсак, Бухоро бойликлари ўғирланиб ўзлаштирилган ва сақланаётган жойлар Москва, Санкт-Петербург ва бошқа мамлакатлар деган хулоса чиқади. Бу юқоридаги хулосаларга аниқлик киритиш учун бор ҳужжат ва маълумотларга мурожаат этамиз.

М. Фрунзе босқини ва бошқа йўллар билан Урусияга олиб кетилган Амир Саид Олимхон бойликлари ҳақида жумҳуриятимиз собиқ Давлат хавфсизлиги ҳужжат ас-ровида сақланаётган мазкур «иш» саҳифаларида тўғри хулоса чиқаришга арзийдиган маълумотлар топилади. Бу ўринда Амирликда 22 йил хазинабон бўлган ва Саид Олимхон тахтга ўтирганидан сўнг бу ишдан бўшатилган Хўжа Файзулла Тўқсоба Муҳаммадиев берган маълумот жуда қизиқарли ва ҳақиқий, деб ўйлаймиз. У 1934 йил 6 январда ГПУ ходимлари томонидан сўроқ қилинганида қуйидаги бор ҳақиқатни айтган эди: «Қизил Армия амир хазинаси сақланадиган «АРК» қалъасини инқилоб даврида бомбардимон қилиб вайронага айлан-тирган. 1920 йил сентябрда, Бухоро амир қўшинлари-дан тозаланган куниеқ «АРК»да сақланаётган бойлик-ларнинг ҳаммаси ёш Бухороликлар иштирокида йиғиш-тириб олинди, Москвага жўнатирилган. «Ахир айтиш жоиз бўлса, ўз мулкини — хазинасини босқинчиларга — Москвага икки қўллаб етказишда «Ёш Бухороликлар» партиясининг бошлиғи, амирнинг ғоявий, Мафқуравий ва синфий душмани Файзулла Хўжаевнинг жуда катта «улуши» ва хизмати бордир.»

Шундай қилиб амир ташлаб кетган хазинанинг топилмаган қисмларини қидириш ишлари исковучлик ва изчиллик билан давом эттирилади.

Хўжа Файзулла Тўқсоба Муҳаммадиев сўроқ жараёнида узоқ ўйлади, юқорида келтирилган фикрларига яна қуйидагиларни илова қилди: «Бухорода Шўро ҳуку-мати ташкил этилганидан бир ой ўтгач, РСФСР вакилла-ри ҳамма бойликлар топилмаганлиги, ҳали бойлик кўп-лигини айтиб, хазиналар яширилган жойларни билади-ган одамни топишни талаб этади. Шундан сўнг мени Бу-хоро Шўро ҳукумати вакиллари: Носир Махсум Ҳаки-мов, Исом Хўжа (ҳозир иккаласи ҳам чет элда муҳожир) ва Муҳиддин Мансуровни чақирисади ва улар «АРК» томон йўлда кетаётганимизда ўрсларга фақат хазина қазиб олинган жойларнигина кўрсатишимни оғоҳланти-ришди. Мен Албатта хазиналар сақланадиган жойлар-нинг ҳаммасини билардим. Лекин «Арк»жа етиб келгач, улар айтганларидек қилдим». (ОФ 243—иш, 310-311 бетлар).

Шуни айтиш керакки, «Правители» саҳифаларида Москвага амир хазинасидан олиб кетилган олтин ва бошқа қимматбаҳо жавоҳирларнинг аниқ миқдори ва қиммати ҳақида мукамал ва тўла маълумот йўқ. Аммо хазинанинг асосий қисми Урусияга олиб кетилганли-гидан гувоҳлик берувчи далиллар жуда кўп. Ҳужжат-ларга кўра, Фрунзе босқини даврида Бухородан олиб кетилган олтин ва бошқа қимматбаҳо бойликлар ўн, ўн учдан кам бўлмаган қизил ҳарбий вагонлардан ибо-рат бир неча эшелонларни ташкил этган. Фрунзенинг ўзига эса бу ташмачилигидаги «катта хизмати» эвазига ёш бухороликлар, шахсан Ф. Хўжаев томонидан амир-нинг олтин қиличи ва ханжари совға қилинади.

Уша «Товар» номли ишда яна бир ҳақиқат бор. У ҳам бўлса, Урта Осиёдаги маҳаллий туркий халқларнинг қўйни пуч ёнғоққа тўлдирилади — миллий давлат чега-раланиши ўтказилиши вақтида амирлик мулкига мерос-хўр бўлган БШСЖ тугатилмасидан анча олдинроқ, энди ташвиқот ва тарғибот, тайёргарлик ишлари бошланган бир пайтда хазина бойликлари ҳақида Москвада дав-лат қайдномаси (акт) тузилади ва у Марказий Шўро ҳукуматининг катта чиновниклари томонидан имзола-нади. 1924 йил 15 апрелда тузилган ушбу ҳужжатда Бухоро Шўро Социалистик жумҳурияти (БШСЖ)дан қабул қилиниб олинган олтин, кумуш ва ҳар хил қиммат-баҳо осори-атиқалар Госхран (Давлат омбори) томон-идан қуйидагича баҳоланган ва қабул қилиб олинган (бу ерда жами 9 та қайдномадаги акт-маълумотлар умумлаштирилган, холос). Биринчи бор эълон қилина-ётган қуйидаги қайдномалар билан танишинг:

- 1) 322-қайдномада олтин ёмбилар 5 пуду 12 фунд, жа-ми олтин ҳисобида 112.233 сўм 36 тийин.
- 2) 520-қайдномада олтин 2 пуду 12 фунд, жами 35.687 сўм 29 тийин, яна ўша 520-қайдномада олтин пар-чалари ва олтин буюмлар 4 пуду 15 фунд, жами олтин ҳисобида 46.997 сўм 16 тийин, яна 520-қайдномада мар-жон 34 фунд (суммаси аниқ эмас — муаллифлар).
- 3) 509-ва 519-қайдномаларда кумуш буюмлар 124 пуду 1 фунд, жами олтин ҳисобида 61.996 сўм 77 тийин.
- 4) 519- ва 520-қайдномаларда буюмларга қадалган қимматбаҳо тошлар, жами олтин ҳисобида 152.831 сўм 08 тийин.
- 5) 322-қайдномада рус олтин тангалари, жами 239.693 сўм 91 тийин. Бухоро олтин тангалари 54.331 сўм 72 тийин.
- 6) 327-ва 331-қайдномаларда Бухоро тангалари — 199 пуду 39 фунд (сўми кўрсатилмаган — муаллиф-лар) ва бошқалар. Юқоридагиларнинг ҳаммаси олтин пул ҳисобида 3.168.172 сўм 42 тийинни ташкил этади. (ОШ 243-иш, 29 бет).

Бухоро Шўро Социалистик жумҳурияти тугатилиши арафасида ундан Марказий Шўро Ҳукумати фойдасига олиб кетилган олтин ва бошқалар фақат шулардангина иборат эмас, бошқа ҳужжатларда ҳам бу маълумотлар қайд этилган. Шуни айтиш керакки, Бухородаги бойлик-ларни расмий равишда ҳисоблаш 1923 йил сентябрда биринчи марта амалга оширилади. Асосли ҳужжатлар-нинг гувоҳлик беришига кўра, уларнинг умумий қим-мати 8.765.877 сўмни ташкил этган, холос.

БШСЖ ўзининг биринчи кунларидан бошлаб фан, маданиятга, ёшларни ўқитиш, маорифни ривожланти-риш ва ҳатто дорилфунун ташкил этишга катта эътибор беради. 1921 йилда Абдурауф Фитрат ва бошқалар та-шаббуси билан 50 дан ортик ўқувчи Олмония пойтахти Берлинга ўқиш учун юборилади. Бухоро ҳукумати уларнинг ҳар бири учун етарли 9-10 йиллик маблағни Олмон банкига ўтказди, беш қаватлик меҳмонхона

сотиб олади. «Товар» номли ишда бунинг учун Бухоро ҳукумати амир хазинасидан қолган олтин ва бриллантлар сарфланганлиги тўғрисида маълумотлар бор.

Афсуски, Бухоро ҳукумати тугатилгач, унинг тўла мулки Москва томонидан тортиб олинади. Олмониядаги мактаб ўқувчилари ва талабалар моддий таъминотдан маҳрум бўлиб қоладилар. Талабаларнинг кўпчилиги иқтисодий қийинчилик оқибатида ўқишни ташласалар, айримлари Шўро ҳукумати томонидан атайин қақриб олинади. Бу тўғрида ўша кунларнинг бевосита шохиди бўлган, Туркистондан ўқишга борган, ҳозирда эса чет элда яшаётган таниқли олим ва жамоат арбоби Вали Қаюмхон шундай деб ёзади: «1924-25 йилларда Московнинг элчиси барчани юртга кетишини буюрди... Талабалар учун банкага қўйилган ақчаларни ва Бухоро тижорат ваколатини, барча ашё ва сармоясини, Бухоро ҳукуматининг уйларини тортиб олди», («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1992 йил, 24 апрель).

Амир Саид Олимхон Бухордан чиқиб кетишда ўзи билан бирга олиб кетган олтин ва бошқа бойликлар ҳақида ҳар хил гаплар бор. ГПУ тўплаган маълумотларда кўрсатилишича, амир Фрунзе ҳужуми олдидан хазинадан 2000 қарат бриллантлар ва олтинларни, жами 18 қоп бойликни ўзи билан бирга олиб кетган. Ва бу бойликлар йўлда чегарачилар қўлига тушган. Н. Йўлдошев ва И. Ҳайдаровлар эса, ўз мақоласида ёзишича, амир ўзи билан 100 аравада олтин ва бошқа қимматбаҳо бойликларни олган бўлиб, шундан 25 араваси Қизилтепа туманидаги Эшон кўприк ёнида Э. Ф. Кужело отряди билан бўлган жангда унинг қўлига ўтганлигини кўрсатишади. Шу билан бирга бу мақолада Қизил Армия ўзининг «Инқилобий» юришларида амирликка қарашли Нурота, Хатирчи ва Кармана бекликларида сақланаётган 1012 пуд олтин, кумуш тангалар, гавҳар ва ёқут ҳамда бошқа қимматбаҳо металлларни мусодара қилганлигини ёзадилар.

Хулоса шуки, амир ўзи билан бирга олиб кетмоқчи бўлган бойликларнинг асосий қисми, у қанча бўлишидан қатъи назар, коммунистик ғояни қурол билан сингирмоқчи бўлганлар томонидан тортиб олинди, Бухоро Шўро ҳукуматига эмас, аксинча, тоталитар тузум марказига жўнатилган. Бундан ташқари, Амир Олимхон Бухородаги давлат тўнтарилишидан олдин Урусия саноат корхоналари ва мануфактураларга ўтказган жуда катта миқдордаги маблағлар ҳам Москва ва Санкт-Петербургдаги марказий банкларида қолиб кетди. Масалан, 1917 йилда Урусияга катта қоғоз ишлаб чиқариш корхонаси ва мануфактураси акцияларини сотиб олиш учун Петроградга 33 миллион сўм ўтказган эди. Бундан ташқари амир Урис — Бухоро банки ва Урис — Бухоро акционерлик жамиятига 2,5 миллион, Бухоро темир йўли жамиятига 3,5 миллион олтин миқдоридан пул ўтказгани ҳам маълум.

Шуни айтиш жоизки, амирликнинг битмас-туганмас олтин ва бойликларининг асосий заҳирасини турли хил йўллар билан Урусия марказига ташиб кетилгани энди сир эмас. Шу ўринда бор ҳақиқатни айтиб қўйишни истардик: нима учун эски тузум тўнтарилиб янгиси ўрнатилади-ю, эскидан қолган бойликлар янги тузум қарор топган жой ва унинг эгалари фойдаси, эҳтиёжи учун эмас, балки босқинчилар томонидан ташиб кетиб сарфланганлиги ҳамон миллий қадриятларимизни қарахт қилиб келмоқда. Амирнинг хазинаси нега энди ўз Ватани — Ўзбекистон жумҳуриятига қайтарилмас экан? Бу муҳим муаммони ҳал этиш даври аллақачон етиб келган. Шунингдек, кечагина содир бўлган қатағонликлар билан боғлиқ ўзбекларнинг Гдлян, Иванов қўли

орқали ташиб кетилган бойликлари қачон ўз Ватанига қайтарилиши масаласи ҳам долзарбдир. Гапирсак гап кўп.

Яна амир мулкига қайтайлик. Фрунзе босқинидан сўнг Бухорода олтин заҳирасининг кўп қисми қолганлиги ҳақида ҳам маълумотлар анча. ГПУ ходимлари 1922 йилдан то 1928 йилгача асосан мана шуларни қидириб топиш муаммоси билан шуғулланди. Уларнинг меҳнат маҳсули — «Товар»да бу тўғрида жуда қимматли маълумотлар мавжуд. Қизиғи шундаки, катта миқдорда олтин заҳираси қолганлиги ва унинг кўп қисми Бухоро ҳукумати раҳбарлари томонидан ўғирлангани тахмин қилинади. «Товар»да бирор парча олтин топиб олинганлиги ёки бир киши жавобгарликка тортилганлиги тўғрисида аниқ ҳужжат йўқ. Лекин шунга қарамай, биз юқорида тилган олган собиқ хазинабон Хўжа Файзулла Тўқсоба Муҳаммадиев бу тўғрида характерли маълумот беради. Унинг гувоҳлик беришича, орадан, тахминан РСФСР вакиллари «АРК»ни иккинчи марта талаганидан кейин, бир ой муҳлат ўтгач уни Бухоро Шўро ҳукумати вакиллари қақриб, энди ҳақиқий хазина яширинган жойларни кўрсатишни талаб қиладилар. Унинг ўзи бошчилигида қазиш ишлари олиб борилиб, 9.600 пуд кумуш (137 тонна, 600 кг) ва тахминан 200 пуд (3 тонна, 200 кг) олтин ҳамда бошқа қимматбаҳо тошларни топиб ҳукуматга топширади. Бунинг учун улар 15 кун давомида «Арк»дан чиқарилмайди. Хизмати эвазига Тўқсоба Муҳаммадиев иккита чопон билан мукофотланади ва босмахонага ишга жойлаштирилади.

Булардан ташқари, ГПУ тўплаган ҳужжатларда турли хил йўллар билан Бухоро олтини ва бошқа жавахирлари чет элга олиб кетилгани ва амирнинг кўрсатмаси билан савдодан тушган катта маблағлар хорижий банкларда қолдирилганлиги тўғрисида маълумотлар бор. Масалан: Фарангистон банкига 190 миллион сўм ўтказилган. Кейинроқ амир бу пулни олиш учун 1923 йилдан ўз вакили Юсуф Бий Муқимбоевни Парижга юборади. Бухорога қайтмай, Англия ва Ҳиндистон орқали Афғонистонга амирнинг олдига келиб, унга содиқ ҳолда, шу ерда яшаб қолади. У инқилобдан олдиноқ амирнинг энг яқин одамларидан бўлган. Амир Афғонистонга ўтиб кетганидан кейин уни Бухоро ҳукумати ўлимга ҳукм қилади ва кейинчалик у авф этилиб, давлат тижорат ишларига таклиф этилган эди. Юсуф Бий Муқимбоев амирнинг шахсий ташқи ишлар вакили сифатида у ердаги пулни қайтаришга борганида, Фаранг ҳукумати пул Бухоро ҳукуматиники, қувилган амирга берилмайди, деган баҳонада пулни қайтармайди. (Кўрсатилган ОФ 243-иш, 217-бет).

Ҳозир ишончи маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, Амир Олимхоннинг ўз вақтида қоракўл ва гилам савдосидан тушган пулларида Пешавордаги банкка (Покистон) 2 миллион ва Лондон — Англия банкига ҳам катта миқдорда маблағ қўйган. Ҳозир улар, амирнинг яқин қариндошлари гувоҳлик беришича, ўтган муддатларда йилига 40 фоиздан ошиб борган: 60 йилдан ортиқ вақт ичида бу пуллар янада кўпайган. Сўнги ҳисобларга кўра, бу пуллар жуда катта миқдорда кўпайган. Масалан, улар ҳозир Пешовардаги пул миқдорини 180 миллион доллар, деб ҳисобламоқдалар.

(Давоми келгуси сонда)

Ҳайдарали УЗОҚОВ,  
филология фанлари номзоди.

Сотимхон ХОЛБОВ,  
тарих фанлари номзоди.



**1. Бугунги иқтисодий ҳаётда кузатаётган ҳолатларингиз!**

— Кечаётган иқтисодий бўҳроннинг оғирлиги маънавиятга тушяпти. Зиёлиларга, хусусан ижодкорларга, олимларга, санъаткорларга, боринги, қалбида имон ва инсоф, эзгулик ва фикр яшайдиган тоифаларга қийин. Чунки, улар ўз эътиқодларига хиёнат қилмайдилар. Эзгуликнинг қаттиқ нонига қаноат қиладилар. Гуруҳ-гуруҳ бўлиб келаётган истеъдодли ёшларнинг китоблари чиқмаяпти. Ҳали-бери чиқмаса ҳам керак. Китоб билан шоир орасида узоқ масофа, катта пул масофаси пайдо бўлди. Яхлит миллий ғурурни, ягона қадриятни китоблар шакллантиради-ку, ахир! Биноидай бойваччалар пайдо бўляпти. Қанийди, улар ўз даромадининг ҳеч бўлмаса бир қисмини маърифат йўлида сарфласалар? Истеъдодли шоирларнинг китобларини чиқартиришга кўмаклашсалар бу билан ҳам миллатнинг маънавиятини асраб қолишга ва юксалтиришга ҳисса қўшадилар, ҳам катта савоб олардилар. Зора, уларнинг кўнглида ҳам шундай туйғу ўсса. Бу энди шунчаки бир ҳаёл-да. Ҳозирча, юқорида айтганимдек, шоир билан китоб орасидаги масофа тобора узоқлашяпти.

**2. Оилангизда бозор-ўчарни ким қилади!**

— Шу ерда қويدани бузамиз, яъни бозор-ўчар эркининг зиммасида, деган қويدани. Кунлик керак бўлгувчи нарсаларни, давлат дўконидан, навбатимиз етганда болалар олиб келишади. Менинг унчаём уқувим йўқ харид қилишга. Бозорга борсам ҳам сотувчининг айтган нарҳида олавераман. Тортишиб, талашиб ўтиришга сабрим чида-

майди. Тўғриси, сотувчининг жовдираб туришига раҳмим келади. Шунинг учун кам бораман бозоргайм, дўконгайм.

**3. Айтишларича, сизникига келди-кетди кўп бўлар экан. Уларнинг ҳаммасига бир хил муносабат сақлай оласизми!**

— Гапингизни тушундим. Ҳозирги моддий танқислик пайтида демоқчисиз-да. Мен бир гапни кўп такрорлайман. Бир элдан иккинчи бир жойга бориб макон тутган одамнинг эшигининг бир табақаси ҳамиша элдошлари, хешу акраболари, сўраб-истаб келувчи таниш-билишлари учун очиқ бўлиши керак. Элнинг ҳурмати, тупроқнинг қадри шунда пайдо бўлади. Уйимга келган ҳар бир одам ўзи билан юртим одамларининг соғинчини, ижодкор укаларим эса ўзларининг завқларини олиб келади. Бу — кўнглимга катта қувват беради. Одам ажратмайман. Келадиган ҳар бир одамнинг кўнглини толишга интиламан. Албатта, ҳурмат билан. Топган-тутган нарсамини ўртага қўямиз. Кўнглидан гурун қиламиз.

Ҳар ҳолда кимдир сени эслаб, йўқлаб турса, яхши-да!



# «ЮРАГИМДА ГУЛЛАДИ АЗОБ»

\* \* \*

Ненидир кутасан.  
Негадир муштоқ.  
Атайлаб ғашингни келтиргандек  
жум,  
гапирмас —  
мум тишлаган эшик,  
ёндараларга олган маҳкам  
қапишиб.  
Уртада чўзилган олис масофа.  
Бориб келаверасан.  
Бориб келаверасан.  
Уй — совуқ тўрт девор,  
тўрт ёнингдан қиса бошлар  
безрайиб.  
Тоқатинг тоқ бўлиб тўлади.  
Охирги бор йўналасан эшикка.  
Ташқарига чиқмоқ —  
сўнгги илинжинг.  
Чиқасан.  
Пешонангга урилар оғир зарб  
билан  
кун узоги қайнаган ҳаво.  
Жизлон нафасидай кюзди боғлар,  
дарахтлар хансираб сукутда  
қотган.  
Уйлар кўчаларга турар  
термулиб.  
Физиллаб чопади сўнгги  
автобус,  
сўнгги поезд борҳо узоқлаб  
борар  
ва уйинг устидан учиб ўтади,  
Сўнгги рейсни олиб сўнгги оқ  
шунқор.

\* \* \*

Чинқиради телефон бирдан,  
Гўшакни кўтарасан шошиб.  
Таниш овоз эшитиб ундан,  
Баҳона тўқийсан энгашиб.  
Уксинар. Хўрсинар. Не илож.  
Кўнади. Сен берасан далда:  
«Ёзуғимга ўзингсан гултож,  
Ишон. Ёлғиз ўзингсан!» Алда.  
Гўшак хурсанд қутилганидан  
Ва жойига тушади осон.  
Сен-да шодсан, топилганидан  
Алдаш учун муносиб ёлгон.  
Гапга чечан бурро забонлар,  
Ваъдаларни тўқади дув-дув.  
Телефонда кулар ёлгонлар,  
Телефонда йиғлар учрашув.

\* \* \*

Мен ҳамиша мағлуб ёнида,  
мен ҳамиша озчилик томон.  
Шавқат гийҳлари жонимда —  
соясида соялар иймон.  
Мағлуб — ёлғиз, озчилик  
ўксир —  
тоқатидан сириқар қийноқ.  
Мурувватнинг майдони кўксим —  
хиёнатнинг найзасидан чок.  
Хотиралар қайрар тилини,  
лабларини ялайди гуноҳ.  
Мағлубнинг узанган қўлини  
босар иссиқ бағрига Аллоҳ.  
\* \* \*  
Сени йўлаб ўтди бугун ҳам,  
Шамс танини ёқди уфқда.  
Уйладингни сен-да яғонам,  
Ғарибинг ҳақда.  
Менинг қайсар ўйларим куйиб,  
Юрагимда гуллади азоб.  
Ғамларимга лабини қўйиб,  
Ҳолсизгина ёнбошлар жавзо.

## ЯССАВИЙ МАҚБАРАСИ

Хаёл урар. Секин юрасан ногоҳ.  
Тарих саҳросида ухлаётган қуш.  
Безовта бўлмасин, бўлинмасин,  
оҳ  
Яссавийнинг руҳи кўраётган  
туш.  
Яссининг бағрида сақлайди  
сукут,  
Сукут сақлайди исён.  
Қадим Туркистоннинг ғурурин  
кутиб,  
Қадим Туркистонга тилаб мағрур  
шон.  
Яссавий мақбараси — илоҳий  
қудрат,  
Саҳрони ёритган, иситган  
чўғдир.  
Дунёга қўлини силкиган нафрат  
Қадим Туркистонда кўтарган  
туғдир.

## ҲОЛАТ

Яланг дўнглик. Сукунат.  
Туради бир зот —  
Тубсиз ўйловларга ғарқ бўлган  
банда.  
Не ҳол — хаёллари тортарми  
азот,  
Не ҳол — хотирлари тинарми  
унда?!  
Ё қақшаган кўнгли оларми ором,  
Тўлган юрагини бўшатарми ё?!  
Синиққан рухига топарми  
пайғом,  
Бурда ҳисларини бутларми  
дунё?!  
Ҳажр елларидан шафқатми тилар,  
Пушаймон қабрини айларми  
тавоб?!  
Билмадим?! Не бўлса?! Бир  
пайтда келар!  
Армондир — бу сўроқ! Армон —  
бу жавоб!

## ХУЛОСА

Кўрганинг, билганинг —  
сен таниган дунё шулардир  
фақат.  
Фақат шулар юрагингга намоён —  
аксин топар,  
у ёки бу шаклда.  
Қолган барча нарсалар сенга  
бегона —  
юрагингдан ташқари яшар.  
Демакки, дунёда кўп эрур доим,  
танишдан кўра нотаниш.

\* \* \*

Дўстлар сени тушунмас,  
Ғанимларинг мутлақо.  
Далданинг кўзи ўнғмас,  
Таскиннинг тили соқов.

Из қувади мағнисот,  
Қадамнингга тиркалиб.  
Ҳаддинг сиғиб, сен мабот  
Ногоҳ қилсанг эркалик.

Ишонч — синган мис туроб,  
Меҳр — занг босган туйғу.  
Содиқ оғанг — изтироб,  
Қадрдон ининг — қайғу.

Армон — буюк тасалло,  
Муштдек жонингга тўзим.  
Сени тушунмас, асло,  
Тушунмаганлар ўзин.

# Фойдали маслаҳатлар

- Билиб қўйган яхши
- Хонадон соҳиби — сизга тегишли
- Билмаганга шипшитинг ёки ярим-ёрти ўғитлар
- Рўзғордаги икир-чикирлар
- Уй бекаси, биласизми?
- Минг бир тавсия

Янги таъмирланган хонадан бўёқ ҳидини кетказмоқчи бўлсангиз, бир пақир сув қўйсангиз бас, 3-4 соат ичида ҳид йўқолади-қолади.

\* \* \*

Узоқроқ ишлатилган сочиқ ювилганда дағаллашиб қолган бўлса, тузли сувда бир карра чайиб юборсангиз, майнлашиб қолади.

\* \* \*

Суюқ оҳакка бир оз туз ташлаиб сўнгра ишлатилса, кийим-бош деворга текканда ҳам оҳак изи чиқмайди.

\* \* \*

Уй ичини пуркагич билан оқлагандан кўра, суркагич билан оқлаган маъқул. Шундай қилинса девордаги оҳак қатлами бўлак-бўлак кўчиб тушмайди.

\* \* \*

Крахмалга бир оз туз қўшиб фойдаланилса, кийим яна ҳам ялтираб жозибали кўринади.

\* \* \*

Қийимингиз сиёҳдан доғ бўлган заҳотиёқ сутнинг ҳовури ёки қатиқ ёрдамида тозалаб ташласангиз, кимёвий усулда ювдиришга ҳожат қолмайди.

\* \* \*

Ёғнинг доғини эса бензин билан тозалаш мумкин. Бунда кийимнинг доғ бўлган қисми остига пахтадан тайёрланган газлама қўйилади, бензинли пахта билан аста-секин айланасига артилади.

Сирланган идишни бир бўлак нам латтага майда туз сепиб тозалаш мумкин. Туз йирик бўлса, идиш сиртида чизиклар қолади.

\* \* \*

Хамир ёки сут маҳсулотлари юқ бўлган идишни аввал совуқ, сўнгра иссиқ сувда ювган маъқул.

\* \* \*

Қовурилаётган балиқ уқаланиб кетмаслиги учун, пиширишдан 15 дақиқа илгари тузлаш тавсия қилинади.

\* \* \*

Сариёғни намакобга ҳўлланган салфетка билан ўраб қўйсангиз, саратонда ҳам эримайди.

\* \* \*

Мол-қўй ёғини эритишдан олдин қозонга озгина туз ташлаб юборилса, жизза унчалик куйиб кетмайди.

\* \* \*

Ёриқ тухумни тузли сувда қайнатсангиз, тухум ичидаги суюқлик оқиб кетмайди.

Музхонада сақланган тухум қайнатилаётган пайтда ёрилиб кетади. Бунинг олдини олиш учун идишга бир қошиқ туз солиб юборилади. Натижада тухум қобиғи ёрилгани билан ичидаги озиқ оқиб кетмайди.

\* \* \*

Тухум тез қайнатилса оқи қаттиқ, сариғи юмишқ бўлади. Секин қайнатилганда эса аксинча.

\* \* \*

Пишлоқ қуриб қолмасин десангиз, уни ёпиқ идишда бир бўлак оқ қанд қўшиб сақласангиз, ҳафта давомида ҳам янгилигича тураверади.

\* \* \*

Янги картошка 15-20 дақиқа намакобда сақланса осон арчилади.

Тўғралган картошкани салфетка ёки сочиқ билан нами қочирилиб қовурилса, қизариб, карсилаб пишади, мазали бўлади.

\* \* \*

Узоқроқ сақланадиган гўштни иложи борича тузламаслик керак. Тузланганда «суви» қочиб, гўшт таъмини анча йўқотади.

\* \* \*

Янги узилган сабзавотни қозонга доимо сув қайнагандан сўнгра ташлаш тавсия этилади.

\* \* \*

Тозаланаётган кўзичқорин қорайиб кетмаслиги учун сирка қўшилган совуқ намакобга ташланади.

\* \* \*

Кашнич, укроп, ялпиз, райхонни маҳкам беркитилган, қуруқ идишда сақланганда ҳаво иссиқ пайтда ҳам янги узилгандай тураверади. Бунда албатта, кўкатлар ҳам ювилмаган бўлиши лозим.

\* \* \*

Нонни шиша, чинни ёки сирли идишда усти беркитилиб сақланса дарров қотиб қолмайди. Нон ёнига бир бўлак хом картошка ёки озгина туз қўйиб қўйилса моғор босмай яна ҳам яхши сақланади.

\* \* \*


Қотган нонни 5 дақиқача ҳўл сочиққа ўраб қўйилади ва сочиқдан чиқариб 20-25 дақиқа унчалик қизимаган газ «духовка» сида ушлаб турилади. Бунда нон худди янгитдан ёпилгандан юмишқ, иссиқ ҳолатга келади.

\* \* \*

Юпқа тўғралган пиёз қозонда куйиб қорайиб кетмаслиги учун пиёз бўлакларини олдин унга белаб, кейин пишириш тавсия қилинади.

Дилнозахон РАҲИМОВА,  
уй бекаси.

# гам олиш саҳифаси



## БИЛАСИЗМИ...

### АРПА ҲАҚИДА

Ажам подшоҳлари униб чиққан арпанинг яхши аломати бор деб ҳисоблаганлар, чунки арпанинг фойдаси кўп. У егулик бошқа ҳамма донлардан тез пишди. У қирқ кун ичида омбордан омборга тушади, дейдилар.

Қаерга ташлама, у ҳамма ерда унади ва барча ўсимликлардан тезроқ кўради. Арпа дориллика ҳам, емакка ҳам яради. Донолар ва дарвешлар арпа билан кун кўрадилар. Айтишлари-ча, уни еганда қон олишга ҳожат қолмайди. Яна у қон ва сафро касалликларининг олдини олади. Ироқ табиблари уни «ажаб кутлуғ дон» дейдилар. У маълум йигирма тўрт хил — қуюқ, зотилжанб, безгак, терлама, йўтал, иситма, силла қуриши, сил, қабзият ва сувчечак касалликларини даволашда фойдалидир. У мойя халтаси, бош, кўкрак, бўғин оғриғи ва гижжага қарши дори сифатида фойдали. Арпа мойи сариқ қичимани, буғдой мойи эса қора қичимани йўқотади, агарда арпа кепагини қозонга солиб яхшилаб қайнатилса бу оёқ суяги кучсиз ва оёқда тик туролмайдиганларга жуда фойдали. Агар бирор одамнинг оёқ ва тизза қисмида чангак касали бўлса оёғини арпа сувига солиш зарур. Шунда у тузалиб кетади. Буғдой кепаги ҳам худди шундай шифобахш. Боғдодда арпани қайнатиб сувини силқитилади, сўнгра яна бир марта ёғ қолиб суви буғланиб кетгунча кунжут ёғи билан қайнатилади ва бу ёғ сариқ шишга сурилади, аёлларга эса, бачадон шиши ка-

саллигини даволашга фойдали, бунинг учун пахтани (шу) ёққа булаб ичига қўйиш керак. Айтдиларки, агар ой тутилган пайтда арпа сепиш мумкин бўлса, сепадилар, ундан қилинган нон телбаларга шифо бўлади. Агар арпа сепилаётган пайтда ой катталашиб, Зухрага қарама-қарши турса ва агар ориқ от шу арпани еса, у семиради. Йилнинг яхши ёки ёмон келиши арпага қараб аниқланади. Агар арпа тик ва қалин ўсса, бу йил серҳосил, агар қийшиқ ва яккам-дуккам ўсса, демак йил кам ҳосилли келади. Ривоят борки, Расул алайҳи-с-салом «Нонлар ичида энг яхши нон — арпа нони, ким унга қаноат қилса, у уни тўйдиради, чунки у менинг ноним, барча пайғамбарларнинг нони», — деган экан. Мункайган чоллар арпа билан фол очадилар ва яхшилик ҳамда ёмонлик ҳақида хабар берадилар. Сеҳргарлар қонун ойида сўгалларни арпа билан сеҳр қилиб йўқотадилар. Фарвардин ойида айрим аёллар қизларига атаб арпани ток сувига ҳўллаб экадилар (?). Агар бошга арпа ёпилса, соч узун бўлади.

Умар ХАЙЁМнинг  
«Наврўзнома»  
китобидан олинди.

## ХАНДАЛАР

Врач қақриқ бўйича беморнинг уйига келди. Уни кўрган «касал» хурсандлигини яширолмасдан деди:

— Дўхтир, иситма йўқолди.

— Биламан, — деди шифокор бамайлихотир, — ҳозиргина хонимингизнинг уйдан чиқиб кетаётганини кўриб, тузалиб қолганингизни сезувдим.

...

— Кўйлак сотиб олмоқчийдим, — деди харидор.

— Қайси хили сизга ёқади, балки мен кийиб юрган кўйлақдан оларсиз, — деди сотувчи.

— Йўқ, яхшиси бирорта тозароғидан беринг.

Бир ўғри иккинчисидан сўрабди:

— Бугун ресторанда овқатландингми, дейман!

— Сен қаердан биласан!

— Буни тентак ҳам билади, бўлмаса яп-янги палтони қаердан олдинг!

...

— Жонгинам, айтчи, — дебди ёш куёв келиндан. Менга теккунингча жазманинг бормиди!

Келин жим эмиш.

«Хафа қилиб қўйдим» — деб ўйлабди куёв. Бирор соатлардан кейин юрак ютиб сўрабди:

— Ҳали ҳам мендан ранжияпсанми!

— Ҳечам-да, ҳали уларнинг ҳаммасини санаб улгуролмаяпман.

## МУНДАРИЖА:

Янги ўй қурмай туриб, эскисини бузмаг МУЛОҲАЗА, МУНОЗАРА, МУҲОКАМА	2
А. ТУҚСОНОВ «Нега ўзбекдан ишчи кам!» ХОРИЖ ИҚТИСОДИЕТИ	6
Э. АКРАМОВ «Туркия Республикаси» ИҚТИСОД ВА ТАЪЛИМ	8
М. РАСУЛОВ «Бозор муносабатларининг моҳияти» ИҚТИСОД ВА ЖАМИЯТ	12
З. ЙУЛДОШЕВ, М. ҚОСИМОВ, И. ЕҚУБОВ «Макроқў- ламда меҳнат бозори»	14
Д. ЖАЛОЛОВА, Ж. ЖАЛОЛОВ «Мустақилликдан — фаровонликка» ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ	16
А. ҒАФУРОВ «Давр талаби»	18
А. РИЗОҚУЛОВ «Ким ишбилармон!» БОЗОР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ	22
Б. МАҲМУДОВ, Ш. НАЗАРОВ «Миллий ҳисобчилик»	24
Ҳ. ҲАЙДАРОВ «Фермерчилик истиқболлари» ИҚТИСОД ВА ТИББИЁТ	28
Б. УМУРЗОҚОВ, Э. РАҲИМОВ «Тиббиёт сўғуртаси за- рурми!» МУШТАРИЙ МУЛОҲАЗАСИ	30
И. АСАДОВ «Синишдан сақланиш сўғуртаси» СИЗГА ЗАРУР ҚУЛЛАНМА	32
Ҳ. СОБИРОВ «Ўзбекистон республикаси» МУҲБИРЛАРИМИЗ САФАРДАН ҚАЙТДИ	33
Б. РАҲИМОВ «Ҳамманинг кўлидан келади...» ИШБИЛАРМОН КИШИЛАР	34
А. ХОЛМАТОВ «Ўзимизнинг Абдусаттор»	36
Б. МУХТОРОВ «Нима дердингиз!» СЎЗ-ЕШ ОЛИМЛАРГА	39
А. АБДУЛЛАЕВ «Иқтисодий ахборот» ЭЛ ФАРОВОНЛИГИ ЙУЛИДА	42
Е. АКБАРОВ «...Муаммолар кўп, аммо...» ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ	43
Ф. РАҲИМОВА «Бош мақсад — халқ фаровонлиги»	44
БОЗОР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ	
Б. ҲАМДАМОВ «Молиявий назорат ва аудит» СЎЗ — ЕШ ОЛИМЛАРГА	46
Д. ТУРДИЕВ «Иқтисодий тафаккурни шакллантириш» ИҚТИСОД ВА СИЕСАТ	50
Э. АБДУЛЛАЕВ «Сабоқлар» СЎЗ — ЕШ ОЛИМЛАРГА	52
О. ИМИНОВ «Замон талаби» НУҚТАИ НАЗАР	54
Н. НОРҚУЛОВ «Ўтмишга холис назар» ИҚТИСОД ВА ТАЛАБА	56
Ш. ЭРМАМАТОВ «Тарихий сабоқлар»	58
А. ТУРДИЕВ «Бухгалтерия ҳисобидаги янгиликлар»	60
Ш. ИБРОҲИМОВ «Хоразм йўлларида» ИҚТИСОД ВА МАЪНАВИЯТ	64
Ғ. СОАТОВ «Байрамни қандай нишонлаймиз!» ИҚТИСОД ВА ЖАМИЯТ	68
Р. АБДУМАЖИДОВ «Маркснинг хатоси фожиами?!» ИҚТИСОД ВА ТАРИХ	70
Ҳ. УЗОҚОВ, С. ХОЛБОВ «Жумбоққа айланган хазина»	73
И. ОТАМУРОД «Юрагимда гуллади азоб» ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ	76
	78

## МУАЛЛИФЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Иқтисод ва ҳисобот» — «Экономика и статистика» журналлари таҳрир ҳайъатининг 1992 йил 16 июль кўни бўлиб ўтган мажлиси қарорига биноан муаллифларга тўланадиган қалам ҳақи фақат редакция буюртмаси билан ёзилган мақола, хат ва журнал ходимларининг мақолалари учунгина тўланади.

«Иқтисод ва ҳисобот» — «Экономика и статистика» ежесезичный — социально-экономический журнал Государственного комитета по прогнозированию и статистике Кабинета Министров при Президенте Республики Узбекистан (Госкомпрогнозстат)



Манзилгоҳимиз: Тошкент, 700000  
Ҳ. Сулаймонова кўчаси, 29.

Телефонлар:

Бош муҳаррир — 39-11-25, бош муҳаррир ўринбосари — 39-11-26, масъул котиб (ўзбекча нашр) — 39-12-32, масъул котиб (русча нашр) — 39-12-35, бўлимлар: иқтисодий ислоҳот ва бозор муносабатлари — (ўзбекча нашр) — 39-12-30, (русча нашр) — 39-12-34, халқ хўжалиги иқтисодиёти — (ўзбекча нашр) — 39-12-34, (русча нашр) — 39-12-31, фан, маданият ва ижтимоий масалалар (ўзбекча нашр) — 39-12-30, (русча нашр) — 39-12-31, хатлар ва омма билан алоқа бўлими — 39-12-34, бухгалтерия — 39-12-33.



Техник муҳаррир  
Чоршанби ХУДОЕРОВ



Мусаҳҳих  
Ҳусан БЕКБУТАЕВ

Босмаҳонага 22.02.93 й.да туширилди. Босишга 8.04.93 й.да рухсат этилди. Қоғоз ҳажми 84×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Офсет усулда чоп этилди. 1 — оф. қоғози. Шартли босма табоқ 8,4. Нашриёт табоқ ҳисоби 12,24. Буюртма 1667. Баҳоси: келишилган нарҳда.

Ойнома мустақил равишда 16657 нусхада нашр этилди.

Редакцияга келган бир босма табоқча бўлган мақолалар, сурат ва фотосуратлар муаллифга қайтарилмайди. Журналдан олинган мақолаларга «Иқтисод ва ҳисобот»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмаҳонаси. 700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

## КЕЛГУСИ СОНДА:

Ноҳид НИЕЗОВ:

«Бой яшаш сирлари»

Қосим ЯҲЕЕВ:

«Олмония солиқлари»

Адиба ТОШҚЎЗИЕВА:

«Ёш болага пул керакми?»

Олимбек ЖУМАНОВ:

«Фойдаланилмаётган имкониятлар»

Холиқназар АЛИШЕВ:

«Ривожланиш йўлидаги ташвишлар»

ва бошқаларнинг қизиқарли мақолалари билан танишасиз.